

Тоҷали БОЙБОБОВ

**ЗОДИЁН – ЗОҲИДОН:
ТАРИХ ВА ТАҚДИР**

1-китоб

«Akademnashr» nashriyoti

MAJBURIY NUSXA

Тошкент
«Akademnashr»
2012

УДК: 94(575.1)

КБК: 26.89(5Ў)

Б81

Ўлкашунослик

Б81

Бойбобоев, Тожали.

«Зодиён – Зоҳидон»: тарих ва тақдир. К.1 / масъул муҳаррир: Шодмон Воҳидов. – Тошкент: Akadempnashr, 2012. – 240 б.

I. Воҳидов Шодмон /масъул муҳаррир/

УДК: 94(575.1)

КБК: 26.89(5Ў)

ISBN 978-9943-389-95-3

63.5(5Ў)

Мазкур китобда Фарғона водийсининг сўлим гўшаларидан бири Зодиён-Зоҳидон, зуҳд ва тақво соҳиби бўлмиш зоҳидонликлар ҳақида, шаҳарчанинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқбол бобида муаллиф фикр-мулоҳазалари, ўйлари келтирилган.

Китобнинг кўпгина бўлимларида ўлкашуносликдан ташқари манбашунослик, тилшунослик, шевашунослик, адабиёт, тарих ва бошқа турли соҳалар бўйича чуқур изланиш ва қайдлар мавжуд. Муаллиф кўпгина фикр-мулоҳазаларни аниқлаш ва мукамаллаштириш учун ҳар томонлама тадқиқот олиб борган.

Асар ўлкашунослар, олимлар, тарихчи ва адабиётчилар, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Шодмон Воҳидов, тарих фанлари доктори, профессор

*HO 40808/1
291*

Тақризчилар:

Р.Э.Халиқова, тарих фанлари доктори, профессор,
Б.Н.Эшов, тарих фанлари доктори, профессор

2013/19
A-1512
nomidagi
O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-389-95-3

© Тожали Бойбобоев
«Зодиён – Зоҳидон: тарих ва тақдир».
© «Akadempnashr», 2012.

*Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кишилик бахтига ўзликни жамлаб,
Шу улус бинога бир гишт қўйсақ бас.*

Фафур Фулом

МУҚАДДАС БИТИКЛАР

Ўзбек халқи тарихи минг-минг йилларни қамраб олади. Буюк аждодларимиз асрлар давомида ўз тили, илму фан ва маданияти, дини ва урф-одатлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Олимлар, машҳур саркардалар, донишманд ва оддий фуқароларгача Ватанга бўлган чексиз садоқати туфайли тили, дини, миллий урф-одатлари, маданиятини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга мерос қолдириб кетдилар.

Шундай юртнинг фарзанди ўзининг кимлигини, аждодлари тарихини унутиши катта гуноҳ. Зеро, ҳурматли юртбошимиз И.А.Каримов: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка чақиради», – деб бежиз айтмаганлар.

Ҳурматли китобхон! Қўлингиздаги мўъжазгина рисола жонажон Ўзбекистоннинг юзлаб қишлоқларидан бири Зоҳидон ва унда яшаб ўтган мард, жасур аждодларимиз кечмиши ҳамда уларнинг бугунги кундаги авлодининг ҳаёти ҳақида содда ва равои услубда ҳикоя қилади. Ўтмишда Зодиён, Минг уйли Зодиён, Зоҳидон номлари билан юритилган қишлоғимиз бугунги кунда шаҳарча – Зоҳидон шаҳарчаси деб аталади. Бундай қараганда, шу кичик қишлоқнинг тарихи ҳеч нимага арзимасдек туюлади. Лекин чуқурроқ разм соларканмиз, шу кичик маскан ва унда яшаб ўтган аждодларимиз мисолида тарихнинг минг йиллик солномасини ўқигандай бўламиз. Қўқон хонлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда муҳим ўрин тутган сиёсий арбоб ва шоир Абдулқосим Вазир (шоир шеърларига ҳам Вазир деган тахаллус қўйган), ҳарбий саркарда, XIX аср ўрталарида Тошкент ҳокими бўлган Нормухаммад қўшбеги, фикҳ илми билимдони, ихтирочи Мавлавий Чўбин сингари машҳур кишиларни етиштирган Зоҳидон ҳақида ўйлар экансан, беихтиёр қалбингни фахр-

ифтихор туйғуси чулғайди. Яқин ўтмишда ўз тарихини эртақдай тинглаб, рус тарихини булбулдай сайраган ўзбек истиқлол туфайли ўзини, ўзлигини танимоқда. Хайриятки, истиқлол чин маънода эркинлик бериб, бизни зулм исканжасидан озод қилди.

Бугунги кунда Зоҳидон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди 488 гектарни ташкил қилиб, унда 20 мингга яқин аҳоли яшайди. Зоҳидонда ўзбек, тожик ва қирғизлар ёнма-ён ҳаёт кечиради. Фуқаролар йиғинида 4350 оила бўлиб, улардан 650 таси 30 ёшгача бўлган, яъни ёш оилалардир. Кўпчилик аҳоли яқка тартибда деҳқончилик, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа фаолият тури билан машғул. Шаҳарчада қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётганлар ҳам кўп.

Шаҳарчада иккита мактабгача таълим муассасаси, иккита мактаб ва битта коллеж фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарнинг ободончилиги ва ривожланишида Риштон тумани ҳокими Ғайратали Турғунович Мамадалиевнинг ҳиссаси ҳам каттадир.

Зоҳидон тарихи, ота-боболаримиз ҳаёти биз учун муқаддас битик. Биз уларнинг тарихини ўрганиб ўзимиз учун сабоқ, дастур деб қабул қилсак, оталаримиз руҳи шод бўлади. Умидимиз шуки, аждодларимизнинг маънавияти келажак авлод йўлини ҳам машаалдай ёритиб турсин.

*Эркинжон Абдуллаев,
Зоҳидон шаҳарчаси раиси*

МУАЛЛИФДАН

Сабаб ва ҳодиса – ҳикмат (фалсафий тушунча). Ҳодиса сабаб, асоссиз бўлмас. Сабаб – ҳодисанинг юзага келишига бўлган хоҳиш. Хоҳиш – илоҳий туйғу. Унинг шаклланиши эса Ўзи келтириб чиқарган сабаб иладир. Биз оддий кўз билан кўраётган нарсаси-жисм ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. У Яратувчи Буюк Зот инъоми, инсон ақл-заковати самарасидир ёки табиатдаги бошқа бир ҳодиса туфайли вужудга келган.

Сиз ўқишга тутинган ушбу китоб ҳам худди шундай яратилган. Бундан уч йил бурун ҳамқишлоғим устоз муаллим Хизирали Мамадалиев мендан: «Абдулқосим вазирни биласизми?» – деб сўраб қолдилар. Мен унга қачонлардир эшитганим, аммо ўқимаганимни айтдим. У киши: «Вазир ўзимизнинг қишлоқ – Зоҳидондан экан», – дедилар ва у ҳақдаги маълумот маърифатпарвар олим Пўлатжон домла Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий» китобида берилганини таъкидлади. Ўша куниеқ кутубхонадан мазкур китобни олиб, унинг 238-саҳифасидаги «Вазир» сарлавҳали мўъжазгина маълумотни ўқиб чиқдим. У менда кучли таассурот қолдирди. Ўша сониядан бошлаб Вазир ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш истаги кучайди. Вазирнинг отаси ким, унинг авлоди қишлоқда қолганмикан деган саволлар хаёлимни чулғаб олди.

2010 йили Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги музейларга қатнаб, у ердан айрим маълумотларни билиб олдим. Шу йили Зоҳидоннинг Кал маҳалласида Вазирнинг авлодлари яшаётганини эшитдим. 2011 йили Андижон маҳалласида ҳам Вазирнинг яқинлари борлиги маълум бўлди.

Қўқон адабиёт музейида сақланаётган Вазир шеърларидан нусхалар кўчириб олдим. Вилоят ва туман газеталарида шоир ҳақида мақолалар эълон қилдик (Толиб Носир, Хизирали Зоҳидоний билан ҳамкорликда). Вазир тўғрисида маълумотлар тўплаш давомида Мулла Ёқуббий, Нормуҳаммад қўшбеги, Мавлавий Чўбин сингари машҳур зотлар ҳам Зоҳидонда яшаб ўтгани тўғрисидаги хужжатларга дуч келдик. Натижада нафақат Вазир, балки олис ва яқин замонда шу кичик Ватан буюк кишилар учун олтин бешик бўлганини янги авлодга ҳикоя қилиб бериш нияти туғилди. Шу тариқа ўтмишда Зоҳидон, Зодиён деб аталган қишлоқнинг Истиқлол шаҳарчасига айлангунча ўтган тарихий

кечмиши, унинг машҳур ва оддий кишилари ҳақида баҳоли қудрат ҳикоя қилдик.

Ушбу китобни ёзишга руҳлантирган тарих фанлари доктори, профессор Шодмонжон Воҳидовдан миннатдорман.

2011 йил май ойида Тошкентга қилган илк сафарим чоғида мени биринчи марта кўриб туришига қарамай, эски қадрдонлардек кучоқ очиб кутиб олдилар ва менга форс-тожик тилидан ўзлари ўзбек тилига ўтирган Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих», машҳур сиёсатчи ва донишманд вазир Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Мирзаолим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарларини совға қилиб, мазкур китобни ёзиш учун оқ йўл тиладилар ва навбатдаги учрашувимизда Худоёрзоданинг «Анжум ат-таворих» китобини ҳадя қилдиларки, бу китоблар менга Қўқон хонлиги даврида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётда маълум даражада ўздан из қолдириб кетган зоҳидонлик тарихий шахслар ҳақида катта маълумотлар берди.

Шунингдек, Вазир ҳақидаги кўпгина маълумотларни араб ёзувидан кириллчага ўтириб ёзиб берган филология фанлари номзоди Абдуллатиф Турдалиевга, Қўқон ўлкашунослик музейи катта илмий ходими Яхёхон Дадабоевга, айниқса, Фафур Фулом номидаги Фарғона вилоят музейи фонд бўлими мудири Ҳасанжон Отажоновга, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи директори Баҳодиржон Ҳошимовга, барча ҳамқишлоқларимга, академик Азиз Қаюмовга, устоз муаллимим Хизирали Зоҳидонийга, айниқса, таниқли зиёли Толибжон Носировга, Зоҳидон қишлоғи тарихи ёзилишига ҳам маънавий, ҳам моддий кўмагини аямаган Зоҳидон шаҳарчаси раиси Эркинжон Абдуллаевга, шу китобнинг дунё юзини кўришига яқиндан ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаган, барча шароитларни яратиб берган қизларим Гулбаҳор, Мақсуда, Машҳура, Гулнора ва уларнинг оналари Ибодатхонга, китоб нашрига моддий мададини аямаган ўғилларим Илҳомжон, Ҳабибуллоҳхон ва Асадуллоҳхонларга чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

ЎЗБЕКИСТОН – МУҚАДДАС ВАТАН

*Ота-боболаримиз хоки ётган ер
фарзандларимизни шу заминга садоқат
руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида шу
муборақ заминнинг ҳар бир қаричига меҳ-
ру муҳаббат уйғотиши бугунги куннинг энг
устувор вазифаларидан бирига айланаёт-
гани ҳаммамизни қувонтиради.*

И.А.Каримов

Гўзал Ўзбекистонимизнинг сўлим Фарғонаси иқлимида «Фирдавс боғидан нишон» (Муқимий) Рошидон тумани ҳудудидаги қадимда Зоҳидон, Минг уйли Зодиён деб аталган қишлоқ бугунги кунда Истиқлол шаҳарчасидир. Бу масканда турли касб вакиллари яшайди. Уларнинг бири давлат арбоби, бири аскар – юрт қўриқчиси, бири аллома – ҳуқуқшунослик илмида ягона, бири муҳандис – улкан қасрлар бунёд этади, бири тиб илми билимдони – минг бир дардни даволайди, бири деҳқон – она заминда халқ учун турли неъматлар етиштиради, бири боғбон – бу ёруғ дунёнинг жаннатий меваларини юртига армуғон этади, бири уламо – элни гуноҳ ишлардан қайтариб, савоб ишларга рағбат уйғотади, бири шоира – элнинг ойдин туйғуларини шеър-га солади, бири ҳофиз – халқнинг нозик туйғуларини жўшиб куйлайди. Хуллас, ҳар ким ўз касб-кори билан машғул. Яратганга шукроналар айтиб ҳаётдан мамнун яшаётган ҳамқишлоқларинг ҳақида ўйлар экансан, гоҳо арғумоқдай учқур хаёлинг сени олис-олисларга, шу мўъжаз Ватаннинг узоқ ўтмиши томон суриб кетади.

МОЗИЙ ЁҒДУЛАРИ

Биз янги даврга – XXI асрга қадам қўйганимизга ўн йилдан зиёд вақт бўлди. Тарихда ўзбеклар, ўзбек улуси дея номланиб келган халқимиз ўзининг орзу-тилаклари ушалган мустақиллигимизнинг 21 йиллигини нишонлади. Шундай дориламон дамларда ўтмишга бир назар ташлаб аждоқларимизнинг қутлуғ руҳларини шод қилмоқ ниятида қўлимизга хома олар эканмиз, олис-

олислардан таралган мозий ёддулари тарихимиз саҳифаларини ёритгандай бўлди.

Маълумки, 1939 йил август ойида умумхалқ ҳашари – Катта Фарғона канали қурилиши бўлди. Бу қурилишда тарихчи олимлар ҳам иштирок этдилар. Канал трассасининг 26-участкаси Зоҳидон қишлоғида бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси археология экспедицияси 2-отрядида академик М.Е.Массон ҳамда 2-участка бошлиғи археолог В.Д.Жуков ва топилмалар назоратчиси археолог Олимжон Абдувоҳидов иштирок этди. Археолог Яхё Фуломов кейинчалик уларнинг илмий кузатишларини умумлаштириб Зоҳидонда топилган далил-ашёлар ва уларнинг тарихий аҳамияти ҳақида илмий маъруза тайёрлаган.

Яхё Фуломовнинг «...Катта Фарғона канали қурилишидаги археологик экспедициянинг 3-отряди ишлари тўғрисидаги ҳисоботи»дан қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: «Учинчи отряд ўз кузатишларини Куйбишев (ҳозирги Риштон) туманининг Зодиён қишлоғи ҳудудидаги қурилиш участка бўлимидан бошлади. Катта Фарғона каналининг бу ердаги трассаси Зодиённинг барча чуқурликдаги маданий қатламларини очиб берди. Бу жойларнинг паст ва текис бўлиши, ер усти ва ер ости сувларининг ҳаракатланиши илгаридан мослашган таркибига кучли таъсир кўрсатган айрим ҳудудларнинг қўшилиб кетишида қум линзаларининг барпо бўлиши, тупроқларнинг ботқоқланиши, қум зарраларини элтувчи тоғ шалолари ҳал қилувчи роль ўйнаган».

Характерли томони шундаки, ҳисоботда ўша давр маиший турмуши ҳақида аниқ тушунча берувчи чоғроқ дон ситиш қуроли, майда сопол буюми парчалари аниқлангани айтилади. Бу ноёб топилмаларнинг кўпчилиги Кушон подшолиги даврига оид экан. Айрим сирли ва сирланмаган сопол идишларни ҳисобга олмаганда топилмаларнинг аксарияти Фарғона тарихининг Довон даври (милоднинг илк асрлари)га хослиги ҳисоботда қайд этилган. Шу экспедиция аъзоси археолог В.Д.Жуков ҳам милод бошларига мансуб бой археологик ашёвий далиллар топилганини ёзган.

Илмий экспедиция томонидан ҳозирги Зоҳидоннинг қадимий ўтмиши ва ўша даврда ишлаб чиқарилган ашёлар ҳақидаги хулосалардан маълум бўладики, бундан икки минг йил илгари ҳам бу ерда кишилар истиқомат қилган. Улардан қолган кулолчилик буюмлари шунини кўрсатадики, қадимги Зоҳидон аҳолиси касб-ҳунар билан ҳам астойдил шуғулланган. Тарихчи олим Яхё Фуломов X – XIII асрлар

ҳақида ёзар экан, оловда пиширилган гил билан қирқилган хом гилдан тайёрланган ашё тасвири, болтга ўхшаш нарсанинг штампи нусхаси, 22x23x3,5 см ва 25x26x6 см ли пишган ғиштлар, сопол қувурларни ўша даврга хос ашёлар деб таърифлайди. Демак, ҳозирги Зоҳидон ўрнидаги аҳоли аждоқлари қадимдан ўтроқ ҳаёт кечирган.

Тарих фанлари доктори А.Абдулҳамидов «Орошение в предгорьях Узбекистана» китобида: «Қора тупроқ зонасига Зодиён, Бўжай, Бешкапа, Ғарибмасжид қишлоқлари киради. Қора тупроқнинг асли балчиқдир», – деб ёзади. Бу Зодиён ва унинг қуйи қисми бир вақтлар қамишзор бўлганидан далолат беради.

Олим Яҳё Ғуломов ҳам ўз ҳисоботида бунни таъкидлаб ўтган. Мевали дарахтлар, донли экинлардан шу пайтгача юқори ҳосил олинаётганининг сабаби ҳам шундадир.

СУРОНЛИ АСРЛАР САДОСИ

XI асрдан жуда катта ҳудуд – Киев Руси ва Қора денгиз соҳилларидан то Иртиш ва Балхаш кўлигача, Волга дарёсининг сўл соҳиллари, Сирдарёнинг шимолий оралиғидан то Олтой ўлкасигача бўлган ерларда туркий халқлар яшагани маълум. XIII асрда Ўрта Осиёга бостириб келган мўғуллар кўшинининг асосини турк-мўғул қабилалари ташкил этган. Чингизхон, Амир Темур ҳамда уларнинг авлодлари ҳукмронлиги даврида туркий улусларнинг бирлашиши тезлашган. Айниқса, Абулхайрхон (XV аср) авлодлари шайбонийлар (XVI) даврида илгари кўчманчи бўлган ўзбекларнинг ўтроқлашуви ва маҳаллий халққа ўз таъсирини ўтказиши кучайган. XVII аср охирига келиб Бухоро хонлигининг заифлашуви билан, Фарғона ўлкасида алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқиш учун ҳаракат бошланган. Бу сиёсий кураш тепасида Чодак қишлоғидаги хўжалар турган.

1709 йили ҳокимият хўжалардан ўзини Бобур авлоди деб билган ўзбекларнинг минг уруғи вакиллари қўлига ўтади. Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов ўзи форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўтирган Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» китобида (Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.19) минг сулоласи ҳақида қуйидагича изоҳ беради: «Минглар сулоласи – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири, ҳозирги Самарқанд вилояти, қисман Фарғона

ҳамда Бухоро воҳасида, тарқоқ ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод, Денов туманларида, Хоразмда ва Тоҷикистоннинг Ҳисор туманида яшаганлар. Зарафшон водийсида яшовчи минглар учта йирик уруққа, бу уруғлар, ўз навбатида, яна бир қанча уруғларга бўлинган:

- 1) тугали (ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшиқ ва бошқалар);
- 2) боғлон (чибли, қора, мирза ва бошқалар);
- 3) увоқ тамғали (алғол, чаут, жайли, урамас, тўқнамоз, кию-хўжа, ярат) уруғлари».

Минглар бошқирдлар таркибига ҳам кирган. Қўқон хонлари минглардан бўлган. Бухоро воҳасида яшаган минглар ҳам Бухоро хонлиги сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Хонликдаги муҳим мансабларни мингларнинг бекалари эгаллаб келган. Ўратепа ва Ургут бекалари ҳам минглардан бўлган.

Қўқон хонлигига 1709 йили асос солинди. Унинг биринчи ҳукмдори минглар сулоласи бошлиғи Шоҳрухбий (1709 – 1715) бўлди. Сўнгра навбат билан унинг ўғли Абдурахимбий (1716 – 1732), Абдурахимбийнинг укаси Абдулкаримхон (1733 – 1751), Абдулкаримхон ўғли Абдурахмон (у 9 ой хонлик қилди), Абдурахимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий (1751 – 1762), Шодибий ўғли Сулаймонхон (6 ой) Қўқон хонлиги тахтига ўтирди. Узоқ вақт хонлик қилган ҳукмдор Абдурахимхоннинг ўғли Абдулҳамид Норбўтабий бўлди. У ўттиз йил хонликни бошқариб, унинг ҳудудини кенгайтирибгина қолмасдан, хўжалик ва маданий-иқтисодий ҳаётни ривожлантирди. Чуст, Тўрақўрғон, Андижон, Марғилон, Хўжанд Норбўтахоннинг ҳукмдорлик даврида Қўқон хонлигининг асосий таянч нуқталари бўлган. Олимхон (1799 – 1810) даврида Ўратепа, Тошкент, Чимкент забт этилди. Олимхоннинг укаси Умархон (1810 – 1822) эса Қўқон хонлигининг чегарасини ғарбда Самарқандгача, шимолда Туркистон ва Дашти Қипчоқгача, жанубда Кўҳистон ҳамда Кўлоб, Ҳисор ва Шаҳрисабзгача, шарқда эса Шарқий Туркистонгача етказди. Унинг вориси Муҳаммадалихон (1822 – 1842) даврида Қўқон хонлигини Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарбоз, Масчоҳ ҳам тан олди. Қирғизларга қарашли ерлар ҳам Қўқон хонлиги тасарруфига ўтди. Шералихон, Худоёрхон, Маллахонлар даврида мамлакат ичида тожу тахт учун кураш кучайди. Бунинг оқибатида Қўқон хонлиги руслар томонидан забт этилиб, ҳудуди Россия империяси таркибига кирди.

Қўқон хонлигининг аҳлиси этник жиҳатдан хилма-хил

бўлиб, унинг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этган. Сирдарёнинг бошланиш ерларидан Балхаш кўлигача қирғизлар, қипчоқлар, шаҳарларда тарқоқ ҳолда яҳудийлар, лўлилар, ҳиндлар, афғонлар истиқомат қилган. Хонликда ўзбеклардан сўнг кўпчиликни ташкил этган тожиклар Фарғона водийси шаҳарлари ва тоғли туманларидан ташқари Иқонда, Тошкент ва унинг Паркент, Пскент, Чиноз каби туманларида яшаган.

X аср араб муаррихи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий «Худуд ал-олам» асарида (983) Хувақанд, Риштон ва Зендарма шаҳарларининг аҳолиси зич жойлашган, экин экиладиган ерлар кўп бўлган деб ёзади.

1998 – 1999 йиллардан то шу кунгача Риштон шаҳрининг барпо бўлган йилини аниқлаш мақсадида олиб борилган қидирув ишлари ҳақида археолог олим Г.П.Иванов шундай ёзади: «Соҳиб-и Ҳидоя» қабристонини ҳудудидан топилган мис (бронза) хум Риштонда жуда қадимий маданий обидалар мавжудлигини кўрсатади... Эҳтимол, дастлабки шаҳар ариқ-завур/заҳбур сувлари оққан томонларда бўлгандир. Кишилар тоза сув ичиш, ундан фойдаланиш мақсадида юқорида – жанубга қараб силжиб уйлар қурган. IX асрда ҳозирги Чиннигарон маҳалласи ҳудудигача жилишган бўлиши мумкин. Шунинг учун кейинги вазифамиз «Соҳиб Ҳидоя» қабристонидан то Катта Фарғона канали ҳудудига қараб текширув ишини олиб боришдан иборат».

Олимнинг тахмини тўғри бўлиши мумкин, чунки Зоҳидоннинг жанубий ҳудудида Тожик маҳалла номи билан аталган маҳалла (1950 – 1960 йилларгача) бўлган. Бу маҳаллада биронта (келин бўлиб тушган аёллардан ташқари) тожик миллатига мансуб киши йўқ эди. Маҳалланинг ғарбий томони Ўзбек маҳалла деб номланган. Тожик маҳалла ҳам XX асрнинг 70-йилларидан Ўзбек маҳалла деб юритила бошланди. Бизнингча, қадимий Риштон ҳудуди Зоҳидон қишлоғининг шу маҳаллалари ўрнидан бошланган бўлса, ажаб эмас. Зоҳидон қишлоғи ҳудудидан ўтган Катта Фарғона канали қурилиши пайтида топилган хум ҳам Риштон кулолчиларининг иши бўлиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Зоҳидон қишлоғи узоқ вақт Риштоннинг бир қисми саналган. Ҳумладан, тарихчи олим Ҳақимхон тўра «Мунтахаб ат-таворих» китобида (362-бет) Амир Умархон рақибини чалғитиш учун (1816 – 1817 йилларда) қилган ҳарбий ҳийлани тасвирлаб ёзади: «Амир Умархон Хўқанддан қўзғалиб, Марғи-

нон томон юрганча ул худуднинг энг яхши қишлоғи ҳисобланмиш ва ўша пайтда фақирга тааллуқли бўлмиш Рошидон мавзесига бориб тушди». Демак, 1816 – 1817 йиллар атрофида Рошидон ва унинг атрофидаги қишлоқлар ҳам Қўқон хонининг жияни Саййид Ҳакимхон тўранинг мулки ҳисобланган.

Муаллифи ҳозирча номаълум форс-тожик тилида ёзилган «Афзал ут-таворих» китобида шундай сатрларни ўқиймиз: «Амир Тангриёр Султон Олтин Бешикхон васиятига кўра, Хўқанд шахрининг шарқ томонида «Соҳиби Ҳидоя» хўжа Бурҳониддин Рошидоний (Марғионий) ҳазратлари ватанининг шимолий томонида муҳандислар ва ишбилармон кишиларни даъват этиб, катта ариқ қаздиришга киришди». Бу маълумотдан ҳам тарихнавислар наздида Рошидон ва Зоҳидон бир бутун кент, қишлоқ деб қаралгани маълум бўлади. Аммо Зоҳидонда туғилиб, Қўқон хонлари Норбўтабий (1769 – 1799), Амир Умархон (1787 – 1822) даврларида Абдулқосим оталиқ Вазир (Қосим оталиқ, Қосим девонбеги), Шералихон (1842 – 1844) ва Худоёрхон (1845 – 1875) даврларида хизмат қилган Нормуҳаммад қипчоқ қўшбеги номларига қўшиб ёзилган зодиёнлик изоҳловчи сўзи орқали XVIII – XIX асрларда Зоҳидон қишлоғи мавжуд бўлгани ҳамда бу ердан машхур шахслар етишиб чиққанини билиб оламиз.

Қўқон хонлиги тарихнавислигида қишлоқ номи Зоҳидон деб номланган. Бу атаманинг туб ўзак қисми арабча сўз бўлиб, «зуҳд ва тақволи, художўй, қаландар, таркидунё қилган киши» маъноларини билдиради. Қолаверса, «**-он**» шакл ясовчи қўшимча форсча-тожикча бўлиб, кўплик «**-лар**» маъносини англатади. Яъни «тақводор», «художўй кишилар» маъносида.

Қадимшунос олимларнинг таъкидлашига кўра, қадим тарихга эга Рошидон ва унинг шимолий мавзеи бўлган Зоҳидон, асрлар ўтиши билан, бир-биридан ажралиб, узоқлашиб, мустақил кент ва қишлоқ сифатида шаклланган бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони, кўчманчи қабилаларнинг ўрнашиб қолиши сабабли, орғиб борган (жумладан, XIX асрда Зоҳидон Минг уйли Зодиён деб аталган).

Қабилаларнинг узоқ юртлардан кўчиб келиб ўрнашиб қолишига бир қанча сабаблар бўлган:

1. Зоҳидон қишлоғининг табиий шаронти ўнғайлиги (қора тупроқли, унумдор ер бўлганлиги).
2. Зоҳидоннинг сувга сероблиги.
3. Қишлоқнинг ҳарбий-сиёсий можаролардан узоқ бўлгани.

ЗОҲИДОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН

Тарих фанлари доктори А.Абдулҳамидовнинг ёзишича, Сариқўрғон қишлоғидан оқиб ўтувчи Сўх дарёсидан қадимда Ришгонсойга сув олиниб, у Пандигон, Зоҳидон, Воҳим, Хуррамобод, Дутир, Тўда, Оқер қишлоғи ариқларига лабигардонлар ёрдамида ўлчаб бўлинган. Ариқларнинг сув сифимини ҳисобга олиб 50 л/с дан 400 л/с гача сув оқизилган (Абдулҳамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990. – С.37). Олимнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор А.Канойкин 1946 йили Сариқўрғон гидроузелини таъмирлаш пайтида лабигардонларнинг эски қолдиқларини топган. Маълум бўладики, лабигардонлардан фойдаланишни аجدодларимиз қадимдан билишган экан. Ҳар бир ариқдаги сув ҳажми лабигардон орқали ўзгартириб турилган, яъни 50 л/с дан 400 л/с гача (Абдулҳамидов А. Кўрсатилган асар. – С.38). Зоҳидон ариғида сув 600 л/с дан кам бўлмаган. Пандигон қишлоғи охирида Зоҳидонга яқин маҳаллада сув 3 га тақсимланган: 1) Бўстон ва Шакарқишлоқ ариғи; 2) Бўтқа ариғи; 3) Зоҳидон ариғи (айтишларича, Худоёрхоннинг мирзаларидан бўлган Алиқул мирза хон рухсати билан Зоҳидон ариғини қишлоқнинг Бешот мавзесигача қаздириб олиб келган экан).

Кейинчалик Зоҳидон ариғи бўлинган жойга кўчиб чиққан кишилар маҳалласи Учариқ деб номланган. Бўстонқишлоққа бўлинган сув Бўстон ва Чимбой ери орқали Шакарқишлоққа оққан. Зоҳидонда суғориш ишлари жуда қадимдан давом этиб келган. 1939 йили қишлоқдан ўтган Катта Фарғона каналини қазिश вақтида 3 метр чуқурликда топилган сопол қувурлар зоҳидонликларнинг суғориш маданияти нечоғлик қадимийлигини кўрсатади. Афсуски, Зоҳидон ариғи ва у билан боғлиқ саналар, унинг кимлар томонидан барпо этилгани ҳақида ҳануз хабарсиз қолмоқдамиз. Амиробод ариғи ўзи мустақил ариқ бўлиб, у ҳақида айрим ривоятлар асосида ёзилган қайдлар мавжуд. Бўтқа ариғи Кўтарма маҳалласи ичидан оқиб ўтган. Зоҳидон ариғининг охири Тожиқ маҳаллагача борган. Шу ерда Эшон бува тегирмонини юрғизиб, сўнг Бештом мавзеси томон йўналган. Кейинчалик вужудга келган Амиробод қишлоғи ва унинг ариғи тўғрисида А.Абдулҳамидов шундай ёзади: «XIX аср ўрталарида қадимдан мавжуд бўлган Ришгонсой канали йирик магистралга айланди. Ришгоннинг қуйи мавзеида экин майдонларининг кенгайиши билан, канални кенгайтириш зару-

рати туғилди. Жаҳонобод, Хуррамобод, Амиробод қишлоқларининг суғориш майдонларига янгидан сув бериш учун Риштонсойнинг сув ўтказиш қуввати кучайтирилди (Абдулхамидов А. Кўрсатилган асар. – С.37).

Зоҳидон ариғи Ўзбек маҳалла ва Тожиқ маҳалладан анча юқорида оқиб келган. Шунинг учун бу ариқнинг шимолий қирғоғи бўйлаб кейинчалик Капа, Қўрғонча, Юқори маҳаллалари вужудга келган.

Риштон туманидаги ерлар оқ тупроқ ва қора тупроқлигига қараб баҳоланган. Оқ тупроқли ер юқори ҳосилдор саналиб, унинг нархи қиммат бўлган. Масалан, Оқер қишлоғининг суғориладиган ерлари, асосан, оқ тупроқдир. У ерларда 1 таноб ер 130 дан 200 сўмгача сотилган. Оқер қишлоғининг номи оқ тупроқ сўзидан олинган, яъни юқори ҳосилли ер маъносини билдиради (Абдулхамидов А. Кўрсатилган асар. – С.51). Қора тупроқ зонасига Зодиён, Жалаер, Бужай, Бешкапа, Фарибмасжид ва бошқа қишлоқ ерлари киради. Қора чириндили тупроқнинг асли балчиқдир. Зодиён ва унинг қуйи қисми бир вақтлар балчиқзор, қамишзор бўлганидан далолат беради (1939 йили Катта Фарғона трассасининг Зодиён участкасида илмий тадқиқот ишлари олиб борган археология экспедицияси раҳбари Я.Г.Фулломов ҳам бу ер тупроғи ботқоқ бўлганини қайд этган). Оқ тупроқли ер қора тупроқли ерга нисбатан кўп ишлов беришни талаб этади. Оқ тупроқли суғориладиган ерларга полиз экинлари, кўп йиллик мевали дарахтлар, узумнинг барча турларидан экиб юқори ҳосил олиш мумкин. Қора тупроқли Зоҳидоннинг ерларида азалдан буғдой, арпа, оқ жўхори, макка-жўхори мўл ҳосил берган. А.Ф.Миддендорфнинг «Очерки Ферганской долины» (СПб., 1882) китобида ёзилишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида кузги ва баҳори буғдой экиш авж олган. Зоҳидонда ҳам бундай экин қадимдан экиб келинган. Бу ерлар пахта, донли экинлар ва полиз экинлари, боғдорчилик, узумчилик соҳаларини ривожлантиришга кенг имкон берган. Шунинг учун юқорида айтилган экинлар ва мевали дарахтлар қишлоқ аҳлининг доимий касб-корига айланган.

ЗОҲИДОНДА БОҒДОРЧИЛИК

Зоҳидоннинг Тўққизот мавзеида Отабой бобонинг, Бешот мавзеида Долим бобонинг боғлари жуда машҳур бўлган. Бу

боғларда етиштирилган ўрикнинг қандак турларидан оқ қандак, pista қандак, исфара, субҳони, хашаки каби турлари, оқ олма, қизил олма, аччиқ олма, нок, бужур нок, бодомнинг барча турлари, чилги шафтоли, анжир шафтоли, отёғи, ёпшоқнинг барча турлари, анжирнинг сариқ, носқовоқ анжир, қора, қирмизи каби турлари эл оғзига тушганди. Қишлоқдаги ҳовлилар ичида, ташида, кўча-кўйда, боғларнинг четларида марвартак тут, қўқон тут бўлмаган жой йўқ эди. Бундан ташқари, пошшойи, шохтут, қора тут, балх каби тутлар ҳам сероб бўлган. Чағир тут мевасидан чағир (вино) ҳам тайёрлашган. Бу тутлар табобатда дори-дармон сифатида ҳам ишлатилган. Сизза маҳалласининг олма дарахти, Шакарқишлоқ, Бўтқанинг эса жийдаси машҳур эди. Жийданинг нонжийда тури пўсти юпқа бўлиб, этли, данаги ингичка тўрлама (ёки қандак, жийда), тотли, пўсти этига ёпишган, данаги ўрта чўзиқ, чилон жийданинг меваси майда, мазаси ўртача ширин, данаги ингичка, кўпинча табобатда ишлатилган, чилон жийда кўпроқ ёввойи ҳолда чўлларда ўсган.

Сизза маҳалласида Юнус эллик (чаққон қассоб бўлган), Ниёз буванинг боғларидаги олмалар жуда машҳур бўлиб, бу олмаларнинг ватани Наманган экан. Қишлоқда кимнинг бир парча томорқа ери бўлса, ҳовлисининг саҳнида узум валиши бўлган. Узумнинг чилги, оқ чилги, қора чилги турлари, думалоқ, дили кабутар, оқ кишмиш, қора кишмиш сингари навлари сероб экан.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Зоҳидонда боғдорчиликка эътибор кучайди. Кишиларнинг томорқа боғларидан ташқари колхоз ерларида, жумладан, Чўлигулистон ва Риштоннинг ғарбий мавзеидаги дашт ерлар ўзлаштирилиб, 250 гектар ерда боғ ташкил этилди.

Зоҳидонлик Тўланбой Жўраев даштдаги боғларга раҳбарлик қилган (1933 – 2008).

ЗОҲИДОН, МИНГ УЙЛИ ЗОДИЁН АТАМАЛАРИ ТАРИХИ

Зоҳидон сўзининг маъно англатувчи ўзак қисми – зоҳид. «Зоҳид» арабча сўз бўлиб, тақводор, художўй, бутун вужуди билан Аллоҳга имон келтириб, фоний дунё лаззатларидан юз ўтирган, таркидунё қилган илмли, фозил, олим кишиларга берилган сифат.

Юқорида айтилганидек, **-он** от сўз туркумига қўшилиб кўплик шаклини ҳосил қилади: духтар**он**, коргар**он** ва ҳ.к. Бу қўшимча ўзбек тилидаги кўплик қўшимчаси -лар га мосдир. Масалан: мин**гон** – минглар, қалмоқ**он** – қалмоқлар. Зоҳид**он** – Зоҳидлар, Рошид – Рошид**он** (тўғри йўл топган-тўғри йўл топганлар).

Зоҳидон ва Рошидон – географик жой номлари, атамалари. Зоҳидон – Эрон мамлакатигадаги катта шаҳар. Рошидон, Риштон бир хил географик жой номини билдиради.

Зоҳидон араб-форс тилини ва унинг грамматикасини яхши билган кишилар ўртасида қўлланган ва шундай ёзилган. Жумладан, шоир Муқимий «Саёҳатнома» асарида «Маъюс бордим Зоҳидон» деб қишлоқ номини араб-форсча грамматика ва орфоэпик қонун-қоидаларга мос равишда ёзган.

Аммо Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандий 1900 – 1901 йилларда ёзиб тугатган «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» асарида Худоёрхоннинг саркардаларидан бири Нормухаммад қўшбегини «Зодиёний» деб ёзган. Мирза Олим Маҳдум ҳожи 1915 йили ёзган «Туркистон тарихи» асарида Нормухаммад қўшбегини «Зодиёнлик Нормухаммад додхоҳни васий айлаб...» дейди (150-бет). Ҳурматли Олим Пўлатжон домла Қаюмий эса: «1908 йилда Зоҳидонда бўлган вақтимда», – деб ёзадилар («Вазир» номли мақоласида, «Тазкира» китобининг 258-бетига). Эскиқўрғонлик Юсуфжоннинг (Нишонбой домланинг ўғли) қўлидаги XX асрнинг 20-йилларигача бўлган архив васиқа хатларида (қозихонада котиблар ёзган) Зодиён қишлоғи деб ёзилган. 1909 йили Фарғона области Қўқон уезди Бачқир участкасидаги волост идораси русча маълумотида Зоҳидон қишлоғи деб ёзилган.

Шўролар (советлар) даврида эса қишлоқ номи барча расмий иш қоғозларида Зодиён деб ёзилган. 1970 йиллардан бошлаб қишлоқ номи муҳр (печат) ва бошқа иш қоғозларида, ахборот воситаларида Зоҳидон деб ўзгартирилди, ҳозиргача шундай ёзиб келинмоқда. Аммо ҳамон жонли сўзлашувда Зодиён атамаси Зоҳидон сўзи ўрнида қўлланади. Зодиён – Зоҳидон сўзининг ўзбек тили талаффузига мослашган шакли. Сўз бошидаги биринчи бўғин ўрнида, иккинчи бўғин бошидаги «ҳ» ундоши ўрнига учинчи бўғиндаги ундош кўчирилган, «ҳ» ундоши тушириб қолдирилиб, кўплик от ясовчи -он қўшимчасида «й» ундоши орттирилган, -он ўрнида -ён келади. Минг уйли Зодиён дейишишининг боиси қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги, маҳаллалардаги хўжалик уйлариининг қалинлигидир.

ЗОҲИДОН ҚИШЛОҒИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Зоҳидонлик 85 ёшли Анваржон қори Муҳаммаджон ҳожи қори бобо ўғли қишлоқ номининг тарихи ҳақида қуйидаги нақл-ни ривоят қиладилар.


Бир вақтлар мамлакат пойтахти Самарқанд, ундан сўнг Бухоро бўлган экан. Бутун Фарғона музофоти ҳам Бухорога қарар экан. Одамларнинг кўпи деҳқон, чорвадор бўлиб, дини исломни ҳам яхши тушунмас эканлар. Подшо фармонига биноан Бухоро шайхулисломи бу ўлкага аҳли суннат ва-л-жамоа мазҳабидан ислом дини шариати илмини мукаммал билган, деҳқончилик, боғдорчилик, табобат ва бошқа касб-ҳунар соҳибларидан бир гуруҳини Фарғонага юбордилар. Ана шулардан етти пири комил биз яшаётган қишлоққа келиб, етти жойга ўрнашиб, одамларни ислом динига даъват этиб, уларга Аллоҳ таолонинг биру борлигини танитиб, таҳорат олиш, намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, закот бериш каби шариат илмини ўргатибдилар.

Улар халқни саводли қилибдилар. Деҳқончилик, боғдорчилик ва бошқа касб-ҳунар сиру синоатини тушунтирибдилар, тижорат қилиш фойдалари ва қоидаларидан таълим берибдилар. Вақт ўтиши билан, эллар тўқ, қишлоқ обод бўлиб, масжидлар қурилиб, одамлар намозхон, тақводор бўлиб, яқин-атрофга танилибдилар. Халқни бундай тўғри йўлга бошлаган пири комиллар шарафига қишлоқни Зоҳидон деб атай бошлабдилар.

ЗОҲИДОНДАГИ ҚАДАМЖОЛАР

Зоҳидонда анчагина табаррук қадамжолар мавжуд.

1. Машҳад (халқ тилида «Машат») мазор. «Машҳад» арабча сўз бўлиб, шаҳид бўлган жой маъносини билдиради. Машҳад (Машат) номи билан аталган мазор Сизза (Тизза) маҳалласининг ғарбида бўлиб, XX асрнинг 90-йилларигача кенг далаларнинг ўртасида Амиробод ариғининг жанубий қирғоғида 2-3 сотих жойни эгаллаган, катта қайрағоч остида 1 та қабр бўлган. Қайрағочлар остига аёллар қора чироқ ёқишар, қайрағочлар шохларига латталар боғлаб қўйишарди. Ҳозиргача шу мазор мавжуд. Бир вақтлар бу ерлар маҳалла бўлган дейишади. 1994 – 1995 йиллардан бошлаб мазор яна маҳалла ичида қолди.



2. Соҳиби ҳидоя мазори. Бу мазор Риштон шаҳрига яқин жойда, улуғ олим Бурҳониддин ар-Рошидонийнинг табаррук номи билан аталади. У ердаги қабристонда Зоҳидон аҳлининг ота-боболари қабрлари, азиз фозил, уламолари ва илми ғайб соҳиби Саййид Абдулазизхон тўра – халқ тилида Хондада номи билан машҳур авлиё мақбараси мавжуд.

3. «Пошша қаландари азиз». Бу мазор Зоҳидоннинг Анжан/Андижон маҳалласида 2 гектарча ерда жойлашган бўлиб, атрофи зовур билан ажратилган.

4. Гул мазор Бўстонда.

5. Сўх мазор. Гишт завод кўчасида, Мевазор маҳалла фуқаролар йиғинида.

6. Юлғин мазори ва Кўкйўтал (Эскиқўрғонда) мазори ҳам қадимдан то шу кунгача табаррук қадамжо ҳисобланади.

ЗОҲИДОНЛИК УЛАМОЛАР

Уламолар Зоҳидоннинг фаҳри бўлганлар. Улардан Тўққизот мавзеида Мавлавий Чўбин, Тошғўлат қози, Гузар маҳалласида Мадамин қози, Мулла Собир қори, Муҳаммадjon ҳожи қори, Авазбойда Мулла Абдураҳим охунд (халқ тилида охун) каби фикҳ илмини эгаллаган уламолар кўп бўлган, аммо уларнинг исм-унвонларини аниқлаб бўлмади.

Аёллар ўртасида катта ҳурмат қозонган отинча аёллар ҳам қишлоқда кўп эди. Ўзбек маҳалла ва Тоҷик маҳаллада Мастура отин, Гузар маҳалласида Руқия отин, Сурма муаллим, Эскиқўрғонда Хайринса маҳсумлар энг таниқли отин бибилар ҳисобланган.

Қишлоқнинг Эскиқўрғон маҳалласида Мукаррам эшон ва Турсунхўжа Орифхўжа ўғли, уларнинг авлодлари қадимдан яшаб келганлар. Андижонлик хўжалардан Мансурхўжа фарзандлари Мўйдинхўжа, Саййидхўжалар авлоди Зоҳидоннинг Андижон маҳалласига келиб ўрнашганлар. Кейинчалик улар «Пошша қаландари азиз» мазорининг шимолий томонида кўчиб ўтишган. Уларнинг неvara-чеваралари ҳозир ҳам ўша ерда яшамоқда.

Чекич хўжалар деб ном олган ака-ука Ҳожи хўжа, Камол хўжа Зоҳидон ва унинг яқин-атрофидаги қишлоқларда жуда таниқли бўлган. Уларнинг игна билан даволаши орқали чечак

касалига йўлиққан кўплаб болалар шифо топган. Эскиқўрғон маҳалласида Турсунхўжа бобо авлодлари яшаб ўтган. Бундан ташқари, Қўқоннинг Данғара туманидан бўлган Мўйдинхўжа бобо сартарошлик қилган (ўғил болаларни хатна ҳам қилган). Уларнинг зурриётлари ҳозир Ўзбек маҳалласига қўшни Авазбой қишлоғида яшайди. Жуда кўплаб хўжалар Зоҳидонда хўжа бўлмаган кишилар билан чатишиб кетиб, фақат хўжа номини сақлаб қолган.

Зоҳидонда саййид, тўралар ҳам кўп бўлган. Жумладан, Хонақоҳ маҳалласида Тожихон тўра ва у кишининг авлодлари, Кўтарма маҳалласида Зикриллохон тўра авлодлари, Ўзбек маҳалласига қўшни Авазбойда Дарвешхон тўра ва уларнинг авлодлари яшаб ўтган. Тўққиз от мавзеининг қозиси мулла Тошпўлат домланинг олтига ўелидан учтаси – Ҳакимжон махсум, Файзулла махсум, Фозилжон махсум Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида таълим олган уламолар бўлган. Шунингдек, Бўтқада мулла Насрулло бобо, Амирободда Абдунаби ҳожи Мамасоли қори ўели, Капада мулла Бурҳон боболар ҳам ўз даврининг пешқадам уламолари эди. Аслида, Марғилонда туғилиб, узоқ вақт Тожикистон, Андижон, Қўқон атрофларида сарсон-саргардон юриб, Амиробод қишлоғига келиб қўним топган Абдулазизхон Саййидаҳмадхон тўра илми ғайб соҳиби экан. У кишининг мақбараси «Соҳиби Ҳидоя» мазорида.

Ҳозирги кунда Муҳаммаджон ҳожи қорининг (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин) фарзандлари Акрамжон ҳожи қори (Риштон тумани имом хатиби ўринбосари), набиралари Маҳмуджон ҳожи қори, Исломжон ҳожи қори (Зоҳидон қишлоқ жоме масжидининг имом хатиби муовини), Баҳодирхон, Мақсудхон тўралар Зоҳидон қишлоғининг пешқадам уламолари саналади.

ЗОҲИДОНДАГИ АШТЛИКЛАР ТАРИХИ

Таниқли тарихчи олим, Қўқон ўлкашунослик музейи илмий ходими Муҳаммад Яҳёхон Дадабоевнинг «Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи» китобида ёзилишича, Норбўтабий ҳукмдорлиги даври халқнинг энг яхши ҳаёт кечирган йиллари бўлди. 1763 – 1798 йиллар оралиғида об-ҳаво яхши келиб, қурғоқчилик рўй бермади. Ерлар сурункасига бир

неча йил мўл ҳосил берди. Натижада бозорда арзончилик бўлиб, энг майда пул ҳисобланган «пул» ҳам савдо эҳтиёжини қондиролмади қолди. Норбўтабий янада майдароқ пул бирлиги – «қора-фулус» чиқаришга мажбур бўлди. Хонлиқдаги бу мўл-кўлчилик, арзончилик овозаси водий атрофидаги тоғларни ошиб ўтиб, бутун Туркистонга ёйилди. Очин-тўқин яшайдиган одамлар уруғ-уруғ, элат-элат бўлиб кўчиб кела бошладилар. Водий халқи уларни кўкрагидан итармай, ер, егулик берди. Шу тариқа янги қишлоқлар, маҳаллалар, кўчалар пайдо бўлди.

Ҳозирги Тоҷикистон Республикасининг Ашт туманидан кўчиб келган бир гуруҳ оилалар Зоҳидон қишлоғидан кўним топган. Уларнинг орасида ўзига тўқ, бадавлат оилалар ҳам бўлган. Шундайлардан бири Абдумансур амин ва унинг оиласи эди. Улар Зоҳидонда яшаб, сиёсий-ижтимоий ҳаётда фаол қатнашганлар, қишлоқнинг обрўли кишиларига айланганлар. Айни пайтда, Ашtdан кўчиб келганлардан бир қанчаси темирчи уста бўлган. Ўшалардан бири Мирзаали (япон) бобо эди. Унинг авлодлари: ўғли Мирзаамин, набираси Муҳаммаджонлар ота касбини давом эттирган (улардан Аллоҳ рози бўлсин). Бугунги кунда уларнинг чевараси Мухторжон ва эваралари улуғ бобосининг касби билан машғул. Мирзаали бобонинг синглисининг ўғли Ғаффоржон ака, яна жияни Сойип (Соҳиб) акаларнинг фарзандлари ҳам темирчилик касбининг моҳир усталари бўлган. Қишлоқда обрў-эътибор топган аштлик ака-укалар Тожибой ота, Султон ота авлодлари Зоҳидоннинг ўз кишиси бўлиб кетган. Қишлоқдаги яна бир аштлик темирчи уста Ғофуржон бобо эди (Аллоҳ раҳматига олсин). У киши жияни Ҳамрали билан деҳқоннинг мушқулини осон қиладиган соз иш қуроллари ясаб донг таратган. Бугунги кунда ҳам ўғил ва набиралари боболарининг касбини давом эттирмоқда. Темирчи уста Мирзаали бобони «уста Япон» дейишгани ҳақида бир ривоят ҳануз авлоддан-авлодга нақл қилиб келинмоқда...

КЕЛИН ОЛИБ ҚОЧГАН ОТ-АРАВА

Бу воқеа руслар Қўқон хонлигини эгаллаган дастлабки йилларда бўлган эди. Келин ва унинг дугоналари тушган қўқон арава келиннинг сепи ҳамда юклари ортилган араванинг орқасидан борарди. Аравакаш қишлоққа кираверишда отдан тушди-да, юган-

ни йўл бўйидаги тутнинг каллагига илиб, ўзи ариқчадан сув ича бошлади. Ёзнинг айни саратон палласи. Ҳазирама иссиқ. Бешкападан Зоҳидонга келин олиб келаётган аравакаш соябон аравада ўтирган келин ва унинг дугоналарига қараб:

– Келин аялар, сизлар ҳам чанқагандирсиз? Сув олиб берайми? – деди.

Соябон арава ичида пичир-пичир бошланди. Шу пайт аравадан битта бўш пақир думалаб, араванинг олди қисмидан отнинг орқа оёғи тагида турган тошга тегиб тарақлаб кетди. От хуркиб олдинги икки оёғини кўтариб кишнади-да, йўл томонга ташланди. От қишлоққа қараб талпинди. Аравадаги қий-чув жониворни баттар кўрқитиб юборди. Аравакашнинг от жилловини ушлашга қилган уриниши зое кетди. У бор кучи билан интилиб қишлоқ томон еларди. Аравакаш орқада бақириб: «Ушланглар! Олдини тўсинглар», – деганча араванинг орқасидан чошиб келарди.

От-арава, ниҳоят, қишлоқ гузари йўлига етиб келди. От ҳамон оғзидан оқ кўпик сочиб, қулоқларини чимирганча шамолдек еларди. Узоқдан эшитилган қий-чув, араванинг тақир-туқури, отнинг оёғи остидан тошга тегиб чақнаётган учқунлар ҳар қандай одамни йўлдан қочишга мажбур қиларди. Зоҳидон гузарининг шарқий қисмидаги темирчилар иш билан банд эдилар. Шу пайт ташқарига чиққан темирчининг шогирди гап топиб келди:

– От келинни опқочяпти!

Мирзаали темирчи қўлидаги босқонни ташлади-да, ташқарига отилди. У кўчага чиқиб ўртага туриб олди. Ана, соябон аравали қашқа от кўринди. Нортуюдек баланд, кенг яғринли, чўнг гарданли темирчи йўл ўртасида туриб олиб чўқмордек муштини ёйиб, қўлини елкаси баравар кўтариб отнинг ўмовини мўлжаллаб турди. Ўқдек учиб келаётган от йўл ўртасида турган азамат гавдали одамни кўрди, аммо тезлигини пасайтирмай темирчини уриб янчиб ўтмоқчи бўлди. Темирчи бир қадам ўннга ҳам, сўлга ҳам жилмади. От тўппа-тўғри келиб ўзини темирчига урди. У гўё ўзини одамга эмас, баланд қояга ургандек бўлди. Темирчи отнинг ўмовини кўкрагига босганча унинг бўйинини икки қўли билан маҳкам қучоқлаб турарди. От пишқирар, оғзидан кўпик сочиб чақчайган кўзларини одамдан узмас, талпинар, лекин унинг чангалидан озод бўлолмасди. Бадани терга пишган, дир-дир қалтирарди. Темирчи оҳиста отни қучоғидан бўшатиб, унинг пешонаси, кўзи ва бўйинларини силади. От ювош тортди.

Йўлнинг икки томони оломон билан тўлган. Ҳамманинг нигоҳи Мирзаали темирчига қадалган.

– Хўп азамат йигит эканми?! Юрагига балли-е! Шундай отни тўхтатди, – деди ўртада турган олтмиш беш ёшлардаги мўйсафид.

– Устага тан бердим. Уста Япон экан! Қойил-э, – деди мўйсафиднинг ёнгинасида турган баққол.

– Ҳақиқий япон экан, бўлмаса, от-араванинг тагида қолиб нобуд бўларди, – деди яна бир мўйсафид.

– Алифдей қоматига яраша Худойи таоло унга отнинг калласидай юрак, куч-қувват ҳам берган экан, – гапга қўшилди хонадондан чиққан ўрта яшар этикдўз косиб.

Уста эса бу мақтовларни эшитмагандай мағрур турарди. Соябон арава ичидаги қизларнинг пиқ-пиқ йиғи аралаш миннатдорчилик сўзлари қулоққа чалинарди. Шу пайт ҳаллослаб, нафаси бўғилиб «ушланглар, тўхтатинглар» деб аравакаш етиб келди. У темирчининг отни юганидан ушлаб турганини кўриб суюниб кетди.

– Э, раҳмат, ака, бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Мен балойи азимга қолардим. Ахир, бировнинг хасми, мўмин-мусулмон бандаларнинг фарзандлари нобуд бўларди-я.

Аравакашнинг миннатдорчилиги тугамасди. Темирчи югани аравакашга тутқазди-да, индамай ишхонасига кириб тарақтуруғини давом эттирди. Қишлоқда эса дув-дув гап:

– Мирзаали темирчи келин тушган от-аравани бир ўлимдан сақлаб қолибди. У оддий темирчи эмас, япон экан. Ҳамма шунақа деяпти.

Шу-шу темирчи Мирзаали уста Японга айланди. Кимнинг кетмони? Уста Японники. Уста Японнинг ўроғидан йўқми?

Қўқон хонлиги даврида Аштдан Зоҳидонга келиб ўрнашиб қолган ва қишлоқнинг ўз кишисига айланган Мирзаали бобо авлоди бугунги кунда ҳам темирчилик билан машғул. Уста Японнинг набираси Мухторжон, унинг укалари, фарзандлари Зоҳидоннинг қўли гул усталари дея эъзозланади.

ЗОҲИДОН ҲУДУДИ ВА АҲОЛИСИ

XX асрнинг 20-йиллари охиригача Зоҳидоннинг жанубий худуди «Соҳиби Ҳидоя» қабристонидан бошланиб, шимолда Чеки Насриддин қишлоғигача (экин ерлари билан биргаликда), ғарбда эса

(экин майдонлари билан бирга) Жаҳонобод қишлоғигача туташган. Жами 10 км² ни ташкил этган. Ҳозирги пайтда Зоҳидоннинг жанубий сарҳадлари анча қисқарган. «Соҳиби Хидоя» қабристонини (12 гектар) Риштон шаҳри маҳаллалари ичида алоҳида, девор билан ажратилган бўлиб, қишлоқнинг чегараси Ўзбек маҳалла, сўнг Қўрғонча ва Капа қишлоқларидан бошланиб, Чеки Насриддин қишлоғигача 8 км, ғарбдан Бўстон маҳаллаларидан Бештом маҳалласигача (экин майдонлари билан бирга) чўзилган (8 км).

1876 йили Қўқон хонлиги тугатилиб, Россия сиёсий-маъмурий идораси ички ҳудудий чегараларни бошқача номлади. Жумладан, Фарғона – вилоят маркази, Қўқон – уезд шаҳри, қишлоқлар эса волостларга бўлинди (волост қадимги Россияда бир ҳокимга, хусусан, князга қарашли бўлган территория; ўрта асрларда (то 1930 йилга қадар) бир неча қишлоқни ўзига бирлаштирган кичик маъмурий бирлик. Волост системаси Ўрта Осиёда ҳам ўлка чор Россиясига қўшиб олингандан кейин (XIX асрнинг 60-йилларида) жорий этилган (Аҳмедов Б.А. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977). Зоҳидон волост (халқ тилида бўлус) маркази эди.

Фарғона вилоят (област) Қўқон уезди Бачқир участкасидаги Зоҳидон волости ҳақида 1909 йили берилган статистик маълумотда билдирилишича, 8 та қишлоқ жамоасига 3 тадан 8 тагача қишлоқлар уюшган. Масалан, Дўрмонча қишлоқ жамоаси Дўрмонча, Кучкак, Қатағон, Бедарак – жами 4 та қишлоқдан иборат бўлса, Чувринди қишлоқ жамоаси таркибига 9 та қишлоқ кирган: Самандарак, Чувринди, Макай, Говхона, Қашқар Макай, Отхона Макай, Дашти Кенагас, Сафар Макай, Қўрғонча. Волостлик маркази Зоҳидон эса 5 та қишлоқни ўз ичига олган. Зоҳидон қишлоқ марказига яна Капа, Бўтқа, Амирободи Хитой (Бағдод туманида) ва Амирободи Қизилтупроқ қишлоқлари ҳам тобе бўлган.

Қўқон хонлиги даврида бу ҳудудларни бий бошқарган. Зоҳидонлик Ёқуббий (1777 – 1880/1881) ўзбек-қипчоқ уруғидан бўлиб, хонлар саройида ҳам обрў-эътибори юқори эди. У киши 1877 йилларда юз ёшларда бўлиб, сиёсат билан шуғулланишга ярамай қолган. Шунинг учун рус ҳукумати томонидан Зоҳидон волостига унинг ўғли Зуфар (1840 – 1926) минибоши қилиб тайинланган. Волостликнинг қозиси этиб Мулла Тошпўлат охунд сайланади. Қишлоқ амини (амин Зоҳидон қишлоқ жамоасига аввал Мустафоқул (Вазирнинг невараси), сўнг Абдумансур Аш-

тий тайинланган. 1919 йилдан 1926 йилгача Ҳомидбой ўғли Муҳаммадҷон аминлик вазифасини ўтаган.

Мустафоқул амин Сотиболди додхоҳ ўғли

Мустафоқул амин XIX асрнинг 40-йилларида Қўқонда туғилган, отаси Сотиболдибек додхоҳ (Исфара ҳокими бўлган) фожиа-ли вафотидан сўнг Зоҳидондаги бобоси Абдулқосим вазирнинг Кал маҳалладаги ҳовлисига кўчиб келишган. Шу ерда савод чиқарган. Қўқон мадрасаларининг бирида таҳсил олган. Зоҳидонда турли юмушларни бажарган. 1890 йили у қишлоқ амини этиб сайланган. Мустафоқул амин 1905 йилгача бу вазифада ишлаган. 1908 йили Зоҳидонга келган Пўлатҷон домла Қаюмий «Тазкирайи Қаюмий»даги «Вазир» сарлавҳали мақолада: «Ўшал вақтда (1908 йили) Мустафоқул амин 70 ёшлар чамасида бўлиб, қишлоқда бир масжид бино қилмоқда эди... Бу киши юрт, жамоанинг сўзга етар, пурдон, иш кўрган кишиларида эди», – деб хабар берган. Мустафоқул амин бобоси Абдулқосим вазир билан доим фахрланиб юрган. Қаюмий домла ҳам тўра эшоннинг: «...бобом Абдулқосим оталиқ Умархонга вазир бўлиб бутун мамлакатни бошқарган экан», – деб ифтихор этиб сўзлаганини таъкидлайди (Қаюмий П. Тазкирайи Қаюмий. 1-китоб. – Б.238).

Абдумансур (мингбоши) амин

Абдумансурни Зоҳидоннинг кексалари мингбоши бўлган деб эслашади. 1908 йили Зоҳидонга келган Пўлатҷон домла юқорида тилга олинган асарларида «амин бошқа Абдумансур номли киши...» деб хабар берган. Шу маълумотга таяниб айтиш мумкинки, Абдумансур 1915 йилгача Зоҳидонда аминлик қилган. Ёши улуғларнинг айтишича, Абдумансур аминнинг ота-боболари Аштдан Зоҳидонга кўчиб келиб ўрнашган эканлар.

Айтишларича, Абдумансур сиёсати кучли, обрў-эътиборли киши бўлган экан. У киши ҳам Андиҷон маҳалладаги ҳовлиси ёнида катта масжид барпо этган. Бу масжид биноси то 1960 йилгача мактаб сифатида хизмат қилганди. У 3 та синфхонага бўлингани маълум. Абдумансур амин қачон вафот этгани аниқ эмас. Ундан Назриддин, Маҳмудҷон исмли ўғиллар қолган. Назриддин ўтган асрнинг 30-йилларида Душанбе шаҳрига оиласи билан кўчиб кетган. Кўп йил-

лар Тоҷикистонда колхоз раиси бўлиб ишлаган. 60-йиллар ўртала-рида жонажон қишлоғига қайтиб келиб, колхознинг 1-бўлими (қадимий Тўққизот)га бошчилик қилган. 1966 йили мазкур бўлимнинг пахта майдони 456 гектар эди. Шу йили пахта ҳосилдорлиги режада-ги 24,5 ц ўрнига 29 ц га кўтарилди. Давлат режаси 118,7% бажарилди. 70-йиллар бошларида Назриддин Мансуров қайта Душанбега кета-ди. У 1987 йили вафот этган. Ундан Шарифжон ва Раҳимжон исмли ўғиллар қолган. Шарифжон Мансуров олий маълумотли журналист эди. Бир неча йиллар давомида ўзбек тилида чиқадиган «Қизил То-жикистон» газетасида бўлим бошлиғи, муҳаррир ўринбосари вази-фаларида ишлаган. XX асрнинг 90-йилларида Тоҷикистонда бош-ланган фуқаролар уруши йилларида вафот этган. Унинг фарзандла-ри Душанбеда истиқомат қилинади. Назриддин бобонинг иккинчи ўғли Раҳимжон Зоҳидонда яшаб, тижорат билан машғул эди. Унинг Исмаатжон, Ҳикматжон, Шавкатжон, Қахрамон исмли ўғиллари, Эътибор, Фарида исмли қизлари бўлган. Фақат Шавкат номли ўғли вафот этган. Ҳикматжон Зоҳидонда томорқа хўжалигида кўкат етиш-тириш ва уни сотиш ишларини ташкил қилган. Унинг ташаббуси ва ҳомийлиги билан ҳовли ерларида кўкат етиштириш охириги йил-ларда жуда авж олиб кетгани маълум.

Маҳмуджон Абдумансур ўғли ҳам тижорат билан машғул бўлиб, 1964 йили вафот этган. Ундан Набижон ва Ҳасанбой исм-ли ўғиллар ҳамда қизлар қолган. Набижон Душанбеда яшайди. Оилали, бола-чақа, невара-чеварали. Иккинчи ўғли Ҳасанбой Зоҳидонда – Андижон маҳалласидаги ота-бобосидан қолган ҳов-лида яшайди. Ҳасанбой узоқ йиллар Риштон нефть ташкилотига қарашли савдо идораларида ишлаган. Ҳозир нафақада.

Муҳаммаджон Амин Ҳомидбой ўғли

Муҳаммаджон эл лафзида Мамажон амин номи билан маш-хур бўлган. Бу шахс Зоҳидоннинг Тоҷик маҳалласида яшаган. Ҳозир бу ҳовлида Шароф охунднинг ўғли Кимсанбой оиласи билан яшамоқда. Муҳаммаджон амин Шароф охунднинг синг-лиси Фотима бибиға уйланган. Ундан бир ўғил – Ҳомиджон, учта қиз – Хосият, Адолат, Турсуной қолган. Мамажон амин 1916 – 1925 йилларда Зоҳидон жамоаси раиси бўлган. Октябрь тўнта-ришигача амин вазифасида ишлаб, рус маъмурий идоралари би-лан муросаю мадора қилиб келган.

Собиқ шўролар даврида, 1926 йили Риштон райони (ҳозирги туман) тuzилгач, у Зоҳидонда саводсизликни битириш қишлоқ курслари, янги мактаблар очиш ишларига раҳбарлик қилган. 1957 йили қатағон сиёсатининг қурбони бўлиб, 1958 йили отиб ташланган.

Мамажон аминнинг ўғли Ҳомиджон 2009 йили Душанбеда вафот этган. Чунки 1958 йили эри ўлгач, Фотима (Мамажон аминнинг хотини) ўғли ва ухта қизини олиб Шароф охунд ва укаси Мирза Абдулланнинг паноҳига боради. Шароф охун, Мирза Абдулла, Фотима холалар барчалари Душанбеда вафот этганлар.

Зоҳидон волости ва унга қарашли қишлоқлар (1909 йилга оид маълумотлар асосида)



НОМЛАРИ ҚИЗИҚ МАҲАЛЛАЛАР

Зоҳидон қишлоғи жамоаси 15 та маҳалла ва қишлоқлардан иборат бўлган.

1. Гузар маҳалла
2. Андижон маҳалла
3. Хонақоҳ
4. Эскиқўрғон
5. Бўтқа (қишлоқ)
6. Сизза (Тизза)
7. Шакарқишлоқ
8. Кал маҳалла
9. Қўтарма маҳалла
10. Бўстон
11. Қўрғонча маҳалла
12. Капа қишлоқ
13. Ўзбек маҳалла
14. Ёвпускон маҳалла
15. Тожик маҳалла
16. Амиробод қишлоғи

Ҳар бир маҳалланинг оқсоқоли – элликбошиси бўлган. Элликбоши маҳаллада нечта хўжалик оила бўлса, уларнинг устидан бошлиқ бўлиб, у маҳаллада ўтказиладиган тўй, аза ва йиғилиш каби маросимларни бошқарар, оилавий низоларга аралашар, қўниқўшни орасидаги зиддиятларни бартараф этишга ҳаракат қиларди.

Тожик маҳалла элликбошиси Нурмат бобо Зоҳид бобо ўғли маҳаллада энг ёши улуги эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди. Нурмат бобо миришкор боғбон, тажрибали деҳқон, бамаъни, обрўли оқсоқол эди. Элликбошини қишлоқ амини тайинлаган. Амин ҳам Тожик маҳалладан бўлиб, Муҳаммаджон Ҳомидбой ўғли деган киши эди. У ҳам инсофли, обрўли, ташкилотчи эди.

Аминни волост бошлиғи (ёки раиси) мингбоши этиб тайинлаган. Бу пайт (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари)га келиб мингбошилиқ вазифаси илгариги юксак мартабасидан анча пасайганди. Масалан, мингбоши Қўқон уездидagi Бачқир қишлоқ участкаси томонидан тайинланиб тасдиқланган. Зоҳидон волост мингбошиси Зуфар мингбоши Ёқуббийнинг ўғли бўлган. Тожик маҳаллада Марғилондан келган Муҳаммад Ниёз эшоннинг ҳовлисида корхонаси бор эди. Отасидан сўнг Маманиёз эшон-

нинг ўғли Садриддин эшон ҳам шу маҳаллада яшаган. Эшоннинг Нажмиддин мирза, Девона мирза каби ўғиллари бўлган, шунинг учун Тоҷик маҳаллани Мирзалар маҳалласи ҳам дейилган. Маҳалладан Зоҳидон ариғи оқиб ўтган. Бу маҳаллада Зоҳидон ариғига қурилган тегирмон, 1 та масжид ва булоқ бўлган. Маҳалланинг уста Ўтанбой деган аравакаш устаси ҳам бор эди. Маҳалланинг таниқли кишилари Зуфар мингбоши, Мамажон амин, Нурмат эликбоши, Хайрулло, Бойбобо каби улоқчи-чавандозлар, Шароф охун, Абдибоқи новвой ва Мулла Усмон каби уламолар ҳам шу маҳалланинг фуқароси эди. Шароф охун Қашқардан келган бўлиб, уйғур миллатига мансуб киши эди.

Шароф охун жуда машҳур новвой эди, кўшни маҳалла, қишлоқлардан ҳам унинг нонига талабгорлар келарди. Унинг Ўзбек маҳаллада ҳам ҳовлиси ва новвойхонаси бўлган. Тоҷик маҳаллалик Раҳим бобо ёшгина ўғли Мирзаалини олиб (у ўша пайтда 10–12 ёшда бўлган) ҳаж зиёратига бориб келган. Тоҷик маҳалла шимолда Гузар маҳалласига туташарди. Жануб томондан «Соҳиби Ҳидоя» мозори орқали Риштонга боғланган. Бу қинғирқийшиқ кўча тор, 2 та аравачи бир-бирига дуч келиб қолса, йўл бўшат, сен бўшат деб жанжал қилишарди. Қиши лой, ёзи чанг бу кўчалар ҳақида отасидан эртақдай эшитиб таъсирланган зоҳидонлик ёш шоира Ойдин бундай ёзганди:

*«Бу кўчалар жингилзор эди,
Ажиб эртақ сўйларди отам,
Аравалар сизмас тор эди,
Кечалари кўрққудай одам».*

Маҳаллада XX асрнинг 20-йилларида тоҷик миллатига мансуб оила деярли йўқ эди. Илгари кўпчилик оила тоҷиклар бўлган дейилади. Аср бошларида тоҷиклар Риштонга кўчиб ўтишган бўлиши мумкин. Аммо бу маҳаллада Риштондан келин бўлиб тушган аёллар кўп эди. Жумладан, Раҳим ҳожи бобо ва Зуфар мингбошининг кейинги рўзғори тоҷик аёллар эди.

Ўзбек маҳалла Тоҷик маҳалланинг ғарбий томонида эди. Бу маҳаллада ҳам 1 та масжид, 2 та ҳовуз, новвойхона ва 1 та булоқ бўлган. Булоқ ёнидаги кўча Юқори маҳаллага туташганди. Бу кўча ҳам Риштонга олиб борарди. Ўзбек маҳаллада Нов туманидан кўчиб келиб, шу ерда ўрнашган Мулла Усмон, Раҳмон буви ва уларнинг синглиси яшарди. Усмон бувадан Қодирберди ва Сур-

манса исмли фарзандлар қолган. Раҳмон бувадан Исмоил, Аҳмаджон, Мирзажон ва бир қиз қолган. Бу маҳаллада ҳам уста Холмат исмли аравакаш бор эди. Ўзбек маҳаллада ҳам аҳоли жуда қалин бўлган. Битта ҳовлида 4-5 та оила истиқомат қилган.

Қўрғонча маҳалласи. Қўрғон деганда экин майдони, боғ-роғи, уй ҳовлисининг атрофи паҳса билан ўралган ҳовли тушунилади. Қўрғонча эса кичик қўрғон маъносини билдиради. Риштон туманида Қўрғонча қишлоғи ҳам бор. Маҳалланинг номи шу жойга дастлаб қурилган қўрғончадан олинган. Бу маҳалланинг аҳолиси Ўзбек, Тожиқ, Кўтарма каби маҳаллалардан кўчиб ўтган. Маҳаллада яшовчилар, асосан, ўзбеклар бўлиб, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишган. Маҳалла ўртасида бир аравага ҳам торлик қиладиган йўл ўтган, у ғарбий томондан Капа қишлоғи билан туташган. Бу маҳаллада Тожибой Назаров, Малиқ Назаров, Мулла Эргаш бува, Латиф бува сингари таниқли кишилар яшаган. XX асрнинг 60-йилларида Қўрғонча аҳолиси Узун кўчага кўчган. Ҳозир Узун кўча маҳалла фуқаролар йиғини худудига қарашли бўлиб, обод, гавжум маҳаллалардан саналади.

Бўстон. Бўстонда ўзбекларнинг чимбой, қипчоқ, қирғиз, юз каби уруғлари қадимдан яшаб келган. Бўстон номи ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд:

1. Ўзбекларнинг қипчоқ уруғига кирувчи кишиларнинг нутқидаги бўз тўн сўзининг шакли.
2. Бўстон атамаси жой номига нисбатан олинган бўлиб, боз, гулзор, чаман каби маъноларни билдиради.
3. Уруғ номини билдиради («Фирдавс боғи» китобидан).

Капа қишлоқ ҳам рус сиёсий-маъмурий идоралари қолдирган 1909 йилги статистик маълумотда Зоҳидон қишлоқ жамоасига қарашли қишлоқ сифатида берилган. Унда ёзилишича, 1909 йили Капада 50 та хўжалик мавжуд бўлиб, ундан 38 таси ерли, 12 таси ерсиз эди. Капада истиқомат қилган 239 кишидан 132 таси эркак, 107 таси аёл бўлган.

Капа аҳолисининг кўпчилиги Зоҳидон, Пандигон, Бўстон маҳалласидан бўлиб, қолганлари Бешкапа каби қишлоқ ва бошқа юртлардан келиб ўрнашган. Капа қишлоғи Зоҳидон ариғи бўйига жойлашгани учун сувга сероб эди. Бу ернинг тупроғи унумли бўлиб, арпа, буғдой, оқ жўхори кўп экилган. Боғлари турли мевали дарахтлар мўл эди. Қишлоқда Зоҳидон ариғи устига қурилган тегирмон ҳам бўлган. Капа қишлоғи Қўрғонча ма-

ҳалласидан ўтган икки йўл орқали Зоҳидонга, юқори маҳаллага боғланган. Кейинчалик, 1954 йили, Зоҳидон Фарғона – Қўқон катта йўлига боғланган. Ҳозирги кунда Капа қишлоғи Узун кўча маҳалла фуқаролар йиғини таркибида бўлиб, обод ва гавжум қишлоқдир. Унда савдо дўконлари, болалар боғчаси, 9 йиллик мактаб аҳолига хизмат қилмоқда.

Шакарқишлоқ маҳалласи. Бу маҳалла қишлоқ марказидан 2 км узоқликда жойлашиб, атрофи экинзор, дала бўлган. Маҳалланинг ғарбий томонида Чимбой, Жарчибошининг ери номли экинзорлар бўлган. Чимбой қадимги ўзбекларнинг уруғи номини англатади. Бу даъвомизни академик Бўриной Аҳмедовнинг 1994 йили чоп этилган китоби 62-бетида Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» номли тарихий асарида кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг XV асрда ташкил топган давлати тўғрисидаги қимматли маълумотлари ҳақида билдирган фикрларини келтириш билан асослаймиз: «Бу китобда кўрсатилишича, Оқ ўрда ва Шайбон улусида XV асрнинг бошларида буркут, қиёт, кўшчи, ий-жон, кўнғирот, найман, чимбой, қорлиқ, кенас, дўрмон, қурловут, тубон, манғит, нукуз, уйғур, хитой, тоймас, эчки, минг каби уруғлар истиқомат қилган». Олим санаб ўтган 20 та ўзбек уруғи ичида «чимбой» уруғи ҳам бор. Демак, Шакарқишлоққа қарашли «Чимбой» деб аталган экин майдони қачонлардир чимбой уруғига мансуб кишининг ер-жойи бўлган, у шу ерда яшаган.

Шакарқишлоқ маҳалласидан бўлган Шарофиддин ота Қўзибой бобо ўғлининг айтишича, маҳаллада истиқомат қилувчи деҳқонлар Қўқон хони Худоёрнинг амалдорларидан бири – жарчибошининг ерида чоракор бўлиб ишлашган экан. Жарчибоши хонликда масъул вазифа бўлиб, хоннинг фармонларини бозор, масжид, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, овул каби аҳоли манзилгоҳларига махсус кишилар орқали овоза қилиб етказган. У пайтларда газета, радио, телевизор бўлмаган. Шакарқишлоқнинг ғарбий мавзеидаги ерлар Худоёрхоннинг жарчибошиси Шоҳғуломга тегишли бўлган. Жарчибоши Шоҳғулом билан хон ўртасида бўлган охириги муносабат-воқеа Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандий қаламига мансуб «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» асарининг 147-бетида қуйидагича ҳикоя қилинади. Худоёрхон 1875 йилда тахтдан воз кечиб, ўзининг маҳрамлари билан Тошкентга бориб русларга таслим бўлган. Руслар уни Оренбургга бориб туришни буюради. Чимкентга бориб, ўзининг

қўриқчи аскарларини, хос маҳрамларидан баъзиларини озод қилиб, Тошкентга қайтаради. Хон бахмал халтачасидан бир қанча саноч танга пул олиб жарчибоши Шохғуломга беради. Тошкентга бориб у-бу нарсалар харид қилиб келишни бузоради. Жарчибоши пулларни олиб Тошкентга келади. Бироқ хон ёнига қайтиб бормай хиёнат қилади. Бечора хон кўп хафа бўлади. Бу маҳалла Зоҳидоннинг шимолий тарафида – Бўжай, Ғарб масжид, Чеки Насриддин қишлоқлари билан боғланувчи йўлнинг икки ёнига жойлашган эди.

Шакарқишлоқ маҳалласида 6 та ҳовуз бўлган. Боғларда узум, анжир, олма, ўрик, олхирот, марвартак тут сингари мевали дарахт кўп бўлган. Миришкор деҳқонлари Ашурали бобо, Назар бобо (маҳалла элликбошиси) эди. Ҳайдар бобо, Қамбар бобо, Ҳасан халфа, Йўлдош ака, Собит бобо сингари деҳқонлар етиштирган кўзивой, шакарпалак, обиноввот, такки каби қовун- тарвузлар тилни ёрарди. Далага жарчибошининг ерида пахта экиларди. Буғдой, жўхори кўп етиштирилган. Жийдалар жуда кўп эди. Шакарқишлоқдан ўтган йўл Зоҳидонни Қўқон йўли билан боғларди. Қишлоқда Қўқондан келиб ўрнашиб қолган Мирза Аҳмад исмли қандолатчи ҳам бор эди. Шакарқишлоқнинг ўнг томонида Саксон тилла номи билан юритиладиган экин майдони амирободлик бой хотинга қарашли эди. Амиробод ариғи маҳалланинг боши – жанубий томонидан ўтган. Ундан экин майдонларини сугориш учун фойдаланилган. Сув тегирмонни юрғизиб, ариқ устидаги нов орқали Шакарқишлоққа оқиб ўтган. Ялпоқтепа маҳалланинг шимоли-шарқида бўлиб, оралиғи 500 – 600 метр эди.

Кал маҳалла. Бу атама изоҳли луғатларда қуйидагича таърифланган: 1) уруғ номи; 2) яра – соч тўкилишидан бошнинг очилиб қолган қисми; яланг, тап-тақир бўлиб қолган қисми; 3) кал – ўзбек халқ дoston ва эртақларида меҳнаткаш халқ вакили сифатида тасвирланган қаҳрамон образи. Феодализм жамиятида, қашшоқ, камбағал, хўрланган, подачи сифатида ифодаланган киши қиёфаси. Бу сўз халқ ичида ўзаро сўзлашув нутқида ҳам ҳеч вақоси йўқ қашшоқ кишига нисбатан қўлланган: кал, гадой; халқ оғзаки ижодида кал ҳозиржавоб, бетгачопар, чапани, қўрқмас, дадил инсон сифатида ҳам ифодаланган. Унинг шалоқ, сўкиш сўзларини ҳам бойлар, мансабдорлар эшитиб қотиб-қотиб, ҳузур қилиб кулганлар».

Кал маҳалла тўғрисида ҳам шундай бир ривоят бор. Қўқон

хони Худоёрхон Шакарқишлоқ йўли орқали Қал маҳалладан Зоҳидоннинг гузарига ўтибди. Хон ўтирган ароба чангда юрмасин деб қалин қилиб сувлар сепишган экан. Шу маҳаллада яшовчи Ҳаббор кал йўлнинг бир четида томоша қилиб турган экан, хон тушган араванинг филдираги сув тўпланиб қолган чуқурчага тушиб, лойқа аралаш сувни сачратиб юборибди. Ҳабборнинг кўйлак-ишғони шалаббо ҳўл бўлибди.

– Ҳу, савлагинга... нимадан қуруқ қолдинг, секинроқ юрсанг бўлмайдими? – дебди Ҳаббор бор овозича.

Ёнидаги киши:

– Кўрмадингми? Аравада хон ўтирибди, – деса:

– Хон бўлса ўзига. Бировнинг уст-бошини шунақа ифлос қилиб кетадими? – деб яна сўкинибди.

Буни бир чақимчи эшитиб турган экан, дарров гузар бошига қараб чопибди.

Хон анҳор лабидаги соя-салқин супада, 5-6 қават кўрпача устида аччиқ кўк чойни ичиб, ёнбошлаб ўтирган экан, бояги чақимчи хоннинг олдига ўтмоқчи бўлибди. Мулозимлар уни ўтказмай нарига итариб ташламоқчилигини хон кўриб қолиб:

– Қўйвор, нима гапи бўлса, майли, айтсин, – дебди. Чақимчи хонга салом бериб, кўл қовуштириб турибди.

– Нима арзинг бор? – сўрабди хон.

– Бизнинг маҳалламиздан ўтаётганларида, Ҳаббор кал сизни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкиб, ҳақорат қилди, – дебди. Хон ғазабланиб:

– Олиб кел ўшани! – дебди. Навкарлар бирпасда Ҳаббор кални оёғини ерга тегизмай хоннинг ҳузурига олиб келишибди. Хон унга:

– Нега мени ҳақорат қилдинг? – дебди.

Айтган сўзи бирпасда хоннинг қулоғига етганига ҳайрон бўлиб:

– Қайси хотинингни фалон қилай дарров мени сизга чақди? – дебди Ҳаббор кал.

Хон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

– Қўйиб юбор, ҳақиқий каллардан экан, – деб амр қилибди хон.

Айтишларича, шу-шу бу маҳалла Қал маҳалла деб ном олган экан. Маҳаллада ҳам Вазир – Қосим оталиқнинг ҳовлиси бўлган.

Бу ерда унинг Сотиболди додхоҳ исмли ўғлидан дунёга келган Мустафоқул амин яшаган. Мустафоқул амин маҳаллада масжид қурган. Саховатли, обрўли, фозил киши бўлган. Унинг ўғлидан сақланиб қолган Фузулий девони ичида варақчаларга ёзилган 2 та рубойи сақланган. Шулардан бирини ўқувчиларга ҳавола этамиз:

*Ийди Қурбон ойини меҳмон қила кўрсил,
Жонлиқни Худо йўлига эҳсон қила кўрсил.
Гар боғи беҳишт, хур ила гилмон тиласанг,
Устодинг хизматин фаровон қила кўрсил.*

Шеърда ифодаланган чуқур мазмун, ритм, ўйноқилик, равонлик Мустафоқул аминда таъби назм борлигини кўрсатиб турибди. Маҳалла аҳли қадимдан яшаб келаётган қипчоқ, дўрмон, минг, юз каби ўзбек уруеларининг авлодларидан иборат бўлган. Маҳаллада 2 та масжид, 2 та тегирмон бор эди. Бу маҳаллада Мустафоқул аминдан ташқари Йўлдош амин каби ота-боболари Намангандан келган Аҳмаджон бой яшаб ўтган. У киши юз уруғига мансуб бўлиб, Абдулла эшон, Тожибой, Карим полвон, Мулла Эргаш, Абдурахмон қассоб исмли ўғиллари алп қоматли, паҳлавон кишилар бўлган. У ниҳоятда саховатпеша, етим-есирларга ғоятда мурувватли бўлган экан.

Кўтарма Зоҳидоннинг Тўққизот мавзеидаги маҳаллаларидан бўлиб, унинг бундай ном олишига Зоҳидон ариғидан Учариқда тақсимланган Бўтқа ариғи сабаб бўлган. Кўтарма ариғининг ўрни пастлик бўлгани учун, 1-2 чақиримлик ерлар чим тупроқ билан кўтарилиб, маҳалланинг ўртасидан сув ўтказилган. Шу сабабли маҳалла Кўтарма номини олган. Бу маҳалла Шакарқишлоқ ва Кал маҳалла йўллари билан туташган. Айниқса, унинг шимолий қисмидаги уйлар Кал маҳалладаги уйлар билан ёнма-ён бўлган. Бу маҳалланинг ҳам ўз масжиди бўлиб, унинг имоми қўқонлик Мулла Муҳаммад Абулфайзхон қорининг ўғли Мулла Муҳаммад Ансор қори эди. Унинг оиласида туғилган Мулла Аҳрор махсум машҳур уламолардан саналса, иккинчи ўғли Нормуҳаммад Қўқон хонлигидаги таниқли саркарда, давлат арбоби эди.

Кўчалари салқин, ҳовлилари мевазор бўлган бу маҳалла Гузар маҳаллага туташган бўлиб, ундан катта жоме масжидига ўтиш йўли бор эди. Кўтармада Зикриллахон тўра авлодлари яшаб келган.

Анжан маҳалласи. Анжан/Андижон маҳалласининг қади-

мий номи Тул бобо бўлганини ота-боболаридан эшитган шу маҳалла фуқароси Ҳабибулла ҳожи Йўлдошев бизга айтганлар.

Тул арабча сўз бўлиб, узун, узунлик деган маъноларни билдиради. Тул аталишига сабаб, бизнингча, унинг узунлиги бўлса керак. Чунки бу маҳалла қадимда Сизза билан туташиб, чўзилиб кетган эди.

Бу маҳаллага XIX асрнинг биринчи ярмида андижонлик Мансурхўжа оиласи билан кўчиб келиб ўрнашган. Унинг Саидхўжа, Мўйдинхўжа исмли ўғиллари бўлган. Андижонлик хўжалар шарофати билан Анжан маҳалла номини олган. Бу маҳалла Гузар маҳалласининг қоқ ўртасидан шимолда Сизза (Гизза) маҳалласига бориб туташган. Маҳалланинг ўнг томони – шарқда «Пошша қаландари азиз» мазор-қабристонни бор. Чап томони – ғарбда Абдулмансур амин қурган масжид бўлган. Маҳалланинг охирида йўлнинг бўйида ёшиқт пиширадиган хумдонлар бўлган. Маҳаллада масжид барпо қилган Абдулмансур амин ҳовлиси шу ерда эди. Маҳаллада Қўқон хони Умархоннинг вазири Абдулқосим оталиқнинг уй-жойи, ҳовлиси ҳам бўлиб, бу ерда унинг ўғли Назирбой оиласи билан яшаган. Уларга қўшни бўлиб Йўлдошбой, Эргашвой бува исмли ака-укалар оилалари билан истиқомат қилишган.

Сизза (Гизза) маҳалла Зоҳидон қишлоғининг энг қадимий, чекка маҳалласидир. У Амиробод ариғи, Машҳад мазорига-ча чўзилиб борган. Бу маҳалладан ўтган йўл Ёвпустон маҳалласига туташган. XVIII – XIX асрларда бу маҳаллада аҳоли зич бўлган кўринади. Чунки сўнгги пайтларда янги уйлар қуриш учун ерлар текисланиб, кавланганда XVIII – XIX асрларга оид ашёлар топилган.

Сиззада качи, қирғиз, хитой, қипчоқ каби уруғлар яшаган. Маҳаллада боғ-роғ сероб бўлиб, энг кўпи олма эди, ўрик, узум, жийда дарахтлари ҳам талай бўлган. Маҳаллада 1 та ёғ жувози (Ғани буваники) бор эди. Юлғун мазори, Машад (Машҳад) мазори, Тулкитепа, Янгибойнинг ҳовузи кабилар бу маҳалланинг тарихий жойлари саналган. Бу ерда машҳур Аҳмад полвон яшаб ўтган. Бу маҳалланинг машҳурлиги унинг олмаси туфайли эди. Олманинг кўчатини, маҳалла аъзоси Иброҳим Ниёзов домланинг айтишига кўра, унинг бобосига наманганлик дўсти келтириб берган экан. Бобосининг оти Аҳмад бобо бўлиб, Амирободда яшаган. Унинг учта ўғлидан биттаси Ниёз бува, Иброҳим дом-

ланинг отаси, Сиззага кўчиб чиқишида ўша Наманган олмасининг кўчатларидан олиб келиб, янги боғига эккан. Унинг ширин таъми, қирмизи ранги одамларга ёққан. Шу-шу Сиззанинг олмаси, Ниёз буванинг олмаси сифатида элга машҳур бўлиб кетган.

Шоир Фозил Ёвпусконда. Ёвпускон маҳалласи Зоҳидоннинг Сизза (Тизза) маҳалласидан бошланган йўл билан туташиб, ғарбда Ёлпоқтепа, Шимолда Чеки Насриддин билан боғланарди. Зоҳидонлик деҳқонларнинг экин майдонлари Ёвпусконгача чўзилиб келарди. Чеки Насриддин қишлоғининг аҳолиси билан яқин алоқада бўлган 10 – 15 хўжалик оиладан иборат Ёвпускон маҳалласи кишилари боғ-роғ барпо этган. Тоza ичимлик суви ҳовузда тўла бўлган. Маҳалла кўчаларида жийда, қўқон тут, марвартак тут жуда кўп эди. Кўчалари ёзда қатор-қатор толлар соясида бўлган. Маҳалла ўрнида илгари тўқайзор, қамишзор бор эди. Маҳалла номининг келиб чиқишига ана шулар ҳам сабабчи дейишади одамлар. Айтишларича, яқин-атрофда юз берган бир жангда енгилиб қочган душман (ёв) аскарларидан бир қанчаси шу ердаги тўқайзорга пушишган (яширинган) экан. Шу воқеа сабаб бу ер Ёвпускон деган ном олган экан.

Кейинчалик яқин-атрофдаги кишилар бу ерга келиб, уй-жой, боғ-роғ қилиб экин майдонларига айлантира бошлаганларида ҳам, шаҳардан ов қилиш, ҳордиқ чиқариш учун келадиганлар тўхтамаган. Бу даъвомизни асослаш учун битта далил келтирайлик. Адабиётимиз тарихида ўзининг ҳажвий, лирик шеърлари билан муносиб ўрин тутган, ўзбек ва тожик тилларида қалам тебратган Нозил Хўжандийнинг ўзбек тилида ёзган «Мазаммати қурбақа» ҳажвий, «Гувоҳ» радифли шеъри бор (шоир девонларида бу шеърлар бўлмаса керак).

«Мазаммати қурбақа» шеърининг 2-байтида:

Бошқа вақт, майли, гавго қилинғиз, хомуш бўлинг,

Шаҳардан келган эдук биз, меҳмон қурбақалар, – дейди (Нозил 1788 йили туғилиб, 1878 йили вафот этган). Шоир Худоёрхон замонасида, 1848 – 1850 йилларда, Ёвпусконда бўлган. Чеки Насриддин қишлоғига яқин дўстларининг таклифи билан келган шоир Ёвпусконга ҳам ўтган. Бу шеърнинг яратилишига сабаб бўлган воқеани билмадиг-у, аммо шоирнинг «Шаҳардан келган эдук биз, меҳмон қурбақалар» ва 5-байтдаги «Илгари эркон Ёвпускон, Нозил эмди» мисрасидаги «Илгари эркон Ёвпускон»

сўз бирикмаси Нозил келган пайтда бу жойлар ёв писадиган (яширинадиган) тўқай, қамишзорлардан ҳовуз, уй-жойлар қури-либ обод бўлганини англатади. Кўринадики, Ёвпускон маҳалласи XIX асрнинг 2-ярмида мавжуд бўлган. XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллари бошларида Ёвпускон маҳалласи бузиб ташланиб, экин майдонига айлантирилган. Маҳалла аҳолиси Амиробод қишлоғининг шимоли-ғарбидаги маҳаллаларга кўчиб келиб ўрнашган.

Бўтқа қишлоғи. 1909 йили қишлоқ сифатида сиёсий-маъмурий идораларга ҳам маълум бўлган. Демак, у XIX аср ўрталаридан қишлоқ сифатида танилган. Қишлоқ Зоҳидондан 2,5 километр узоқликда бўлиб, Эскиқўрғон ва Хонақоҳ маҳаллалари орқали марказ билан боғланган.

Бўтқада жами 78 та ҳовли бўлиб, 64 оила ерли, 14 оила ерсиз экан. 1909 йили қишлоқдаги 391 кишидан 200 таси эркак, 191 таси аёл бўлган. Қишлоқ аҳли, асосан, деҳқончилик билан шуғулланган. Қишлоқнинг энг машҳур деҳқони Йўлдош зўр деган киши бўлиб, унинг буғдой ва оқ жўхори, арпа каби донлари Риштон бозорида яхши сотилган (Мусажон домланинг сўзлари).

Қишлоқнинг кўпгина аҳолиси Олтиариқ, Қўқон каби шаҳар ва қишлоқлардан келиб ўрнашиб қолган. Жумладан, Мулла Насрулло ва Абдаз боболарнинг оталари олтиариқлик бўлса, оналарининг боболари Қўқондан келган. Бўтқа қишлоғига сув Зоҳидон ариғидан Учариқ маҳалласида бўлиниб, Кўтарма маҳалласи орқали оққан. Бўтқа ариғидан келган, қишлоқнинг шарқий мавзеидаги тегирмонни юрғизиб, сўнг деҳқонларнинг томорқа ва дала ерларига оқиб ўтган.

Бўтқа қишлоқ топонимияси ҳақида аниқ маълумот бўлмасда, уни ўзбек уруғларидан бирининг номи дейиш мумкин. Чунки қишлоқ номи туркий халқларнинг овқат турларидан бирини англатади. Дилшод Барнонинг «Тарихи муҳожирон» асарида бўтқа сўзи тилга олинади. Лекин у жой номими ёки овқат турими, аниқ эмас. Ҳозир Бўтқа Чўлигулистон қишлоғи билан бирга-ликда маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этган, обод ва гавжум қишлоқ ҳисобланади. 2011 йилги маълумотларга қараганда, Бўтқада 3070 та аҳоли истиқомат қилади, шундан 1526 нафари эркак, 1548 нафари аёлдир.

Хонақоҳ маҳалласи. Хонақоҳ форс-тожикча сўз, кулба, уй, дарвишлар ва мусофирлар, уларнинг пир ва муршидлари учун

қурилган манзил, уй-жой маъносини англатади. Бу маҳалла гузардан бошланган йўлнинг давоми бўлиб, маҳалла масжид номи билан аталган. Бош кўчанинг ўртасидан шимолга қараб яна бир йўл бўлиб, у Хонақоҳ масжидидан тўғри Бўтқага қараб элтарди. Масжиднинг ўнг томонида асли марғилонлик бўлган Тожиҳон тўранинг ҳовлилари бўлган. Хонақоҳда 5 вақт намоз ўқилишидан ташқари теварак-атроф қишлоқлардан келган муллаваччалар таълим олишган. Маҳалланинг этагида Бўтқа ариғи устига қурилган 1 та тегирмон ҳам бор. Маҳалланинг аксарият кишилари асл деҳқон, миришкор боғбон эди. Шундай деҳқонлардан бири Фулом бобо бўлиб, у ҳақида Гузар маҳалласидан Аминжон Ҳожибоев «Фулом бобонинг ҳовузи» тарихномасида қуйидагиларни ёзган: «XX асрнинг 20-йиллари бошларигача кўпчилик ўзининг ер мулкига эга бўлган. Жумладан, Фуломжоннинг отаси ҳам катта мулк эгаси эди. Фуломжон катта бўлгач, ана шу ер мулк билан кифояланмай, кўқонлик Саодатхон деган бойга чорикор бўлиб ёлланади. У ўзининг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, ишнинг кўзини билиши билан бойга ёқиб қолади ва кейинчалик ўзи одам ёллаб ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунки ҳар йили бой фақат экинлар ҳосилни йиғиштирар вақтида келар экан. Фуломжон эса ҳосилни бунёд этишда куч-ғайрат сарфлаб мўмай даромад оларди. У шу йўл билан ер мулкни кенгайтиришга эришарди. Ўша даврда Зоҳидон ерлари Сўх дарёсидан сув ичарди. Шу боисдан сув тақчил бўларди. Фуломжон бунинг иложини топарди. Сувлар йиғилиб келадиган пастқам жойда сув омбори – ҳовуз қовлайди. Унинг атрофига эса толлар ўтқазади, гулу райҳонлар кўкартиради. Бу ишларни бажаришда олти ёшли жияни Абдурасул кўмаклашган. Октябрь тўнгариши бўлади. Кейин колхозлаштириш. Бой деҳқонлар сиқув остига олинади. Бу воқеалар Фулом бувани ҳам четлаб ўтмайди. У ҳам кулоқ қилиниб, қишлоқдан бадарға этилади. Лекин унинг ҳовузи, эккан толлари ҳамон инсонлар хизматида».

Эскиқўрғон маҳалласи. Бу маҳалла номи ҳақида халқ ўртасида турли-туман нақл юради.

1. Эскиқўрғон – қадимги Қўқон шахрининг Эскиқўрғон маҳаллаларидан бирининг номи. Тарихшунос олим Яҳёхон Дадабоевнинг «Қўқон маҳаллаларининг тарихи» номли китобида бу маҳалла тўғрисида маълумот берилган. Зоҳидондаги «Эскиқўрғон» Қўқоннинг шу маҳалласидан кўчиб келган шахс билан боғлиқ деган ривоят ҳам бор.

2. Одамлар турли тарафдан келиб шу маҳаллага ўрнашгунарича, бу ерда эски ташландиқ Эскиқўрғон бўлган деган гап-сўзлар ҳам бор. Эскиқўрғоннинг ўз тарихи мавжуд.

Ушбу маҳаллада яшовчи Юсуфжон Тоҳиров оталарининг унга айтган хотираларини эслаб: «Улуғ бобомиз Мулла Исроил охун Қўқондаги Эскиқўрғонда туғилган бўлиб, у киши хон томонидан Зоҳидонга солиқчи қилиб юборилган, кейинчалик шу маҳалладан уй-жой сотиб олиб ўрнашиб қолган экан. Ҳозирги Учкўприк туманининг Қўқон шаҳрига туташ бўлган ҳудудда қариндошларимиз ҳали ҳам бор», – деган маълумотни берди.

Юсуфжон Мулла Исроил охун солиқчига эвара бўлиб, ҳозирда 45 ёшда. Унинг отаси – математика фанидан ўқувчиларга таҳсил берган номдор домла Нишонбой Тоҳиров 1928 йили туғилиб, 2008 йили вафот этган. Нишонбой аканинг отаси Тоҳир бобо 1880 йили таваллуд топган. 1950 йили бу дунёдан кўз юмган. У кишининг отаси Мирзоҳир бобо 1850 – 1855 йилларда дунёга келган. Юсуфжоннинг қўлидаги ҳужжатда Мирзоҳир эскиқўрғонлик бўлган деб ёзилган. Мирзоҳир бобонинг отаси Мулла Исроил охунд бўлиб, у киши Бухоро, Қўқон мадрасаларида узоқ йил ўқиган. Қўқондаги мадрасалардан бирида илми ҳисобдан талабаларга сабоқ ҳам берган. Мулла Исроил охунд 1820 – 1825 йилларда Қўқондаги Эскиқўрғон маҳалласида туғилиб, 1848 – 1853 йиллар атрофида уйланган. 1860 – 1865 йилларда Зоҳидонга солиқчи қилиб юборилган. Шу ерда 1890 йилларда вафот этган.

Зоҳидондаги Эскиқўрғон маҳалласининг номи Мулла Исроил охунд солиқчининг Қўқондаги туғилиб ўсган маҳалласининг номи билан боғлиқ эканлиги ҳақиқатга яқин далилдир. Чунки «Элда у ким?» деб сўралса, «У Қўқоннинг Эскиқўрғонидан келган киши» деб жавоб бериларкан. Бора-бора бу ном унинг ҳозир яшаётган жойига ҳам ўтади. Худди анжанлик, Анжан маҳалла дейилганидек.

Гузар маҳалласи. Гузар форс-тожикча сўз бўлиб, ўтиш жойи, қишлоқ, шаҳар маҳалласи маркази, гавжум жой маъноларини англатади. Қишлоқнинг гузаридан ўтган йўл ғарбда Тўққизот мавзеи, шарқда Бешот мавзеи билан туташган. Гузарнинг ғарбидан Шакарқишлоқ ва Қал маҳалла йўллари орқали Қўқон шаҳри, шарқий томонидан Хонақоҳ маҳалласи орқали Марғилондан йўловчилар келишади. Гузарнинг ғарбга қараб йўналган йўли икки томони савдо расталари (дўконлари) билан тўла. Гузар-

нинг қоқ марказида чойхона бўлган. Йўлнинг кесиб ўтган ариғи-да Сўх дарёсининг суви, ариқнинг икки ёнида сувлар сепилган сўри ва супалар. Чойхонанинг ўчоқ ва мўрилари бўрланган, чойнаклардан ишқордай аччиқ қилиб дамланган кўк чойлар. Табиатан шўх кулгини ёқтирадиган йигитлардан бири нариги супада ўтирган бошқа бир йигитга ҳазил қилиб гап қотади. Чойхонада гур кулги кўтарилади. Ҳазилга ҳазил билан жавоб беролмай қипқизариб турган у йигит ориятпазлик қилиб гап ташлаган йигитнинг гирибонидан олади. Ҳазилкаш йигит:

– Сенга нима бўлди? – дейди-ю, ўрнидан туриб, уни даст кўтариб ариққа ирғитади. Яна кулги, ана томоша!

Бундай манзаранинг гувоҳи бўлган шоир Муқимий:

*«Маъюс бордим Зоҳидон,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами ичмай пиён,
Маст отаси безор экан.
Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,
Таъбинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан»*, –

деб ёзган бўлса ажаб эмас.

Гузарнинг ғарбий томонида ҳам 1 та, шарқий томонида 2 та масжид, шарқий томонга йўналган бош кўчанинг икки ёнида темирчилар дўконлари. Аштдан келиб ўрнашиб, уй-жой қилган бу темирчилар аллақачон қишлоқ шароитига мослашиб, одамларига аралашиб, уларнинг феълига кўникиб кетганлар. Унчамунча гапга парво қилмайдилар; «зодиёнчилик» деб қўяверадилар. Деҳқонлардан бири келиб:

– Султон ака, кетмон пешландими? – дейди.

Уста ҳозир-ҳозир дейди-ю, ишини давом эттиради.

– Нима бало, дамингиз орқангиздан чиқиб кетдими дейман.

Уч кунда ҳам битта кетмон пешланмаса-я, – дейди деҳқон.

Темирчи қотиб-қотиб кулади. Қўлидаги ишни қўйиб, деҳқоннинг кетмонини қўлга олади.

– Қани, – дейди уста дам босиб ўтирган болани нари суриб, – бир сизнинг дамингизни ҳам кўрайлик-чи, бонг-бонгмикан, пис-писмикан.

Деҳқон ҳам гапнинг мазмунига тушуниб хохолаб кулади.

Аштлик темирчи усталар зодиёнликлар билан аллақачон қуанда бўлиб кетишган.

Тўй-маъракаларда бир-бириникида хизматда, иззатда.

Гузар маҳалладагилар, асосан, савдогар, баққол, хунарманд, новвой, ошпаз, уламолардан иборат. Ҳафтада бир кун – жума кунни бозор. Зоҳидон волост маркази бўлгани учун, 40 та қишлоқ ва шаҳардан келган меҳмонлар, турли хил арз ва шикоятли одамлар билан гузар гавжум эди. Қатор-қатор кучоқ етмас толларнинг шохлари бир-бирига мингашиб кетган, тагига тангадай офтоб туширмасди.

ЗОҲИДОНДА ЯШАБ ЎТГАН МАШҲУР ШАХСЛАР ВА УЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АВЛОДЛАРИ

*Мардлар табиати тутар оқил иш,
Яхшиликка умид – ёмондан кўрқиш.
Кўрқмайди кишидан келса фалокат,
Кўрқар етмасин деб юртга ҳалокат.*

Саъдий Шерозий

АБДУЛҚОСИМ ВАЗИР

Қосим оталиқ (додхоҳ, девонбеги, бекларбеги)нинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихий манбаларда жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Қосим оталиқнинг отаси ҳам Зоҳидонда туғилиб ўсган. Қўқон хонлари Шохрухбий ва унинг авлодлари, хусусан, Норбўтабий ҳукмронлиги даврида ҳарбий саркардалардан бўлган. Унинг ота-боболари ҳам XVI асрда Шайбонийхон қўшини билан Фарғона водийсига келиб, Зоҳидонда яшаб қолган туркий (ўзбек)ларнинг дўрмон уруғидан бўлган. Дўрмон мўғулча тўрт демақдир (Ша-жараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б.41). Абдулқосим вазирнинг Зоҳидондаги 2 та оиласидан бўлган ўғил фарзандлари ва набираларининг авлоди XIX ва XX асрларда яшаб ўтдилар. Бугунги кунда ҳам уларнинг зурриёдлари Истиқлол шаҳарчасига айланган обод гўшанинг обрўли ва таниқли кишилари саналади.

Абдулқосим Олимхон (1799 – 1810) даврида Умархон билан бирга ҳарбий юришларда ишгирок этади. Шаҳзодага жанг қилиш

санъатидан сабоқ беради. Олимхон укаси Умархонни Марғилонга ҳоким этиб тайинлаганда, Қосим оталиқ вилоятни бошқариш ишларида яқиндан ёрдам беради. Марғилонда бир қанча масжид ва мадрасалар барпо этиш, солиқ низомларини тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратди. Укаси Нажибни муҳтасиб вазифасига тайинлаб, унга бозорларда нарх-навони, ислом дини ҳукмларининг одилона бўлишини қаттиқ назорат қилишни буюради.

Умархон Қўқон тахтига ўтиргач, Қосим оталиқ хоннинг энг яқин маслаҳатчиси, вазир, девонбеги, вилоят ҳокими, бекларбеги каби лавозимларга тайинланади. Қосим оталиқ саховатпеша, инсонпарвар вазир эди. Шунинг учун ҳам шоир Махмур «Дар сифати Қосим бекларбеги» шеърида уни Сулаймон пайғамбарнинг доно вазири Осаф ибн Бурхиёга ўхшатиб «Низом ул-миллат» (Миллат ҳаётини тартибга солувчи) деб улуғлайди.

*Баҳри алтофи Худованд тамоман сандадур,
Офтоби раҳматинг Хуқанд аро тобандадур,
Даргоҳинга доимо фатҳу зафар тобандадур,
Кимки инсондур, санга жондин асиру бандадур,
Шукрлиллоҳ, қулларингни хайли(да) жо бўлдум, Вазир.*

Умархон истеъдодли шоир ҳам бўлиб, саройда шоирлар мушоирасини мунтазам ўтказиб турарди. Амирий тахаллуси билан ёзган ғазалларига пайров қилиб шеър ёзишни шоирларга буюрган. Шу тариқа анжуманда ҳозир бўлган шоирлар Амирий ғазалларига пайров ғазаллар битиб, унинг лирик шеъридаги асосий ғояни ўз шеърларида ифодалашга интилганлар. Бундай сўз мусобақасида кўпинча Вазир ўз шеърлари билан ғолиб чиқарди. Бу ҳақда «Мажмуаи шоирон» тазкирасида Абдулкарим Фазлий Вазир таърифида бундай деб ёзган:

*Вазир эрур ушбу чаман булбули,
Шеъри бўлиб мисли латофат гули...
Соҳибқирон Умархон аъёнлари,
Фозилу олим, шоир эрурлар бари.
Вазир бўлиб шоири олий насаб,
Сўз ёмбисин зарғаридур, нозик табъ...
Шаҳриёр бўлсалар Аллоҳ сояси,
Маъноли сўзлар-ла у шоҳ сояси.*

Вазир девони бизгача етиб келмаган. Аммо унинг девон ярат-

гани Фазлийнинг Вазир ҳақидаги қуйидаги сўзлари орқали маълумдир:

*Чирой берур девонига бу ғазал,
Ҳақиқатан ёзиш усули ғўзал.¹*

Қолаверса, Фазлий бир маснавийсида тожик тилида Вазирни мадҳ этиб ёзган:

*Вазир он ба забти адлат насақ,
Ба дарси камолот оли сабақ,
Зи алтофи шоҳи шуда муҳтарам,
Ба жонбозияш нек собитқадам.
Пайи хизматаш баста шому саҳар,
Нигоҳ дор аз мўйи миҳсон камар.
Зи васфи камолаш чи ғўям суҳан,
Бувад хотифи ў бартар аз ҳадди ман.
Ҳамин бас, ки ба табъи диққатписанд,
Чунин подшоҳе намуд аржуманд.
Ба расми таттабуъ суҳансоз шуд,
Ба жинси ғазал тухфапардоз шуд.
Ки шояд ба ин шевааш сарвари,
Бифизояд аз роъфат довари.
На ў ғашт танҳо аз ин муддао,
Бу гулрезии фикр рангин адо.
Ба табиати он баҳори камол,
Аён кард ҳар кас ба ранги хаёл.
Вале кас наояд бо ў интисоб,
Кужо нури анжум, кужо офтоб?
Зи мазмуни ин нукта дорад паём,
Калом ал-мулук, мулук ал-калом.*

Вазирнинг истеъдодли шоир бўлгани қуйидаги ғазалларидан ҳам маълум бўлур.

* * *

*Эй кўнгли, дема ҳарғиз ёди хуру ғашмон қил,
Ёр ила тирикликда дашти боғу бўстон қил.*

¹ Толиб Носир таржимаси.

Ёзди котиби қудрат саҳфои узорингда,
Чун хатти ғубор шан нархи бўса арзон қил.

Сенсиз, эй камон абру, саъбдур тирик ўлмак,
Бир йўла тўкиб қоним мушкулумни осон қил.

Йўқдур, эй парипайкар, мандин ўзга ҳайронинг,
Зоҳир шга мардумлиг дийдам ичра жавлон қил.

Хатти зулфи мижгонинг қилди кўнгиш ошифта,
Эй гизол, мумкинму, сайри шабистон қил.

Ёр ҳажрида қолган доени ғанимат тут,
Кўзга суртибон ани кўзинг ичра пинҳон қил.

Ўзга сўз такаллуфдир, эй Вазир, кўнглингни
Лаъли хаёлида маъдани Бадахшон қил.

Лаълиг орзусидин кўзларим тўкуб қонлар,
Бўлди шоҳ маржондек ҳасратида мижгонлар.

Жон шга видоғ этдим юзланиб адам сари,
Ҳажр аро тирикликдин кўл ювдум, мусулмонлар.

Шонаваш қилиб юз чок фурқат ичра кўнглумни,
Солди бошима савдо зулфи анбар афшонлар.

Юз туман вафову меҳр кўргузур рақибимга,
Қаҳр шга газабдиндур манга лутфу эҳсонлар.

Жамъ шга кўнглумни етмамши висолига,
Сандин шга ришлар ҳам тортиб оху афеонлар.

Хон хати саводидин оразинг сафо топти,
Боғ аро берур равнақ сабза бирла райҳонлар.

Шоҳлиг мусалламдур ангаким, Вазириман,
Қилса фаҳр, тонг эрмас, қуллигига султонлар.

Солди бошима савдо хати анбарафшонлар,
Қшиди кўнглум ошифта турраси парешонлар.

Нафсидин ва-с-саломим бир боқшида олдилар,
Сурмали кўзи кофар моҳи тобонлар.

Ҳажр кўнглумда холи зулфи савдоси,
Шодлиг кетар истар, келди аҳли меҳмонлар.

Ул гўзал тағофулдин боқмади асирига,
Бўлди сели ашқимдин олам ичра тўфонлар.

Чекғали майи ишрат бермади даме фурсат,
Кетти райгон элидин, ҳайф яхши давронлар.

Сайри гулишану гулни найлайин висолисиз,
Дўзахи муқаррардур ёр сайри гулистонлар.

Хусн кишвари шаҳи боқмади Вазирига,
Фуссалар ютуб эмди ўлдим, эй мусулмонлар.

Ул пари хусн аҳлини аълосини аълосидин,
Мен эрурман телбалар доносини доносидин.

Кечаси тонг отқунча, базмим эрур гам шоҳиди,
Қон ичиб май ўрнига даври фалак миносидин.

Кўрсангиз бе пойу сар ман телбани, эй аҳли хуш,
Тутгайсиз маъзур, келмишман жунун саҳросидин.

Ёр азм айлар сафар, йўқманда тоқат, эй кўнгли,
Яхши бор, Тангрига топшурдим ани орқосидин.

Эй парипайкар, қлиб Мажнун жаҳон бозорида,
Бир йўли қутқар мени суди зиён савдосидин.

Ул қуёшни меҳри йўқ ман заррасига заррача,
Соя янглиғлик мустағнимен унинг истиғносидин.

Истаюб васлинг тополмай бу кўнгиш оворадур,
Ё раб, ул Мажнунки, йўқдур давои бежосидин.

Ул қадр ҳижронда ашжим тутубдур ер юзин
Ким, фалак чархи жиболидин кўзум даррасидин.

Кўнглум бежолпигидин ўзга йўқдур чораси,
Қолмади ободлиг кофир кўзи яғмосидин.

Ҳар на келса аҳли оламдин, кўнгиш хуш тут, Вазир,
Кимга ғам девонага атфолтар ғавгосидин.

Вазирнинг форс-тожик тилида ёзган ғазал, мухаммас ва таърих каби жанрлардаги шеърлари ҳам мумтоз лириканинг гўзал намуналаридир.

Ба ёдат, эй санам, номуси дил дар шулон аст имшаб,
Наям осуда то жони балокаш дар ман аст имшаб.

Ба ёди чехраи гулгуну лабҳои майюлудаи,
Маро дар жайбу доман гунчаву гул хирман аст имшаб.

Надонистам чу Анқо номи осудан кужо бошад,
Ба қадри ҳар сару мў хор дар пирохан аст имшаб.

Намедонам раво ба ғайри зулму жаври он бадхў,
Ба ҳолам эй ажал раҳме, ки бими мурдан аст имшаб.

Шикастам зухду тақворо ба ёди Лайли Мажнунаш,
Ту ҳам турфа кулаҳ бишкан, ки бишкан бишкан аст
имшаб.

Дили вайронаи ман тира бувад аз ҳажри рухсораш,
Биҳамдуллаҳ зи нури орази ў равшан аст имшаб.

Тараҳҳум бар Вазир, худ ки маҳжур аст аз васлаш,
Ба шамси арсаи олам чу чоҳи ... имшаб.

Зани ту шона ба он зулфи тобдор ангушт,
Зи чок-чоки дили хештан барор ангушт.

Бад-он умед, ки гарди раҳи ту сурма кунад,
Ду дида аз мижа во мекунад ҳазор ангушт.

Асари тарози рухсори ёрро нозам,
Ки з-ӯ шуд кафи машотаро ниғор ангушт.

Ишоратест, ки мақтули теги миғзонаш,
Намуда аз шми хештан мазор ангушт.

Шабе ниқоби рухи отабини ёр кушуд,
Ки сӯхт то ба дами субҳ шамғвор ангушт.

Гузашт умр агар боварат намеояд,
Даме зи баҳри шумори нафс барор ангушт.

Бас аст судан лафзи маро Вазир, кунун,
Нашуд ба домани васли туам ба кор ангушт.

Дил ба ёди рағное нолаю коре дорад,
Чашми бе гул рӯи ашқборе дорад.

Моро зи гами ҳасрат мебарад ба кӯи ў,
Бахте сиршики ман шашқаторе дорад.

Орзу зи дил умрест пар фиционад Анқо шуд,
Тифл як амал ин дам не саворе дорад.

То фалак губори ман рафт лек ин гофил,
Ҷисм аз размири бурду боре дорад.

*Бандаи ҳамон чашм гар сиришки хунолуд,
Бо ниҳоли қади ӯ обёри дорад.*

*Мунъим аз газанд ин жояст соате фориғ,
Бишканад кулоҳи худ он, ки хоре дорад.*

*Меҳр э-ӯ Вазир ин жо бар хати парешони,
Дар саводи зулфи ӯ мулкдори дорад.*

*То зи рухсори ту хатти мушкбор омад бурун,
Ҳасрати ойинаи дил аз губор омад бурун.*

*Гул зи беқадри ба чашми андалебон чор шуд,
То бигашт бӯстони он гулгузор омад бурун.*

*Пой дар гилмонд, сарв аз хижлат даст тиҳи,
Чун ба гулшан нахли қудсаи жишвабор омад бурун.*

*Бар баёзи субҳ таҳрирвор шом кард,
Хатти ширинеки, ки аз рухсори ёр омад бурун.*

*Чун ниғини нақши вафояш ҳар, ки дар дил жой гирад,
Бар сари манишури давлат эътибор омад бурун.*

*То камар бар хизмати султон Умар кардам Вазир,
Субҳи давлат аз гиребон ошкор омад бурун.*

Қишлоғимизнинг Андижон маҳалласида истиқомат қилаётган Илҳомжон Охунов (у киши Қосим оталиқнинг эвараси) амалари Ҳадя бувининг бир ҳикоясини сўзлаб берди. Ҳадя бувининг айтишича, Абдулқосим вазир бобоси Зоҳидонга қилган ташрифларидан бирида қишлоқдан отлиқ аскар йиққан экан. Ўшанда қишлоқнинг ғарб тарафидан 9 отлиқ, шарқ тарафидан 5 отлиқ аскар йиғилган экан. Вазир бобо уларни Қўқонга олиб кетган, ўша кундан бошлаб Зоҳидоннинг шарқий томони Бешот, ғар-

бий томони Тўққизот деб юритила бошлаган экан. Машҳур тарихчи олим Муҳаммад Ҳакимхон тўра қаламига мансуб «Мунтахаб ат-таворих» асарининг 444-бетида ёзилган қуйидаги маълумот юқорида айтилган ҳикоя мазмунига аниқлик киритган.

«1237/1822 йилнинг баҳор фасли бошида (март ойларида) буюклик мамлакатлари Хусравий улуғларидан қишки буржлардан маълум бўлиб, ўз байтул-шарафи томон қўзғолганда, ферузакор Ҳисор (олам)ни эгаллашга уриниб мамлакат олувчилик шартларини амалга оширганда, амир Умархон бутун Фарғона бўйлаб жарчи чақиртириб, ким отлиқ бўлса, бу хайрият сафардан қолмасинлар, қутлуғ маркаб узангисини ўпиш учун юзлансинлар, кимки била-кўра ва қасддан боришни ихтиёр этмаса, боши барбод, моли тарожга кетади деди. Бу пайғом бутун Фарғона мамлакатлари бўйлаб ёйилгач, шундай лашкар йиғилдики, на тоққа сиғарди, на даштга». Хоннинг бу фармонини юксак мансабдорлар ўзларига қарашли қишлоқ ва кентга етқазиб, у ердан отлиқ сипоҳлар келтирганларки, ёзувчи «...шундай лашкар йиғилдики, на тоққа сиғарди, на даштга» деб таърифлаган.

Худди шу фармон билан юқорида айтганимиз Ҳадя бувининг бобоси Қосим оталиқ – Вазир Зоҳидон қишлоғидан отлиқ аскар йиғиб кетган экан. Демак, Зоҳидоннинг шарқий ва ғарбий мавзеларининг Бешот ва Тўққизот деб аталган санаси ҳижрий 1237, милодий 1821 йил бўлган.

ДОНО ВАЗИР

Умархон ҳижрий 1238 йил раббий ус-соний ойининг биринчи жумасида, милодий 1822 йилнинг 20 декабрида вафот этди. Бутун мамлакат мотамда, улуғ хоннинг вафот этганига кўплар ишонгиси келмайди. Ахир, олампаноҳ эндигина 35 ёшга тўлганди-да. Саройда-чи? Сиртдан қараганда, барча қариндош-уруғ улуғ хоннинг ўлимига қаттиқ қайғураётганга ўхшарди. Аслида, хоннинг синглиси Офтоб ойим тезроқ майитни қабрга қўйишга, ўғли Чинихон тўрани хонлик тахтига ўтқозишга шошиларди. Аллақачон бу ҳақда саройнинг обрўли намояндаларига шипшитган, улар ҳам рози, янги юксак лавозимларни эгаллаш пайида. Ичкаридаги (сарой аёнлари ўртасидаги) пинҳоний суҳбатлар ташқаридаги аёнлар ўртасига ҳам кўчади. Бундан хабар топган Қосим бекларбеги дарҳол шай-

хулислом Зокир хўжани ва Маъсумхон тўрани хузурига чорлаб, мамлакатда осойишталикни сақлаб қолиш ниятида Умархоннинг 17 ёшли тўнғич ўғли Муҳаммадалихонни тахтга ўтқазиб кераклиги, акс ҳолда мамлакатда оғир фожиялар рўй бериши мумкинлигидан огоҳлантиради. Шайхулислом ҳам, Маъсумхон тўра ҳам Вазирнинг фикрига қўшилди. Улар Муҳаммадалихонни олиб келиб тахтга ўтқаздилар ва оталари руҳлари шод бўлишини тилаб янги хонни муборакбод этдилар. Дўстлари шод, душманлари ғамгин, иложсиз ҳолда салтанатнинг янги ҳокимини қутладилар. Қосим бекларбеги – Вазир ўзининг ўтқир ақли, тадбиркорлиги ва донолиги туфайли мамлакатни уруш гирдобига тушиб қолишдан сақлади.

Муҳаммадалихон хонлигининг дастлабки 4-5 йилида узоқни ўйлаб иш тутадиган доно вазир (Абдулқосим) маслаҳати ва йўл-йўриғи билан юртни бошқарди. Амир Умархон давридаги нисбий тинчлик давом этиб, хайрли ишлар амалга оширилди.

МАХМУР: ДАР СИФАТИ БЕКЛАРБЕГИ

(Қосим бекларбеги сифати)

*Осафо, авқот илгида адо бўлдим, вазир,
Муфлисус қаллошликдан ғамзудо бўлдим, вазир,
Уч болага нон тополмай бенаво бўлдим, вазир,
Дарғаҳинга шайъа лиғлаҳ деб гадо бўлдим, вазир,
Мисли сайллар каби соҳиб нидо бўлдим, вазир.
Субҳидам алломаҳо оянд саф-саф кўй ба кўйи ту,
Аз хумори наиъаи лутфи лаби ҳақеъи ту,
Офарин бар тиннати поки хисоли хўи ту,
Ҳар ки як раҳ дид аз жон шуд гуломи кўйи ту,
Банда умредур, ки маъмури дуо бўлдим, вазир.
Ҳеч киши оламда мендек толиби нон ўлмасун,
Нон сўроғида халойиқ ичра сарсон ўлмасун,
Матбахи Осаф ҳар кеча товон ўлмасун,
Хуша чийни хони неъматбахши инсон ўлмасун,
Нега кўрмай оқибатни кадхудо бўлдим, вазир.
Тавба кардам баъд аз ин ҳарғиз нагардам гирди зан,
Чун шудам аз боиси авқоти ў гарди миҳан,*

Рӯзҳо ғаштам асири яъс, дар байтул ҳазан,
 Шуд сиришки ман зи дидори чашм чун дурри адан,
 Уч бола деб поймоли юз бало бўлдим, вазир.
 Субҳ ким партав урар даҳр ичра меҳри ховари,
 Нон деб ўридан турар бир хоҳар, икки додари,
 Уч юҳо эжоди аждар нафси одам манзари,
 Маҳв авқоти бўлур деб йўқ бу чархи чанбари,
 Қулзуми чоҳи жафога мубтало бўлдим, вазир.
 Кай раво бошад ба аҳди чун ту олий ҳазрате,
 Уфтад чун ман зи дарди фоқа соҳиб мидҳате,
 Дар замони шоҳи динпарвар мусулмон ҳашмате,
 Шуд ба номат хатми оини низом-ул-миллате,
 Баҳри авсофингда обрези фано бўлдим, вазир.
 Баҳри алтофи худованд тамоман сендадур,
 Офтоби раҳматинг Хўқанд аро тобандадур,
 Дарғаҳингга доимо фатҳу зафар тобандадур,
 Кимки инсондур санга жондин асиру бандадур,
 Шукриллаҳ, қулларингни хайли(да) жо бўлдим, вазир.
 Дўш мекардам хаёли назми ҳижои пари,
 Он замон дар раҳ дучорам ғашт ялғои пари,
 Бас бар раҳ ғалтид чандин руқъа калои пари,
 Чун зи уфтодан дар охир ланг шуд ҳои пари,
 Дастгир айлаб парини мен асо бўлдим, вазир.

Таржимаси:

1. Эрталаб олим кишилар саф-саф бўлиб кўчангга
 келадилар,
 Сенинг ҳаққуӣ лабинг лутфининг наштасига хумор
 (бўлиб келадилар),
 Пок табиатинг, феълу хўйингга офарин,
 Кимки бир мартаба кўрди, жонидан кўчанинг гуломи
 бўлиб қолди,
 Узун умрим бўйича сенинг дуонгни қилувчи қул бўлдим,
 вазир.
2. Тавба қилдим, бундан буён ҳеч уйланишни ҳавас
 қилмайман,
 Чунки унинг овқати учун ошхонанинг қулига айландим,
 Қуллар (бўйи) ғам уйида қайғуга асир бўлдим,

Кўз ёшларим кўзимдан юзим (бўйлаб) адан
 гавҳарларидек тизилди,
 Уч бола деб юз балолар остида поймол бўлдим.
 3. Сен каби олий ҳазратнинг даврида мен каби
 мактаб
 эгаси қашшоқлик дардида йиқилиб қолиши қандай қилиб
 раво кўрилади,
 Муслимонлик ҳашамати, динпарвар шоҳ замонасида
 Низом-ул-миллат қондаси сенинг номинга хатм қилинди,
 Мақтовнинг денгизида йўқликка чўкиб кетдим, вазир.
 4. Кеча парининг ҳажв шеърини тузишни хаёл қилдим,
 Ўша замон йўлда парининг ялласини эшитдим,
 Йўлга пари калласининг парчалари юмалади,
 Йиқилгандан сўнг парининг шовқини охир тўхтади,
 Парининг қўлидан ушлаб мен асо бўлдим, вазир.

АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ АБДУЛҚОСИМ ВАЗИР ҲАҚИДА

Нодир адабиётимизнинг йирик тадқиқотчиси академик Азиз Қаюмов асарлари Абдулқосим вазирнинг шахси ва унинг саройдаги лавозимларига аниқлик киритишда муҳим илмий манбаларидан биридир. Чунончи, «Махмур, шеърлар» (Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959) китобининг 5-бетида Қўқон адабий муҳитининг ўнг қанотини ташкил этган сарой адабиёти ва унинг вакиллари ҳақида Қўқон хони Амир Умархон, унинг вазири Қосим бекларбеги – Вазир, расмий равишда Умархон саройидаги шоирларнинг шоҳи – малик-уш-шуаро унвонини олган Султонхон тўра, Адо ҳамда Нола, Хижлат ва шуларга ўхшаш бошқа шоирлар ўша адабиётнинг йирик намояндаларидан эдилар деб Вазирнинг бекларбеги лавозимида бўлгани ва Умархон саройидаги шоирларнинг йирик намояндаларидан бири эканлигини энг аввал хабар берган.

Вазир мурувватли, саховатпеша инсон бўлганлиги учун, шоир Махмур ҳаётини ариза шаклидаги мухаммасида тўла кўрсатганини ушбу китобнинг 7-бетида таъкидлайдилар.

Атоқли олим «Асарлар», «Қўқон адабий муҳити», «Мажмуаи шоирон» тазкираси ҳақида тўхталиб, унинг 1821 йили тузилга-

нини айтгач, ўша давр Қўқон адабиёти муҳитида маълум даражада кўзга кўринарли роль ўйнаган шоирларнинг шеърлари келтирилади деб ёзади. Ўша шоирлар қаторида Вазир исмини ҳам тилга олиб ўтади.

Вазир ҳақида: «Пўлатжон домулла Қаюмов у киши тўғрисида аниқ маълумот берганлар», – деб Вазир ҳақидаги «Тазкираи Қаюмий» биринчи китоби 238 – 239-саҳифаларидаги маълумотларнинг асосли эканлигини тасдиқлаган. Сўнгра қуйида шуни келтирамиз деб «Тазкираи Қаюмий»да Вазир ҳақида берилган маълумотни айнан келтиради. Демак, Вазир ва унинг таржимаи ҳоли ҳақида адабиёт тарихида тўла маълумот сақланиб қолмаган. Яхшиямки, Пўлатжон Қаюмий 1908 йили Зоҳидонга келиб Қосим бекларбегининг набираси Мустафоқул амин билан учрашгани ва Вазир ҳақида тарихий маълумот ёзгани, акс ҳолда, биз ҳам бу улуғ зот ҳақида бутунлай беҳабар қолардик.

Академик Азиз Қаюмов «Асарлар»и 7-жилди 207-бетида «Махмур» мақоласида: «Унинг хоннинг вазири Қосим бекларбегига ёзган ариза шаклидаги шеъри шоирнинг чидаб бўлмайдиган машаққатли турмушини акс эттиради», – дейилади.

Дарҳақиқат, Махмур Вазирга атаб ёзган «Дар сифати Қосим бекларбеги» («Қосим бекларбеги сифатида») шеърида ўзининг оғир ҳаёти ва ички дардларини яқин кишисига очиқ арз қилгандай баён этган. Улуғ олим Махмурнинг Қосим бекларбегига аталган шеъри, бир томондан, шоирнинг машаққатли турмушини тасвирлаганини айтса, иккинчи томондан, Вазир ночор ҳаёт кечираётган истеъдод соҳибларининг ҳомийси бўлганига ишора қилади.

Хуллас, академик олим Азиз Қаюмов сўз санъати аҳли ижодига холисона ёндашиб, уларнинг адабиёт тарихида тутган ўрнига алоҳида эътибор берган.

МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ «МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ» АСАРИДА АБДУЛҚОСИМ ВАЗИР (ҚИЁФАСИ) ТАВСИФИ

Маълумки, Муҳаммад Ҳакимхон Қўқон хонлари аждождарига мансуб тарихчи олим ва давлат арбобидир. Унинг тарихий асари – «Мунтахаб ат-тавориҳ» XIX асрнинг биринчи ярми Қўқон хонлиги тарихи ва тарихий шахслар ҳақидаги ҳаққоний манба

эканлиги билан бошқа тарихий асарлардан ажралиб туради. Чунончи, Абдулқосим вазир тўғрисида энг кўп ва энг ишонарли тарихий маълумотлар шу асардадир.

«Мунтахаб ат-таворих»нинг 345 – 346-бетларида айтилишича амир Умархон давлатдан маош ва нафақа оладиганлар рўйхатини туздирганда, бундайлар сони қирқ минг кишига етган экан... Шунга қўра, ўзига амир ул-мўминин деб ном қўйдирди. Шу муносабат билан Умархон ўз амирларини янги лавозимларга тайинлайди. Муаллиф китобнинг 346-бетида: «Қосимбек ва Исҳоқбекни девонбеги... мансабларига қўйди», – деб хабар қилади. 1799 йили Умархоннинг отаси Норбўтабой Абдулқосимни оталиқ, яъни ўғли Умархонга мурабий, регент вазифасига тайинлаганди. Абдулқосим бу вазифада Умархон вафотигача ишлади. 1814/1815 (ҳижрий 1250) йили Умархон унинг оталиқ лавозими ёнига девонбеги мансабини қўшади (девонбеги – девон, канцелярия бошлиғи; девон – хон саройи, девонбеги – сарой вазири).

Абдулқосим 1814 – 1815 йилларда сарой вазири лавозимига тайинланган. 1817 (ҳижрий 1252) йили Умархон Ўратепа устига ҳарбий юриш қилади. Подшо қўшин бошлиқларининг ҳар бирига алоҳида топшириқ беради. «Амир Умархон, – деб ёзади муаллиф, – айни чоғда, Қосим девонбеги, Муҳаммадқули додхоҳ, Лашкар қўшбегига Ўратепа қалъасини эгаллашни буюрди» (353-бет). Шиддатли жанглардан сўнг Ўратепа қалъаси таслим бўлади. Қосим девонбеги қўшини биринчилардан бўлиб шаҳар ичига киради. Жангдан сўнг «Амир Умархон Ўратепа ишидан қутулгач, ул вилоят бошқарувини Қосим девонбегига беради». Қосим девонбеги Ўратепа ҳокими мансабида кўп ишлолмайди. Амирининг саркардаси Муҳаммадраҳим девонбеги қариндоши Маҳмудхондан Ўратепа бошқарувини олиб, уни Қосим девонбегига берилганини эшитиб, Пешоғар қалъасидан отланиб, у ердан туриб Ўратепани босқин-чошқин қилади. Қосим девонбеги урушга киришади. Жанг қаттиқ бўлади. «Ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлади». Жанг Муҳаммадраҳим девонбегининг ғалабаси билан якунланади. Шундан сўнг Умархон Қосим девонбегини Ўратепа ҳокимлигидан бўшатади (355-бет). «Мунтахаб ат-таворих»да Қосим девонбеги бошқа мансабга тайинланганлиги айтилмаган. Аммо шоир Махмур «Дар сифати Қосим бекларбеги» мухаммасида Қосим оталиқ бекларбеги мансабига эришганини хабар қилади. Шоир Махмурнинг бу маълумоти тарихий ҳақиқатдир. Чун-

ки Махмур Қосим оталиқ билан замондош, саройда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доим хабардор эди. Шунинг учун Абдулқосим вазирга бағишлаб «Дар сифати Қосим девонбеги» эмас, «Дар сифати Қосим бекларбеги» деб ёзади. Ахир, Махмур девонбеги билан бекларбеги мансаблари орасидаги фарқни яхши биларди.

Қосим девонбеги ҳамма вақт подшоҳ туғи (байроғи) остида лашкарнинг қоқ марказида, қалб қисмида туриб душман билан жанг қилади.

Абдулқосим девонбеги Умархоннинг энг яқин маслаҳатчиси, доно вазири эди. У Ўратепа учун бўлган навбатдаги жангда ҳам «подшоҳликнинг баланд мартабали туғи сояси остидаги қалб қисмида туриб олий ҳимматини душманни янчмоқ ва ўлдирмоқ сари қаратди...» (375-бет) Қосим оталиқ шоҳнинг шахсий ишларига ҳеч қачон аралашмайди. Ўз ҳаддини билади. Аммо хоннинг ҳаёт-мамоти ва мамлакат тақдири масаласига доир ишларда дарҳол ўз фикрини билдиради. Амир Умархон 1821 (ҳижрий 1263) йили Жиззах ва Самарқандга қўшин тортиб боради. Жиззахни қамал қилади. Қамал узоқ чўзилади. Амирга турли хил хабарлар келади. Хоразм қўшини Бухоро шахригача ерларни босқин-чопқин қилади. Амир Ҳайдар подшоҳ уйида қамалиб қолибди деган турли хабарлар кела бошлайди. Ҳатто Урганж жамоаси Бухоро дарвозасига ўт қўйиб кетибдилар деган миш-мишлар тарқалади.

Шу аснода давлат катталари йиғилишиб, Амир Умархон хузурда ушбу сўзларни арз қилдилар. Неча йиллардан бери бу каби ҳодисалар ушбу бузғунчи оламда рўй бериб келмоқда, ҳозир эшитишимизча, Дониёл оталиқ манфитларга қарашли етти қалъани олиб, Қарши шаҳрини ҳам қийин аҳволга солиб қўйибди деб Умархонни Бухорога қарши қўшин тортишга ундайдилар. Уларнинг фикрини Султонхон тўра (Умархон аммасининг завжалари) ва Маҳмудхон ҳам қўллаб-қувватлайди. Умархон, ниҳоят, уларнинг гапларини қабул қилади. Аммо Қосим оталиқ ва Юсуф парвоначи амирга бундай қилмаслик, миш-мишларга қулоқ солмасликни маслаҳат беришади. Муаллиф Қосим оталиқни қўрқоқ, Юсуф парвоначини аблаҳ деб атайди.

Қосим оталиқ душманлик мақомидаги Муҳаммад девонбеги сингари ботир саркардани ортимизда қолдириб ва Жиззах каби мустаҳкам қалъани ўз ҳолига ташлаганча беш-олти нафар хитой-қипчоқнинг сўзига кириб, қуёш тоғли жанобнинг эҳтиёт деган тадбирини бутунлай унутганча душман ўртасига кириб

бориши ҳикматдан узоқ кўринади дейди. Умархон узоқ ўйла-
ниб, вазирнинг маслаҳатини маъқуллаб Бухорога ҳарбий сафар-
ни тўхтатади.

Абдулқосим Умархонни авайлаб тарбиялаганидек, унинг ўғли
Муҳаммадали ва жияни Ҳакимаҳонга ҳам оталарча муносабатда
бўлади. Уларнинг ёшлик, жўшқинлик ва бебошлиklarини бо-
сиқлик билан тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади. Муҳаммад
Ҳаким «Мунтахаб ат-таворих»да шундай бир воқеани баён қила-
ди: «Гашнинг қисқаси шуким, Муҳаммадраҳим девонбеги ишла-
римиздан яхши хабар топиб, Зомин томонга кетган Амир Умар-
хондан ҳам кўнгли тўқ тутиб, ўрмонни арслондан холи кўргани-
ча катта лашкар билан тезликда кечаси шабихун уриб, Хўжанд
шаҳри тарафга юзланди. Худоёрбий ва Маҳмудхонлар Муҳам-
мадраҳим йўлига пистирма қўйиб ўтиришади. Мен ва Муҳамма-
далихон мода хабар топиб, ҳеч ўйлашиб ўтирмай тажрибасизлик
оқибатида отланганича Муҳаммадраҳим девонбеги билан уруш
сари юзландик. Бундан огоҳ бўлган Қосим оталиқ тез суръат би-
лан кетимиздан Танглик мавзесида етиб олди ва Худоёрбий ва
Маҳмудхонлар ишлатган ҳарбий тадбирини ҳикоя қилиб бер-
ганча бизга девонбегининг ҳийласига учмасликни уқтириб, у
билан уруш қилмасликни маслаҳат берди» (445-бет). Аммо бо-
лаларча ғўр ва ғурурга берилиб, Қосим оталиқнинг сўзига қулоқ
солмай душман томонга юзланмоқчи бўладилар. «Ноилож, – деб
ёзади Ҳақимхон тўра, – отдан ўзини ерга ташлаб, бир қўли билан
фақирнинг (Ҳақимхоннинг) жиловини, яна бир қўли билан Му-
ҳаммадалихон отини жиловини ушлаганча ўтиниб, ёлворишга
тушди. Шу зайл бир қадам ўтишимизга ҳам йўл қўймайди». Агар
Қосим оталиқ уларнинг йўлини тўсмаганда, душманнинг қўлига
тушишлари аниқ эди. У ёзади: «Муҳаммадраҳимхон девонбеги
қараса, кўзлаган ови тузоққа илинмаяпти... Ноилож бўйинини
эгиб, ўша теварак-атрофни босқин-чошқин қилганча ўз ватанига
қайтиб кетди». Қосим оталиқни кўрқоқ деб айблаган Ҳақимхон
ҳам: «Агар Қосим оталиқ сўзига амал қилмай ташқарига чиқсак
тутдай тўкилар эканмиз», – деб унга миннатдорчилик билдиради.
«Маст эдик, шу воқеадан сўнг хушёр тортдик. Уйқуда эканмиз,
уйғондик. Шундан сўнг бу ерда сира ҳам ўйин-кулгу ва базмга
майл билдирмадик», – дейди.

Бу кичик воқеа тасвирида бир нарсани тушуниб оламиз. Умар-
хон ҳам ёш, шўх, тажрибасиз бўлган пайтларда унга оталиқ қил-

ган Абдулқосим кўп марта бундай воқеаларнинг гувоҳи бўлиб, ана шундай йўл билан ёш шаҳзодани тўғри йўлга солган. Ўйла-масдан шошма-шошарлик билан жанг қилмаслик, эҳтиёткорлик жанг пайтида ҳамиша зарур эканлигини кўрсатган. Агар Қосим оталиқ болаларнинг феъл-атворини яхши билмаганда уларнинг ўйламасдан қилаётган ишларидан тўхтатиб қололмасди.

БЕАЙБ ПАРВАРДИГОР

Қосим оталиқ Умархоннинг маслаҳатчиси, ишонган тоғи бўлгани учун мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида фаол эди. Умархон ўз сиёсатини юргизишда кўпроқ унинг маслаҳатига қулоқ солар ва пиروард натижа ҳақ бўлиб чиқарди. Аммо беайб Парвардигор, Қосим оталиқ ҳам баъзи кишиларга баҳо беришда хато қиларди.

Худоёрзоданинг «Анжум ат-таворих» («Тарих юлдузлари») тарихий-илмий асарида шундай бир воқеа баён этилади (Б.124 – 432). Бухоро амири Ҳайдар Маҳмудхўжа девонбегини Ўратепа ҳокими этиб тайинлайди. Маҳмудхўжа хушёр, ақлли, тадбирли сиёсий арбоб эди. Шунинг учун ҳам у Ўратепа ҳокимлигига келган кунданоқ Қўқон ҳонлиги билан муносабатини яхшилашга ҳаракат қилади. Акаси Султонхўжани бесаноқ ноёб совға-саломлар билан Умархон ҳузурига йўллайди. Улуғ амир Маҳмудхон ва элчиларни хурсандчилик билан кутиб олади ҳамда унинг шарафига саройда бир неча кун зиёфат беради. Сўнг элчи амир руҳсати билан ортга қайтади. Бироз вақт ўтгач, Ўратепага шайхулислом Маъсумхонхўжа ўғли Ҳақимхўжа билан у ерларнинг Умархон тасарруфига ўтганлиги ҳақидаги ёрлиқни олиб боради. Уларнинг Ўратепага яқинлашаётганлигини эшитган Маҳмудхўжа Оқсув мавзесига чиқиб, юксак эҳтиром кўрсатиб кутиб олади ва шаҳарга етгунча ҳамроҳлик қилиб, меҳмонлар учун тайёрланган махсус хоналарга жойлаштириш ишларини кузатиб турди. Жума куни шу ўлканинг имом-хатиблари жума намози хутбасини Умархон номи билан безашди. Шайхулислом Маъсумхўжа ва ўғли Ҳақимхўжа қимматбаҳо совға-саломлар билан Қўқонга қайтади.

Бу хабарни эшитган Бухоро амири Ҳайдар Маҳмудхўжани жазолаш мақсадида катта қўшин билан Ўратепа томон юриш қилди. Бундан хабар топган Маҳмудхўжа Қўқон сари чопар юбор-

ди. У елдек чопағон отда пойтахтга келиб, Умархонга хабарни етказади. Умархон дарҳол қўшин тўплаб Ўратепа яқинидаги Қизил мавзесида ўтовлар тикиб, Бухоро қўшинининг хужумини қайтариш учун шай бўлиб туради. Ўратепа ҳокими хон ҳузурита ўз қўшини ва мансабдор мулозимлари билан етиб келади.

Амир Ҳайдар Умархоннинг катта ҳарбий қўшин билан Ўратепага келганини билиб Бухорога қайтади. Ҳосуслар амир Ҳайдар Зомин қалъасини бўшатиб орқага қайтаётганини улуғ хонга етказадилар.

ҲАРБИЙ ҲИЙЛА

Худоёрзода «Анжум ат-таворих» китобида ёзишича, қозоқ қабила-ласи бошлиғи Тўқай тўра Қипчоқ даштидаги баъзи қабилаларни бирлаштириб, исён ва нотинчлик келтириб чиқара бошлади. Бундан хабар топган Умархон у ерларда тинчлик ўрнатиш мақсадида Саййидқули парвоначи бошчилигида катта қўшин юборди. Қўқон хонининг катта қўшини узоқдалигини эшитган юз уруғидан бўлган Худоёрбекнинг ўғли Муҳаммадраҳимбек оталиқ бухороликлар қўшини сафида юзлар уруғидан бўлган аскарлар иштирокидаги қўшин билан Пешоғар қалъасини забт этиб, Ём қалъасига яқинлашади. Тунда бу ердан чиқиб Ўратепа остонасига етади ва бир тепалик ортига яшириниб, пистирма қўяди. У ҳарбий ҳийла ишлатиб, эрта тонгда озроқ ҳарбий қўшинни олдинга йўллаб, ўт очиб шаҳар ҳимоячиларига ўзини очик кўрсатади. Қалъадаги рақиб қўшини жанг қилиш учун чиққанда, бироз уруш қилиб, яширин пистирма қўйилган томон чекинади. Қалъа қўшини эҳтиёткорликни унутиб чекинаётган душманга ташланади, пистирмага яқинлашганда, тепалиқдан яширинган ёв ўзини кўрсатади. Ана шунда Ўратепа ҳокими Қосимбек ўз қўшини Муҳаммадраҳимхоннинг тузоғига илинганини тушунади. У ва баъзи амирлар ҳарчанд аскарларни тўхтатмоқчи бўлсалар-да, иложини қилолмадилар. Ўратепа ҳимоя қўшини тамомила тор-мор этилди. Қосимбек тирик қолган баъзи амир ва аскарларнинг қолган-қутганлари билан қалъага яширинди.

Бу нохуш хабар пойтахтга етиб келгач, Умархон Қосимбекни Ўратепа ҳокимлигидан озод қилди. Амирул-муслимин Ражаб қўшин бошлиғи ва Абдулқосим оталиқни ёнига чорлаб, уларнинг талаби билан ғайратли, уддабурон Маҳмудхўжани Ўратепа

ҳокимлигидан четлатганининг охир-оқибат ёмон бўлганини айтиб, ваъдага мувофиқ, Ўратепа ва унинг теварак-атрофидаги худудларининг осойишталигини энди ўзларинг таъминланглар дейди. Абдулқосим оталиқ ўз хатосини тушуниб афсусланди ва уни унутмади. Ражаб қўшбеги катта қўшин билан у ёққа жўнади. Бироқ у ҳам Ўратепани қайтариб ололмади. Абдулқосим оталиқ Ўратепа ҳокимининг ҳарбий ҳийласи туфайли энгилиши сабабини унутмайди. Ҳақимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида келтирилишича, ёш шаҳзода Муҳаммадали ва Ҳақимхонлар Жиззах қалъаси қамали вақтида ёшлик, бебошлик қилиб ҳужумга ўтмоқчи бўлганларида, Қосим оталиқ уларни тўхтатиб, Худоёр юз ўғли Муҳаммадраҳим Ўратепада Қосимбек аскарларини қандай қилиб ҳарбий ҳийла ишлатиб энганини сўзлаб беради (430-бет).

Худоёрзоданинг «Анжум ат-таворих» (143-бет) китобида ёзилишича, Умархоннинг Бухорога қўшин тортиб боришини қўллаб амирлар қўллаб-қувватлаганда, баъзилари хонни бу ҳарбий юришнинг салбий оқибатлари ҳам бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирадилар. Умархон охириги таклифга қўшилиб, Бухорога бостириб бориш ҳақидаги фикридан қайтади. Асарда бу таклифни ким айтганлиги аниқ ёзилмаган. Аммо «Мунтахаб ат-таворих» китобида Умархонга Бухоро тасарруфидаги Самарқандга қиладиган ҳарбий юришни тўхтатишни Қосим оталиқ ва Юсуф парвоначи маслаҳат бергани ёзилган (430-бет).

«Анжум ат-таворих»да Абдулқосим оталиқнинг Дашги Қипчоқдаги нотинчликни тугатиш учун Саййидқули бекларбеги билан Абдулқосим оталиқнинг ҳарбий қўшинга бошлиқ бўлиб бориши (143-бетда) фитначи Тентак тўра, Содиқ қипчоқларни (143-бет) жазолаб, мамлакатни ярамас ва бузуқлардан тозалашни айтилади. Бу маълумотлардан маълум бўладики, Абдулқосим вазир Зодиёний эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида умр бўйи хизмат қилган.

Қўқон қўшини Чақар работини ҳарбий истехкомга айлантирганди. Жосуслар келтирган хабарни текшириш учун ўнг томонда Абдулқосим оталиқ, Саййидқули бекларбеги чап томонда, қўшиннинг қалб қисми – ўртада Умархон қўшинлари билан олдинга жилади. Қўшиннинг олдинги – авангард қисми Зомин қалъасига етганда, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб, сочилиб, тўзиб ётганини, тирик жон йўқ эканини кўрадилар. Бу ҳақда амир ал-мус-

лиминга хабар етказадилар. Қўшин бошлиқлари мазкур хабарни ҳарбий ҳийла деб изоҳладилар. Буни текшириб аниқлаш мақсадида Абдулқосим оталиқ Саййидқули бекларбеги ва Маҳмудхўжалар бошчилигидаги учта катта ҳарбий бўлинмани олдинга юборади. Улар иккита довон ошиб ўтиб, бухороликларнинг ўзини ҳам топмай орқага қайтадилар. Амир ал-муслимин қўшинини бу ерда бироз дам олдиргач, Ўратепа сари юрди. Вилоят ҳокими Маҳмудхўжа хон шарафига икки кун зиёфат берди. Учинчи кун Умархон Қўқонга қайтиб, тахтга ўтирди.

Умархон Тошкент, Туркистон ва Дашти Қипчоқ юртларида бўлиб, шу ўлкаларни ўзига бўйсундириш ишлари билан машғул эканлигида, Ўратепа ҳокими Маҳмудхўжа амир Умархондан рухсатсиз Бухоро амири қўл остидаги Пешоғар қалъасини босиб олади. Бироқ кўп вақт ўтмасдан, яъни Умархондан рухсат олмай бу жойни бухороликларга қайтарди. Хон бу ўзбошимчалиги учун Маҳмудхўжадан қаттиқ ранжиди. Ражаб қўшбегининг Маҳмудхўжа ҳақидаги ғанимона фикрига қўшилиб, уни Ўратепа ва унинг атрофидаги истехкомларни бошқаришдан четлатиш тўғрисида ёзилган мактубга Абдулқосим оталиқ ҳам имзо чекди.

Ҳолбуки, Маҳмудхўжа жуда хушёр, катта тажрибали, ғоят уддабурон эди. Амирларнинг «Ёмон оталиқ бўлгунча бўлган яхши шубҳали» мақомига амал қилиб Маҳмудхўжани лавозимидан четлатмоқчи бўлганларида, Умархон ўйланиб қолди ва бекларига: «Маҳмудхўжани бўшатиш осон, лекин унинг ўрнига кимни қўямиз? Мамлакатнинг бу чегара худудларини қўриқлаш мажбуриятини ким ўз зиммасига олади?» – деганда, Ражаб қўшбеги ва Абдулқосим оталиқ мазкур масъул вазифани ўз гарданига олдилар. Умархон рози бўлди. Шу пайтда Бухоро амири Худоёрбек юзнинг ўғли Муҳаммадраҳимга ҳам Урметан ва Пешоғар қалъаларини бошқариш ҳуқуқини бериб, Ўратепани эгаллашни буюрди. Қўқон ҳукмдори ҳам Ражаб қўшбеги, Абдулқосим оталиқ ва Шоҳи парвоначи бошчилигида катта қўшин йўллади. Муҳаммадраҳим Қўқон қўшинига бас келолмаслигини билиб Ўратепа атрофини тарк этди. Қўқонликлар Урметан томон йўл солиб, Қизилсойдан ўтдилар. Шу орада Шаҳрисабз ноиби кенагас уруғидан бўлган жуда ҳурматли 80 ёшли Ниёз Алибек ва Ургут, Моғиён ҳокимлари, минг уруғининг энг ёши улуғи Каттабек уларга пешвоз чиқди. Уларни бир неча кун қулоқ меҳмон қилди. Улуғ хон ғоят хурсанд бўлиб, ҳокимлар ва қабила бошлиқларини са-

хийлик билан сийлаб, учинчи кун уларга ўз вилоятларига қайтишга рухсат берди. Шундан сўнг Умархон Ўратепага Ражаббекни ҳоким этиб тайинлаб қолдиради.

ПҶЛАТХОН ҚАЮМИЙ АБДУЛҚОСИМ ВАЗИР ҲАҚИДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, қўқонлик таниқли ўлкашунос олим, педагог ва маърифатпарвар Пўлатжон домулла Қаюмийнинг давлат арбоби ҳамда шоир Абдулқосим вазир ҳаёти ва ижодини кенг халқ оммасига танитиш, тарғиб қилишда беқиёс хизматлари бор (Аллоҳ рози бўлсин у кишидан). XX аср ўргаларида ёзилган, бироқ кенг жамоатчиликка маълум бўлмаётган, фақат юртимизнинг мустақиллик йилларида (1998) нашр этилган «Тазкираи Қаюмий» асарида Вазир ҳақида аниқ маълумот берилди. Тўғри, унга ҳам «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»да (1948) Вазирнинг ўзбекча ғазалларидан намуналар келтирилганди. Бироқ Абдулқосим Вазирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тайинли бир маълумот йўқ эди. «Тазкираи Қаюмий»нинг 1-китоби 258 – 240-бетларида Вазир ва унинг аждод-авлоди, туғилган қишлоғи, шажараси ҳақида қисқа, аниқ маълумот берилиб, Фазлийнинг Вазир ҳақидаги тўрт мисрали ўзбекча шеъри ва унинг иккита ўзбекча ғазали келтирилган. Домулла Вазир ҳақидаги маълумотларни 2-китобида ҳам тўлдириб борган. Ҳумладан, олим «Тазкираи Қаюмий»нинг 1-жилд 161-бетида Увайсий ҳақидаги маълумотларни баён қила бориб, «Вафоти олдидан шоир Вазир – Абдулқосим оталиққа дўстона алоқаси бўлганидан, ҳам ўзига муносиб бўлмаган эридан ажралиб кўп қийинчиликка дуч келган қизининг (аҳволини) кўриб отаси Қосим оталиқ билан бирга таҳсил кўрганидан ишонч билдириб Хўқандга юборган» каби сатрларни битганки, буидан Абдулқосимнинг мадрасада ўқигани, унга кимлар мадрасадош бўлганини билиб оламиз. Демак, Вазир Қўқон мадрасасида ўқиб, кўпгина дўстлар орттирган. Шоира Увайсийнинг отаси Абдулқосимнинг энг яқин мадрасадош дўстларидан биридир. Мадрасадош дўстининг қизини Абдулқосим вазир ҳузурига йўллаши уларнинг бир-бирига нақадар ишонишидан далolat. Увайсийнинг «шунда (Вазирнинг ҳовлисида) хизмат этиб тургани» Вазир дўстининг қизига ҳомийлик қилганини англатади. Увайсий ке-

йинчалик Нодира паноҳидан ҳимоя топиб, машҳур шоира бўлиб кетган.

Шу китобнинг 2-жилд 274-бетида «Баъзилар Абдулқосим оталиқ билан шоир Файзий бирга ўқиган шерик эди (демишлар)» деб Увайсийнинг отаси – Вазирнинг дўсти исмини аниқ келтириб, юқорида айтган далилини бошқалардан эшитганини асослаб «бирга ўқиган шерик эди» деб ёзади.

Пўлатжон домулла Вазир ҳақидаги қимматбаҳо маълумотлари билан ўзбек халқи маданияти тарихидаги ўлмас сиймолардан бирини ёш авлодга танитди.

Абдулқосим вазир 1827 йили Қўқон шаҳрида вафот этган.

Абдулқосим вазирнинг вафотига шоир Али Қори Қундузий – Комий ўзининг «Таворихи манзума» асарида таърих ёзиб қолдирган. Таърих:

*Баски аз чаши ажал эмин на хурду, на калон,
Буд на шоҳу, на гадову на вазиру, на дабир.
Рафт имрӯз аз жаҳон он мири олижоҳ, к-ў,
Дошт дий бар сар кулоҳи ифтихори дору гир.
Яъне он Қосим атолиқ к-ў Вазир мамлакат,
Буд даме имрӯз шуд бар дасти хоке дар асир.
Гарчи шуд хоки мазамат маскани нозук танаш,
Манзили руҳи латифаш гашт фирдавси мунир.
Бизар аз рӯйи ҳисоб соли таърихаш, ки ақл
Гуфт Комий: «Кард рихлат аз жаҳон, ҳайфи Вазир».
(Ажал қўлидан на кичик ва на катта омон қолади,
На шоҳ, на гадо, на вазир ва на дабир қолади.
Жаҳондан бугун ул олий мартабали амир кетди,
Кеча эса унинг бошида «тут ва ушла» кулоҳи бор эди.
Яъни ул Қосим атолиқ, мамлакат вазири,
Бугун тупроқ қўлига асир тушиди.
Унинг нозук танасининг манзили ер ости бўлди,
Латиф руҳининг жойи эса жаннат боғи бўлди.
Санаб унинг вафоти тарихини билгинки, ақл дер,
Комий, «жаҳондан кетди ул, Вазир ҳайф бўлди»).*

Мазкур тарихнинг санаси 1242/1826 – 1827 йилдир.

Унинг Сотиболдибек ўғлидан Зоҳидонда Мустафоқул исмли набираси қолган. Мустафоқул қишлоқнинг ҳурматли, илмли, бамаъни, обрўли кишиларида бири бўлган. Мустафоқул қиш-

лоқнинг Тўққизот даҳасида бир масжид барпо этган. Мустафоқул аминдан Сарвибиби исмли қиз ва Муҳаммадмусо исмли ўғил қолган. Сарвибиби қизидан Замзамхон ва Абдусаттор исмли набиралари туғилган. Уларнинг авлодлари юргимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилишмоқда. Вазирнинг Андижон маҳалласидаги оиласидан туғилган Назирбой исмли ўғлидан 6 фарзанд қолган: Мирзаали, Акбарбой, Султонбой, Бойбува, Тожибек, Ҳалябиби. Бу кишиларнинг барча фарзандлари Зоҳидон ва атрофдаги қишлоқларда яшамоқда.

Вазирнинг укаси Нажиб Қўқонда муҳтасиб вазифасида бўлган. Шунинг учун ҳам у «Муҳтасиб» номини ўзига тахаллус қилган. Ушбу сатрлар муаллифининг кутубхонасида сақланаётган бир баёзда Муҳтасибнинг манави ғазали кўзга ташланди.

*Биҳамдиллаҳ ки чун қумри маро тавқест бар гардан,
Маро тавқест бар гардан нишони бандаги кардан.
Насибам субҳ меояд аз ин шабҳои ғам ё Раб,
Аз ин шабҳои ғам ё Раб маро бояд ҳазар кардан.*

*Ба қасди қатли ман ояд ба он мижғони хунрезаш,
Ба он мижғони хунрезаш зи ман худро сипар кардан.
Дар ин дар иззатам, аммо муқими ҳайрати хешам,
Муқими ҳайрати хешам зи худ бояд сафар кардан.*

*Бадир кун Муҳтасиб гўяд хаёли ишқро аз сар,
Хаёли ишқро аз сар нахоҳам ман бадар кардан.*

(Мазмуни:

*Худого шукр, қумридек бўйнимда бир тавқ бор,
Бўйнимда бир тавқ бор, қулишдан нишонадир у.
Тонг отадими, ё Раббим, бу қайғули тунлардан кейин,
Ё Раббим, бу қайғули тунлардан кейин ҳазар қилгум*

келар.

*Мени қатл қилгуси келар ёрим қонли мижғонлари ила,
Қонли мижғонлари ила у қалқондек мени ўзимдан*

сақлагай.

*Бу ишиқда менинг иззатим бор, аммо мен ўзимдан
ҳайратланаман,*

*Мен ўзимдан ҳайратланаман, ўзимдан кетишим
керак экан.*

*Муҳтасиб бошдан ишқ хаёлини олиб ташла дер,
Бошдан ишқ хаёлини олиб ташлай олмаيمان, ахир).*

АБДУЛҚОСИМ ВАЗИР ВА УНИНГ АВЛОДИ ШАЖАРАСИ

Нажиб Муҳтасиб – укаси, Холибек – укаси, Ойша биби – синглиси	Ўғиллари: Сотиболдибек, Муҳаммадмазҳар, Назирбой
Сотиболдибекнинг ўғли Мустафоқул	Назирбойнинг фарзандлари:
(Вазирнинг невараси)	Неваралари: Мирзаали, Акбарали, Султонбой, Тожибек, Бойбобо Хадиябиби
Сарви биби, Муҳаммадмусо (чевараси:)	Мирзаали бобонинг фарзандлари (чеваралари): Охунбобо, Кумушбиби, Муҳаммадҷон
Сарви бибининг фарзандлари: Замзамхон, Абдусаттор (эвара)	Охунбобонинг фарзандлари (эваралари): Мустафоқул, Робинса, Хуринса, Муртазоқул, Ҳабиба, Илҳомҷон
Замзамхоннинг фарзандлари: 1. Насибахон. 4. Мавлудахон 2. Ўқтамҷон. 5. Шавкатҷон 3. Тўлқинҷон. 6. Шухратҷон (панневара)	Илҳомҷон фарзанди (панневараси): Иқболҷон
Шавкатҷон ўғли: Умидҷон (панчевара) Умидҷон ўғли: Ўринбой (панэвара) эвара)	Иқболҷоннинг ўғли (панчевара): Муҳаммадҷон

Қосим оталиқнинг Зоҳидон қишлоғи Андиҷон маҳалласидаги ўғли Муҳаммад Назирдан қуйидаги фарзандлар қолган: Мирза бобо, Акбар бобо, Бойбобо, Тожибек бобо, Ҳадиябиби. Мирза бобо фарзандлари: Охун бобо, Кумуш она, Муҳаммадҷон бобо. Акбар бобо фарзандлари: Сотиболди домла, Абдуназар ака, Шаҳринса опа, Тошканбой. Султон бобода фарзанд бўлмаган. Бойбобода 3 та фарзанд бўлган. Улардан Саодат хола, Мирзаали ака номларини биламиз.

Тожибек бобо фарзандлари: Гулсун ая, Рўзимуҳаммад ака,

Турсун ая. Ҳади бибиди фарзанд бўлмаган. Охун бобо (Вазирнинг чевараси)нинг фарзандлари: Мустафоқул, Робиябиби, Муртазоқул, Қумринса, Хуриинса, Ҳабиба, Илҳомжон.

Охун бобо Қўқон мадрасасида ўқиган. Саводли киши бўлган. Ислош шарияти тўғрисидаги китоблардан ташқари кўпгина классик шоирларимизнинг (хусусан, Хувайдо) асарлари у кишининг ўғли Муртазоқулнинг уйида сақланиб қолган.

Охунбобонинг энг кенжа фарзанди Илҳомжон. Унинг фарзанди Иқболжон. Вазирнинг невараси, Илҳомжоннинг аммаси Ҳади она Қосим оталиқ ҳақида эшитган-билганларини кўп сўзлар эканлар.

ҲАДИ ОНАНИНГ ХОТИРАЛАРИ

Бизнинг ҳовлимиз жуда катта эди. Тушлик (жануб) томонда офилхонамиз бўларди. Унда қилич, қалқон, найза, дубулға, отларнинг эгар-жабдуқлари, эшилган қамчин бўларди. Бойбобо акам, Тожибек акам қилич-қалқон ушлашиб уруш-уруш ўйнардилар. Қўпинча мен ҳам аскарман деб қўшилиб ўйнардим. Бувимнинг айтишларича, бобом (Қосим оталиқ) хоннинг вазири бўлса ҳам, Зодиёнга тез-тез келиб турар эканлар. Бир келганларида қишлоқдан аскар тўшлаган эканлар. Қишлоқнинг кунчиқар томонидан 5 отлиқ ва бир қанча пиёда, кунботар томондан 9 отлиқ ва бир қанча пиёда аскар тўшланибди. Шу-шу қишлоқнинг кунчиқар томони Бешот, кунботар томони Тўққизот деб аталадиган бўлибди.

Вазирнинг Қўқондаги фарзандлари ҳақида «Тазкирани Қаюмий»да (1-китоб 238-бет) шундай ёзилган: «(Абдулқосим) Ўрдада тургани, унда Муҳаммад Мазҳар номли бир ўғли туғилгани Умархон девонида кўрсатилмишдир».

Вазирнинг эвараси Илҳомжон шундай ҳикоя қилади:

«Мен 1974 йили Қўқон шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирдим. Биз техникум ётоғига жойлашдик. Техникум комендант аёл киши экан. У менинг ҳужжатларимни текшираётди:

- Сен Зодиёнданмисан? – деб сўради.
- Ҳа, зодиёндликман, – дедим.
- Қайси маҳалладансан?
- Анжан маҳалласи...
- Ҳади бувини танийсанми?

– У киши менинг энам бўладилар.

– Э, ундай бўлса, биз қариндош эканмиз, – деб қолдилар комендант опа. Маълум бўлишича, у киши Муҳаммад Мазҳар авлодларидан эканлар. XX аср бошларидан то 30 – 40-йилларгача қўқонлик ва зоҳидонлик қариндошлар ўртасида борди-келди алоқалари мавжуд бўлган экан. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги даврларда қариндошлик ришталари узилиб қолган, ҳозиргача улар бир-биридан жудо бўлиб келмоқдалар».

Қўқонда Қосим бекларбегининг яна битта Сотиболдибек исмли ўғли бўлган. У тўғрисида «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» (Мушриф)нинг Солижон Йўлдошев тайёрлаган кириллча алифбодаги нашрида қисқача маълумот берилган.

СОТИБОЛДИБЕК – ФИТНА ҚУРБОНИ

Қосим оталиқнинг улуғ ўғли Сотиболдибек ва унинг охириги ҳаёти ҳақида тарихшуносликда шундай маълумотлар берилган.

Бухоро амири 1842 йилнинг ўзида Қўқонга иккинчи марта ҳарбий юриш қилади. Қўқонликлар Шералихон бошчилигида амир лашкарларининг хужумини қайтарибгина қолмасдан, қарши хужумда муваффақият қозона бошладилар. Ноилож қолган амир қамалнинг қирқинчи куни Бухорога қайтади. Шаҳар халқи нафас ростламасдан, яқиндагина Шералихон ботирбоши қилиб тайинлаган Мусулмонқул қипчоқ Қўқонга бостириб келади. Бунга Шоди мингбошининг Мусулмонқулни йўқотиш учун қилган махфий режаси ошкор бўлиши сабаб эди. Жангда Шоди ўлдирилади. Мусулмонқул шаҳарни эгаллаб, саройга кириб боради. Давлат мансабдорлари билан йиғилиш ўтказиб, шундай дейди: «Бу галварс хон билан ҳеч нарса қилолмаймиз. Унинг ўрнига бошқа хонни ўтказишимиз керак. Эшитишимизча, Самарқандда Олимхоннинг ўғли Муродхон яшар эмиш. Ўша тахтнинг ҳақиқий меросхўри. Уни Қўқонга олиб келиш керак. Кимни юборамиз?» Шунда кимдир Сотиболди додхоннинг номини айтади. Уни Муродхон яхши танийди. Отаси Олимхоннинг яқин кишиларидан бири, Умархоннинг вазири – Қосим бекларбеги эди.

Мажлис Муродхоннинг номига хат ёзиб, ундан отасининг тахтини эгаллашини илтимос қилди. Сотиболдибек Исфара ҳокими бўлса-да, Қўқондаги уйида яшарди. Эртаси куни Сотиболдибек Исфарага жўнади. Мусулмонқул уни ҳузурига чорлаб, қан-

дай бўлса-да Муродхонни олиб келишни буюрди. Сотиболдибек иккиланиб қолди. Қандай бўлар экан? Шералихон уни бек қилиб кўтарди; хонга садоқатли бўлиш ўрнига уни тахтдан туширишга уринаётганлар сафига қўшилса, бу нонқўрлик эмасми?! Муслмонқул Сотиболдининг ўйга чўмганини кўриб ҳужумга ўтди:

– Сиз ҳақиқий валинеъматингизни унутмаслигингиз керак, отангиз (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Олимхон, Умархон даврида юксак мартабаларга эришди. Дастлаб Олимхон эди отангиз Қосим оталиқни Марғилон вилоятини укаси билан бирга бошқаришга изн берган. Ахир, Олимхон Умархон ёнига отангиз эмас, бошқа бировни қўйиши мумкин эди-ку?! Яхшиликни унутмаслик керак.

Сотиболдибек ўйланиб қолди. «Нега мени бу ишга тортмоқчи бўляпти? Мендан нима истайди?»

– Гап бундай, – деди Муслмонқул, – сиз Исфарага борасиз, манави хатни бамаъни бир одам орқали Муродхонга юборасиз.

Сотиболдибек енгил тортди: «Самарқандга ўзи эмас, бошқа биров борар экан, хайрият!» Эртаси куни Сотиболдибек Исфарага жўнади. У ердан эътиборли бир киши орқали хатни Самарқандга – Муродхонга жўнатди. Муродхон хатни олар экан: «Қимдан?» – деб сўради. У киши Сотиболдибекнинг номини айтди. Муродхон хатни ўқишга киришди. Унда Қўқон аъёнлари: ўзбек, қипчоқ, қирғиз, қалмоқ, тожик халқларининг вакиллари, барча қўшин бошлиқлари Муродхонга садоқат билан хизмат қилишга тайёр эканлиги ёзилганди. Муродхоннинг чехраси ёришиб, кулиб қўйди. Меҳмонга жавоб бергач, эртаси куни ўзининг яқин кишилари билан йўлга тушди. Бу пайтда Муслмонқул ўшда исён кўтарган қирғизларни бостириш баҳонаси билан Қўқондан кетган, айғоқчилар орқали воқеалар ривожини узоқдан кузатиб турарди. Сотиболдибек Муродхон билан Лалак дараси орқали Қўқонга кириб келар экан, нимадандир кўнгли ғаш, шу пайтгача сиёсатдан ўзини олиб қочганди. Муродхон шаҳарга кириб, тўғри ўрда томон юрди. Шералихон қочиб яширинди. Сарой аҳди бирин-кетин Муродхон ўтирган тахт қаршисига келиб таъзим қилди. Шералихон ҳам яширинган жойидан чиқиб Муродхонни муборакбод этиб, тахт эгасини топганини, уни бошқа одамга бермасликни, эҳтиёткор бўлишни айтиб таъзим қилди. Янги хон тахтдан тушиб, у билан кўришди, қимматбаҳо сарпо кийдирди. Уни махсус ажратилган хонага кузатиб қўйишни мулозимларга буюрди. Шу куни кечаси Шералихон унинг буйруғи билан сарой боғига олиб чиқиб ўлдирилади. Буни

эшитган Сотиболдибек қилган ишидан пушаймон бўлди, отасининг хизматда амал тама қилма, иложи борича саройдан узоқроқ юр деган сўзларини эслаб кўп афсус чекди. Муродхон Мусулмонқулга махсус сарпо ва мактуб йўллади. Мусулмонқул шитоб билан Қўқонга кириб келади. Ўн бир кун хонлик қилган Муродхон ўлдирилади. Ўрнига куёви Худоёрни – Шералихоннинг ёшгина ўғлини тахтга ўтқизади. Мусулмонқул мамлакатнинг сиёсий бошқарувини ўз қўлига олади. Ўзининг маккорона ишига гувоҳ бўлган кишиларни йўқота бошлайди. Сотиболдибек ҳам Мусулмонқул фитнаси қурбонига айланади.

ВАЗИРНИНГ ЗОҲИДОНДАГИ АВЛОДЛАРИ

Қосим бекларбегининг Зоҳидондаги Кал маҳалла ҳамда Андижон маҳаллада ҳовли ва ерлари бўлган. Кал маҳалладаги ўғлидан ёдгор, домла Пўлатхон Қаюмов ёзганидек, Мустафоқул амин номли киши (набираси) яшаган. Мустафоқул амин ҳовлисига ёнма-ён қилиб ўз ерига бир масжид бино қилган. Масжид 1909 йили ишга тушган. Совет даврида масжиддан бошланғич мактаб сифатида Шакарқишлоқ ва маҳалла атрофидаги болаларни ўқитиш учун фойдаланилган. Кейинчалик масжид-мактаб (1960 йиллар бошида) бузиб ташланган ва унинг ёғоч, тахта, эшик ва деразалари пахтачилик бригадаси далашийпони учун ишлатилган.

Мустафоқул амин Қосим оталиқ бобоси бўлганидан фахрланади. Бобосидан қолган китобларни, ёзма маълумотларни кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб сақларди. Совет даврида ўтмишдан қолган арабий ёзувдаги китоб ва манбаларнинг қадрини билмаган кимсалар томонидан бошланган дўқ-пўписадан қўрққан Мустафоқул амин уларни катта хумга солиб кўмиб ташлайди. Бу ҳақда Абдулқосим Вазирнинг эвараси 80 ёшли Абдусаттор ака шундай ҳикоя қилади.

ХУМ

1975 йили онам Сарвинисо (Абдулқосим вазирнинг чевараси, Мустафоқул аминнинг қизи) вафот этади. 1986 йили эса тоғам Муҳаммад Мусо ҳам оламдан ўтдилар. Уйларимиз ёнма-ён бўлганлиги учун, яқин кишиларимдан айрилиб, ёлғиз қолганим (оилам, бола-чақаларим бўлса ҳам) менга жуда алам қилди. Опам

Замзамхон (Вазирнинг эвараси, Мустафоқулнинг невараси)нинг уйига бордим. Ундан жиянларимдан биронтасини тоғамдан қолган бўш ҳовлига уйлаб-жойлашни сўрадим.

Опам поччанг келсин, майли десалар, мен рози дедилар.

Ўша куни кечқурун опамларникига яна бордим. Поччам (Ўринбой Собиров) уйда экан, кўришдик ва унга опамга айтган гапни такрорладим. У киши ўйланиб қолдилар ва одамлар нима деркин дедилар.

– Ахир, опамга ҳам тегишли-ку у мерос, – дедим.

Поччам кулдилар. Эски уйни бузиб, ўрнини текислашда бульдозер-трактордан фойдаландик. Бир вақт тракторнинг олди сургиси катта тошга урилади ва у нари сурилганда, тагидан чуқур кўринади. Қарасак, катта хум. Биз тилло топиб олдик деб суюнсак, ичи тўла турли хил қоғозлар экан. Уларда арабча хатлар, мухр босилган зарҳал ҳарфлар билан битилган қоғозлар. Қани ўша пайтда уларни ўқийдиган бир саводли одам бўлса эди. Шу орада шамол турганди, кўплари учиб кетди. Ҳафсаламиз пир бўлди. Қолганлари кейинчалик йўқолиб кетди. Сарвибиби улуг бобоси Абдулқосим вазир ҳақида, отаси Мустафоқул амин ҳақида кўп сўзлар экан. У отаси Мустафоқул аминни ўрта бўйли, буғдойранг, қовоқлари бўртган, кўзлари қисикроқ, кенг елкали киши бўлганини айтarkan.

Абдусаттор ака бобоси (Мустафоқул) ҳақида яна шундай ҳикоя қилади:

«Бувим (Зоҳидонда онани буви дейдилар)нинг айтишларича, бобомнинг ота-боболаридан қолган катта ерлари бор экан. У киши баҳор, ёз ва кузда дала айланар, деҳқонлар билан суҳбатлашар, ночор кишиларга ёрдам берар, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турарканлар.

1918 йиллар бошларида Шакарқишлоққа (Зодиёнга қарашли катта маҳалла) яқин ердаги тегирмонига борган экан. Қишлоқ тарафдан (Зоҳидон тарафдан) бир неча милтиқдан отилган ўқ овози эшитилибди ва узоқдан бир қанча отлиқ келаётганини кўриб одамлар ҳар томонга қочиб яширинибди. Бобом суви йўқ ариққа ўзини ташлабди. Отлиқлар ўтиб кетгач, одамлар яширинган жойларидан чиқиб қарасалар, бобом жон таслим қилган эканлар. Ўшанда у киши 80 ёшда эканлар. Мустафоқул аминнинг кейинги рўзғоридан бир қизи (Сарвинисо), бир ўғиллари (Муҳаммад Мусо) қолган экан. Ўғли Муҳаммад Мусодан фарзанд бўлмаган. У киши умрининг охиригача кампир билан ёлғиз яшаганлар. Муҳаммад

Мусо 1986 йили вафот этган. Аминнинг қизлари Сарвинисо эса қишлоқда обрўли, тақводор Қўзибой ҳожи билан турмуш қуриб, бир қиз, бир ўғил (Замзамхон, Абдусаттор) кўришган. Сарвинисо қизи Замзамхонни ҳурмат-эътиборли Ўринбой Собировга уза-тиб, уларнинг бахтли турмушини кўриб хурсанд бўлган. Замзамхон 2 қиз, 4 ўғилнинг онаси. Сарвинисо онанинг ўғли Абдусаттор ака ҳам оилали бўлиб, бир ўғил, 7 қизга ота бўладилар. Сарвинисо она 1975 йили 86 ёшда вафот этадилар.

Қабрлари «Соҳиби Ҳидоя» қабристониди.

У кишининг қизлари Замзамхон ҳожи она 2005 йили оламдан ўтганлар».

ЗАМЗАМХОН АЯ ЗУРРИЁТЛАРИ:

1. Насибахон Ҳожи ая – 1949 йили туғилган. Олий маълумотли, ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси, фахрий муаллима.

2. Ўктамжон Собиров – 1951 йили туғилган. Олий маълумотли, ўқитувчи. Ҳозирда мактаб директори.

3. Тўлқинжон Собиров – 1953 йили туғилган. Олий маълумотли, вилоят маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти раиси.

4. Мавлуда Собирова – 1955 йили туғилган, олий маълумотли, фахрий ўқитувчи.

5. Шавкатжон ҳожи Собиров – 1957 йили туғилган. Олий маълумотли, фермер хўжалиги бошлиғи.

6. Шухратжон Собиров – 1959 йили туғилган. Олий маълумотли, ҳозирда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари.

Сарвинисо бибининг ўғли Абдусаттор Қўзиев 80 ёшда, олий маълумотли, агроном, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Узоқ йиллар Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ултарма қишлоғи (Боғдод тумани)даги тажриба-тадқиқот бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, меҳнат фахрийси. Унинг фарзандлари: Дилшода, Нигора, Абдурахмон ва бошқалар (жами 1 ўғил, 7 қиз).

МУЛЛА ЁҚУББИЙ (1777 – 1879)

Мулла Ёқуббий Зоҳидон қишлоғида XVIII асрнинг 2-ярмида ўзбек-қипчоқ оиласида дунёга келган. Унинг ота аجدодлари XVI асрда Шайбонийхоннинг Фарғона ўлкасига ҳарбий юриши даврида келиб, Зоҳидон қишлоғида турғун бўлиб қолган.

Мулла Ёқуббий Қўқон хонлари Норбўтабий, Олимхон, Умархон, Муҳаммадалихон даврида юксак мартабаларга эришган. Жумладан, у Рошидон-Зоҳидон мавзейи атрофидаги ўзбек-қипчоқ ва бошқа уруғларнинг бошлиғи (бий) даражасига эришган. Бий – қабиланинг ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи, тўраси. Юқори мансабли кишиларни улуғлаш учун ишлатилган сўз ёки унвон (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1981. – Б.112). У узоқ умр кўрган. Мулла Ёқуббийнинг невараси Энабувининг (1955 йили вафот этган) айтишича, бий бобо 102 ёшида вафот этган. Мулла Ёқуббийнинг 3 та хотинидан қуйидаги фарзанд-авлодлар бўлган. Ёқуббийнинг Тожибой, Эркинбой ўғиллари 3-хотинидан, 2-оиласидан Мулла Зуфар туғилган. Мулла Зуфар илмли, бадавлат, мансабдор шахс бўлиб, отасининг ишини давом эттирган. Мингбоши лавозимида умрининг охиригача ишлаб, Зоҳидон волостини бошқарган. Унинг Зухурбой, Тожинисо, Роҳатой, Инъомжон каби фарзандлари бўлган.

Ёқуббийнинг невараси Зухурбобо (Зуфар мингбошининг ўғли)дан ҳам бир неча фарзандлар дунёга келган. Маъруф, Наби, Ғани, Кўки, Маҳмуд, Орзубиби, Мирзараҳим, Мирзахалил, Маъруф бува, Тухфатулла, Тўхтасин, Қамбарнисо, Ўқтамжон исмли ўғил-қизлар қолган. Зухур бобонинг Набижон ва Кўки исмли ўғиллари Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Улар Тожикистоннинг Душанбе шаҳрига оиласи билан кўчиб кетган эди. Наби аканинг Мирзаҳамдам исмли ўғли ҳам ўша ерда яшаб, 2000 йилларда вафот этган.

Мирзаҳамдамнинг Маматқул исмли ўғли АҚШда яшамоқда. Зухур бобонинг Кўки исмли ўғлидан бир қиз қолган, холос.

Маҳмуд ака 1924 – 1975 йилларда яшаб ўтган. Ундан Мирзаумар, Мирзаакбар, Мирзаҳалил, Ҳасанбой, Алишер каби фарзандлар қолган. Ҳасанбой (Мулла Ёқуббийнинг эвараси) Тошкентда Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимда ишлайди. Милиция подполковниги, оилали, ўғил-қизи бор.

Орзу опа Ёқуббийнинг чевараси. У Абдуллажон, Муроджон, Зуфаржон, Мағфират исмли фарзандларнинг онаси бўлган.

Мирзараҳим (Ёқуббийнинг чевараси) 1938 йили туғилиб, 1979 йили вафот этган. Ундан Мўътабар, Мирзаабдулла, Йўлдошали, Мунаввар, Муяссар, Музаффар исмли ўғил-қизлар туғилган.

Йўлдошали Тошкент шаҳрида яшайди, оилали, фарзандлари бор. Ички ишлар вазирлиги академиясида ишлайди, подполков-

ник. Инъомжон (Ёқуббийнинг невараси) 1926 йили туғилиб, 1977 – 1980 йиллар ораларида вафот этган. У Риштон шаҳрида яшаб, Риштон, Олтиариқ, Бағдод туманлари молия бўлимларини бошқарган, 4 қиз ва 1 ўғил (Маъмуржон)ни тарбиялаб вояга етказган.

Мулла Ёқуббийнинг 3-оиласидан туғилган Тожибой бободан Жабборқул, Абдуқаҳҳор исмли ўғиллар, Сурманисо, Паттинисо, Бахринисо исмли қизлар қолган. Мулла Ёқуббийнинг невараси Жабборқул ота (Тожибой бобонинг ўғли) 1898 йили туғилиб, 1984 йили вафот этган. У кишидан 2 қиз ва 2 ўғил қолган. Ҳалимаҳон қизи болаларидан невара-чеварали, ҳозирда ҳаёт. Абдуллажон ўғли (1941 йили туғилган, Ёқуббийнинг чевараси) олий маълумотли, ўқитувчи, мактабда илмий бўлим мудир, мактаб директори, туман халқ маорифида методист вазифаларида ишлаган. Меҳнат фажрийси бўлган. Абдуллажон, Воҳиджон ва Умиджонларнинг отаси, Зоҳиджон, Муроджон, Сардорбек, Сарварбек исмли невараларнинг бобоси бўлиб, Аллоҳ таоло насиб этган ҳаёт гаштини сурмоқда.

Мулла Ёқуббийнинг учинчи рўзгоридан туғилган Эркинбойдан 1 қиз, 2 ўғил туғилган бўлиб, унинг қизи оиласи билан Тожикистонга кўчиб кетиб, ўша ерда вафот этган, авлоди ўша ерда ҳаёт. Эркинбойнинг ўғли Фозил ота 1901 йили туғилиб, 1983 йили вафот этган. У кишининг Патидин исмли ўғлидан 9 та фарзанд қолган. Энг кичик фарзанди Хусанбой боболарнинг ҳовлисида яшамоқда.

Эркин бобонинг 2-ўғли Самижондан 5 ўғил, 4 қиз дунёга келган: Кўпайсин, Эргашбой, Мадамин, Аъзамжон, Эътибор, Муҳаббат, Обиджон, Акрамжон, Мукаррам. Эргашбой 1942 йили туғилган. Олий маълумотли, Риштон туман қурилиш ташкилоти бошлиғи ўринбосари, вилоят, туманлараро қурилиш трестининг бошлиғи вазифаларида ишлаган, нафақада, невара-чеварали.

Тожибой бобонинг Сурманиса қизи Анжан маҳалласидаги Абдулқосим (Қосим оталиқ)нинг Зоҳидондаги фарзанди Назирбойнинг ўғли Акбаралига турмушга чиқиб, Сотиболди, Абдуназар, Шаҳриниса, Тошканбой исмли фарзандлар кўрган.

Сотиболди домланинг Расулжон исмли ўғли (эвара) боболарининг мулки – Назир бобонинг Анжан маҳалласидаги ҳовлисида истиқомат қилмоқда, оилали, фарзандли, невараси бор.

Ёқуббийнинг учинчи рўзгоридан Хайрулла исмли ўғил туғилган. Хайрулла бободан Энабуви, Бойбува, Абутолиб исмли фарзандлар қолган. Ёқуббий 80 ёшида кўрган ўғлига Саксонбой деб исм қўйган.

Энабуви (бийнинг невараси) кўп фарзанд кўрган, аммо Қумри исмли қизидан бошқа болаларининг барчаси ёш нобуд бўлган. Тирик қолган Қумридан қолган авлод Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида истиқомат қилмоқда.

Бойбува (бийнинг невараси) 1886 – 1968 йилларда яшаб ўтган, камфарзанд бўлган. 1 та Ҳабибулло ўғли (3-4 ёшида вафот этган), Тожали исмли ўғли ҳаёт. Ибодатхон исмли хотиндан 7 та фарзанд кўрган: Гулбаҳор, Илҳомжон, Ҳабибулло, Мақсуда, Машҳура, Гулнора ва Асадулло. Тожалининг қизи Гулбаҳор Тошпўлат қозининг эвараси Зокиржонга турмушга чиқиб, 3 та фарзандли (Эркинжон, Шаҳноза, Муҳтарам) бўлишган.

Саксонбобо (бийнинг 3-рўзгоридан туғилган ўғли) 1-рўзгоридан Муҳтарам, Мукаррам исмли қиз ва Райимжон исмли ўғил кўрган. Акаси Хайрулла бобо вафотидан сўнг унинг рўзгорига ҳам уйланиб, Салима ва Нуриддин исмли фарзандлар кўрган. Саксон буванинг Муҳтарам исмли қизи Тошпўлат қозининг набираси Тожали ака билан турмуш қуриб, 2 қиз: Қаноат ва Малоҳатни дунёга келтирган.

Саксон бобонинг Мукаррам исмли қизи 1-рўзгоридан Ҳадя, Робия исмли қизлари, Азизжон ва Набижон исмли ўғилларни, кейинги рўзгоридан Ғуломжон, Азимжон ва Мелибой исмли ўғилларни дунёга келтирган.

Азизжон Зоҳидон қишлоғидаги ўрта мактабни тамомлаб, собиқ Иттифоқ даврида Боқуда ҳарбий хизматни ўтаган. Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаб, узоқ йиллар Маданий оқартув техникумида дарс берди, бир қанча кинофильмларда роль ижро этган. Оилали. Ҳозир Тошкентда яшайди.

Набижон ўқитувчи бўлиб ишлаган, оилали, фарзандларидан неварачеваралари бор. Мукаррама онанинг иккинчи рўзгоридан Ғуломжон, Азимжон ва Мелибойлар туғилган. Ғуломжон колхозда шофёрлик қилган, гараж мудирини бўлиб ишлаган. Оила қурган, фарзандсиз бўлиб, 1995 йили вафот этган.

Азимжон олий маълумотли, бир қанча ўқув юртларини битирган. Собиқ Иттифоқ даврида мактабда ўқитувчилик қилган, колхозда турли лавозимларда ишлаган. Ҳозир нафақада бўлишига қарамай жамоатчилик вазифаларини бажармоқда. Жумладан, Зоҳидоннинг «Соҳиби Ҳидоя» мазор-қабристонини ободонлаштириш ишларида қатнашмоқда. Оилали, ўғил-қиз ва набиралари бор. Меливой ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда

боғбончилик билан шуғулланади. Оилали, ўғил-қиз, набиралари бор. Саксон бобонинг 2-рўзгоридан туғилган Салима буви Чеки Жалойир қишлоғига турмушга чиққан. Комила номли қизининг (вафот этган) фарзандлари бор.

Абдуллажон исмли ўғли 2012 йил 17 январда вафот этган, Қандиниса исмли қизи ҳаёт. Саксон бобонинг Нуриддин номли ўғлидан Шарофиддин, Жамолиддин ва Ўлмасхон номли фарзандлар қолган. Жамолиддин 2005 йили 60 ёки 61 ёшида вафот этган (ундан 2 қиз, 2 ўғил қолган). Нуриддин бобо (бий бобонинг невараси)нинг ўғли Шарофиддин ака. Шарофиддин ака Тошкентда Савдо техникумида ўқиди. Ўқишни тамомлагач ўша ерда ишлайди, оила қуради, 3 қиз ва 1 ўғил кўради. Шарофиддин ака узоқ йиллар Тошкент шаҳридаги Зайниддин ота жоме масжидида мутавалли бўлиб ишлаб, ушбу муқаддас тарихий обидани қайта таъмирлаш ва гўзал кошона-ибодатхонага айлантиришда жонбозлик кўрсатади. 2000 йиллар бошларида ҳаж зиёратини амалга оширади. Шарофиддин ҳожи ака Тошкентда яшасалар ҳам киндик қони тўкилган Зоҳидонни унутганлари йўқ, бир оёқлари боболари юртида.

ЗАМОН БЕКЛАРИНИНГ ҲУШЁРРОҒИ

Тарихда шундай шахслар бўладики, ўз даврида қанчалик машҳур ва номдор бўлмасин, йиллар ўтиши, асрлар алмашуви билан, кишилар хотирасидан кўтарилиб, ному нишонсиз бўлиб кетадилар. Аммо уларнинг номини тарихнавислик сақлаб қолади. Ана шундай номи унутилиб, фақат тарихий манбаларда исми ва фаолиятига доир маълумотларгина сақланиб қолган тарихий шахслардан бири зоҳидонлик Нормухаммад додхоҳ, қўшбеги-қипчоқдир. Унинг зодиёнлик бўлганига тарихчи олимлардан Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандий «Ансоб ас-салотин...» асарининг 121-бетидаги «Нор-Мухаммад Зодиёний», Мирза Олим Маҳдум ҳожи (Абдулқосимов) «Тарихи Туркистон» китобининг 150-бетидаги «... онинг ўрнига зодиёнлик Нормухаммад додхоҳни волий (ҳоким) айлаб» жумлалари далилдир. Бу тарихчи олимлар Абдулла Қодирийдек ёзувчи асарининг ижобий персонажига айланган Нормухаммад қўшбегини бизга қайтадан танитади.

Нормухаммад додхоҳ, қўшбеги ким эди?

Қўқон тарихнависи билан яқиндан танишиб, сўнг унинг

(Нормухаммаднинг) акаси Мулла Аҳрорқул махсумнинг набираси Азимжон ҳожи Абдуғофуров (Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси) берган маълумотларига асосланиб қуйидагилар аниқланди. Қўқонлик мулла Абулфайз қори оиласида туғилган навбатдаги фарзандга Муҳаммад Ансор деб исм қўйилади. Бу бола улғайиб Қўқондаги мадрасалардан бирида таҳсил олади, сўнг Зоҳидон қишлоғининг Кўтарма маҳалласидаги масжидга имом этиб тайинланади. Шу ерда бир зоҳидонлик оилага ичкуёв бўлади. Унинг икки ўғли бўлган. Бири Муҳаммад Аҳрор, иккинчиси Нормухаммад. Мулла Аҳрорқулнинг 5 та ўғли бўлган: Худоёр, Асрорқул, Оллоҳёр, Муҳаммадёр ва Худоберган. Худоёрдан Усмон («Дев» лақабли), Асрорқулдан Мамадали, Оллоҳёрдан Муқимжон, Ҳошимжон, Азимжон исмли ўғиллар қолган. Муҳаммадёрдан Маҳмуджон, Худобергандан Эгамберди ва Раҳмонали исмли фарзандлар бўлган. Муҳаммад Асрорнинг 2-ўғли Нормухаммад Қўқонга бориб саройга хизматга киради. Бу пайтда у 25 – 26 ёшларда бўлган экан.

Сўнгра Худоёрхон саройида хизмат қилган. Унинг сиёсий фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумот 1845 йиллардан бошлаб учрайди. «Ансоб ас-салотин...» (66-бет)да ёзилишича, Муслмонқул уни Кировчи туманига ҳоким этиб тайинлайди. Тарихчи Мирза Олим Махдум ҳожи «Тарихи Туркистон» асарининг 115-бетида бу воқеани ҳижрий 1264 йил, милодий 1846 йил деб кўрсатган. «Ансоб ас-салотин»даги маълумотга кўра, 1847 йили Муслмонқул Тошкентдаги исёни бостириш учун Нормухаммадга Тошкентни эгаллашни буюради. Нормухаммад Тошкент халқи ёрдами билан шаҳарга кириб боради. «Тарихи Туркистон»да ҳам бу воқеа тасдиқланган.

Машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи 1992 йилги нашрининг 105-бетида ёзилишича, Нормухаммад қўшбегининг Тошкентдаги беклик даври тахминан 1270 ҳижрийдан 1273 ҳижрий йилгачадир. Ёзувчи уни замона бекларининг хушёрроғидир деб таърифлаган. «Отам, – деб ёзади Абдулла Қодирий, – хон замонларида ўзи кўриб-кечирган ўнлаб беклар ичидан шу Нормухаммадни чиқариб, «Юртни тинч тутди, кўп яхши одам эди худо раҳматли», – деб қўяр эди».

Бир неча йиллаб Азизбек зулми остида эзилган Тошкент халқи Нормухаммад даврида эркин нафас олди, савдо-сотик, деҳқончилик ва турли касб-хунар билан шуғулланиш имкониятига

эга бўлди. Абдулла Қодирий оддий халқ ўз ҳокими номини лапар қўшиқ қилиб айтганини ёзади:

*Замон-замон доршамон,
Нормад тўрам бўлсин омон.*

Нормухаммад 1847 – 1853 йилларда Тошкент ҳокими бўлиб турганида адолат билан иш юритиб, ўз валинеъмати Муслмонқулнинг иродасига қарши боришдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам Муслмонқулнинг Тошкентга юриши муваффақиятсиз тугайди, чунки халқ ўз ҳокимини ҳимоя қилади. 1852 йили Нормухаммад Тошкентдан Қўқонга келган пайтда, қипчоқларга қарши қирон бошланади. Кўчалар, майдонлар ўликка тўлиб кетади. Нормухаммад эса омон қолади. Уни Тошкент қўшини, Тошкент ашраф (катта)лари ҳимоя қилиб, сақлаб қоладилар. Нормухаммад Тошкент ҳокимлигида 1852 йили Занги ота мақбараси ёнида мадраса барпо этади. Кўпгина маданий ёдгорликларни таъмирлайди.

Таниқли тарихчи олимлар А.Ўринбоев, О.Бўриев «Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида» китобида ёзадилар: «Тарихи Жадида»да Шайхонтохур қабристонининг архитектура ансамбли, айниқса, батафсил ёзилган. Бу қабристондаги кўзга кўринарли мақбаралардан бири Шайх Хованд Тоҳур мақбараси эди. У даҳанинг марказида жойлашган. 1852 йилларда Нормухаммад (аслида Нормухаммад Т.Б.) қипчоқ қўшбеги томонидан қайта тикланган. Ушбу китобнинг 32-бетида эса Зангиота (Бешёғоч) даҳасида Нормухаммад (Нормухаммад) қўшбеги пайтида (XIX аср) Зангиота мақбараси ёнида қурилган мадраса Самарқанд дарвозасидан бир фарсах масофада ўрнашган деб таъкидлаган.

Бу тарихий маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, Нормухаммад қўшбеги Мулла Муҳаммад Ансор ўғли жонажон Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрини обод қилиш, тарихий ва маданий обидаларини сақлаб қолишда ўз ҳиссасини қўшган тарихий шахслардан бири бўлган.

Нормухаммад юқори мансаб учун талашмаган. Ўзидан юқори лавозимдагилар билан бўлар-бўлмасга тортишмаган. Албатта, унинг муҳолифлари, ҳасадгўйлари йўқ эди дейиш ноўрин. «Ансоб ус-салотин...» китобида ёзилишича, Маллахон 1862 йили укаси Худоёр тахтини эгаллагач, Фатҳиддин Ҳакимий Қашқарийга шубҳали шахсларнинг номини ёзишни буюради. У Мулла Носир мирза ва Мулла Мирза Олимга буйруқни етказди. Мир-

залар тузган рўйхатга Нормухаммад қўшбегининг номи ҳам киритилганди. Маллахон Нормухаммаднинг номини рўйхатда кўриб аччиқланади ва унинг исмини чизиб, рўйхатни бошқатдан тузишни буюради. Демак, Маллахон Нормухаммаднинг софдил ва тўғри одам эканлигига ишонган. Нормухаммад 1860 йили Қурама ҳокими эди. Шу вақтларда бўлса керак, у Ёқуббек Пскентий Бадавлат (1820 – 1877)нинг синглисига уйлангани маълум. Маллахон Нормухаммадга Тўқмоқ шаҳрига бориб, русларга қарши жангга киришни буюради. У дарҳол жангга отланади. Русларнинг замонавий қуроллари, жанг қилиш санъати ўз қўшинидан устун эканлигига кўзи етади. Шунга қарамай, душман билан мардларча олишади. Бу орада 1863 йили Маллахон ўлдирилади. «Тарихи Туркистон»да айтилишича, Тошкент ҳокими Шодмонхўжани Олимқули ўлдириб, унинг ўрнига Нормухаммадни ҳоким (1863) қилиб тайинлайди. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннамои» асари 269-бетида Нормухаммад қўшбегининг 29 жумади ал-аввал 1281 йили рус босқинчилари билан урушда шаҳид бўлгани ёзилган. Муҳаммад Солихўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Алимқули шаҳид бўлгач, жуда кўп қўқонлик саркардалар, шу жумладан, Муҳаммаддиёр Нормухаммаднинг ўғли Қашқарга ўтиб кетганини ёзади. «Тарихи жаҳоннамои» асаридаги маълумотга қараганда, Муҳаммаддиёр Ёқуббек Бадавлат тузган Еттишаҳар давлатининг вилоятларидан бири Кўчарда ҳоким бўлган экан.

Маълум бўладики, Нормухаммаднинг Муҳаммаддиёр исми ўғли бўлган. Чекка бир қишлоқдан чиқиб, ўзининг мард ва жасурлиги, мулоҳазалилиги, хушёрлиги, оддий, камгарлиги, самимийлиги, адолатпарвар, инсонпарварлиги билан ўз даврида халқнинг ишончини қозониб, Тошкентдек ўлкани бошқарган шахс Нормухаммад қўшбеги ўтмишимизнинг буюк сиймоларидандир.

АҲМАД ДОНИШГА БАРОБАР ОЛИМ...

Қадимги Зодиён (Зоҳидон) фақат шоир, давлат арбоблари, саркардаларнигина эмас, таниқли олим Пўлатхон домла ёзганидек, Аҳмад Донишга баробар мунаввар ул-фикр, риёзиёт (математика) ва илми ҳайъат (астрономия) каби илмлар соҳиби Мавлавий Чўбин каби олимларни етиштирган табаррук заминдир.

Мавлавий Чўбин ҳақида адабиётшунос олим Маликжон Бобо

Раҳимов («Риштон ҳақиқати» газетасидаги мақоласида), ўлкашунос олим Пўлатхон домла маълумот беришган. Шунингдек, Риштон туманининг 70 йиллигига бағишланган (1996) «Фирдавс боғи» тўпламида Толибжон Носировнинг «Мавлавий Чўбин ким эди?», «Ҳидоят» журнаlining 2009 йил 2-сонида Рустамжон Тожибоевнинг «Мавлавий Чўбини биласизми?» мақолалари эълон қилинган.

Мавлавий Чўбиннинг асл исми Мулло Асрорқул бўлиб, у Тўйчи мирза номли кишининг ўғли бўлган. Домла Пўлатжон Қаюмий Асрорқул зоҳидонлик эканлиги, унинг таъби назми бўлганлиги, аммо шеърлариңи кўрмаганлигини айтади. Олимнинг таъкидлашича, отаси Худоёр саройида мунший (котиб) бўлган, қишлоқ зиёлиларидан саналган, шунинг учун Тўйчи мирза деб айтишган.

«Газкира»да ёзилишича, Мулла Асрорқул Зоҳидондаги масжид-мактабда савод чиқариб, сўнг Қўқонга келиб, мадрасаи Муҳаммадалида таҳсил кўрган, кейин Ҳиндистонга бориб, риёзиёт ва илми ҳайъат фанларини чуқур ўрганиб, юртига қайтиб келган.

«Бошда бу олимни яхши қабул этсалар ҳам, – деб ёзади Пўлатхон Қаюмий, – диний таъқибли уламо ва шайхлар унга қарши эдилар».

Ўлкашунос Толибжон Носиров 1996 йили «Мавлавий Чўбин ким эди?» мақоласида олим ҳақидаги бир ривоятни келтиради:

... Хўқанди Латиф. Хон (Худоёр)нинг ёзги қароргоҳи. Хон атрофига мингбоши ва беклар, шоир ва олимлар жам бўлишган. Бу кун зоҳидонлик мулла Асрорқул замона алломаларининг «имтиҳони»дан ўтиши керак эди. Мулла Ниёз Муҳаммад («Гарихи Шоҳрухий» асари муаллифи), Эшон Соҳибзодаи Калон, Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандий («Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» асарининг муаллифи), табиб Мавлавий Жибалий, шоирлар Боқийхон, Ҳаким тўра ва бошқалар Асрорқулнинг Ҳиндистон ўлкасида олган илмларини масалалар билан имтиҳон қиладилар. Булардан муваффақиятли ўтган ёш олимни хоннинг ўзи ҳам синаб кўрмоқчи бўлади. Хаёлига келган фикрдан юзи ёришиб кетган ҳукмдор қўли билан шу яқин ўртадаги дарахтни кўрсатиб:

– Ҳиндистон олимлари каромат ва сеҳру жоду илмида ғоят моҳир деб эшитурмиз. Мулла Асрорқулга саволимиз шулким, мана бул ёғочда неча япроқ борлигини айтиб берсунлар, – деб хитоб қилади.

Ҳамоатта чуқур сукунат чўкади. Бу жимликдан ҳам теран тафаккурга чўмган олим йигит бир муддат дарахтга тикилиб қолади,

малоҳатан шеър тўқиган шоир каби бир рақамни айтган маҳалда, атрофдагилар ҳайрат бармоғини тишлаб қоладилар. Худоёр навкарларига мазкур дарахтни оҳиста кесиб, япроқларни санаб чиқишни буюради. Буйруқ адо этилади. Ниҳоят, Асрорқул айтган рақам билан хон одамлар санаб чиққан рақам бир хил эканлиги аён бўлади. Одамлар таҳсин ва офаринлар билан уни қутлайдилар.

Пўлатхон Қаюмий ҳам, Рустамжон Тоғибоев ҳам Мавлоно Чўбин Жоме мадрасаси ҳовлисида «Доираи ҳиндийа», яъни сояга қараб вақтни аниқловчи қуёш соати ясаганини ёзадилар. Ҳар учала мақолада Мавлавий Чўбиннинг ҳаёти фожиа билан якунлангани айтилади. Яъни Мавлавий Чўбинни ўз ҳимояси остида сақлаган Худоёрнинг тахтдан воз кечиби, ўз ихтиёри билан русларга таслим бўлиши ва Тошкентга кетиши, Насриддинбек (тахт вориси, Худоёрнинг ўғли) йўқлигидан фойдаланиб бир гуруҳ бачқирлик оломон ўрдага ёпирилиб кириб хон хазинасини талайди, Мавлавий Чўбин ясаган қуёш соатини синдириб, олимнинг ўзини, домланинг тарафдорларидан бири бўлган Хўжамқулни, Абдували мударрисни ҳам шаҳид қиладилар. Мавлавий жасадини шогирди мулла Исмоил Зоҳидонга олиб келиб, ўз ери яқинидаги қабрга қўйиб, атрофига гуллар экиб қўяди. Бу ер кейинчалик Гулмозор номини олади.

Муаррих Мирза Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» номли асарида ҳам жоҳил оломоннинг 1975 йил августда Қўқонга босқин қилгани ва Мавлавий Чўбинни ҳалок этгани ҳақида қимматли маълумотлар бор. Мушриф ўз асарида мазкур воқеалар ҳақида битган бир ғазалини келтиради.

*Бир неча соҳиб хуруж ҳодис бўлди, дариг,
Феъли шайтони ҳавога мубтало бўлди, дариг, –*

деб бошланувчи бу ғазалда:

*Нечани қатл айладилар, хазинани торож,
Рустойи шаҳр халиқиға вабо бўлди, дариг.
Мавлавий Чубин била ул Абдумўмин ришни
Қатл қилдилар, ҳама кори қазо бўлди, дариг.
Масжиди Жамеда жамъ ўлди жамики хосу ом,
Чун ҳужуми гуфтуғўйи можаро бўлди, дариг... –*

каби мисралар мавжуд.

Домла Пўлатжон Қаюмий олимнинг авлоди ҳақида хабар бе-

раркан, Мавлавий Чўбиннинг 1908 йили ўғли Муҳаммад Амин қозини кўрганлигини ёзади. Доцент Маликжон Бобораҳимов Мавлавий Чўбиннинг набираси Усмонали Асрорқулов 1997 йили вафот этганини айтади. Мавлавий Чўбиннинг эвараси Умарали Асрорқулов ҳозир ҳаёт. Мулла Муҳаммадали бобонинг (Бўстон қишлоғида туришади) айтишича, Мавлавий Чўбин домладан бир сандиқ мерос қолган. У сандиқда турли китоб ва ҳужжатлар бўлган. Унинг қаерга ғойиб бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Мавлавий Чўбин номи кўпчиликка маълум қилинганига 50 йилдан ортди. Аммо бу улуғ зот ҳақида юқоридаги маълумотлардан бошқа янгилик қўшиш иложи бўлмаган (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин). Янги авлод ҳам элга манзур кашфиётлар қилиб, боболари Мавлавий Чўбин руҳини шод қилмоқда.

ТОШПҮЛАТ ОХУНД ҚОЗИ ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ

Тошпўлат охунд қози Қўқон хонлари Муҳаммадалихон, Худоберхон даврида, сўнгра рус подшолиги замонида яшаб фаолият кўрсатган зоҳидонлик таниқли шахслардан биридир. У 1830 йилларда туғилган. Отаси ҳам машҳур уламолардан бўлгани учун ўғли Тошпўлатни Қўқон, Бухоро мадрасаларида ўқитди.

Тошпўлат охунд 15 – 20 йиллаб мадрасаларда таҳсил кўради. Устозларидан кўплаб илмларни, айниқса, ҳамшаҳари – дунёга машҳур олим Бурҳониддин ар-Рошидоний (Марғиноний)нинг фикҳга оид асарларини чуқур ўрганади. Олимнинг «Ҳидоя фи фуруъ ал-фикҳ» асарини қайта-қайта ўқиб, ундан кўнгли ҳузур топади. Устозлар ундаги чуқур билимни кўриб, фикҳдан мадраса талабаларига сабоқ беришини таклиф этадилар. У устозларининг раъйини қайтаролмай, бир неча йил мударрислик қилди. Сўнг Зоҳидонга қайтиб, оила қуради, турли йилларда 6 та ўғил кўради. 1877 йилдан бошлаб Зоҳидон волости қозиси вазифасини бажаради. 1885 – 1886 йилларда Зоҳидон гузарининг боши (жануб тарафи)да катта жоме масжид барпо этади (айтишлари-ча, бундай салобатли кўркам масжид яқин-атрофда бўлмаган экан).

Мулла Тошпўлат охунд адолатли қози сифатида эл ўртасида юксак обрў қозонади. У 6 та ўғлидан 3 тасини Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида ўқитади. 3-ўғли Файзулло махсум ота изи-

дан бориб, фиқҳшунос уламо бўлиб етишади. 1915 – 1919 йилларда Зоҳидон қозиси вазифасини бажаради.

Мулла Тошпўлат охунд қозининг ўғил авлодлари:

- | | |
|-----------------------|---------------------|
| 1. Масих (Исо Масих); | 4. Ҳақим махсум; |
| 2. Абдулмажид; | 5. Файзулло махсум; |
| 3. Фозил махсум; | 6. Носир (Мажнун). |

ЗОҲИДОН XX АСР ТАРИХИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ОҒУШИДА

XX аср бошлари Зоҳидонда анча тинч, осойишта давр бўлди. Қишлоқ халқи ўз тирикчилиги йўлида андармон, ташқи дунёдаги воқеалардан беҳабар эди. Бу даврда мустамлакачи Россия Узоқ Шарқда Япония билан уруш бошлаган, Европада Германия билан сиёсий вазият таранглашиб бормоқда эди. Ниҳоят, 1914 йили Биринчи жаҳон уруши бошланди. Россия Германия билан урушга киришди. Подшоҳ ҳукумати фронт ортини ишчи кучи билан тўлдириш мақсадида чекка ўлка халқларидан, шу жумладан, Туркистондан мардикор олиш ҳақида фармон чиқаради. 1916 йилдан бу сиёсий жараён юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида оммавий тус олди. Мазкур воқеаларни кўрмаган ва эшитмаган Зоҳидон халқи дафъатан қўрқиб кетди. Масаланинг моҳиятини англаб етгач, норизолик билдириб мингбоши ва амин уйлари олдида кишилар тўплана бошлади. Аёллар кўз ёш тўкар, болалар чинқираб йиғлар, мўйсафид чоллар қаттиқ-қаттиқ гапириб юртбошиларга гап уқтирмоқчи бўлардилар. Қўқон шаҳридан ҳарбий отликлар келишди. Масала жиддийлашди. Тилмоч ҳарбий бошлиқнинг гапини ўзбекчалаб халойиққа тушунтирди. Подшо фармони қонун – уни бузиб бўлмади.

Қишлоқдан 40 – 50 нафарга яқин йигитлар қуролли соқчилар қуршовида Қўқонга олиб кетилади, муштираб халқ ҳеч нарса қилолмайди. Қўшиқда айтилганидек:

*Поездигни жилдирган
Ўтхонаси билан дўнгалаги.*

*Дивенскка йўл олди
 Мард йиғишнинг бир бўлаги.
 Дивенскка кетмасди
 Мард йиғишнинг бир бўлаги.
 Дивенскка кетказган
 Николай золим замбараги.*

Зоҳидондан ака-ука Мамажон ва Эргаш Ҳошимов (Кўтарма маҳалладан) Россиянинг Пенза шаҳрида, Жўравой Парпибой ўғли (Тожиқ маҳалладан) Самарада ишлашга мажбур бўлади. Бу воқеадан бир йил ўтгач, қишлоқда дув-дув гап тарқалади: «Оқ подшо тахтдан ағдарилибди, уни болшовоийлар йиқитибди». Кечагина ўз боқувчисидан айрилган, «Ўла, ажаб бўпти! Бу кунингдан баттар бўл!» – десалар, қолганлар: «Энди нима бўлар экан? Ким подшо бўлар экан?» – дея бир-биридан сўрардилар. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг октябрь тўнтариши бўлди. Мамлакатнинг чекка қишлоқларидаги аҳоли сиёсий воқеадан узоқ бўлганлиги учун ҳайрон эди. Ниҳоят, 1917 йил 26 – 28 ноябрь (9 – 11 декабрь) Қўқонда Бутунтуркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда Риштон волостидан Шокир ноиб Қаландарбой ўғли қатнашган. Қурултой Туркистон Мухторияти тузилганини эълон қилади. Унда Фарғона вилоятидан энг кўп вакил – 150 киши қатнашган (Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.126).

«29 январдан 30 январга ўтар кечаси Совет ҳокимияти томонида турган ҳарбий қисмлар Қўқон мухтор республика ҳукумати билан қурашни бошлаб, моҳиятан Россияда биринчи бўлиб фуқаролар урушини бошлади» (Паноров Ю. Белое солнце пустыни // Юность. 1990. – №1).

Қўқон Мухториятининг ағдарилиши Фарғонада шўро тузумага қарши қуруллой қаршилиқ («босмачилик») ҳаракати бошланишига туртки бўлади. Мустафо Чўқаев ҳукуматининг бошқаруви Қўқон милицияси бошлиғи Кичик Эргаш қўрбошига ўтди. Совет ҳукумати тарафдорлари билан мухториятчилар ўртасидаги жанг 2 кун давом этди. «Шундан кейин бу ёнғин, бу оловлар қаъридан... совет тарихи фанида «босмачилик» деб аталган ҳаракат қақнус қуш каби ёриб чиқади» (Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Б.151).

Бутун Фарғонага қаршилиқ ҳаракати ёйилди. Шу жумладан,

Зоҳидонга ҳам бу ҳаракат етиб келди. Қишлоқ яқинидаги тегирмонда кишилар билан суҳбатлашиб ўтирган Мустафоқул амин (Вазирнинг невараси) қишлоқ тарафидан бир неча милтиқдан чиққан ўқ овозидан чўчиб ўзини сувсиз қуруқ ариққа ташлайди. Одамлар қарашса, ўлиб қолган экан. Қарийб 3 йил давом этган бу воқеалар кишилар хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. Чунки Зоҳидон қонли жангтоҳга айланганди.

1920 – 1921 йилларда советлар катта ер эгалари ва мулкдорларга ҳужум бошлади. Йўлдош ҳожи, Қўлдош бойвачча, Маназар бойвачча, Асқар бойвачча; Бўтқадан Мелибой, Эргашбой Алиқул ўғиллари; Амирободдан Мадраҳимбой, Бекназар мерган, Фозилжон Мамасоли қори ўғли; яна Зоҳидондан Тешабойвачча, Бадал ҳожиларнинг ерлари тортиб олиниб, ўзлари қишлоқдан бадарға қилинди.

1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистонда вилоятлар тугатилиб, маъмурий, иқтисодий районлаштириш амалга оширилди.

1927 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда 10 та округ вужудга келди. Жумладан, Фарғона водийси 2 та округга бўлинди: Қўқон, Андижон. Округлар, ўз навбатида, туманларга бўлинди. Шу йилнинг 1 январь куни Қўқон округи таркибида 11 та туман, хусусан, Риштон тумани ташкил топди. Зоҳидон Риштон туманига қарашли қишлоқ жамоа кенгаши бўлиб қолди. Амиробод, Капа, Бўтқа, Бўстон Зоҳидон қишлоқ жамоаси таркибида қолди.

Зоҳидон қишлоқ шўросининг биринчи раиси Мамажон ота Ҳомидов бўлган.

1927 йили республика ўрамидаги мавжуд бўлган қишлоқ шўроси 50 тага қисқарди. Аммо Зоҳидон қишлоқ кенгаши сақлаб қолинди. Риштон райони Бағдод районига қўшиб юборилди. 1928 – 1929 йилларда Жабборқул Тожиев Риштон туман ижроия қўмитаси раиси вазифасида ишлади.

1928 – 1930 йилларда Зоҳидон қишлоғида аввал артель, ширкат, сўнг колхозлар (жамоа хўжаликлари) ташкил этилди. Қишлоқда пахта, пилла яккаҳоқимлиги (монокултураси) кучайди.

1930 йил 17 августда Ўзбекистон худудида округларга бўлиниш бекор қилинди. 1930 йил охирида республика таркибида 9 та шаҳар, 84 туман, 1696 та қишлоқ шўроси ташкил этилди.

1931 йили Риштон тумани қайта ташкил топди. Шу йил 5 майдан туманимизнинг газетаси «Коллективчи» номи билан чиқа

бошлади. Унда мухбирлар Раҳмонали Шоюсупов, Болта Умурзоқовларнинг илк мақолалари чоп этилган.

1954 йили Зоҳидон қишлоғи Фарғона – Қўқон катта йўли билан боғланди.

1957 – 1958 йилларда бутун собиқ Иттифоқдаги каби Ўзбекистонда ҳам советларнинг оммавий қатағон сиёсати авж олди. Турли сохта айбловлар билан минглаб кишилар жазога тортилди, кўпчилик отиб ташланди. Турли бўҳтонлар билан сургун қилинган, жазога тортилганлар кўп эди.

1957 – 1958 йиллардан бошлаб Зоҳидон қишлоғининг қоқ марказидаги маҳалла аҳолиси Қўрғонча, Кал маҳалла, Шоввабўйи маҳалаларига кўчирилиб, Катта Фарғона канали қазилишига тайёргарлик бошланди. 1959 йил август ойидан Катта Фарғона каналини ҳашар йўли билан қазिशга киришилди. Зоҳидон қишлоғи ҳудудида Намангандан келган қазувчилар, Бешкепа қишлоғи ўрамидаги қазिश ишларида зоҳидонликлар иштирок этди. Шу йилнинг 27 декабрь куни Зоҳидон қишлоғидан ўтган Катта Фарғона каналида Норин дарёсидан олинган сув оқа бошлади.

1927 йилдан «Хужум» деб аталган сиёсат бошланди. Холбуви, Тўпанса, Зайнаббу, Мехриниса, Саидахон Хонкелдиева, Роҳатой Зуфарова, Роҳилабу, Ҳайитбу, Чиннибу каби аёллар янги ҳукумат ваъдаларига учиб ўз паранжиларини ўтга ташлаб, бошқа аёлларни ўрнак олишга чақирадилар. 1959 йили Зоҳидон аёлларидан биринчи бўлиб Ражаббиви Абдуллаева қишлоқ кенгаши раислигига сайланди.

1928 йилдан қишлоқда мажбурий колхозлаштириш даври бошланади. Уч йил давомида Зоҳидонда «Капа», «Бўтқа», Амирободда «Қизил нишон», «Матбуот», «Социализм», «Иттифоқ», Қўрғонча маҳалласида «Янги куч», «Қизил нишон» колхозлари тузилади.

1950 йилнинг ёзида Сизза маҳалласида яшовчи Лайлининг уйига бир гуруҳ ўғри ва йўлтўсарлар йиғилишади. Улар аҳолининг уй-жойларини талаш, савдо дўконларини ўмариш билан машғул эди. Бу ишга зоҳидонлик Лайли, сўхлик Жилон деган кишилар бошчилик қилишади. Улар, эл ухлаган пайтда, ўғрилик, талон-торож билан машғул эди. Лайли кундуз куни қўш ҳайдаб деҳқончилик қилади. Унинг жосус йиғитлари кундуз кунлари қайси қишлоқда савдо дўкони борлиги, колхоз омборлари қаердалигини аниқлаб келишади. Кечаси эса овга чиқишади.

Шундай кечаларнинг бирида Воҳим қишлоғидаги савдо дўкони шип-шийдам қилиб ўмарилади. Улар ўмарган юкларини араваларга юклаб Амиробод ариғи бўйлаб йўлга тушганда, дўкон қоролули улар билан қорама-қора кела бошлайди. Жиноятчилар Сизза маҳалласига бурилганда, у киши орқасига қайтиб кетади. Эртаси кун Бағдод район милициясига хабар беради. Индинига эса Бағдод, Олтиариқ райони милициялари Зоҳидоннинг Сизза маҳалласига етиб келадилар. Зоҳидондан ҳам кичик отряд тузилади. Эскиқўрғончалик Тоҷали Бўронов отрядга бошчилиқ қиладди.

Лайли далада қўш ҳайдаб турган вақтда, Бағдод туманининг отлиқ милиция отряди унга яқинлашиб, Сизза маҳалласи ва Лайлини сўрайди. Лайли эса бепарволик билан маҳалласи ва уйини кўрсатади. Милиция отряди ўтиб кетгач, у ўзини Амиробод ариғига ташлайди ва Амиробод қишлоғининг энг чеккасида жингил ва буталар орасида яшириниб ётади. Кечаси Тошкент – Андижон темир йўлига чиқиб олади. Кичик разъезд яқинида писиб ётади. Кечқурун Тошкентдан Андижонга ўтган эшелоннинг охириги вагонига чиқиб олади ва поездда Андижонга боради. Лайли Андижоннинг ўзоқ Дардоқ қишлоғига бориб, исмини, оталарининг исмини ўзгартириб, ўша ерда яшай бошлайди. 60-йиллар охирида ўз ажали билан ўлади. Лайлининг уйидаги босқинчи қуролли гуруҳ милиция ва халқ дружиналари билан олишади. Отишув анча вақт давом этади. Бу олишувда ўғрилар гуруҳининг анчаси ўлдирилади, 10 га яқини қўлга туширилади. Отишув давомида зоҳидонлик Тоҷали Бўронов ҳалок бўлади. Шундай қилиб, халқнинг тинчлиги, осойишталигини бузувчи жиноятчилар гуруҳи тугатилади.

1937 йил, бутун мамлакатда сиёсий-ғоявий кураш кучайган. Шахснинг озгина шубҳали ҳаракати ёки сўзи тергов ва қамоқ учун асос бўларди. Бу ишда коммунистлар билан бирга комсомоллар фаол қатнашади. Зоҳидонда узоқ йиллар қишлоқда амин, қишлоқ жамоаси раиси бўлиб ишлаган Мамажон ота Ҳомидов терговга чақирилади. 1938 йили қамоққа олиниб, Қўқон шаҳар қамоқхонасига олиб кетилади. У ердаги тергов-сўровда айблов учун далиллар етарли эмаслиги учун, озод қилинади. Қўқондан пиёда йўлга чиққан Мамажон ота кечаси Кенагас қишлоғи яқинида тўқайзор ичидан чиққан номаълум кимсалар томонидан чавақлаб ташланади.

КАТТА ФАРҶОНА КАНАЛИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИ ВА БИРИНЧИ СУВ

1959 йил август ойида Катта Фарғона канали ҳашар йўли билан қазилди. Канал қазилди ишида минглаб киши фаол қатнашди. Бу умумхалқ ҳашарида барча мутахассислар, фаоллар, аёлу эркак ёппасига иштирок этди. Кўплаб жамоалар ташаббус билан чиқиб, кунлик меҳнат нормасини 3-4 баробарга ошириб бажаришди.

Катта Фарғона каналининг Зоҳидон қишлоғидан кесиб ўтиши қишлоқ аҳли учун ҳақиқий байрам эди. Қишлоқ ҳудудида Наманган вилояти Поп тумани меҳнаткашлари ишлади. Меҳмонларни қишлоқ аҳли ноз-меъматлар билан мунтазам сийлаб турган.

Оғир ишга ярамаган қарияларимиз эса ўзларининг беминнат маслаҳатлари билан канал қазувчиларни янада унумлироқ ишлашга даъват этдилар. Зоҳидонлик ҳашарчилар Бешкапа қишлоғи ўрамада ўз ишларини бажаришди ва меҳнатда жасорат намуналарини кўрсатишди. Бу ҳашарда қишлоғимиздан юқори кўрсаткичларга эришган марҳум Ражабхон Абдуллаева, Лутфинса Аҳмедова, Мервонхон Абдуллаева, Мукаррамхон Мамаева, Сувқора Юсупов, Шамси Юсуповлар донг таратди. Энг ёши улуг қария марҳум Исматилла Усмонов эса мусобақа ғолиби деб топилган, фахрий ёрлик, кейинчалик орден ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган.

Канал қазилдида қобилиятини кўрсатган Амиробод қишлоғидан марҳум Орифжон Мадалиев, Абдулла Умрзоқовлар ғолиб деб топилиб, орден билан мукофотланган, зоҳидонлик ҳашарчилар шарафига катта концерт уюштирилиб, уларни мукофотлашган.

Тоҷимат Холтешаев, Полвон Холиқов, Жабборқул Тоҷиев, Саминжон Эркинов, Султон Кенжаев, Тоҷибой Назаров, Қодирберди Усмонов, Олимжон Юсупов, Раҳмон Ҳайдаров, Турсунбой Охунов, Қўзибой Назаров, Маҳмуд Бадалов, Тоҷибой Ўтанов, Абдуқодир Парпиев, Умар Эминовлар алоҳида ўртак кўрсатишди. Зоҳидон қишлоғидан биринчи бўлиб жамоа раислигига аёллардан сайланган Ражаббийи (Ражаббу) Абдуллаева канал қазилди ишларида энг фидокор аёл бўлган. У Тошкентда жамоа хўжаликлари биринчи қурултойида қатнашиб, сўзга чиқиб, хўжаликни юритиш тажрибалари тўғрисида гапирган ва ўша ерда патефон билан мукофотланган.

Катта Фарғона каналини қазилдида кетмон, замбарлар билан

18 млн куб метр тупроқ ишлари бажарилди, умумхалқ ҳашарида 160 минг жамоа аъзолари, 3 минг инженер-техник ходимлар, 1796 нафар фаоллар, 50 минг ёшлар, 704 нафар шифокорлар, 1890 нафар санъаткорлар, 1072 нафар алоқачилар қатнашди.

1939 йил 27 декабрь куни канал фойдаланишга топширилиб, ҳукумат раҳбарлари ва бутун халқ иштирокида катта митинг бўлди. Кундузи соат 12 да Норин дарёсидан 10 куб м/сек тезликда сув каналга оқа бошлади. 1940 йил 1 январь куни эрталаб соат 7 да Тоғжикистоннинг Ленинобод вилояти чегарасига 2 куб м/сек миқдорда сув ийиб борди.

Катта Фарғона канали 45 кун ичида қазиб тугатилган. Умумхалқ ҳашарида 200 мингта яқин киши иштирок этган. 270 км узунликдаги канални қазишда 11881 тона арава, 7205 та замбар, ғалтак ва асосий иш қуроли бўлган кетмондан фойдаланилган. Хуллас, водий аҳлининг ризқ-рўзи, обиҳаёт манбаи бўлган канал шу тариқа юзага келган.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИ

1939 – 1945 йиллар оралиғида давом этган Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига офат олиб келган энг катта фожиалардан бири саналади. Фашистлар Германияси 1941 йили собиқ Иттифоқ ҳудудига хоинона бостириб кирди. Дастлабки кунларда ноқ Зоҳидон қишлоғидан кўплаб йигитлар урушга жўнаб кетдилар. Наби Шералиев, Эрмадат Мирзаолимов Ўзбек маҳалладан, Карим Султонов Эскиқўрғондан, Қоровой Бекмирзаев Кўтармадан, Эшонқул Шокиров, Эгамберди Ҳакимов Тошйўли маҳалласидан, Ҳасан Ҳусанов, Шарофиддин Сотиболдиев, Жакбарали Ҳайдаров Бўтқадан, Эгамназаров Имомназар, Ҳожимадат Акбаров Хонақоҳ маҳалласидан, Умар Худоёров Эскиқўрғондан, Дадажон Мамаев Сиззадан, Худойберди Қодиров, Тоғжикон Мирзахонов, ака-ука Усмонали ва Йигитали Каримов, Ғани Низомов, Даврон Латипов Амиробод қишлоғидан, Исоқов Раззоқ, Мамадалиев Орифжон, Бобоев Абдуманнон ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Амиробод қишлоғидан урушга кетганлардан 43 нафари уйига қайтмади. Эркаклар ўрнида аёллар, урушга яроқсиз чоллар ишлади. Уруш даврида 67 ёшли Қумринса Жўраева, 65 ёшли Бадал-

бу ва 70 ёшли Букач Фозиловалар далага чиқиб ишлади. 1944 йили Зоҳидонга Қрим областидан 150 оилани кўчириб келтиришди. Азалдан инсонпарвар бўлган Зоҳидон халқи меҳмонларга уйларининг тўридан жой бўшатиб, ўзлари еяётган нонларини бўлиб беришди. Одамлар етим болаларни бағрига олди. Хонақоҳ маҳалласидан Тўхтасин бува қримлик болакайни ўзига ўғил қилиб олади ва Нурмат деб исм қўяди. Нурмат ҳам далада ишлади. Тракторчиларга чой қайнатар, сув, керосин таширди. Тракторчилар болага трактор бошқаришни ўргатдилар. Кейинчалик у тракторчилик курсини бигириб, шу касбни эгаллади. Тўхтасин бобо Нурматни уйлантирди. У ҳақиқий зоҳидонлик бўлиб, шу қишлоқда яшаб қолди.

Уруш йиллари Бўтқа қишлоғи аҳолисида фронтга 1 тонна узум, 500 кг майиз, 300 кг тут талқон, 3 тонна гуруч, 7 қоп ўрик олиб жўнатилади.

Зоҳидондан фронтга кетган йигитларнинг кўпчилиги қаҳрамонона ҳалок бўлдилар. Жумладан, Раҳмонберди Бобожонов, Карим Султонов ўз танаси билан пулемёт оғзини тўсиб қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Унга урушдан кейин «Қизил байроқ» ордени берилади. Кўплаб зоҳидонлик жангчилар жангларда бедрак йўқолди. 1945 йил 9 майда уруш тугаб, тирик қолган аскарлар ўз қишлоқларига қайтдилар. Зоҳидон ва Амиробод қишлоқларидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 263 нафар йигит ҳалок бўлди. Тожик маҳалладан Муҳаммадқул (Мамак) Отаҳонов, Ўзбек маҳалладан Эрмуҳаммад Мирзаолимов ана шулар орасида бор эди. 1957 – 1965 йилларда қишлоқ қайта қурилди. Улар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

ҚИШЛОҚ ЖАМОАСИ КОТИБИ

*Абадий қолмайди жаҳонда ҳеч кас,
Яхши номи қолса, шунинг ўзи бас.*

Саъдий Шерозий

Ҳазрати Ҳақ таоло ўз муборак оятларида: «Эй бандаларим, сизларга ер юзини саждагоҳ этдим!» – деб хитоб қилган. Шу сабабдан бугун ер юзи инсоният учун табаррук ва муқаддасдир. Одам Ато ҳам тупроқдан яратилмиш. Шунинг учун инсон зоти

саждагоҳ бўлган ер фарзандидир. Уни муқаддас тутмоқлик фарзанднинг бурчи. Отахонлар: «Шаҳар бўлмаган ер йўқ, қабристон бўлмаган жой йўқ», – деб таълим берадилар.

Фарғона ери ҳам қадимдан инсониятта макон бўлган. Бу ҳудуд Хитгой, Эрон, юнон, мўғул ва рус босқинчилари томонидан топталиб, улуси қон қақшатирилган. Шаҳарлари вайрон, қишлоқлари култпепага айлангирилган.

X аср араб муаррихи Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий «Худуд ал-олам» асарида (983) Фарғона иқлимида Риштон, Ахси-кент, Қубо, Марғилон каби йирик шаҳарлар борлигини, Риштон шаҳри худуди Марғилондан каттароқ эканлигини таъкидлаган. Археолог олим Г.Ф.Иванов Зоҳидон қабристониде олиб борган тадқиқотларига асосланиб Риштон катта худудни – Зоҳидон ва Тўда қишлоқларини ҳам ўз ичига олган улкан шаҳар бўлганини тахмин қилади.

Буюк фикҳ олими Имом Бурҳониддин ар-Рошидоний (Марғиноний) 1123 йили бизнинг бугунги кундаги қабристонимиз ўрнида бўлган обод ва гавжум маҳаллада оламга келиб балоғатга етган (вафоти 1197 йил).

Қўқон хони Норбўтабийнинг невараси, тарихчи олим Ҳаким-хон тўра «Мунтахаб ут-таворих» китобида (1843) ёзади: «Амир Умархон Хўқанддан кўзғалиб, Марғилон томон юрганча ул худуднинг энг яхши қишлоғи ҳисобланмиш ва ўша пайтда фақирга тааллуқли бўлган Риштон мавзеига бориб тушди» (362-бет).

Демак, X асрда улкан ва обод бўлган Риштон XIX аср бошларида қишлоққа айланган. Кейинчалик улуғ аллома Бурҳониддин ар-Рошидоний туғилиб ўсган гавжум маҳалла Зоҳидоннинг мозор-қабристонига айланган. Собиқ советлар даврида улуғ олимнинг буюк асари номи билан юритилган бу мозор-қабристон тепасида бир неча бор қуюқ қора булутлар айланган.

1977 йил. Оқер қишлоғидаги Риштон тумани марказий шифохонаси бош врач район (туман) ижроия қўмитаси раиси Холдорали Одилов кабинетига кириб келди (у вақтда Риштон туман ижроия қўмитаси идораси ҳозирги туман болалар шифохонаси биносида эди). Туман раҳбари ўридан туриб бош врачни кутиб олди, қуюқ сўрашди:

– Келсинлар, доктор. Марҳамат, ўтирсинлар.

Бош врач ижрокўм раиси кўрсатган стулга чўқди.

– Беморлар қалай? Ишлар яхши кетяптими? Бизга қандай хизмат?

Раис биринчи саволига жавоб кутмасдан саволларни қаторлаштириб ташлади. Бош врач ҳам саволларга жавобни бирваракай айтди қўйди.

– Касалларни даволяепмиз, ишлар бир маромда кетяпти. Сизнинг ҳузурингизга бир арз билан келгандим.

– Шундайми? Марҳамат.

– Ўзингизга маълум, касалхона рўпарасида пилла тайёрлов идораси бор. У ердан пилла қабул қилиш мавсумида жуда бадбўй ҳид таралиб, беморларни беҳаловат қилмоқда. Шу пилла қуриштиш пунктини бошқа жойга кўчирса бўлмасмикан?

Раҳбар сукут қилди, сўнг бош врачга юзланиб:

– Риштон посёлка (шаҳарча) раиси билан маслаҳатлашиш керак. Пилла тайёрлов идораси учун қулай жойни кўрсатса, сиз айтган ишни амалга оширса бўлади, – деди.

Бош врач кетгач, ижрокўм раиси посёлка идорасига қўнғироқ қилди. Телефон гўшагидан домла (Тўхтасин Зоҳидов)нинг овози эшитилгач:

– Ассалом алайкум, домла. Сизни безовта қилганим учун узр. Маслаҳатли иш чиқиб қолди, бир келиб кетсангиз, – деди.

«Жоним билан, ҳозир бораман», – деган жавобни эшитган раҳбар гўшакни қўйди.

Кўп ўтмай посёлка жамоаси раиси Тўхтасин Зоҳидов кабинетига кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, раҳбар мақсадга кўчди:

– Боя бош врач келиб шифохонадаги беморлар касалхона рўпарасидан таралаётган бадбўй ҳиддан нолиётганини айтиб, пилла тайёрлов идорасидаги пилла қуриштишни бошқа жойга кўчирса бўлмасмикан деб арз қилди. Домла, сиз нима дейсиз, унинг гапида жон бор. Шу пилла тайёрлов ташкилотини бошқа жойга кўчирсак.

Тўхтасин ака ўйланиб қолди, бироздан сўнг мужмалроқ, ишончсизроқ қилиб:

– Кўчирса бўладиган жой бор-у, лекин эгалари қўнармикан? – деди. Зоҳидов домладан жавобни илтиқлик билан кутаётган Одилов:

– Қаер? Эгаси ким? – деб сўради.

Домла хижолатли иш бошланаётганини сезгандай бирпас жим туриб:

– Бу Зодиён қишлоғи мазорининг бир қисми, ҳозир зодиён-

ликлар майитларни мен айтган жойга эмас, унинг шарқий томонидаги мозорига қўйишяпти, – деди.

– Эски мозорга майит қўйилмаганига анча бўлдимиз? – сўради раис.

– Ҳа, йигирма йилдан ортиқ бўлди, чамаси.

– У ҳолда, ўша ерга пилла идорасини кўчирамиз.

– Халқ рози бўлармикан, кўнмаса керак.

– Икки кундан кейин ижрокўмда йиғилиш чақирамиз. Унга халқ депутатларидан ташқари Зодиёндан беш-ўнга вакил таклиф этамиз. Ўша ерда масалани ҳал қиламиз.

Зоҳидов домла индамади, хайрлашиб кабинетдан чиқди. Эртасига Зодиён қишлоқ жамоаси идорасига ижрокўмдан хабарнома келди. Унда эртага ижрокўмнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиши, мажлисда Зодиён мозори масаласи ҳам кўрилиши айтилиб, қишлоқдан сайланган депутатлардан ташқари қишлоқ фаолларидан 10 – 15 та вакилни мажлисга таклиф этиш топшириғи баён қилинганди.

Ўша пайтда Зоҳидон қишлоқ жамоаси котиби вазифасини адо этувчи Тўхтасин ака Қодиров масаланинг моҳиятини тушунгандай бўлди.

– Бу дейман, – деди котиб жамоа раиси Насибахон Абдурахмоновага, – Зоҳидон мазорини кўчириш масаласи кўриладиганга ўхшайди-да.

– Йўғ-э, мазорни кўчириш эмас, у ердаги шароитни яхшилаш, обод қилиш тўғрисида гап кетса керак. Сиз район депутатлари билан бирга борадиган беш-ўнга фаолларга ҳам хабарни етказинг. Кимларни таклиф қилса бўлади? – сўради раиса.

– Ўйлаб кўриш керак.

– Майли, уларнинг номларини ёзиб қоровулга беринг, хабарни бугуноқ етказсин.

Тўхтасин Қодиров мушоҳадали, босиқ, вазмин инсон эди. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бери мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудир, директор вазифаларида ишлаб халқ эътиборини қозонганди.

У кишининг отаси Қодирберди Усмонов ҳам Зоҳидоннинг машҳур кишиларидан бўлиб, қишлоқда 20-йиллардан бери турли лавозимларда ишлаган, халқ эътиборидаги кишилардан эди. Айниқса, Зоҳидонни қайта қуриш даврида Мамадали Топиболдиев билан ёнма-ён туриб жонбозлик кўрсатганди.

Тўхтасин Қодиров тушундики, район катталари «Соҳиб Ҳидоя» мазор-қабристонининг эски қисмига қандайдир иншоот қурмоқчи. Шунинг учун қишлоқдан вакиллар чақириб, уларнинг розилиги билан мазорни бузмоқчи.

Котибнинг фикри ойдинлашди. «Йўқ, бунга йўл қўймаслик керак!» Дарҳол идорадан чиқди-да, велосипедни миниб Исожон ота мулла Ғўра бобо ўғлининг уйига йўл олди. Хайрият, ота уйда экан. Котиб Исожон ота билан қуюқ сўрашиб бўлгач мақсадга ўтди:

– Бува, сизни эртага Риштон район кенгашида бўладиган йиғилишга таклиф қилиш учун келдим.

– Ие, бу қандай гап, мен оддий бир киши бўлсам. Унақа йиғилишларга алоқам йўқ эди-ку!

– Ҳа, тўғри, лекин энди алоқангиз жуда зарур бўлиб қолди. Эртага район мажлисида Зоҳидоннинг эски мазори масаласи кўрилармиш. Чамамда, эски мазоримизга бирон ташкилот биносини қуриш мўлжалланмоқда.

– Бу қандай гап, мазорни бузиб-а? Ахир, у ерда ота-боболаримиз хоки ётибди-ку!

– Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да, эртага ўзингиз беш-олтита гапга чечан кишилар билан бориб, мазорни бузишга йўл қўймасликни айтишингиз керак.

– Гапингиз тўғри, эртага бир-иккита чолларни бошлаб бораман, – деди Исожон ота.

Тўхтасин Қодиров ўша кунни Узун кўчадан Эгамберди Ҳакимов, Кўтармадан Эргаш Ҳошим, Кал маҳалладан Қўзивой Назар, Сиззадан Аҳмад полвон, Анжан маҳалладан Эргаш бува каби чолларга хабар етказиб, уларни эртанги мажлисга таклиф қилди.

Ижроқўмнинг мажлислар зали одамлар билан лиқ тўла. Ҳали бошлиқлар кўринмагани учун, залда ғала-ғовур. Ҳар ким ўзича гапириб ўтирибди. Мапа, ниҳоят, ичкаридан катталар чиқиб келишиб, юқоридан жой олишди. Залга сукунат чўмди. Ижроқўм раиси Холдорали Одиллов мажлис кун тартибини эълон қилди, даставвал бир масалани ҳал қилиб олиб, бу ерда ўтирган оқсоқолларга жавоб берайлик деди-да, масалага ойдинлик киритди:

– Хурматли йиғилиш қатнашчилари, ўзларингиз маълумки, туман касалхонаси рўпарасида район пилла тайёрлов корхонаси бор. У ерда келтирилган пиллаларни қуриштириб, сўнгра ипакчилик корхоналарига жўнатилади. Пилла қуриштириш даврида жуда ёмон

ҳид тараладики, соғ одамнинг нафас олишига ҳам ёмон таъсир қилади. Қарангки, шундай ташкилот марказий касалхона рўпарасига жойлашган. Куни кеча бош врач келиб менга буни арз қилди. Ўйлаб қарасам, шикоятни ўринли. Пиллахонанинг ҳиди беморларга ёмон таъсир қилиб, касалликнинг зўрайишига сабаб бўларкан. Риштон шаҳарча совети раиси Тўхтасин ака Зоҳидов билан маслаҳатлашиб пилла ширкати Зоҳидоннинг «Соҳиб Ҳидоя» мозори ғарбий қисмига кўчирилса, қандай бўлар экан деб зоҳидонлик оқсоқолларни маслаҳат учун йиғилишга таклиф қилдик. Хўш, отахонлар, сиз нима дейсиз?

Чоллар бир-бирига қараб елка қисишди, оғиз жуфтлашга-да ҳайрон бўлишди. Шунда узункўчалик Эгамберди ака шартта ўрнидан турди:

– Пилла қуриштиш учун Зодиён мазоридан бошқа жой Риштонда йўқ эканми? Ахир, у ерда ота-боболаримиз хоки ётибди.

– Тўғри, буни биламиз. Лекин у ерга анчадан буён майит қўйилмаётти. Зодиён халқи бундан бошқа мазорга эга, ҳозир ўша тарафдан фойдаланиётти. Бу ер Риштон шаҳарчаси тасарруфиди, ишчи кучли ва бошқа воситалар учун қулай, шунинг учун биз пиллакашлик идорасини ўша ерга кўчирсак деган фикрга келгандик, – деди раис.

– Ўртоқ раис, – деди олдинги қаторда ўтирган оппоқ соқолли ориққина Исожон ота, – бу мазор Риштонга яқин бўлса-да, сиз айтгандай, унинг ҳудудига кирмайди. Иккинчидан, Риштон бошқа бўлус, Зодиён бошқа бўлус бўлган вақтда, Шоқир ота ноиб зодиёнлик Зуфар мингбоши билан орани очиқ қилган, яъни бу мазорнинг ўрнини 800 тиллага сотган экан. Шахсан отам Мулла Жўра бунга гувоҳ бўлган. Шунинг учун мазорни Риштон мулки дейишга ҳақларинг йўқ.

Новча ва қотмадан келган, қошлари ўсиқ, мўйловли Жабборкул ота ўрнидан турди-да, Одиловнинг кўзига қараб шундай деди:

– Ман ҳам Риштон ижрокўми раиси бўлиб ишлаганман. Бундай масалада хато қилмаслик керак, ўртоқ Одилов. Мазорларнинг атрофини тўсиқ билан ажратиш, уни обод қилиш, то халқнинг ўзи мазорни янгилаш учун ёрдам сўрамагунча, уни бузмаслик тўғрисида ҳукуматнинг қарори бор. Шундайми?

– Ҳа, тўғри, биз ўйлагандикки...

Шу пайт кўтармалик Эргаш ота Ҳошимов ўрнидан турди ва сўз қотди:

– Мен 1916 йили мардикор сифатида Россиянинг Пенза губерниясида бўлганман. Ўша ерда мозорга ўрисларнинг қандай муносабатда бўлишини кўриб ҳайрон қолганман. Ўша юртларда ҳам мазорни яхшилаш ҳақида қайғурадилар, лекин бузмайдилар. Бу фикр қайси доно раҳбардан чиқди?

Одилов тушундики, мазор тўғрисидаги масалада шошма-шошарлик қилиб хатога йўл қўйибди, уни тўғрилашга уринди.

– Узр, ўртоқлар, биз мазор тўғрисида сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдик, холос. Рози бўлмасаларинг, биз ҳам бу масалани қайта кўзгамаймиз. Хўп, майли, сизларга жавоб. Кўнгиллларинг тўқ бўлсин, мазорингиз ўзингизга буюрсин, – деб ҳазиллашган бўлди. Лекин ҳеч ким кулмади. Чунки халқ қалбида ҳали ғазаб ўти сўнмаганди.

Энг охири чиқаётган Тўхтасин Қодировга раис сўз отди:

– Сизга ким буюрди халқни бизга қайранг деб? Сиз билан кейинчалик гаплашамиз, тезроқ чиқинг.

Ҳа, Тўхтасин домла Қодиров эл-юрт учун фидойи инсон эди, бироқ унинг Зоҳидон мазори масаласида зийраклик ва ҳушёрлик билан иш кўриши жазосиз қолмади. Ўша йили Худойберган исмли йигит ўзининг ҳовлисидаги озроқ супургиларни кўни-қўшнилардан олиб бозорда сотаётганда ОБХСС (социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши кураш бўлими) ходимлари томонидан қўлга олинади. Хужжатларини назоратчиларга кўрсатганда, улар орасида Зоҳидон қишлоқ шўроси томонидан берилган маълумотнома ҳам бор бўлиб, унга котиб Тўхтасин Қодиров қўл қўйганди. Ана шунда халқ олдида обрўли ва зиёли одамни шарманда қилиш, бошқаларни ҳам кўрқитиш мақсадида суриштирув, текширув ишларини бошлаб юбордилар. Иш охири судга етиб борди. Тўхтасин Қодиров ҳам шу ишга алоқадор деб топилиб, партия сафидан чиқарилди. Хайрият, ҳақиқат юзага чиқиб, домла айбсиз деб топилди, қамоқдан қутулиб қолди. Лекин бир йил бошқа вазифада ишлаш шарти билан мактабда ўқитувчилик қилиши тақиқланди. У ўтган асрнинг 70-йиллари охирида колхознинг бешинчи бригадаси бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Суяғи меҳнат билан қотган домла Тўхтасин Қодиров бу вазифада ҳам ҳалоллик билан иш юритди, бригада аъзолари ўртасида обрў қозонди. Бригада йиллик пахта режасини ортиғи билан бажарди. Домла раисдан рухсат сўраб ўз ишига – муаллимликка қайтди. Тўхтасин домла Қодиров 2003 йили вафот этган (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!).

ИККИ ДЎСТ

Зоҳидонликлар ҳақида ёзишга жазм этганимда Тўхтасин Қодиров билан бирга Ғофур Юнусни ҳам эслашни ният қилдим. Ғофур Юнус билан Тўхтасин Қодиров Ўзбек ва Тоғжик маҳаллаларида туғилиб улғайганлар. Бир синфда ўқиб, 1947 йили мактабни тамомлаганлар.

Ғофур Юнус ёки Ғофуржон домла деб халқ ичиди машҳур бўлган бу инсонни Зоҳидон, Амиробод, Жаҳонобод, Бўтқа, Бўстон, қўйингки, бутун Риштон туманида танимайдиган одам кам эди. У киши олий маълумотли эмасди, аммо қомусий билимли, одамшаванда, ҳозиржавоб, ҳазилкаш, ғоятда инсонпарвар киши эди. У суҳбатлашиш учун одам танламасди. Ғофуржон домла учун шоху гадо баробар бўлган.

Ғофуржон домлага Аллоҳ шундай ақл-заковат, кучли ҳофиза бергандики, инсон қилиши мумкин бўлган барча нарсани уддалай оларди. Синчли иморат дейсизми, ғиштдан девор уриш дейсизми, араб ёзувидаги китобларни мутолаа қилиш дейсизми, дутор, гармон, танбур чалиш дейсизми, мевали дарахтни улаш, бузуқ соатни тузатиш, радио-телевизорни созлаш дейсизми, барча ишлар унинг қўлидан келарди.

Раҳматли Ғофуржон домланинг Ёқубжон, Мусојон, Зоҳиджон исмли ўғиллари ҳаёт. Аъзамжон номли фарзанди ёш вафот этган. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!

АФҒОН УРУШИ, «ПАХТА ИШИ» ВА ЧЕРНОБИЛ ФОЖИАСИ ҚУРБОНЛАРИ

1979 – 1989 йилларда собиқ СССР армияси Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Бу урушда Ўзбекистондан, шу жумладан, Зоҳидондан ҳам аскарлар қатнашди. Афғон урушида Асқарали Қодировнинг ўғли ҳалок бўлди. Жасади қишлоққа жўнатилди. Шарифжон Йўлдошев 2-гурӯҳ ногирони бўлиб уйга қайтди. Мўмин Шамсиев уруш азобини тортди.

1986 йили Украинанинг Чернобил шаҳрида атом ядро станцияси портлади. Мазкур фожиа кўпларнинг ёстиғини қуритди. Амиробод қишлоғидан Муҳаммадали Ваҳобов, Зоҳидон қишлоғидан Мирзақул Холбоев, Дилмурод Мамадалиев сингари йи-

гитлар фожиа қурбони бўлдилар. Эркин Исақов эса ҳаёт, лекин ногирон бўлиб қолган.

1984 – 1989 йилларда марказ томонидан Ўзбекистонда «Пахта иши» ўйлаб чиқарилди. Бу жараёнда ҳам минглаб гуноҳсиз одамлар жазога тортилди. Жумладан, Зоҳидон фарзандлари – «Навоий» давлат хўжалигининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Тўхта-син Назаров, Абдуқаҳҳор Юсуповлар турли муддатларга қамалди, охири хасталикка учраб вафот этдилар.

ЗОҲИДОНДА ПАХТАЧИЛИК ВА ПИЛЛАЧИЛИК

Зоҳидонда қадимдан арпа, буғдой, жўхори каби экинлар билан бир қаторда пахтачилик ҳам ривожланиб келган. Руслар томонидан Фарғона ўлкаси забт этилгач, пахта экин майдонлари бир неча баробар кенгайди.

Шўролар даврида эса ширкат, артел, колхоз ва совхоз номи уюшмалар тузилди. Улар давлат назорати ва тасарруфида бўлган ташкилотлар эди. Ўша пайтдан бошлаб пахта қишлоқдаги асосий экин бўлиб қолди. Натижада республиканинг барча жойларида бўлгани каби, Зоҳидонда ҳам пахта майдонлари тобора кенгайиб, ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга ўсиб борди. Масалан, зоҳидонлик Жабборкул Тожиёв Ришгон район (туман) ижроия қўмитаси раиси (1928 – 1929) бўлиб турганда, қишлоқда 1-артел «Қизил октябрь» барпо қилинди (раиси Жўра Раҳматуллаев). Артел ўша йили 30 гектар ерга пахта экиб, 6 центнердан пахта етиштирди.

1930 йили Амирободда тузилган «Қизил нишон» колхози жамоаси 60 гектарга пахта экиб, 8 центнердан ҳосил олди. 1935 йили 270 гектар ерга чигит экилиб, ҳар гектаридан 12 центнердан пахта ҳосили кўтарилди. Зоҳидонда Жаҳон Обидова колхозидан 70 гектар ердан 13 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, 1945 йили ҳам ҳосилдорлик 11 – 13 центнерни ташкил этди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг пахта майдонлари ҳам, ҳосилдорлик ҳам тез кўтарилди. 1970 йилга келиб ҳар гектар ердан 27,5 центнердан, жами 4 минг 970 тонна пахта етиштирилди. 70-йиллар охири – 80-йиллар ўрталарида Зоҳидонда 6 минг тонна пахта етиштирилган.

Пилла етиштиришга ҳам эътибор кучайди. 1924 йили 4 қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 24 кг пилла олинган бўлса, 1965 йили ҳар қути қурт уруғидан 67,5 кг пилла олинган, 1966 йили

549 қути уруғининг ҳар бир қутисидан 75 кг дан пилла етиштирилди.

1973 йили 169,2 тонна сабзавот, 54 тонна мева, 303 тонна сут, 16,9 минг дона тухум тайёрланди.

ЗОҲИДОННИНГ АСИЛ ДЕҲҚОНЛАРИ

Зоҳидонда қишлоқ аҳлининг асосий машғулоти деҳқончилик бўлгани учун, бу соҳанинг машҳур кишилари ҳам кўп эди. Айниқса, ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида, Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳамда 50 – 60-йилларда донгдор деҳқонлар бисёр эди. Зоҳидоннинг Бешот мавзеида Исожон бобо, Зухур бобо, Темир бобо, Тешабой бува ва унинг ўғли Абдулмажид, Отажон бобо, Раҳмонали ҳожи Мамасиддиқов сингари деҳқонлар бир умр далада меҳнат қилиб, пахта, буғдой, шоли, оқ жўхори етиштиришда устаси фаранг номини олгандилар. Эскиқўрғонда Сулаймон Пўлатов, Хайрулла Тожибоев, Тоҳир бува Зоиров, Раҳмон ака, Мўйдин ака Ҳасанов, Бўтқада Жабборқул, Ҳайдар ака, Абдаз бобо, Нуриддин бувалар таниқли деҳқонлар саналган. Амиробод қишлоғида ҳам суяги меҳнатда қотган, деҳқончиликнинг миришкори ҳисобланган деҳқонлар ака-ука Нишон ва Полвон Холиқов, Ғофур Ҳамралиев, Абдулла Тоғаев, Ориф ака, Ҳасан ака, Жумабой бувалар тажрибали деҳқонлар эди. Кейинчалик уларнинг шогирдлари Собиржон ва Исмоилжон Ёқубов, Абдужаббор, Турсунали Райимов сингари ёш деҳқонлар ота-боболари касбини давом эттирди.

Қишлоқнинг Тўққизот мавзесида ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан эл ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ деҳқонлар талайгина эди. Капада Султон бува, Эгамберди ака, Исҳоқ бува ва ўғли Ортиқали ака, Аҳмаджон ҳожи, Раҳмонали ҳожи, Камолиддин ака, Шамсиддин, Ҳайдар бобо, Раҳмон ака, Деҳқон Бердиқулов, Юсуф ака Ҳалимов, Эгамберди бува сингари деҳқонлар чоризм даврида ҳам, шўролар пайтида ҳам то кучдан қолгунча ишладилар. Ҳайдар бобонинг ўғли Тўхтасин (домла) шундай дейди: «Отам Қўлдош бойваччанинг ерида чорикор бўлиб ишлаган, сўнг колхозда умрининг охиригача меҳнат қилган».


Кал маҳалла, Кўтарма, Гузар маҳаллаларида ҳам миришкор деҳқонлар кўп бўлган. Жўмладан, Тоҷик маҳаллада Деҳқон ўзбек, Кўтармада Муқимжон ака, Собир ака, Кал маҳаллада Йўлдош ака,




Тошкент – Зоҳидон йўлида



Гўзалликда тенги
йўқ Ватаним



Худоёрхон саройининг бугунги кўриниши



Жоме масжиди
(1818 йили
қурилган)

Риштон –
Рошидонга хуш
келдингиз!






Қуёш меваси



Зоҳидонга
чапга...




Катта Фарғона канали



«Соҳиби ҳидоя» мазор-
қабристонининг
жанубий дарвозаси



Бурҳониддин
Марғиноний ар-
Рошидоний
зиёратгоҳи



Абдулазизхон
Саййид тўра
ўғлининг мақбараси




Шаҳарча маъмурий биноси



Зоҳидон коллежи



Зоҳидон жоме масжиди





Вазир.
Рассом Р. Султонов



Садриддинхон эшон
(XX асрнинг 30-йиллари).
Ёқуббий авлодларидан бўлган



Сарвибиби Мустафоқул
амин қизи




Вазирнинг паннабираси
Илҳомжон Охунов оиласи
билан



Марғилон шаҳар Хонақоҳ жоме масжиди жамоаси бош
имом-хатиб Собир қори бошчилигида



Замзамхон ая фарзандлари
(Абулқосим Вазирнинг бугунги кундаги авлодлари)



Саттор Турдиев,
Республикада хизмат
кўрсатган ўқитувчи



Солижон Собиров, Зоҳидон
маорифи жонкуярларидан



Эркинжон Райимжанов,
маориф аълочиси



Мамадали Топиболдиев, Иккин-
чи жаҳон уруши қаҳрамони



Раҳмонали Отақўзиев



Ўринбой Собиров



Эргашбой Эркинов



Оминахон Йўлчиева,
меҳнат фахрийси



Мамасоли Усмонов,
Амиробод қишлоғидаги
биринчи муаллим



Ҳасанбой
Ҳусанбобо ўғли



Мирзааҳмад
Рақимов



Аминжон
Ҳожибоев



Муҳаммадхон
Исроилов



Хайрулла Тожибоев



Машраб Полвонов, кутубхоначи
– маърифатпарвар



Абдукарим Ниёзов



Абдусаттор Кўзиёв,
зоҳидонлик биринчи
олимлардан



Жўрабой Ҳайдаров,
зоҳидонлик биринчи
олимлардан



Маликжон Бобораҳимов,
филолог олим



Ёқуббий набираси
Хайрулло улоқчи ўғли
Бойбува улоқчи



Иброҳимжон Юсупов,
зоҳидонлик биринчи
тракторчи



Ҳожимамат
Акбаров,
Иккинчи жаҳон
уруши қатнашчиси



Жабборқул
Тожиев,
жамоатчи,
маърифатпарвар



Тўхтасин
Қодиров,
фаол
жамоатчилардан



Аҳмаджон Аҳмадалиев



Турдиали Раҳмонов



Турсунали Раҳмонов



Мунисахон Мираҳмедова



Шермуҳаммад
Мирзаолимов



Ғанижон Йўлдошев,
зоҳидонлик биринчи учувчи



Мўминжон Воҳидов



Азизжон Дадаев,
зоҳидонлик биринчи
киноактёр ва педагог



Ғофуржон Юнусов



Ҳикматжон Мансуров



Хизирали
Мамадалиев
(Зоҳидоний)



Абдурахим Тўхтасинов,
зоҳидонлик биринчи
ҳуқуқшунос



Саïдахон Хонкелдиева,
зоҳидонлик биринчи аёл
ўқитувчи



Ҳасанбой Зухуров



Шахбозбек Ҳошимжонов,
белбоғли кураш бўйича
Республика чемпиони



Манзура Олимова,
кикбоксинг бўйича
Ўзбекистон чемпиони



Набижон Ёқубжонов



Иброҳимжон Тоҳибоев,
математик олим



Музаффаржон Мамасиддиқов, юридик
фанлар доктори, профессор



Муқаддас Бекмирзаева,
педагогика ва молия-
иқтисод коллежи
директори



Ойдин Темирова,
шоира



Умринисо Абдувоҳидова,
зоҳидонлик шоира, ўқитувчи



Муаллиф ва фарзанди Шодмон Воҳидов билан



Шаҳарча раиси Эркинжон Абдуллаев



Зоҳидон фуқаролар йиғини фаоллари



Далада



Ер эгаси, фермер Набижон Мамажонов



Тўйга тўёна бўлсин




Бор товоғим, кел товоғим...



Фирдавс богида



Замонавий ҳовли



Ям-яшил олмосларим... (Узумчи Анваржон Мамаев)



Қишдаги баҳор (Абдусаттор Тожибоев)



Халқ ардоғидаги қаҳрамонлар




Хотира ва қадрлаш кунида...



Иккинчи жахон уруши фахрийлари



Зоҳидонлик онахонлар




Хунармандлар



Қўли гул уста Валихон ўғли билан



Бошдан-оёқ кийдираман (уста Абдусаттор)




Қассоб



Нуроний отахон ҳикояси...




Серқуёш ўлка фарзандлари



Козимжон Ёкубжонов,
компьютер мутахассиси



Рустамжон Султонов,
рассом



Омонбой Абдувоҳидов,
зоҳидонлик фотограф



Муаллиф академик А.Қаюмов билан



Аллоҳ мададкор бўлсин!..

Ҳошим ака, Райим ака, Мирзамўмин ака, Тилаболди ака, Шакарқишлоқда Кенжа ака, Назир бобо, Собит бобо, Ашур бобо сингари деҳқончилик сирларини яхши билган деҳқонлар ўтган.

Зоҳидонга биринчи трактор 1929 йили келган. Уни Абдуназар Охунов, Иброҳим (Ибоюсуп) Юсуповлар бошқаришган. Ўша пайтдан бошлаб тракторчилик касбини сидқидилдан эгаллаб дон чиқарган меҳнаткашлар кўпайиб борди. Аҳмаджон Обидов, Бектемир Тоштемиров, Маҳмуд Зухуров, Убайдулла Маматов, Раҳмонали Умматов, Набижон Ҳалилов, Муҳаммадсодиқ (Мамасодиқ) Қосимов сингари фидокор, заҳматкаш, ўз касбини улуғлаган инсонлар етишиб чиқди.

XX асрнинг 60-йилларидан Зоҳидон деҳқонлари ҳам мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида озми-кўпми қатнаша бошлади. 1968 йили Эскиқўрғон маҳалласидан Хайрулла Тожибоев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига депутат этиб сайланди. 1967 йили пахтадан юқори ҳосил олишда эришган ютуқлари учун собиқ Иттифоқнинг нишонлари билан тақдирланган. Хайрулла ака Тожибоев (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) асл деҳқон эди. У ернинг тилини биладиган тажрибали ершунос бўлгани учун ҳам, колхознинг илғор бригадири сифатида энг қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинланади. Натижада 1-2 йил ичида ўша ҳосилдорлиги паст ерлар ҳам юқори ҳосил берадиган ерга айланади. Хайрулла ака халқ дардини, унинг турмуш шароитини яхши биладиган инсон эди. У киши Ўзбекистон Олий Кенгашига депутатликка сайланганда ҳам ўзининг касбини давом эттириб ҳалол меҳнат қилди.

1971 йили колхознинг чорвачилик ходими, илғор сут соғувчи Мунисхон Мираҳмедова, 1976 йили (1979 йилгача) илғор механик ҳайдовчи (тракторчи) Раҳмонали Отақўзиев, 1980 йили (1984 йилгача) Зоҳидон колхозининг илғор пахтачилик бригадаси бошлиғи Турдали Раҳмонов Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланди.

ЗОҲИДОНДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Зоҳидонликлар XX аср ўрталаригача мискарлик, дегрезлик, темирчилик, аравасозлик, жувозкашлик, тўқувчилик, бешиксозлик, мебелсозлик, қурувчилик каби ҳунармандчилик соҳаларини давом эттириб келганлар. Бундан ташқари, новвой, чархчи,

чекитчи, кигизчи, баковул, этикдӯз, йигчи каби касб эгалари ҳам кўп бўлган.

Зоҳидонда араवासоз усталар Ўтан бобо, Холмат боболар, Амиробод қишлоғида бешик асбоблари тайёрловчи усталар Исоқ бобо, Эргаш йигчилар машҳур эди. Амирободда асли Воҳим қишлоғилик бўлган Муҳаммад Сиддиқ (Масодиқ) махсум тол ёғочидан чўмич ва қошиқ тайёрловчи уста эди. Қўрғонча маҳалласида Тилаболди Қурбон деган дегрезчи бўлган. У киши (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) темирни эритиб, чўян тайёрлаб, омоч, балзам, трактор плугларининг тишини қўярди. Марғилондан келиб, Зоҳидоннинг Гузарбошиси ва Тоҷик маҳалласи ўртасига ўрнашган Абдулқодир бобо чархчи эди. У киши пичоқ, дасткалла каби уй-рўзгор буюмларини чархларди. Юқори маҳаллани кўпинча Пичоқчи маҳалла дейдилар. Бу маҳаллада Муҳаммад Аюб, Маҳмуд, Мирзажон, Холбой деган пичоқчилар машҳур эди.

Аёллар ўртасида каштачилик, чеварчилик касблари узоқ асрлардан бери давом этиб келган. Зоҳидоннинг Тоҷик маҳалласида Мастура чевар, Кал маҳаллада Кўпайсин чевар, Мастура чеварнинг шогирди Ойша чеварларнинг донғи узоқ-узоқларга кетганди. Зоҳидон ариғи, Бўтқа ариғи, Амиробод ариғи фақат қишлоқни сув билан таъминлабгина қолмасдан, тегирмон, обжувозларни юргизувчи энг зарур восита эди. Зоҳидон, Амиробод, Бўтқа, Капа, Бўстон қишлоқлари ва катта-катта маҳаллалардан ўтган юқорида номлари айтилган ариқлар устига тегирмон, обжувоз қурилган. Уларни уста Турғун бобо, Сурхон бобо, Карим бобо каби тегирмончилар бошқарган. Уста Турғун тегирмон тошларини чекиб, йўнган. Унинг бу касби жуда камёб эди. Шунинг учун уни чорловчилар жуда кўп бўларди. Тегирмон тоши айланавериб силлиқ бўлиб қолса, донлар яхши уқаланмай (эзилмай), ун майин бўлмасди. Бу ишни ҳамма тегирмончи уддалолмас эди. Уста Турғун ўз касбининг моҳир устаси бўлган. Бу ишни у дўндирадди.

Қишлоқда Шароб охун, Абдулбоқи, Юнус новвой, Ҳайдар новвойларнинг ёпган нонлари машҳур эди. Тўй ва бошқа катта маросимлар Мирзажон баковулсиз ўтмасди. У тайёрлаган лаззатли шўрва, палов таъми кишиларнинг оғзида қоларди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин). Иморатсоз усталар ҳам Зоҳидонда жуда кўп бўлган. Улар орасида ака-ука Мирсобит, Алихон усталарнинг шухрати ниҳоятда балеанд эди. Уста Алихон фақатгина имо-

ратсоз устагина эмасди, сандиқ, жавон ҳам ясарди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

«Уста Алихоннинг бешала бармоғи ҳам хунар», – дейишарди. У бузуқ қулф, қўндоғи синган милтиқларни ҳам тузатарди. Капалик уста Низомни Зоҳидонда танимаган одам йўқ эди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин). У киши шунчалик истеъдодли эдики, қадимий буюмларни ёки замонавий асбоб-ускуналарни таъмирлабгина қолмасдан, янгидан ҳам ясай оларди. Жумладан, қишлоқда велосипедга мотор ўрнаштириб минган Зоҳидондаги биринчи киши у бўлади. Ўша пайтда моторли велосипед қишлоқда ҳали йўқ эди. У киши ҳатто милтиқларни ҳам таъмирлаб турган экан (овчилар унга буюртма берган).

Зоҳидоннинг Шакарқишлоқ маҳалласида асли қўқонлик бўлган Мирзажон бобо ҳамда уларнинг ўғиллари Мирзааҳмад ва Мирзамўмин акалар яшарди. Уларнинг касби қандолатпазлик эди. Зоҳидон ва унинг теварақ-атрофидаги қишлоқларда ҳам таниқли бўлган бу қандолатчилар узун-узун шиминг хўрозқанд, пашмак, кунжутли ҳолва, новвот каби ширинликлар ва нишолда тайёрлашда машҳур эдилар.

XX АСР: МАОРИФ ВА МАДАНИЯТ

Оила – умумижтимоий жамоани ташкил этувчи энг кичик, айни пайтда, энг асосий бўғин. Ундан маҳалла, маҳалладан қишлоқ ёки шаҳар, шаҳардан туман, тумандан вилоят, вилоятдан мамлакат ҳосил бўлади.

Оила ўз аъзосининг яхши хулқи, меҳнати, тadbиркорлиги, ташкилотчилиги, хунари (касб-кори) билан танилиб элда машҳур бўлгани каби, қишлоқ, туман, вилоят, мамлакат ҳам унда яшовчи инсонларнинг етук-комиллиги билан донг таратади.

XX аср зоҳидонликлар ижтимоий онгида ўзгариш даври бўлди дейиш мумкин. Агар XVIII – XIX асрларда қишлоқнинг бир қисм аҳолиси саводли бўлган эса, XX аср охирига келиб деярли саводсиз киши қолмади. Кишилар дастлаб араб, сўнг лотин ёзувида, 1940 йилдан кирилл алифбосида савод чиқарди. Зоҳидонликлар 20-йиллардан мактабда партада ўтириб ўқиш ва ёзишни бошлади.

Қишлоқнинг дастлабки маориф жонкуярлари Жабборқул Тожиёв, Эрмуҳаммад Мирзаолимов, Мирзаали ҳожки Раҳимов, Райимжон Ҳасанов ва уларнинг издошлари Саттор Турдиев, Мутал

Раҳмонов, Раҳмон Шоюсуповлар бўлган. Улар 20-йилларда очилган саводсизликни битириш курслари ва дастлабки мактабларда дарс берганлар. Саттор Турдиев узоқ йиллар маориф соҳасида фаолият кўрсатди. Домла бу хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони билан тақдирланган (1939).

ЗОҲИДОНДА ИЛК ШҶРО МАКТАБИ

Қадимда бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Зоҳидон қишлоғида маҳалла масжидлари қошида мактаблар мавжуд бўлиб, унда ўғил болалар ўқиганлар. Бу мактаблар болаларга, асосан, диний таълим бериб, қироат (ўқиш)ни раvon қилиш мақсадида Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларидан ўқилган. Мазкур ибтидоий мактабларда математиканинг чорзарб усули (кўпайтириш, камай-тириш, бўлиш ва қўшиш), араб ёзуви ҳам ўргатилган.

Большевиклар ҳокимиятни қўлга олгач, ўз мафкурасини халққа тарғиб қилиш мақсадида қишлоқдаги илмли кишилардан фойдаланди. Уларни қишлоқда савод (ўқиш-ёзиш) ўргатиш тўғарақларида машғул олиб боришга мажбур қилдилар. Бундай тўғарақлар Зоҳидонда Файзулла махсум Тошпўлат қози ўғли, Мулла Эргаш Ёқубжонбой ўғли сингари уламолар томонидан олиб борилди.

Аёллар учун очилган тўғараққа қишлоқ фаолларидан бири Жабборкул Тожиев муаллимлик қилган. Бу тўғарақда Саидахон Хонкелдиева, Қурбонбу Тожиева, Хосиятбу Назарова каби аёллар савод чиқардилар.

Зоҳидонда илк шўролар ҳукумати томонидан очилган мактаб 1924 йил 1 сентябрда Мадамин қозининг масжидида иш бошлади. Бу масжид-мактаб қишлоқ гузари марказида, ҳозирги Солижон ҳожининг савдо маркази ўрнида бўлган. Мактабда 3 та синфхона бўлиб, унда 20 – 25 нафар ўқувчи таҳсил олган.

Янги мактаб «Намуна» деб аталган. Унинг биринчи ўқитувчиси кўқонлик Мелиқўзи Хусаинов деган домла бўлган. Бу мактабда Саттор Турдиев, Болта Умрзоқов, Раҳмон Шоюсупов, Ботирали Йўлдошев, Мутал Раҳмонов, Эрмуҳаммад Мирзаолимов, Райимжон Ҳасанов, амирободлик Мамасоли Усмонов сингари ўқувчилар биринчи бор партада ўтириб дарс тингладилар. Дастлабки ўқув йили (1924 – 1925 йиллар) охирида биргина 1 синфдаги болалар

сони (3 гуруҳда) 80 – 90 тага етганди. Бу бошланғич мактабда 1928 йилга келиб ўқувчилар сони 200 – 300 нафарни ташкил этган.

1928 йил май ойида 3 йиллик мактабни тамомлаган ўқувчилар билан хайрлашув маросими тантанали равишда ўтказилди. Шу йилнинг июнь ойида Риштон районида 82 нафар, жумладан, Зоҳидон қишлоғидан янги мактабни битирган 18 нафар ўқувчи Қува шаҳрида очилган 3 ойлик таълим-тарбия курсига ўқишга юборилди. Бу курсни битириб келган ёшлар Риштоннинг турли қишлоқларига ўқитувчи қилиб жўнатилди. Хусусан, Саттор Турдиев Бўтқа қишлоғида очилган биринчи мактабда, Мамасали Усмонов Амиробод қишлоғидаги мактабда ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Мутал Раҳмонов Мустафоқул амин масжиди, Раҳмон Шоюнусов гузари (кўчаси)даги Мадамин қозининг масжидидаги мактабда ўқитувчилик қилдилар. Улар, аynи пайтда, саводсизликни тугатиш тўғарақларида ҳам машғул олиб боришган.

1953 йили «Намуна» номидаги мактабга Тельман номи берилди. Шу йили мактабга Саттор Турдиев директор этиб тайинланди.

1937 йили Мадамин қозининг масжиди бузиб ташланиб, ёғоя, тахта, устунлари пахта пункти рўпарасида ҳозирги умумтаълим мактаби ўрнида барпо қилинган 7 йиллик тўлиқсиз ўрта мактаб биноси қурилишига ишлатилди.

Мактабда биринчи марта инглиз ва рус тиллари ҳам ўқитила бошланди. Инглиз тилидан Исаева, рус тилидан Домаскина сингари ўқитувчилар дарс берди.

1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида Саттор Турдиев қурувчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борди. Шу йили унга «Ўзбекистонда хизмат қилган ўқитувчи» унвони берилди. Бу унвон устоз Саттор Турдиевнинг Зоҳидон қишлоғида олиб борган маърифий ишларига берилган муносиб баҳо бўлди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

«Зоҳидоннома» (муаллифи Гавҳар Жалилова) китобида ёзилишича, 1924 йили Зоҳидонда 1 та 3 хоналик, Амирободда 2 та хоналик бошланғич «Намуна» номли мактаблар мавжуд бўлса, 1930 – 1932 йилларга келиб Зоҳидонда мактаблар сони 2 тага, синф хоналари 10 тага етди. 1937 йили Зоҳидон қишлоғидаги 1 та тўлиқсиз ва 3 та бошланғич мактабнинг 15 та синфида тахминан 20 – 30 та ўқувчи ўқиган бўлса, 1947/1948 ўқув йилида 1 та ўрта мактаб, 2 та тўлиқсиз ва 1 та бошланғич мактабда 850 нафар ўқувчи билим олди. Зоҳидонда 1924 йили очилган янги мактаб

(Намуна) кейинчалик Тельман, Жданов ва Гагарин номлари билан аталган. Бу мактаб бугунги кунда 3- ва 13-умумий таълим мактабларига бўлинган.

3-ўрта таълим мактабида Ўзбекистон халқ маорифи аълочилиси Мамасоли Собиров энг узоқ муддат – 40 йил директорлик лавозимида ишлади.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ

Жабборқул ота қишлоқда XX аср зиёсини тарқатган илк маърифатпарварлардан бири эди. У саводсизликни битирув курсларини очиб, кишиларнинг илм-маориф нурларидан баҳраманд бўлишини истади. Тожиев курсларидан бирида ўқиган Саида Хонкелдиева (у қишлоқнинг биринчи аёл ўқитувчиси) шундай эслайди: «Қишлоғимизда очилган оилавий тўғаракка Жабборқул Тожиев раҳбарлик қиларди. Тўғарак машғулотларига Жабборқул домланинг турмуш ўртоғи Қурвонбу, Тожибой Назаровнинг рафиқаси Хосиятхонлар билан мен ҳам қатнашган эдим».

Жабборқул Тожиев жўшқин ҳаёт кечирди. У ер-сув ислоҳотида қишлоқда тузилган биринчи артелда аъзо, раис бўлиб хизмат қилди. 1928 – 1929 йилларда Риштон район ижроия қўмитаси раиси вазифасида ҳам ишлаб, ўзининг раҳбарлик лаёқатини намойиш этди. 30-йилларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида колхоз тузиб, пахта экиш ва парваришlash бўйича Фарғона деҳқонларининг тажрибасини оммалаштиради. Ана шу хизматлари учун Ўзбекистон ҳукуматининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланади (бундай фахрий ёрлиқ билан 3 марта тақдирланган).

Жабборқул Тожиев 1945 йили Зоҳидоннинг ўзлаштирилмаган чўл ерида янги колхоз ташкил этиб, унга бошчилик қилишга масъул этиб тайинланади. У бу вазифани ҳам аъло даражада бажарди. 1946-1948 йилларда Зоҳидон қишлоғи жамоаси раиси вазифасида ишлайди. Урушдан кейинги оғир шароитда Жабборқул ота қишлоқни ободонлаштириш, қишлоқ халқининг моддий турмушини яхшилаш, маърифий-маданий ҳаётини юксалтириш учун ҳаракат қилди. Қишлоқ марказидаги 7 йиллик тўлиқсиз ўрта таълим мактабини 10 йиллик ўрта таълим мактабига айлантириш ишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. 1947 йил июнь ойида Зоҳидоннинг маданий ҳаётида катта воқеа юз берди. 10 йил-

лик ўрта таълим мактабининг битирувчиларига етуклик аттестати топширилди. Шу муносабат билан бўлган йиғилишда Жабборқул ота сўзга чиқиб: «Зоҳидон қишлоғи халқининг фарзандлари бугун ўрта маълумотли бўлиб турибди. Сизларга ҳавасим келади. Келажагингиз янада порлоқ бўлсин, менинг ёш дўстларим!» – дейди.

Жабборқул ота учун ижтимоий вазифанинг катта-кичиги йўқ эди. 50 – 60-йилларда у турли лавозимларда ишлади. Кейинги пайтда қишлоқ кутубхонасини бошқарди. Қишлоқда китобхоналарни кўпайтириш учун тарғибот юргизишдан чарчамасди. Жабборқул ота, отаси васият қилганидек, ҳақиқатнинг ошиғи бўлди (Аллоҳ рози бўлсин). У қишлоғини мадҳ этиб шеърлар битган:

*Қишлоғимдир бир бўстон,
Таърифидан дoston.
Кўрган одам қувонар,
Жаннатмакон Зоҳидон.*

Элим деб, юртим деб яшаб ўтган Жабборқул ота ўғиллари Абдуллажон ва Охунжонларни ҳам шундай ҳаёт кечиришга ундаган, Абдуллажон Жабборов туман маориф бўлимида йўриқчи, 33-мактаб директори, Ал-Хоразмий номидаги мактаб илмий бўлим мудирини бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда нафақада, Узункўча маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан бири.

XX асрнинг 50-йилларидан Зоҳидон қишлоқ мактабларида олий маълумотли муаллимлар дарс бера бошлади. Жумладан, тарих фанидан Тошкент давлат университетини битирган капалик Ҳамдам Умаров, Самарқанд давлат университети филология факультетини битирган Хизирали Мамадалиев, математикадан Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаган Аскар Абдурахмонов (бу домла қозоқ миллатига мансуб бўлса-да, ўзбеклар орасида улғайгани учун ўзбек мактабини битирган, институтда ҳам ўзбек тилида ўқиб олий маълумот олганди), кимё дарсларини Тожикистоннинг Конибодом туманидан келган Абдумалик Мўминов ўтарди. У Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаб, Зоҳидонга ишга юборилганди. Хотини Раънохон Эркаева физикадан дарс берарди. У ҳам олий маълумотли эди. Кейинчалик Оқер қишлоғидан келган Абдусалом Раҳмонов, Холматов (тўдалик) кимёдан юқори синфларга дарс ўтди. Бир неча йил Марғилон шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш инсти-

тутида ишлаган Малла Мадалиев мактабнинг битирувчи синфларига физикадан дарс берди. Унинг дарс бериш усули жуда содда эди, ўқувчиларга илмий тушунчаларни ниҳоятда осон тушунтирарди (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин). Синфга кўргазмали қуролларни олиб кириб, шу ерда лаборатория машғулоти, тажрибалар ўтказиб, ўқувчиларга илмий-амалий тушунча берарди. Марғилондаги 2 йиллик тўлиқсиз олий маълумот берувчи институтни тамомлаган Иброҳимжон Ниёзов, Азимжон Рўзибоев, Иброҳимжон Эргашев (амирободлик), Муҳаммадиси Мирзаолимов, Мамасоли Собиров каби ўқитувчилар Фарғона давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини битириб олий маълумотли ўқитувчилар сафига қўшилдилар. Натижада қишлоқ мактабларида таълим-тарбия сифати яхшиланди.

ЗОҲИДОН ШЕВАСИ ҲАҚИДА

XX асрнинг 60 – 90-йилларида Зоҳидон мактабларида она тили ва адабиёт дарсларининг ўқитилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. XX асрнинг 20-йилларидан маърифатпарварлик ва маориф ишларининг кенг кўламда йўлга қўйилиши натижасида, кўплаб педагог кадрлар етиш чиқди. Айниқса, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг бутун бир авлоди вужудга келди. Урушдан кейин Зоҳидондаги 2-мактабда ўзбек тили ва адабиётдан дарс берган ўқитувчилар қўқонлик Яҳё Сулаймонов, Муҳаммадқул Сулаймонов, Холмирза Мадаминов, Сотиболди Акбаров, Ҳабибулла Йўлдошев, Тўхтасин Қодиров, Сайфиддин Бурҳонов, Солижон Аҳмаджонов, Тўхтасин Ҳайдаров, Муҳаммадиси Мирзаолимов, Холмуҳаммад Носиров, Мусожон Абдазов, Фазлиддин Сайфиддинов, Иброҳимжон Эргашев каби устозлар сафига 50-йилларнинг 2-ярмида Самарқанд давлат университетининг ўзбек тили филологияси бўлимини аъло баҳолар билан тамомлаган Хизирали Мамадалиев ҳам қўшилди.

50 – 60-йилларда Зоҳидон қишлоғи шева ва диалектлари анча аниқ-равшан талаффуз қилинар, бу ҳол ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида кўзга яққол ташланарди. Хизирали Мамадалиев (кейинчалик Зоҳидоний тахаллусини олган) юқори синфларда дарс ўтаркан, ўзига таниш бўлган ҳамқишлоқларининг жонли нутқиغا эътибор қаратди. Ўша пайтларда адабий тилда сўзлаш ва ёзиш талаби кучли бўлиб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси олди-

га қўйиладиган биринчи вазифа ўқувчиларда адабий сўзлаш ва ёзиш малакасини тарбиялаш эди. Домла шу пайтгача тилшунос олимлар қилмаган ишни – Зоҳидон қишлоғи шева ва диалектини ўрганиш ва шу орқали ўқувчилар нутқидаги хатоларни бартараф этишни мақсад қилиб астойдил ишга киришди. Аввало, қишлоқ шеваси Марғилон-Қўқон диалектининг «о»ловчи гуруҳига мансублигини аниқлади. Ундаги унли товушлар сони рус тилидаги «ъ»га тўғри келадиган «ъ» товуши билан қўшиб ҳисоблаганда 7 тага боришини белгилади (ъ, у, ў, о, а, э, и). Ундошлардан «нг» товуши адабий талаффуздагидан анча қаттиқроқ айтилиши маълум бўлди. Масалан, «олинг», «туринг» сўзлари «онг», «турънг» шаклида талаффуз қилинади. Домла бундай сўзларда «нг» товуши ўзига хос орфоэпик хусусият касб этишини кашф қилди. Шевадаги талаффуз жараёнида яққол сезилиб турувчи мазкур хусусиятлар адабиёт дарсларида, айниқса, ўтилган мавзунини сўраш, айрим шеър ёки адабий парчаларни ўқитиш, шеърни ёд олдириш, синфдан ташқари ўқилган бадиий асарлар юзасидан суҳбатларда аниқлаб борилди. Домла 10-синфда (бу воқеа 1964 йили бўлган) адабиёт дарсини ўтар экан, Аҳмаджон исмли ўқувчига ёзувчи Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи қиёфасига оғзаки тавсиф беришни сўради. Ўқитувчи унинг жавобини диққат билан тинглаб, унга сўзлаганларининг биронта сўзи ва жумласини ўзгартирмай ёзиб бер деди. Ўқувчи Йўлчи ҳақида оғзаки қандай сўзлаган бўлса, шундай ҳолда дафтарга ёзди.

«Қутлуғ қон» романининг бош қаҳрамони – Йўлчи. У отаси вафот қилгандан кигин жа қийналади. Рўзгорди бари ташвиши уни бўйнига тушади. У бировларъ ишини кърберъл оиласини боқади. Омо бъръ эки бўлмайдди. Ушунчун Йўлчи иш қидиръп шаҳарга жўнайди. Шаҳарда уни Мирзакаримбой деган тоғаси бўлади. Йўлчи ўшаникидан иш товади. Этта роса ишлайдди. Омолейкин вохтида бойдан ҳақини ололмай қийналади. Мирзакаримбой ҳеч кимга раҳм-шўвқат кьмасти. Йўлчи Мирзакаримбойди зolimлигидан азапланади. Уни онги ўсади». Кейинги машғулотда синф ўқувчилари билан Аҳмаджоннинг Йўлчи қиёфаси тўғрисидаги ёзма тавсифи таҳлил қилиниб, фақат Аҳмаджонга эмас, балки синф ўқувчилари учун ҳам умумий бўлган шева ва диалектик хатолар 5 – 10 дақиқа ичида кўриб чиқилади, уларнинг диққати мазкур хатоларни бартараф этишга тортилади.

Хизирали домла ўқувчилар нутқидаги бундай хатоларни

тўғрилаш учун дарсликдаги фонетика, морфология ва синтаксисга доир турли хил жадвалларни яратди. Чунончи, ўқувчиларнинг адабий тил меъёрларини тўла ўзлаштириб олишини кўзда тутиб шева кўринишларини бартараф қилишга оид жадвал тузди. Бу умумий тарздаги жадвал бўлиб, ўқувчилар эътиборини адабий тил билан шевани таққослаб ўрганишга қаратди.

Домла ўз иш тажрибасини Риштон тумани она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг услубий йиғинларида, ўқитишнинг илғор тажрибалар минбари бўлган туман, вилоят, республика педагогик ўқишлар кўригида қилган маърузаларида умумлаштириб берди. Айниқса, 1965 йил март ойида ўтган республика педагогик ўқишлари сира унутилмас бўлди. Чунки шу кунгача Хизирали Зоҳидонийдек қишлоқ ўқитувчиси (нафақат она тили ва адабиёт, балки бошқа фан ўқитувчилари)дан бирортаси ўз иш тажрибасини республика миқёсида оммалаштира олгани йўқ эди. Домланинг муҳим, айти пайтда, долзарб масалани кўтариб чиқиши мазкур шўъба йиғилишида қатнашган тилшунос олимлар, услубчи мутахассисларда ҳам катта таассурот қолдирди.

1965 йили «Ўқитувчи» нашриётида босилиб чиққан «Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан» тўпламининг 106 – 112-бетларида домланинг илмий-методик маърузаси ва тузган жадваллари тўлиғича келтирилади. Ё.Фуломов, И.Расулов, Х.Рустамов, Б.Мирзааҳмедовларнинг «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» (Тошкент: «Ўқитувчи», 1975) китобининг 2-бетида домланинг «Ўқувчиларнинг маҳаллий шева хатоларини тузатиш тажрибасидан» мавзусидаги методик маърузаси асосида тайёрланган жадвалларидан намуна келтирилган. Юқоридаги далиллар шуни кўрсатиб турибдики, Хизирали Зоҳидоний XX асрнинг 60-йилларида республика миқёсидаги таниқли она тили ва адабиёт ўқитувчисига айланганди. Домланинг қўлида таҳсил олган юзлаб шоғирдлар бугунги кунда юргимизнинг барча вилоят ва туманларида мустақил Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилмоқда.

У кишининг мураббийлик касбини давом эттираётган бугунги зоҳидонлик она тили ва адабиёт ўқитувчилари устозларини бот-бот зиёрат қилиб, қимматли маслаҳатларини олиб турадилар.

Домла ҳозир нуронийлик гаштини сурмоқда. Кўплар қатори муборак ҳаж амалларини бажарди, фарзандларига, маҳалла, қишлоқ ёшларига қимматли панд-насихатларини аямайди. Қишлоқдаги тўй-маъракалар домласиз ўтмайди. У киши қишлоқ ва

маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаол аъзоси. Хизирали ака ёшлик йилларида қандай ижодкор бўлган эсалар, ҳозир ҳам шундай сермаҳсул. «Риштон ҳақиқати» газетаси – у кишининг севимли минбари. Халқимиз тилининг учуда турган сўзларни топиб ёзади. Домла 80 ёшни қаршиламоқдалар. Аммо у кишининг ишчанлиги, жўшқин фаолияти булоқни эслатади, бир нафас тинмайди, ҳамиша қайнаб туради. Илоҳо, устозимиз умрлари булоқ сувидай тиниқ, мусаффо бўлиб оқаверсин.

Турли йилларда зоҳидонлик устоз-муаллимлар Риштон туман халқ маорифи мудирининг вазифасида ишлаганлар:

1. Саттор Турдиев (1940 – 1941).
2. Ҳамдам Умаров (1957 – 1963).
3. Эркинжон Райимжонов (1986 – 1994).

Қўйидаги устоз-муаллимлар Зоҳидон қишлоғидаги мактабларда 1930 – 1990 йилларда директор лавозимида ишладилар:

1. Саттор Турдиев (1933 – 1939, 1945 – 1946, Зоҳидон қишлоғида).

2. Мамасоли Собиров (1959 – 1994, Зоҳидон қишлоғида).

3. Иброҳимжон Ниёзов (1957 – 1958, 1960 йиллар, Амиробод қишлоғида).

4. Ғофуржон Юнусов (1949 – 1951, Жаҳонобод қишлоғида).

5. Ёқубжон Маматаюпов (1960 – 1982, Амиробод қишлоғида).

6. Тўхтасин Қодиров (1960 – 1970, Капа қишлоғида).

7. Йигитали Фармонов (1979 – 1981, Капа қишлоғида).

8. Маматқул Сулаймонов (1958 – 1963, Сўхободда).

9. Абдуназар Исмоилов (1980 – 1987, Авазбойда).

1973/1974 ўқув йилида битирувчилардан бири Мўминжон Воҳидов аттестат билан бирга Зоҳидон қишлоғи тарихида биринчи марта «Олтин медал» олди.

Зоҳидонда XX асрнинг 50-йилларида 1 та ўрта, 2 та саккиз йиллик, 2 та бошланғич таълим мактаби бўлган эса, 60-йилларнинг 2-ярмида 2 та ўрта таълим, 2 та 8 йиллик, 1 та бошланғич мактаб фаолият юритди. 70-йилларда 3 та ўрта таълим, 2 та саккиз йиллик мактаб вужудга келди. Мактабнинг ўқув бинолари янгилашиб, замонавий кўриниш касб этиб борди. Иккинчи жаҳон уруши Қахрамони Мамадали Топиболдиев колхозга раис бўлиб келгач, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали олинаётган фойданинг катта қисмини маданий оқартув ва қурилишга сарф қилди. Натижада Зоҳидоннинг тор, қинғир-қийшиқ кўчалари (Амиро-

бодда ҳам) ўрнида тўғри, равон, асфальтланган кўчалар пайдо бўлди. Ҳар бир хонадонга 60-йиллардан бошлаб электр ва газ кириб келди. Айрим оилалар енгил машина ва мотоциклли бўлди.

Туман маркази билан боғловчи янги йўл қурилиши билан, автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Халқнинг ижтимоий-сиёсий онги ўсиб борди. Баъзи ижтимоий-сиёсий масалаларга ўз шахсий қарашларини билдирадиган бўлишди. Афсуски, кишиларнинг виждон эркинлиги чекланганди. Зоҳидон қишлоғининг ўзида бирорга ҳам масжид йўқ эди. Амирободдаги 2 та масжид биносидан бошқа мақсадларда фойдаланиларди. Намозхон нурунийлар Марғилон ёки Қўқон шахрига бориб жума намозини адо этишарди. Бошқа кунлари қўрқа-писа уйларида ўқирдилар.

XX асрнинг 50 – 60-йилларида атеизм кучайганди. Туман коммунистик партиясининг 3-котиби идеология (ғоявий-маънавий) ишлар билан шуғулланарди. Биронга раҳбарнинг отаси намоз ўқиётгани ҳақида чақув тушса, унга огоҳлантириш, танбеҳ берилиб, вазифасидан бўшатиларди. Шундай воқеа ҳақида одамлар яқин-яқин вақтларгача (ҳозир ҳам катта ёшдагилар билишади) гапириб юришарди. Авазбой қишлоғида ҳам бир партия аъзоси, отаси намозхон бўлгани учун, партиявий танбеҳ олган. Уйига келиб қараса, отаси яна намоз ўқиётган экан. Одамларнинг айтишича, у саждада бўлган отасининг кетига тепшган экан. Бу воқеа одамлар орасида анча гап бўлган.

60-йилларда Амирободдаги Фурқат номидаги 8 йиллик тўлиқсиз ўрта мактаб директори Ёқубжон Маматаюпов она тили ва адабиёт ўқитувчисини директор хонасига чақириб суҳбатлашган. Ундан Ўзбек маҳаллада масжид бор экан, унга намозхонлар қириқтими-йўқми деб сўраган. Сўнгра директор ўқитувчининг онаси отинча эканлиги ҳақидаги хабар район партия қўмитасига етиб борганини айтиб, онанг отинчалик қилмасин, акс ҳолда, сенга ёмон бўлади деб огоҳлантирган ва суҳбатлашгани, огоҳлантиргани ҳақидаги тилхат остига қўл қўйдирган.

XX асрнинг 80-йилларида Зоҳидон қишлоғи вилоят миқёсида ҳам маданий марказлардан бири эди. Қишлоқ марказида катта универсал магазин – савдо маркази бўлиб, доимий савдо қилиш учун узоқлардан келган харидорлар билан гавжум эди. Қишлоқда ёзги ва қишки клублар мавжуд эди, улардан ёшлар аримасди. Қишки клубнинг спорт залларида мунтазам турли мусобақалар ўтказиб туриларди. Қолаверса, стадионда футбол, волейбол, бас-

кетбол ва енгил атлетика билан шуғулланувчи ёшлар сони кун сайин ортиб борарди. Стадионнинг бош қисмида тир ҳам мавжуд эди. Қишлоқ марказида ошхона, унинг марказий қисмида саргарошхона, маданий моллар магзини ва саноат буюмлари дўкони ҳам бор эди. Ўртада фаввора кўрк бағишлаб турарди. Қишлоқ кўчаларига сув ташувчи машиналар орқали эрталаб-кеч қурун сув сочиб юришарди.

Маданий-манший сарой. Фавворанинг рўпарасида йўлнинг жанубий томонида пишган ғиштдан қилинган йўлакдан ўнг ва сўл томонга зинапоялардан кўтарилиб чиқиларди. Ўнг томонда қишлоқ кутубхонаси бўлиб, унинг мудирини Машрабжон Полвонов эди. Машрабжоннинг икки оёғи ногирон эди. У қишлоқдаги биринчи олий маълумотли кутубхоначиси бўлиб, Қўқон шаҳрида 50 – 60-йилларда фаолият кўрсатган Кутубхонашунослик институтини тамомлаб келганди. Машрабжон ўз касбини жуда севарди. Кутубхона ёш ва кекса китобхонлар билан доим гавжум. У ерда китобхонлар йиғилишлари, мунозаралар ўтказиб туриларди. Машраб Полвонов кутубхонадаги китоблар сонини 10000 тага етказганди. 80-йиллар охирида Машрабжон собиқ Иттифоқ Маданият министрлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Машрабжон (Аллоҳ рози бўлсин у кишидан) дилбар шахс эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди. Турли тоифадаги, турли ёшдаги, турли касб эгалари билан ҳам муносиб муомала қила оларди. Машрабжон ака гоҳ хушчақчақ, гоҳ вазмин қиёфада бўларди. У самимий суҳбатдош эди, аммо ўзини мақтайдиган, катта оладиган кишига ханжардай ўткир сўзлари билан дашном бера биладиган сўзамол киши бўлган.

Йўлакнинг чап томони радио-телевизор устахонаси эди. Ичкари зал. Бу ерда дам олиб, чойхўрлик қилинарди. Залнинг чап ва ўнг томонидаги хоналар ошхона, қолган хоналар овқатланиш жойлари эди. Саройнинг ичкари эшигидан ҳовлига чиқиларди. Катта толлар остига қўйилган сўриларда паловхўрлик, чойхўрлик қилиш мумкин эди.

80 – 90-йилларда қишлоқ аҳли ишидан ташқари шахсий томорқа ва боғдорчилик билан шуғулланди. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, эл кезган, кўп нарсани кўриб, кўзи пишиб қолган деҳқон отасининг ишини давом эттиради. Олтириқликлар қилган ишни мен қилолмайманми деб ҳовлисига, уйининг кўча томонига валиш қилиб, узумзор қилди. Капада

Муртазоқул тракторчининг (Аллоҳ раҳмат қилсин) томорқасидаги анорзоридан 500 – 600 минг сўм даромад кўрди, унинг маҳалладоши Орифжон узумдан 4 миллион даромад олгани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа ёйилди. Юқори маҳалладаги Эргаш Солиев қишлоқда етиштирилган (томорқадаги) укроп, петрушка каби кўкатларни аҳолидан сотиб оладиган пунктни уйида очди. Аҳоли кўкат етиштиришга шундай берилиб кетдики, донғи бутун вилоятга ёйилди. Қишлоқда бодринг етиштириш мусобақаси кучайди. Бу соҳада қишлоқнинг Бешот даҳаси пешқадам бўлди. Харидорлар кўпайгач, бир неча пунктлар очилди. Зоҳидонликлар бодринг етиштиришда олтиариқликлардан ўзиб кетди.

Хуллас, сўнгги 5 – 10 йил ичида Зоҳидон иқтисодий жиҳатдан бақувват қишлоққа айланди. Меваларнинг барча тури, кўкат етиштириш ва сотиш, бодринг ва бошқа полиз экинларидан олинаётган даромадлар аҳолининг ҳаётини яхшилади. Уй-жойларини тузатди. Янги замонавий бинолар, уларга муносиб уй жиҳозлари, мебеллар, енгил машиналар сотиб олишди. Фарзандларининг камолотини ўйлаб уларнинг илм олишига барча шароитларни яратиб беришди.

ХАЛҚ САНЪАТКОРЛАРИ

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида ўтмишдаги ўзбек хотин-қизларининг юксак истеъдоди ва санъатини ғоят маҳорат билан тасвирлагани ушбу китобни мутолаа қилганларнинг ёдида бўлса керак. Ёзувчи «Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўти, қумрилар мажлиси!» деб сўз санъати воситаси ила худди мусаввирдек қизларни гуллар, лолалар, уларнинг ёқимли қўшиқларини тўти ва қумриларга қиёслаган.

Худди шундай манзара ўтмишда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, хусусан, Зоҳидонда ҳам бўлган. Ўзбек маҳаллалик Исмоил бобо Раҳмон бобо ўели (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) шундай нақл қилардилар: «Тўй бўлса, биз бўз йигитлар тўйхона қаршисидаги уйнинг томига чиқиб ёки бирон тирқишдан қараб қизлар ўйинини томоша қилардик. Бир жувон чилдирмани чалиб турар, ўртага Шароф охуннинг онаси Ширмон кампир (Шарвон эна) чиқар, бошида рўмол, эгнида этаги ерга тегай-тегай дейдиган ва энги бир қарич узун кўйлак. У чилдирма

оҳангига мос қўшиқ куйлаб даврани бир марта айланар, сўнг бир қизнинг рўпарасида тўхтар, унинг бошини силарди. У ҳам бошини Ширмон энанинг кўксига қўйиб жим турарди. Камшир уни давра ўртасига олиб чиқиб, ўзи жойига бориб ўтирар, қиз бироз рўмолининг учини ўйнаб туриб, сўнг товусдай хиром этарди.

Қизлар ҳам анча жонланган, очилиб, сочилиб, бир-бирига гап қотишар, ўйинчи қиз 2-3 давра айлангач, югуриб жойига бориб ўтириб, уялгандек юзини яшириб оларди. Шўҳ қизлардан бири гап отиб, ҳазил қилиб: «Ҳа дўст! Агар йигит бўлганимда сени олар эдим», – дейди. Қизлар ўртасида гур кулгу кўтарилади».

Ҳа, бундай воқеалар XX асрнинг 20-йилларигача давом этган. 30-йиллардан бошлаб хотин-қизлар паранжи-чочвонни ташлаб очиқлик (озодлик)ка чиққач, тўйларда хотин-қизлар бемалол лапар айтадиган, ўйин тушадиган бўлиб қолишди. Ҳатто баъзи лапарчи хотин-қизлар ўз гуруҳини ҳам тузиб олгандилар.

Зоҳидонда Наима опа, Амирободда Хадича (ўйинчи), яна Тўдадан бир ёш жувон (номини аниқлаб бўлмади) бирлашиб қишлоқлардаги тўйларни қиздирардилар. Наима опанинг майин, кўнғироқдек овози кечалари олис-олисларга тараларди. Опа ҳам чилдирма чалар, ҳам лапар айтарди. Унинг «Узоққа кетган карвонимдан айрилдим», «Танлаганим бор», «Анори дона-дона» сингари лапарлари тингловчиларга жуда маъқул бўларди. Хотин-қизларнинг бу гуруҳи 50-йиллар ўрталаригача фаолият кўрсатди.

30-йилларда Риштон тумани марказида халқ театри ташкил этилган бўлиб, унга туман ҳудудидаги санъаткорлар ва баъзи шаҳарлардан келган артистлар уюшганди. Созанда Ҳотамов, унинг хотини Қаноат Ҳотамова, Зоҳидондан (Авазбойдан) Мунаввар ака, зоҳидонлик уста Барот, Умар ака ва бошқалар шу театрга жалб этилганди. 1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида ушбу халқ театри санъаткорлари муносиб хизмат кўрсатдилар. Уруш бошланиши билан, театр ҳам барҳам топди. Унинг кўпгина иштирокчилари урушга кетди, қолганлари тарқатиб юборилди. Урушдан сўнг ўша санъаткорлар – халқ машпоқлари ашулачи Аҳмад (полвон), дуторчи Умар ака (бир оёғи урушда қолган, протез оёқда юрарди), ғижжакчи ва танбурчи уста Барот уюшиб қишлоқ тўйларига файз киритардилар. Уларнинг фаолияти ҳам 1957 – 1958 йилларгача давом этди.

ҚИЗИҚЧИЛАР

Шундай одамлар бўладики, жиддий гапни ҳазилга айлантириб, оддий сўздан кулгу ҳосил қилади. Улар эл ичида номдор бўлиб, айтган гап-сўзлари 2-3 киши тўпланган давраларда бот-бот тилга олинади, ўтиришга енгиллик, самимият, хушчақчақ кайфият бахш этади. Уларни халқ қизиқчилар, кулдирувчилар деб атаб алоҳида хурмат билан қараганлар. Кулдирувчиларнинг номлари тилга олиниши билан, кишилар юзида кулгига мойиллик ҳосил бўларди. Улар ҳозиржавоб Афандини эслатарди. Ўтмишда бундай кишилардан кўпларининг саводи бўлмаган. Зоҳидоннинг Ўзбек маҳалласи ғарбий томонида Ғойиб Чол, Кўтарма маҳаллада Абдурахмон чанноқ, Сиззада Бектемир, Хонақоҳ маҳалласида Аҳмадjon қори, Андижон маҳалласида мулла Иброҳим каби афандисифат кулдирувчилар ана шундай кишилар тоифасига кирганлар.

МУЛЛА ИБРОҲИМ ЛАТИФАЛАРИДАН

Бир қараш

– Аёл йўлда тўқнаш келиб қолганда, унга бир марта қараб кўйиш кифоя. Иккинчи марта қараш гуноҳи азим, – дебди уламолардан бири. Шунда мулла Иброҳим:

– У аёл чиройли, гўзал бўлса, мен бир марта кўзимни юмай, то қораси кўринмай кетгунча, қараб туравераман. Шу бир қараш ҳисобланадимми ёки кўпми? – дебди.

– Оббо, мулла Иброҳим-эй, шунга ҳам гап топдингиз-а, – деб кулиб юборибди олим.

Овчининг ити

Мулла Иброҳим йигитлик даврида Аҳмадjon деган овчи билан овга бориб тураркан. Улар бир қоп-бир қоп ўрдак, чуррак отиб келишаркан. Овдан қайтгач Аҳмадjonникида ўрдак пиширишаркан. Улар овқатланишаётганда, уй эгасининг ити ёнига келиб оларкан. Аҳмадjon ўзи еяётган овқатдан ташлаб тураркан. Ҳар сафар аҳвол шу экан. Кунлардан бир кун мулла Иброҳим бошқа овчи билан овга борибди. Қайтишда оғайнисини чақирибди. Эгасининг ўрнига ити чиқиб, думини ликиллашиб турибди. Ичкаридан аёл кишининг «Йўқлар» деган овози келибди.

Мулла Иброҳим итни қопга солиб нарироққа кўтариб борибди-да, қўлидаги таёқ билан ура бошлабди. Ҳар таёқ уришдан аввал «Ўҳҳ» деб йўталиб қўяркан. Сўнг итни қўйиб юборибди. Кейинги сафар мулла Иброҳим Аҳмаджонни чақирибди. У уйдан чиққан экан, орқасидан ити ҳам эргашиб келибди. Мулла Иброҳим:

– Қалайсан, Аҳмаджон, «Ўҳҳ», – деб йўталиб қўйган экан, ит «ванг-ванг» деб уйига қараб қочибди.

Аҳмаджон қори ҳангомаси

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Аҳмаджон қори ўз трактори билан кечаю кундуз ер ҳайлади. Кунлардан бир кун чошгоҳга яқин уни уйқу элтди. У тракторини тўхтатди-да, шундоққина уватига чўзилди, донг қотиб ухлаб қолди. Шу пайт колхоз раиси Сулаймон Пўлатов келиб қолди. Қараса, Аҳмаджон қори ухлаб ётибди. Раиснинг жаҳли чиқди:

– Ҳой, қори, тур. Нега тракторни тўхтатдинг?

Қори кўзини очмади.

– Турсанг-чи, ҳозир МТС директорига айтаман. Ишдан бўша-таман, – деди раис. Аҳмаджон қори эса кўзини очмасдан:

– Тракторнинг шпали ишдан чиқди. Механик келиб тузатиб бермагунча, юрмайди, – деди. Раис тракторнинг шпали қайда экан деб у ёнига ўтди, бу ёнига ўтди, билмади. Механикка айтай деб отга миниб жўнаб кетди. Бу гапни эшитиб турган қорининг шогирди кулиб юборди. Қори кўзини очди:

– Нега куласан? – сўради қори шогирдига ясама дўқ қилиб.

– Раис бувамини роса бопладингиз-а. Филдиракнинг тиши шпали-ку, раис бувам билмади-я, – деб кулди. Қори эса:

– Бировга индама, – деб қўйди.

Нарса қилди

Райондан келган раҳбар ишдаги камчиликларни айтиб раиснинг лавозимида қолиш-қолмаслиги ҳақида колхозчилардан сўрайди. Сулаймон ака қўл кўтаради. Район вакили:

– Қани, туринг ўрнингиздан. Қандай гапингиз бор? – дейди.

Сулаймон ака бир раисга, бир раҳбарга қараб:

– Раис мени судраб нарса қилди, – дейди. Раҳбар:

– Нима қилди? – дейди.

– Судраб нарса қилди, – дейди яна у. Мажлисдагилар гур этиб кулишади.

– Нима қилди? Урдими? – дейди район вакили.

– Судраб нарса қилди-да, – деб такрорлайди у.

– Урдими?

Сулаймон ака паст овоз билан ерга қараб «Ҳа» дейди. Бечора деҳқон раисдан қўрқиб мени ноҳақ урди деб дадил айтолмайди.

Мен оталаринг эмасман

Бектемир ака чоршанба кун Қўқон бозорига борибди. Керакли нарсаларни ҳарид қилиб, автобекатга келибди, Риштон автобуси олдида бир тўп ўспирин турган экан. Бектемир аканинг автобустга чиқишини билиб, 3-4 таси машина эшиги олдини тўсиб олибди. Қолган 3 таси Бектемир акани тўсиб олдинга итариб: «Отага йўл бўшатинглар, йўл беринглар, ота чиқиб олсин, ота, чиқинг-чиқинг», – деб ўртага олиб машинага чиқариб қўйишибди. Ёзнинг саратон кунлари, ҳаво иссиқ. Қисди-қисдидан терга пишиб кетган Бектемир ака йигитчалар исканжасидан қутулиб, автобуснинг бўш ўриндиғига ўзини ташлабди. Елпиниб турган экан, шофёр йўл кира сўрабди.

Бектан ака (уни шундай ҳам аташарди) қўлини яктаги ичидаги чўнтағига тикса, чўнтак қирқилган, пул йўқ!

– Ҳой болалар, мен оталаринг эмасман, пулни оталарингдан олинглар, менинг чўнтагимни қирқиб, пулни олганларинг нимаси? – деб машинадан бошини чиқариб пастда турган ўспиринларга бақарибди.

ҚАЙТА ЁШАРГАН ЗОҲИДОН

«ОЛТИН ЮЛДУЗ» СОҲИБИ

Мамадали Топиболдиев 1919 йили Фарғона вилояти Риштон волостига қарашли Пандигон қишлоғида туғилган. Онаси Мелинсо Зоҳидон қишлоғидан Пандигондаги Топиболди отага турмушга чиққанди. Мамадали Иккинчи жаҳон урушигача почтальонлик, тракторчилик қилди. Урушда белорус партизанлари билан бирга фашистларга қарши курашди.

1954 йили Зоҳидон қишлоғида мавжуд бўлган барча хўжаликлар бирлашиб ягона колхоз ташкил топди. Шу муносабат билан қишлоқ «селмаг»и (қишлоқ магазини)нинг шундоқ ёнгинасидаги клубда катта йиғилиш бўлди. Йиғилишда Риштон туман ижроия кўмитаси раиси Исмоил Назаров (1953 – 1954) сўзга чиқиб, зоҳидонлик деҳқонлар олдидан турган вазифалар ҳақида гапирди, сўнг: «Бу катта деҳқон хўжалигини бошқариш етук ақл, кўп куч талаб қилади. Ана шундай инсон орамизда ўтирибди. Мамадали, ўрнингиздан турунг», – деб Топиболдиевга мурожат қилди.

Мамадали ака ўрнидан туриб залдагиларга юзланди. Унинг кўкрагида «Олтин юлдуз» нишони ярқираб турарди.

– Мамадали Топиболдиев «Олтин юлдуз» кавалери. У урушда Белоруссия партизанлари билан бирга фашистларга қарши жанг қилди. Уруш Қаҳрамони. Энди раҳбар бўлиб сизнинг тўқис турмуш, обод қишлоқ қуришингизга бошчилик қилади. Топиболдиев сизларга бегона эмас. Ўзининг айтишича, онаси шу қишлоқдан экан, – деди Назаров. – Қани, Мамадали, сиз ўзингиз нима дейсиз?

Топиболдиев бироз тараддулланиб тургач:

– Мен 1919 йили туғилганман. Урушгача почтальонлик қилдим, тракторчилик қилдим, урушда партизанлик қилдим. Урушдан қайтгач деҳқон хўжалигида ишладим. Зодиёнга раис бўлсам бутун кучимни сарфлайман. Мени қувватласаларинг бас, – деди. Назаров ёрдамга келди:

– Мамадали сизларга бегона эмас экан...

– Уни таниймиз. Онаси зодиёнлик, бизнинг маҳалладан, – деди кимдир.

– Ана холос, Мамадали қадрдонларинг экан. Ундай бўлса, овозга қўямиз. Мамадали Топиболдиев Зодиён деҳқон хўжалигига раҳбар этиб сайлансин деганлар қўл кўтариб тасдиқласин.

Залдаги юздан ортиқ киши қўл кўтарди. Ҳар ер-ҳар ерда 5 – 10 та қарши чиқди. Бетараф ҳам шунча бўлди. Назаров эълон қилди:

– Кўпчилик овоз олган Мамадали Топиболдиев Зодиён колхозига раис этиб сайланди. Залда гулдурос қарсақ янгради.

РАИСНИНГ ТАКЛИФИ

Ўша сайловдан кейин уч йил ўтди. Бу орада амирободлик деҳқонлар ҳам ўз хўжалигини зодиёнликлар билан бирлаштирди. Хўжалик раисининг ишчанлиги, халқнинг қўллаб-қувватлаши,

элнинг бирлашиши натижасида, унумдорлик анча ошганини колхоз тарихидан маълум.

Хўжаликка Мамадали Топиболдиев раҳбар этиб сайланганда, колхознинг давлатдан 2 миллион 600 минг сўм қарзи бор эди. Ўтган йиллар давомида колхоз қарздан қутулиб, фойда оладиган бўлди. 1957 йил февраль ойи охирларида хўжалик раҳбари қишлоқ кенгаши депутатлари олдида сўзга чиқди. У одатдагидай содда ва лўнда гапирди:

– Уруш асоратлари ортда қолди, халқ ўз хўжалигини тиклаб олди. Энди келажакни ҳам ўйлашимиз керак. Менда бир таклиф бор. Қачонгача ёзда тупроқ, қишда лой кечамиз? Келинлар, қишлоқни режа асосида қайта қурайлик. Орқа қатордан кимдир:

– Кучимиз етмаса керак. Деҳқон ишласинми, уй солсинми? – деди.

– Кучимиз етади, у ёғини менга қўйиб беринлар, – деди раис.

РЕЖАЧИЛАР

Ўша йилнинг май ойларида шаҳардан 2 та рус (бири аёл, иккинчиси эркак) ва бир ўзбек йигити келиб раис билан суҳбатлашди. Мамадали ака уларнинг 2 тасини ёзги клубнинг бўш хонасига, аёлини эса Андижон маҳалласидаги Фотима исмли татар аёлнинг уйига жойлаштирди. Ошхона (у гузардаги пахта пункти олдида эди) мудирини чақириб, меҳмонларнинг емиш-ичишларини таъминлашни буюрди. Ҳақини хўжалик кассири тўлаб боришини айтди. Уларга ёрдамлашиш учун Абдурасул Қорақуловни бириктирди. Шундай қилиб, 1957 йилнинг май – июнь ойларида меҳмонлар ўз вазифаларини бажариб, шаҳарга қайтиб кетдилар. Якка тартибда уй-жой қурувчи аҳолига сотиш учун Бағдод туман темир йўл бекатига келтирилган ёғоч-тахталар машиналарда ташилиб, Зоҳидон қишлоғининг марказига яқин жойга, яъни Катта Фарғона канали устига қурилган кўприкнинг ғарбий томонидаги 100 метрча чамаси майдонга тахлаб қўйилди. Қўйидаги тартибда йўл қурувчилар бригадаси ташкил топди:

1. Умрсултон Исоқов.
2. Мамадали Исажонов.
3. Абдуллажон Мамажонов.
4. Абдурасул Қорақулов.

5. Мирзамаҳмуд Мираҳмедов.
6. Фулом Маматқулов.
7. Мирсоли Алихонов.
8. Умарали Маллаев (Риштон туман архитектура идорасидан, техник бошлиқ).

ДУОЙИ ХАЙР

1958 йил март ойи бошларида қишлоқнинг обрўли оқсоқоллари, уламолари, ташкилот раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди. Йиғилишни раис очди:

– Ўзларингга маълум, 1956 йилдан бошлаб катта ишга қўл урганмиз. Қишлоқ марказидан узоқдаги Шакарқишлоқ, Сизза, Ёвпускон каби кўчалардаги аҳолини Зодиён, Амиробод қишлоқлари маҳаллаларига кўчиришга қарор қилдик. Бу ишлар амалга ошяпти. Ўтган йили қишлоқни қайта қуриш режасини рўёбга чиқардик. Хурматли оқсоқоллар, акалар. Ўзларинг биласизлар, баҳор бошланди. Ҳадемай дарахтлар куртак ёзади, гуллайди. Режага асосан йўлга тушган уй борми, дарахт борми, бузилади, йиқитилади. Сизлардан рухсат сўраяпмиз. Қишлоқнинг жанубидан шимолга қараб – Амиробод ариғигача Тўққизотда 4 та, Бешотда ҳам жанубдан шимолга қараб Чўлигулистонга томон борадиган йўлгача тўртта – жами саккизта йўл чиқади. Қишлоқ ғарбидан шарқига ҳозирча тўртта йўл солинади. Кўтарма, Кал маҳаллалардан бошланган йўл Амирободга борадиган йўлни кесиб ўтиб, жанубдан шимолга йўналтирилган 8-йўлга бориб туташади. Тўққизотда ва Чўлигулистонда бир неча гектар ерни боғ қиламиз. Кесилган, йиқитилган мевали дарахтлар ўрнини қоплаймиз. Якка тартибда уй қурувчиларга, марҳамат, ҳамма қурилиш материалларини етказиб берамиз. Уй қуришга қурби етмайдиганларга деҳқон хўжалиги орқали ишлаган ҳақлари устидан қарз берамиз. Қурувчилар бригадаси уй қуриб беради. Илтимос, бу мақсад ва талабларимизни халққа тўғри тушунтиринглар. Қани, Муҳаммаджон ҳожи ака, дуо беринг. Ишимиз равон бўлсин.

Ҳожи қори ўрнидан туриб, дуога қўл кўтарди:

– Омин, Парвардигор ўз бандалари мушкулотларини енгиллаштириш учун бошланган хайрли ишнинг ривожини берсин. Уйи, мевали дарахтлари йўлга тушиб бузилишга, кесилишга тўғри келган бандаларга Аллоҳ таоло сабр-қаноат берсин. Халқимиз

тинч, юргимиз обод бўлишини Яратганнинг ўзи ирода қилган бўлсин. Омин.

Хонадагилар ҳожи бобога кўшилиб «Аллоҳу акбар!» деб хитоб қилдилар.

БОШЛАНИШИ

1958 йилнинг апрель оyi. Зоҳидон қишлоғининг ўртасидан ўтган Катта Фарғона каналининг шимолий томони – қишлоқ гузари марказидан 2 км ғарбда режа асосидаги қайта қуриладиган қишлоқдан бирининг тўғри кўчаси учун иш бошланди. Қишлоқ чеккаси бўлгани учун, уй кам бузилди. Йўлга тўғри келган дарахтлар ҳам озроқ кесилди, йиқитилди. Айрим хонадон эгалари уйлари янги кўчага тўғри келганини билиб ўзлари бузиб, йўл очиб қўйган эдилар. Биринчи, иккинчи кўчани текислаш, очиш осон кечди. Аммо иккинчи Катта Фарғона канали кўприги тўғрисида шимолга – Амиробод ариғига борувчи йўлни очишда қаттиқ қаршиликка дуч келинди. Биринчи хонадон соҳибаси Аджиб исмли татар аёл болаларим ёш, мен уй қуролмайман, аввал менга тайёр уй беринглар, сўнг бу уйни бузасизлар деб қаттиқ туриб олди. Топиболдиев ўйлашиб қолди. Сўнг майли, ҳозирча тура турсин, тегманглар, учинчи кўчанинг шу жойи учкўча бўлаверсин, худди шу жойдан ғарбдан шарққа қараб очиладиган йўлни бошланглар деб кўрсатма берди. Техник Маллаев сепояли дурбинини ғарбга қаратди. Бу йўлни чиқариш ортиқча қийинчиликсиз кечди. Сизза маҳалласидаги хонадонларни кўчиришда ҳам бироз чатоқлик чиқди. Шу маҳалла бошидаги уй эгаси Аҳмад полвон боғидаги дарахтларни йиқитиш учун келаётган сурғили трактор олдига ўзини шарт ташлади:

– Аввал мени янчиб ўт, кейин дарахтни йиқитасан, – деди полвон.

Трактор таққа тўхтади. Бу воқеани кузатиб турган Мамадали аканинг ёдида уруш манзараси тушди. Командир бостириб келаётган душман танкини ўзбек йигити Мирзоевга тўхтатишни буюради. У қўлидаги гранаталарни ирғитмоқчи бўлиб турганда, танк унинг устига бостириб келди. Гранаталарни отишга улгурмаган солдат танк остида қолди. Кучли портлаш рўй берди. Мирзоев олисда туриб ўз Ватани учун жонини фидо қилди. Манави киши

киндик қони тўкилган ўзининг ватанини ҳимоя қилиши табиий ҳол-қу! Тошиболдиев қўлини кўтарди.

– Тўхта. Майли, ҳозирча ўзи ёлғиз яшайверсин. Ғарбдан шарққа чиқадиган йўлнинг охири шу ерда тўхтаб турсин.

Шундай қилиб, қишлоқда режа асосидаги йўллар халқ билан келишилган ҳолда чиқарилди.

БИНОҚОРЛИК БРИГАДАСИ

Умрсултон ака Исоқов (Аллоҳ раҳматига олсин) қўли гул, ишчан, сергайрат, жисмонан бақувват инсон эди. Қўл остидаги қурувчиларга бетон қуйиш, фишт сувоқ қилиш сирларинигина эмас, ҳалол меҳнат қилиш, эгчил иш бажаришни ўргатади. Бўтқалик Тожаали Тўхтасинов, Гузар маҳаллалик Инъомжон Кенжаев, Набижон Исоқов, Абдулфаттоҳ Қосимов каби шоғирларни тарбиялаб етиштирди. Дурадгор уста Абдуллажон ака эса Ҳошимжон Ҳожиёв, Мирсоли Алихонов, Ғанижон Мирзааҳмедов каби шоғирлари билан қишлоқда янги йўлларнинг ўнг ва сўл томонларида бинолар барпо қилишди. Худди шу йилларда янги йўлларга ағдарма машиналарда шағал тўкилди. Хуллас, йил охирига келиб бош режа асосида қайта қуриш ишлари, асосан, бажарилди. Албатта, ҳамма бузилган биносини тўлиқ битказолмади. Ҳар ким ўз иқтисоди, маблағига, хонадон аъзоларининг кучига қараб иш бажаради. 1959 – 1960 йиллар ҳам Зоҳидонда қурилиш даври бўлди. Шу пайтда Ўзбек маҳалла ва Тожиқ маҳалланинг ўртасидан туман маркази Риштонга қараб катта йўл қурилди. Авазбой қишлоғига қараб кетган, давоми Қаллаҳўр қишлоғигача бўлган йўлнинг барпо бўлиши ўша қишлоқ аҳлининг мушкулени осонлаштирди.

1960 – 1961 йилларда раис яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқда асфальтчилар бригадасини ташкил қилди. Марғилоннинг жанубий сарҳадидаги мавзеда яшовчи турк миллатига мансуб Тоҳир акаларни қишлоққа таклиф этди. Ҳозирги кунда мавжуд ҳаммомнинг орқа томонида Катта Фарғона каналининг шимолӣ томонидаги йўл бўйича асфальт тайёрлайдиган цех ташкил қилди. Тоҳир ака ва унинг шерикларига яшаб турадиган вақтиналик уй яратди. Қишлоқ гаражидан Ҳошимжон Исроиловни машинаси билан асфальт цехига бириктирди. Қўрғонча маҳалласи 1934 йили қурилган узун кўчанинг икки ёнига жойлашди.

Узун кўчадан – Капа маҳалласининг ўртасидан шимолдан жанубга – Зоҳидон ариғига қараб тўғри, равон йўл қурилди.

МЕҲРИБОНЛИК

1960 йили қишлоқнинг ҳозирги врачлик амбулаторияси ўрнига колхоз идораси учун қурилиш ишлари бошланди. Раис дабдабазликни ёқтирмасди. Шунинг учун хўжалик идораси ҳали қишқи клубнинг бирор хонасида ёки қишлоқ кенгаши қошидаги бирор хонада иш юритарди. Мамадали ака идорада кам бўлар, хўжалик иши билан ҳали вилоят, ҳали туман марказига чопар, ҳали далада бўлар, кишиларнинг ариза-шикоятларини кўчада, уйларида, иш жойларида тинглаб, ўша пайтнинг ўзида чора-тадбир кўрарди. Бир куни қурилаётган идора биносининг ёнгинасида – шарқ томонидаги уй эгасини чақирди. У қуриб қолган гувалакларни тўшлаётганди.

– Гувалакларни нима қилмоқчисан? – сўради раис. У уй қурмоқчи эканлигини айтди.

– Йўқ, – деди раис. – Сен уйни гувалак билан эмас, пишиқ гиштдан қур, кўряпсан, қишлоқ янгича қуриляпти. Кўчанинг кўркини бузма.

– Мен ёшман, отам йўқ, уйда онам, синглим ва катта бувим билан тураман. Ҳадемай армияга чақириламан, – деди Инъомжон. Раис унинг ҳамма сўзларини диққат билан эшитиб:

– Сен ташвиш қилма. Мен айтгандай иш тут. Идорага кир-да, нима керак бўлса, ёздириб чиқ, – деди.

– Қарзимни қандай қилиб узаман?

– Айтдим-ку, кўрқма, ҳаммаси хўжалик уюшмаси зиммасида бўлади. Хизматдан келгач ишлайсан, узарсан. Мен шу ерда ишлаб турсам, сени қарзга ботириб қараб турмайман, – деди раис.

Инъомжон хурсанд бўлиб уйга онасининг олдига кирди. Унга бор гапни айтди. У ҳам хурсанд бўлиб раисни дуо қилди.

ЗОДИЁНДАН ГАПИРАМИЗ!

Ўтган асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмидан қишлоқ радиоузели иш бошлади. 60-йилларда пахта тайёрлов пункти ёнидаги

хўжалик гаражи биносининг иккинчи қаватида қишлоқ ҳаёти ҳақида эшиттириш олиб борувчи қишлоқ радиоузели ташкил бўлди, бу эшиттириш бир кунда 2 марта: эрталаб ва кечқурун олиб бориларди. Қишлоқ радиузелидан бирининг диктори Сотиболди Акбаров бўлди. Аслида у она тили ва адабиёти ўқитувчиси (шоир ва давлат арбоби Абдулқосим вазирнинг чевараси) эди. Унинг ёқимли нутқи ҳаммага манзур келарди. Хўжалик бошлиғи Топиболдиев домла билан суҳбатлашиб ўтириб, унга мурожаат қилди:

– Домла, сизга бир таклифим бор эди. Рози бўлсангиз, хўжалигимизнинг котиблиги ва радиосини сиз бошқарсангиз. Ташкилотлар билан боғланишимизда зарур иш қоғозларини саводли, билимдон одам юритиши лозим. Радиомиз ҳам сиздай сўзамол кишига муҳтож. Мақтабда қанча ойлик олсангиз, ундан зиёда қилиб тўлаймиз.

Домла розилик билдирди. Қишлоқда радио нуқталари кириб борган хонадонларда қишлоқ янгиликлари мунтазам янграй бошлади. Эшиттириш мундарижаси қуйидагича эди:

1. Қишлоқ кенгаши ва колхоз ходимларининг йиғилиши қарорлари мазмуни.

2. Қишлоқда олиб борилаётган янги қурилишлар ҳақида маълумотлар.

3. Қишлоқ далаларидан хабарлар.

4. Сабабсиз дала ишига қатнашмаган кишиларга қаттиқ ҳайфсан бериш.

Сотиболди ака (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) бир неча йил радио эшиттиришларни жуда яхши олиб борди. Унинг тарбиявий мавзудаги суҳбатлари кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолган.

Кейинчалик идора котиблигига тайинланган Аминжон Ҳожибоев домланинг ишини давом эттирди. У эшиттириш мундарижасини анча кенгайтирди. Эшиттиришга хабар ва лавҳалар тайёрлаб, кишилар билан бўлган жонли мулоқотларни бериб борди. Оила, бола тарбияси, мактаб ҳаёти, ижодкор ёшлар шеърларидан намуналар ўқиш, «Саломатлик – туман бойлик» мавзуида врач суҳбати тингловчиларда яхши таассурот қолдирарди. Хуллас, қишлоқ радиоси 50 – 60-йилларда жуда хайрли ишларни бажарди.

ЭЛЕКТРЧИЛАР ГУРУҲИ

Риштон туманида электр чироғи XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган (Риштон тумани тарихи. – Тошкент, 1996. – Б.146), Зодиёнда 1955 – 1956 йилларда мотор-двигжок ёрдамида электр чироғи қишлоқ марказида порлай бошлади. У пахта пункти, колхоз идораси учун кечалари хизмат қиларди. Мамадали Топиболдиев қишлоқда кичик ГЭС ташкил қилмоқчи бўлди. 1956 – 1957 йилларда электр генераторлари келтирилиб, ҳозирги қишлоқ шифохонасининг шарқий томони (собиқ Сотиболди қори боғининг кунботар томони)га туширилди. Шу орада республиканинг вилоят, туман ва қишлоқларига электр чироқларини келтириш ҳаракати бошланиб қолди. Туман электрчиларига ёрдам бериш учун қишлоқда монтажчилар гуруҳи ташкил қилинди. Унга Турсунали Исожонов, Абдуманноб Тўрақулов, Турсунали Қирғизбоев, Турсунали Омонов каби ёшлар жалб қилинди. Қишлоқнинг янги ташкил топган тўғри, раван кўчаларига электр симёчлари 60-йиллар ўрталаридан ўрнатила бошлади. 2-3 йил ичида қишлоқ тўла электрлаштирилди.

ДЎСТЛИКНИНГ ҚАДРИ²

Уруш Қаҳрамони, колхоз раиси Мамадали Топиболдиев билан Тўхтасин Зоҳидов бир қарашда бошқа-бошқа соҳа одамлари бўлсалар ҳам, аҳил, иноқ дўст эдилар. Балки, бунга уларнинг қуролдош бўлганлари, душманга қарши бир сафда туриб курашганлари сабабдир.

Зоҳидов билан хўжаликлараро кўчма қурилиш жамоасининг раҳбари Ўринбой ака Собиров ҳам маслақдош, фикрдош дўст эди. Уларнинг дўстлиги туфайли аёллари ҳам бир-бири билан бордикелди қиларди. Меҳнат таътилини бир вақтга тўғрилашарди-да, Кавказга бирга кетишарди. Яқинда дам олишса дўсту биродарлари кўргани боравериб, ош қилиб чақиравериб чарчатишини билганликлари учун шундай йўл тутишарди.

Зоҳидовнинг фақат якшанба кунлари кундузи уйда бўлишини билиб бир куни Мамадали ака унинг уйига келди. «Газик»

² Ҳамид Бурҳон. «Умр зарварақлари» китобидан.

машинасини бир марта «дид» дегизиб сигнал берганича кабинадан тушиб ҳовли томонга юрди. Чақирмасданоқ уй эшигини очиб ичкари кирган Мамадали акани кўриб Тўхтасин ака шошиб ўрнидан турди.

– Қаңдай шамол учирди, Мамадали ака, келинг, келинг. Билганимда ош қилдириб турардим, – деди. Улар тенг бўлсалар ҳам, ҳурмат юзасидан бир-бирларига «ака» деб мурожаат қилишарди.

– Ош бўлгунча, аввал чой, кейин Қўқон сувидан ичиб ўтирамиз деб келдим-да, – сўз қотди Мамадали ака кулиб. – Намунча ишга шўнғиб кетдингиз, колхоздан хабар ҳам олай демайсиз.

– Агар келмаганингизда, ўзим борардим, рости, кўргим келиб турувди.

Зоҳидовнинг аёли ҳам Мамадали акадан ҳол-аҳвол сўради, бирин-кетин болалар салом бериб келишди. Уларнинг ҳар бирига ака ўзига яраша ҳазил-хузул гапларни айтиб сўрашди. Охири ўзлари холи қолишди.

– Яқинда Минскдан дўстим Машеров телефон қилганди, – деди Мамадали ака. – У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ҳол-аҳвол сўради. Пахташ қалай, бу йил мўл бўладими дейди, қарапг, ўшалар ҳам Ўзбекистон пахтасини ўйлайди-я. Бизнинг хомашёмиз бўлмаса, уларнинг саноати тўхтайдими-да, тўғрими? Аммо мен Машеровнинг садоқатига, дўстлигига қойил қоламан. Шу телефонда гаплашганимиздан кўп ўтмади. Узоқ Белоруссиядан 5 та телевизор юборибди.

– Ие, телевизор юборибдими? – Тўхтасин аканинг хурсандчилигига хурсандчилик кўшилди. – Отасига раҳмат, энг ноёб нарсани юборганидан бошим осмонга етди. Энди сиз дунёдаги энг бой одам бўлдингиз.

– Телевизорларнинг биттасини колхоз идорасига, биттасини Пандигондаги уйга, биттасини канал бўйидаги уйга қўямиз. Яна 2 таси бор. Биттасини ҳозирча ишлатмай тураммиз...

У Зоҳидовга жилмайиб қаради.

– Телевизорларнинг 3 таси меники-а, тўғрими?

– Ҳаммаси сизники, Мамадали ака.

– Сизгаям биттасини олиб келдим, Тўхтасин ака, бола-чақангиз билан кўриб юринг. Қани, машинадан туширайлик буни.

– Сира қутилмаган иш бўлди-да, Мамадали ака, раҳмат.

Улар машинадан телевизорни олиб келиб рўпарага қўйишди. Токка улашганди, кўрсатмади, жимирлаб тураверди. У ёқ-бу ёғини титкилаб кўришди, бўлмади. Қути ичидан чиққан қоғозини ўқиб

кўришиб кулиб юборишди. Унга антенна қўйиш керак экан. Кула-кула бу ишни эртага қолдириб, суҳбатга тушишди. Мамадали ака негадир жуда хурсанд эди. Келгусида қиладиган ишларни гапириб тўхтамасди.

– Мана, телевизор ҳам келди, энди Зоҳидон қишлоғига дунёда биринчи бўлиб космосга учган космонавт Гагаринни олиб келмоқчиман. Биласиз, қишлоғимиз марказига мактаб қуряпмиз. Унга Гагарин номини бермоқчимиз, шунга нима дейсиз, Тўхтасин ака?

– Бу фикрингизга қойилман, яшаворинг, Мамадали ака, – деди Зоҳидов ўзгача бир кайфиятда, – агар сиз расмий равишда колхозга таклиф қилсангиз, албатта, келади.

– Бу ёғини ҳам пишириб қўйганман, Москвадаги биродарларга қўнғироқ қилиб Юра билан гаплашинглар, «Герой» қишлоғига таклиф қилишга денглар дедим. Розилигини олишса менга қўнғироқ қилишади.

Тўхтасин ака Ю.Гагариннинг келиши бутун Риштон тарихида жуда катта воқеа бўлишини айтди. У коинотга биринчи бўлиб учган одамнинг бутун дунёда тутган мавқеини яхши биларди. Тўхтасин ака Гагаринни Буюк Британия қироличаси чақирмоқчи бўлгани ҳақида гапирди, лекин қироличанинг меҳмон чақириши (айниқса, социалистик давлатдан) мумкин эмас экан. Тредюниончилар орқали таклиф қилинган дунёда биринчи космонавт Юрий Гагаринни қиролича чексиз ҳурмат-эътибор билан кутиб олади ва биринчи космонавтга юксак эҳтиром кўрсатади. Шундан кейингина бошқа Европа давлатлари Гагаринни биринкетин ўз мамлакатларига чақириб, мамлакатнинг қаҳрамонлик олий унвонларини бера бошлайдилар.

Бу гаплар Мамадали аканинг дунёқарашини ошириб юборганди. Кўп ўтмай Қаҳрамоннинг орзуси амалга ошди. Ю.Гагарин тўғри Зоҳидонга келди, обкомга ҳам, райкомга ҳам бормасдан Мамадали аканинг хузурига ошиқди. Унга ҳамроҳлик қилганлар, кузатувчилар жуда кўп эди. Космонавт тушган машина олдин, кетидан бир неча қора машина келди. Машиналар тўғри қишлоқ марказида тўхтади. Мамадали ака билан Ю.Гагарин қучоқлашиб кўришди. Қишлоқ оқсоқоллари, ёшлар, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари уларни олқишлашди. Қисқача танишувдан кейин янги қуриб битказилган мактаб биносига бордилар. Космонавт шу ерда ўқувчилар билан суҳбатлашди, болалар, ўқитувчилар қуршовида суратга тушди.

Мамадали ака азиз меҳмонига ўз инисига гапиргандек мурожаат қилар экан, Тўхтасин ака билан бирга бўлганларида миясида пишитиб олган гапларни айтди.

– Қадрдоним Юрий Алексеевич. Таклифимизни рад этмай қишлоғимизга келганингдан бошимиз осмонга етди. Мана шу ўз кучимиз билан қурган янги мактабга номингни қўйишимизга қаршилиқ қилмассан деб ўйлайман?

Жавоб ўрнига Гагарин Мамадали акани кучоқлаб олди. Унинг юзларидан ўпди. Бу унинг жасур партизанга кўрсатган эҳтиромиди эди.

– Қаҳрамон ака, мен сизни жуда яхши кўраман, нима десангиз розиман, – деди Гагарин.

Ҳамма хурсанд, ҳамма шод эди. Ю.Гагариннинг гапларини, қилиқларини тушунганлар ҳам, тушанмаганлар ҳам кулишарди! Мактаб саҳнида шу ерда ҳозир бўлганлар билан фазогир бир неча марта суратга тушди. Қаҳрамон Гагариннинг ёнида доим кулиб турар, хурсандчилигини яширолмасди. Ю.Гагарин ва унинг дўстлари Гулмозор қабристони ёнидаги шинам бинода қисқа фурсат тўхтаб, ўзбекона палов ва бурда кабобдан татиб кўрганларидан кейин куюқ хайрлашиб жўнаб кетдилар.

Юрий Гагариннинг Зоҳидонга келиб-кетгани ҳақидаги хабар бутун Ўзбекистонга тарқаб кетди. У билан бирга суратга тушиш бахтига муяссар бўлган ўқитувчи ва ўқувчилар ўз таассуротларини гапириб чарчамасдилар. Шу воқеадан кейин Мамадали ака билан Зоҳидов домла учрашиб, илгари келишганларидек, азиз меҳмонни қандай кутиб олиш, суҳбатлашиш ва кузатиб қўйиш ҳақидаги режалари тўғри амалга ошганидан жуда мамнун бўлгандилар.

ТУМАНДА БИРИНЧИ

1965 йилнинг бошлари. Бир куни хўжалик идорасига кириб келган ижроқўм раиси Топиболдиевдан сўради:

– Ўртоқ раис, яна қандай армонингиз қолди? Минг уйли Зодиёни минг карра гуллатдингиз, қишлоққа шаҳар тусини бердингиз!

– Ҳали орзу-армоним кўп. Энг аввал, қишлоққа газ келтириш керак. Қачонгача қишлоқ аёли тезак тутатади? – деди Мамадали ака.

– Ҳа, рост, – деди ижроқўм раиси. – Нима қилмоқчисиз?

– Риштон «Фарғона нефть» идораси билан маслаҳатлашаман.

Агар улар газ қувурларини етказиб берсалар, ишимиз осон кечадди.

Иш шундан бошланди. Бу масала бўйича Мамадали ака ҳали Тошкент, ҳали Фарғонага икки йил қатнади. Ниҳоят, иш пишди.

1966 – 1967 йилларда қишлоқ хонадонлари газлаштириш идораси томонидан лойиҳалаштирилди. 1968 йилдан бошлаб Риштондан Зодиён томон газ қувури ўтказилди. Шу йили қишлоққа зангори олов кириб келди. Риштон туманида биринчи бўлиб Зодиённинг аёли, раис айтмоқчи, «тезак» тутатишдан қутулди.

ФИШТ ЗАВОДИ

Мамадали ака узоқни кўзлаб иш юритувчи халқпарвар раҳбар эди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин). Қайта қурилаётган қишлоқнинг дастлабки кўчасида янги уйлар учун фишт заводи қурилишини бош режага киритганди. Завод 1956 йили қуриб битказилди. Завод бунёдкорлари Зоҳидоннинг ўзидан – Мамадали Ниёз, уста Иброҳим, Исмоилхон, Идрисхон тўралар ва Умрсултон Исоқовлар эди. Завод илк маҳсулотни 1957 йилдан чиқара бошлади. Фишт ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб борди. Ишчилар қишлоқнинг ёш ўспиринлари бўлиб, унинг бошқарувчиси Абдуллахўжа Мукаррамов эди. Кейинги йилларда Раҳимжон Эканов, Замзамбой Тожиматов ва бошқалар иш юритувчи бўладилар. 1969 йили 20 миллионга яқин фишт пиширилди. 120 квадрат метр уй-жой қурилди. Бугунги кунга келиб мазкур завод Фарҳоджон Ҳакимовнинг хусусий мулкидир.

ФАОЛ ФУҚАРО ВА ОБОД ҚИШЛОҚ

Зоҳидон қишлоғининг асосий экини XX аср бошларидан пахта бўлиб қолди. Бу экинни экиш, айниқса, 30-йиллардан жуда кучайди, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг у авж нуқтасига кўтарилди. Зоҳидон колхози ўрамидаги чўл ерларни тўла ўзлаштириш 60-йиллар охирида ўз ниҳоясига етди. Бир парча

бўш ер қолмади. Йилдан-йилга пахта ҳосилдорлиги кўтарилиб, қишлоқ халқининг даромади ҳам ортиб, фаровон турмушга эришди.

Қишлоқни бошқариш ва уни обод қилишда фуқароларнинг фаоллиги ошиб борди. Қишлоқда 60-йилларда 55 та қишлоқ депутати, 10 та туман, 2 та вилоят кенгашига ва 1 та Республика Олий Кенгашига (Хайрулла Тожибоев) вакиллар сайланиб, фаолият олиб бордилар. Қишлоқда 12 та савдо, 8 та маиший хизмат уйлари, 1 та ҳаммом, 2 та почта бўлими аҳолига хизмат кўрсатди. Зоҳидонда 2 та, Амирободда 1 та, Капада 1 та, Чўлигулистонда 1 та мактаб қишлоқ болаларига илм-маърифат чироқларини ёқди.

М.Топиболдиев ўз сўзининг устидан чиқди. Қишлоқ жамоаси депутатларининг ташаббуси ва кекса боғбон отахонларнинг қўллаб-қувватлаши билан нурунийлар боғи ташкил қилишга киришилди. Бойбобо Хайруллаев, Фозилжон Эркинпов, Исмоил Раҳмонов, Назир Абдуллаев, Муҳаммаджон Мадраҳимов, Йигитали Мамаев, Дадажон Мамаев, Қўзибой Назиров каби 30 нафар 70 ва ундан улуғ ёшли отахонлар ҳиммати билан 110 минг туп турли мевали дарахтлар жойлаштирилган боғ яралди.

1969 йил 6 майда Мамадали Топиболдиев фожиаги вафот этгач, колхозга раис этиб сайланган Мирзааҳмад Раҳимов Зоҳидоннинг янада обод ва гўзал қишлоққа айланишида катта ғайрат кўрсатди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлиги билан Чўлигулистон ва Амирободга олиб борадиган йўлларга асфальт ётқизилди. Қишлоқнинг шарқий қисмида кўчалар чиқарилиб, янги уй-жойлар қуриш учун аҳолига томорқалар берилди. Томорқа учун берилган пахтазор ўрнини қоплаш мақсадида Қизилтепа мавзеидан янги ерлар ўзлаштирилди.

*Одами эрсанг демагист одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Алишер Навоӣ

СЎНГГИ ХАЙРЛИ ИШ

XX аср 60-йиллари ўрталари эди.

Мамадали ака Бўстондаги Ҳазрати Хизр зиёратгоҳи яқинидаги Мавлавий Чўбин қабрини зиёрат қилиб, ўша ердаги булоқ сувидан ичди ва фронтда орттирган жароҳатларига суртди. Бунгача ҳам кишилар мазкур сувдан фойдаланиб юрганини эшитарди-ю, аммо аҳамият бермасди. Тез орада оғриқларни унутиб, ўзини енгил ҳис қилган раис ўйланиб қолди. «Мен-ку, шу булоқ сувидан даво топибман, мендан бошқа қанча одамлар дардларига даво қидириб юришибди. Аллоҳ таоло шу шифобахш сувни менга бекорга рўбарў қилмади. Уни ўзимга ўхшаб дардига даво излаган кишилар учун хизмат қилдирсам, хайрли иш қилган бўламан-ку!» – деган фикрга келди.

Шу бўлди-ю, Мамадали Топиболдиев ташаббус билан чиқиб, булоқ сувини Тошкентдаги Семашко номли илмий текшириш институтига олиб борди. Натижа кутилгандан ҳам самарали чиқди. 1968 йилдан булоқ ёнида пармалаш ишлари бошлаб юборилди. Зоҳидоннинг Бўстон мавзеида шифобахш сув билан тери касаллиги, қичима, бод ва аёллар касалликларини даволовчи санаторияга шу тарзда асос солинди.

Санатория ўтган асрнинг 70-йилларида иш бошлади. Бу ерда Ўзбекистон, қолаверса, собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалардан келган минглаб кишилар дардига даво топди. Мамадали Топиболдиев амалга оширган беадад хайрли ишларнинг энг охиргиси шу бўлди.

Уруш Қаҳрамони, 2 минг йиллик тарихга эга Зодиёни қайта ёшартирган, бугунги Истиқлол шаҳарчасига айланишига сабаб бўлган, халқ бахт-саодати йўлида борини берган фидойи инсон Мамадали Топиболдиев 1969 йил 6 майда фожиали вафот этди. Қабри Пандигон қишлоғида.

ЗОҲИДОН АРКОНЛАРИДАН БИРИ

*Ўзгалар гамини чекмаса одам,
Анга нолойшқдир инсон деган ном.*

Саъдий Шерозий

Муҳташам иморатларнинг кўрки ва таянчи унинг аркон – устунларидир. Оилада эса ота бутун ташвиш ва оғирликни кўтарувчи асосий таянч саналади. Шунингдек, бутун юртнинг устунлари бўлган шахслар ҳам борки, улар сиёсий, иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнайдилар.

Зоҳидоннинг ўтмишида Абдулқосим (Қосим оталиқ) Вазир, Мулла Ёқуббий ва унинг фарзандлари: Нормухаммад қўшбеги (Тошкент ҳокими), Зуфар мингбоши, Тошпўлат қози, Мадамин қози, Абдумансур амин, Муҳаммаджон амин каби улуғ зотлар яшаб ўтган бўлсалар, XX асрда Ҳабборқул Тожиев, Мамадали Топиболдиев, Ўринбой Собиров каби фидоий фарзандлар фаолият юритди.

Бу қиссаларимиз улар ҳақида.

Ўринбой Собиров мустақил Ўзбекистоннинг дориламон кунларини орзу қилган ва шу кунларнинг муҳташам бинолари тама мал тошини қўйган инсон, Истиқлол шаҳарчаси деб ном олган қадимий ва навқирон Зоҳидоннинг улуғ арконларидан бири эди.

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИ

Ўринбой отаси Собиржон Ҳошимовдан жудо бўлганда 16 ёшга ҳам тўлгани йўқ эди. Уни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқувчи умр сўқмоқлари шундай бошланди.

1941 йили қишлоқдаги ўрта мактабни тамомлади. Бунга қадар далада, 1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида ишлади. Риштон туман халқ маорифи қошидаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди, сўнг 1942 йил сентябрь ойигача ўқитувчилик қилади. Худди шу йили армия сафига чақирилади. Қозон шаҳридаги ҳарбий мактабда ўқиди. Кейин фашистларга қарши кўпгина жангларда иштирок этди. 1946 йили ҳарбий хизматдан озод қилинди, 1947 йил январь ойигача мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Ҳарбий мактабни битиргани боис 1947 йили ички ишлар хизматида жалб қилинди. 1949 йил ноябрь

ойиғача Риштон туман ички ишлар бўлимида тезкор ходим бўлиб ишлади. 1951 – 1953 йилларда Зоҳидон қишлоқ матлубот жамиятида бошлиқ, 1962 йилгача Риштон туман маҳаллий саноат ташкилототида директор лавозимида хизмат кўрсатди.

У ҳар доим ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас бўлди. Ўзи ишлаган соҳани чуқурроқ ўрганиш учун олий маълумот олишга қарор қилди. 1959 – 1964 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтини сиртдан битирди. Бу вақтда ҳаётнинг катта йўлига чиққанди. 1962 – 1965 йилларда Риштон туман маҳаллий қурилиш ташкилототида таъминот бошлиғи, участка бошлиғи бўлиб ишлади. Катта ҳаёт ва иш тажрибасига эга бўлган Ўринбой аканинг бутун раҳбарлик салоҳияти ва инсоний фазилатлари 1965 – 1986 йилларда Риштон туман маҳаллий қурилиш ташкилоти бошлиғи вазифасида ишлаган пайтда ёрқин намоён бўлди.

ҒАМХЎРЛИК

Туманда қурилиш ташкилоти битта бўлганлиги учун, иш жуда кўп. Лекин техника оз. Кўтарма кранлар, ағдарма машиналар етарли эмас. Вилоят қурилиш трести, Республика қурилиш министрлигига қатнай-қатнай, ниҳоят, мақсадига эришган бошлиқнинг кўнгли ўрнига тушди. Ёғоч-тахта омборхонасидан 2 та ўрта мактабни битирган ўспирин йигитни олдиға чақирди. Машина гаражидан яна 3 та ўспирин қўшилди.

– Гап бундай, – деди бошлиқ, – сизлар ўқишға борасиз. Қирғулидаги кўтарма кран ағдарма машиналарни бошқарадиган мутахассис тайёрловчи мактабда ўқийсиз. Хужжатларни тайёрланг! Йўлланмани идорадан оласиз. Ўқишларинг учун ташкилот ҳомийлик қилади.

Йигитчалар миннатдорчилик билдириб бошлиқ ҳузуридан чиқдилар. Эртасига Ўринбой ака ташкилотта қарашли фишт заводига борди. У қолиға лойини жойлаб чаққон ҳаракат қилаётган ишчилардан: «Ҳорманглар, яшанглар азаматлар!» – деб ҳол-аҳвол сўрди.

Ишчилар орасида дўмбоққина, икки юзи қип-қизил йигитчанинг чаққон ҳаракатлари, самимият тўла қиёфаси бошлиқнинг нигоҳига тушди.

– Менға қара, ҳой йигит, – деди ёнидан ўтиб кетаётган ўспиринга.

У: «Ҳозир, ҳозир», – деди-ю, йўрғалаб бориб қолишни ағдарди. Фишглар биттаси ҳам синмай қатор бўлиб тизилди. Йигитча дадил юриб Ўринбой аканинг олдига келди, салом берди. Бошлиқ нима дер экан деб жим кутиб турди.

– Исминг нима? Қаерликсан? – сўради Собиров.

– ИсмиМ Тожали, фамилиям Мадаминов, Авазбой қишлоққа қўшни Бой маҳалладанман, – деди у.

– Тожалибой, ўқишни хоҳлайсанми?

– Албатта, хоҳлайман, лекин ота-онам кексайиб қолган, укаларим ёш, бунинг устига, уйланишим керак.

Ўринбой ака кулиб юборди.

– Вой-бўй, ташвишларинг жуда кўп экан-ку, қандай кўтариб юрибсан уларни? Майли, ҳаммаси бўлади. Мадаминов, сен Қўқондаги Қурилиш техникумига сиртдан ўқишга кир. Ишинг ҳам бўлаверади, ўқиш ҳам. Ташкилотимиздан йўлланма ол, хужжатларни тайёрла, ёш умринг бекорга ўтмасин.

Бошлиқдан бундай ғамхўрликни кутмаган Тожалининг кўнгли эриб, кўзига ёш келди. Ўринбой ака унинг орқасига юмшоққина уриб:

– Хўп, маслаҳат шу, ўқишга тайёргарлик кўр, – деб машинаси томон юрди.

ПУШТИПАНОҲ

1968 йиллар охири эди. Зоҳидон колхоз раиси Мамадали Тошиболдиев қурилиш ташкилоти идорасига ташриф буюрди. У Ўринбой Собиров кабинетига кираверишдаги бухгалтерлар хонасида Алимқул Холбоевни учратиб қолди.

– Ҳа, қочқоқ, шу ерда қўним тошибсан-да? – деб ҳазиллашиб ўтди. Бошлиқнинг кабинетига кирганди, у ерда яна бир зоҳидонлик Жўравойни учратди, раис Ўринбой ака билан сўрашиб бўлиб сўз қотди:

– Бу дейман, бутун зоҳидонликларни тўплаб олибсиз-да, ўртоқ Собиров?

– Ҳа энди, ўзим зоҳидонлик бўлгандан кейин уларнинг илтимосини қандай қайтараман? – деб кулди Ўринбой ака.

– Ҳа, албатта, – деди раис. – Қишлоқнинг иши ҳам бўлаверади. Қурилишга ҳам одам керак. Сизга бир таклиф билан келгандим.

Амирободнинг этагидаги Чўлигулистон мавзеида 4-5 хонали ва болохонали уйлар қурмоқчимиз, шунга ташкилотингизнинг кўмаги зарур бўлиб қолди.

– Жуда соз, биз тайёр, қурилиш материаллари етарли. Имкон борича ҳаракат қиламиз. Эртага инженерни олиб ўзим бораман. Қурилиш бўладиган майдонларни кўздан кечириб келаман, – деди Ўринбой ака.

Улар кабинетдан чиққач, Ўринбой ака раисни ташкилот билан таништирди. Тахта тилувчи цех олдига боришди. У ерда 4-5 йил илгари пиллачилик агрономи бўлиб ишлаган Абдулла Маликовни учратишди.

– Ҳорма, Абдулла, ишлар яхшими? Сен ҳам Ўринбойнинг паноҳига келибсан-да? – деб унга қўл узатди. У эса:

– Ҳа, энди, тирикчилик, – деб қўйди.

Цемент омборхонасида яна бир зоҳидонликни учратди. Бу орада уларнинг ёнига Мамадали Асраев келиб салом бериб кўришди.

– Ие, армани, сен ҳам шу ердамисан? – деб кулди раис.

– Нима қилсин, арманига Зодиёнда иш тегмаса? – деб Ўринбой ака гапга кўшилди.

Армани деб аталган бу киши зоҳидонлик Мамадали Асраев (Нормухаммад қўшбегининг жияни) эди. Ота-онадан ёш етим қолган бола XX асрнинг 20 – 30-йилларида Энабу кампирнинг уйида ижарага турган Зоҳидон пахта ширкати бошлиғи, арман миллатига мансуб Исҳоқ Сафаровнинг оиласида жон сақлади. Исҳоқ аканинг хотини Хинна опа Мамадалини ўғли Обез билан бирдай кўриб фарзандимиз дедилар. Зоҳидонда Мамадали акани отасидан қолган ҳовлиларидан бир хонали уйга уйлаб-жойладилар. Шу-шу уни одамлар гоҳ жиддий, гоҳ ҳазиллашиб «армани» дейишадиган бўлган. Мамадали Топиболдиев ҳам шунга ишора қилиб «армани» деб ҳазиллашганди.

– Хайр, майли, зодиёнликлар ишсиз қолмаса бўлди, – деди раис Ўринбой ака билан хайрлашаркан.

– Ҳа, албатта, қуш топган ўлжасини тумшуғида инига элтади. Булар ҳам орттирганини Зоҳидонга олиб боради, – деб жавоб қилди Ўринбой ака. Улар илиқ хайрлашдилар.

Ўша йили Ўринбой ака бошчилик қилган туман маҳаллий қурилиш ташкилоти Чўлигулистон, Бештомдаги бино қурилиш ишларини бажарибгина қолмасдан, қишлоқ касалхонасининг

рўпарасига – шарқий томонига 2 та 2 қаватли бинони ҳам қуриб битказди. Бошлиқ энг яхши илғор ишчиларнинг рўйхатини туздириб, уларга ўша бинодаги хонадонлардан ажратди. Фишт заводи ишчиси Тўхтасин Нуриддиновни кабинетига таклиф қилди. Ўринбой ака унга деди:

– Тўхтасинбой, сени яхши биламан, ҳалол, меҳнаткаш ишчимизсан. Ўғлинг Алижон ҳам пайвандчилик касбини эгаллаб, яхши хизмат қилмоқда. Биз сенинг ҳалол меҳнатинг эвазига Зоҳидон шифохонаси олдида қурилган 2 қаватли бинолардаги хонадонлардан ўзингга ёққанини танлаб олиш имтиёзини берамиз. Қайсисини хоҳласанг, ўша сеники бўлади. Қолганларини бошқаларга берамиз.

Тўхтасин ўйланиб қолди. У аёлманд эди: 9 нафар фарзанд, 2 та ўғли уйланган. Барчаси 7 сотихли ҳовлида яшарди. Сотиб олишга нақд пул етарли эмас.

– Нега ўйланиб қолдинг? Сотиб олишга пулинг етмаса, ишлаб узаверасан. Борини тўла, қолгани иш ҳақингдан ҳар ойда тўлайверасан. Сенга мукофот пули ҳам берамиз, – деб Ўринбой ака унинг руҳини кўтарди.

Раҳбарнинг далдаси унга руҳий қувват бағишлади. Кўнгли эриб, кўзига ёш келди:

– Раҳмат ака! Бу яхшилигингизни сира унутмайман.

– Хўп, майли, бугуноқ бориб, ўзингга ёққанини танла, калитини бераман, – деди бошлиқ у билан хайрлашаётиб.

Маориф аълочиси Ўринбой ака ўқитувчи-муаллимларни жуда ҳурмат қиларди. Мактаб, халқ маорифи ишлари билан қизиқарди. Укаси Солижон Собировдан мактаб ҳаётини сўраб-суриштирарди. Ўзи ҳам шу соҳада ишлаган эмасми, мактаб қурилиши деса ҳар қандай ишни четга суриб, уни тезроқ сифатли қилиб битиришга интиларди. 1960 – 1980 йилларда у раҳбарлик қилган қурилиш ташкилоти тумандагина эмас, балки вилоят миқёсида ҳам ана шундай хайрли ишларни зиёди билан уддалади. Унинг мазкур хизматини Ўзбекистон маориф министрлиги «Маориф аълочиси» нишони билан тақдирлади. Ўринбой ака бу нишонни собиқ Иттифоқ ҳукуматининг унга берган Меҳнат Қизил байроқ, II даражали Улуғ Ватан уруши орденларидан аълороқ билиб севинди. У бошчилик қилган кўчма қурилиш колоннаси Қизилтепадаги шифобахш Иссиқсув, Зоҳидоннинг Бўстон маҳалласидаги шифохона масканларини, Фарғона вилоятининг кўпгина

шаҳару қишлоқларидаги мактаб ва билим юртлири биноларини қуриш ҳамда таъмирлашда катта ишларни бажарди.

ДЕПУТАТ – ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ

Ўринбой Собиров 1955 йилдан 1987 йилгача Риштон туман кенгаши депутати бўлган. У ўз вазифасини – халқ олдидаги масъулиятли бурчини чуқур англаб ҳар доим виждонан хизмат қилди. Халқнинг арзу додини, шикоятини тўғри тушуниб, имкон қадар ёрдамлашишга интилди.

Қушлардан бир қун унинг кабинетига бир аёл арз билан келди. Ўғли қамалиб қолибди. Аёл ўғлининг оиласи, фарзандлари ёш эканлигини айтиб, уни ҳимоя қилишда ёрдам сўраб кўз ёши қилди. Ўринбой ака аёлнинг ҳасратларини тинглаб, унга адлия ходимлари билан гаплашаман деб ваъда берди.

Аёл хурсанд бўлиб, уни дуо қилди. Ўринбой ака ўша қуни тергов идорасига бориб, прокурор билан суҳбатлашди. Аёлнинг ўғли қилган айб-ғуноҳини (жиноятини) ипидан-игнасигача сўраб-суриштирди. Ниҳоят, прокурорга юзланиб деди:

– Менга қаранг, ўртоқ прокурор, бу йигитнинг айби бор, у қонунга кўра судланиши ва жазосини олиши муқаррар. Лекин оила бошлиғи. Унинг паноҳида онаси, хотини, 2 та ёш норасида гўдаги бор. Уларни мен ҳам, сиз ҳам ўз ҳимоямизга ололмаимиз. Бутун бир оила пароканда бўлиши аниқ-қу. Қонун ва жазо одамлар турмушига зид бўлмаслиги керак.

Прокурор ўйланиб қолди. Ўринбой ака адвокат билан учрашди. Унга аёлнинг ўғлини ҳимоя қилувчи керакли ҳужжатларни тайёрлаб берди.

Ниҳоят, суд бўлди. У одил ҳукм чиқарди. Йигит 2 йиллик қамоқ жазоси бадалига иш жойидан жарима тўлаб туришга ҳукм қилинди. Аёл хурсанд бўлиб Ўринбой ака ҳаққига дуо қилди.

ЮРТ ОБОДОНЧИЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Зоҳидон қишлоғи ҳудудида янги кўчалар ва бинолар қурилди. Уларни барпо қилишда Ўринбой аканинг ҳиссаси катта бўлди. У колхоз раиси бўлиб

ишлаб келаётган (Мамадали Топиболдиевдан сўнг) Мирзааҳмад Раҳимов билан қилган суҳбатида шундай дейди:

– Бу дунёда қурган нарсаларимиз қолади. Мана, Мамадали ака Зоҳидонни ёшартириб кетган экан, ҳамма ундан миннатдор, «қабри нурга тўлсин» деб дуо қилишади. Сиз ҳам раҳбарлигингиз даврида шундай ишларни қилсангиз, яхши бўларди.

– Рост айтасиз, Ўринбой ака. Менинг ҳам шундай режаларим бор. Кўряпсиз, давлат пахта майдонини қисқартирма деяпти. Шундай пайтда аҳолига уй-жой берсак, юқоридан яхши гап эшитмаймиз. Шунинг учун Хонақоҳ маҳалласидан йўл чиқариб, аҳолига томорқа ер ажратиб, уй-жой қуришга рухсат берамиз деб, – кўнглидаги режаларини баён қилди.

Бу режа ўша йили эмас-у, аммо бир йилдан сўнг амалга ошди. Зоҳидон шифохонасининг шимолидан 1 та йўл чиқарилиб, аҳолига уй-жой қуришга рухсат берилди. Тўққиз отда чиқарилган йўлда қурилиш ташкилоти янги уйлар қуриб берди. Қишлоқ марказида янги замонавий иншоот қад ростлади. У қишлоқ клубидан ташқари спорт билан шуғулланиш учун зал ва кутубхона, буфет, ошхона каби кўплаб хоналарни ўз ичига олганди.

1934 йили Зоҳидонни Фарғона ва Қўқон йўли билан боғловчи Узункўча аҳолиси томорқа ерларини суғоришда жуда катта қийинчиликка учраганди. 1960 йиллардан Катта Фарғона каналдан кучли насослар орқали тортиб олинган сув Узункўчани кесиб ўтиб, Оқер қишлоғи далаларига олиб кетилганди. 1980 йил бошларида маҳалла аҳлининг томорқа экинларини суғоришга бўлган талаби ҳал этилди. Ўринбой аканинг саъй-ҳаракати билан каналдан насослар орқали олинган сув Узункўчанинг шимоллий тарафида бетон ариқчалар орқали шарқ ва ғарб томонга қараб оқа бошлади. Маҳалла гузарида сув крани ишга тушди. Ўринбой аканинг бу ҳимматидан маҳалла аҳли хурсанд бўлди.

ТАЛАБЧАН ВА МЕҲРИБОН ОТА

Ўринбой ака 1947 йили 23 ёшида Қўзибой ҳожининг қизи Замзамбибига уйланди. Замзамбиби она тарафдан ҳам тагли-тугли аёл эди (онаси Сарви эна Мустафоқул аминининг қизи, Қўқон хони Умархоннинг вазири Қосим оталиқнинг эвараси эди). Улар аҳил турмуш қурдилар. 6 та фарзанд: Насибахон, Ўктамжон,

Тўлқинжон, Мавлудахон, Шавкатжон ва Шухратжонларни тарбиялаб вояга етказдилар. Ўринбой ака жамоатчилик ва давлат ишлари билан банд бўлмасин, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Барчаларининг олий маълумотли бўлишига ғамхўрлик қилди.

Ўринбой ака фарзандлари тарбиясида қаттиққўл ва талабчан, юксак савияли ва маданиятли инсон эди. У киши Зоҳидонда дастлабки олимларнинг етишиб чиқишига ҳам ғамхўрлик қилган. Абдусаттор Қўзиев Замзамхон опанинг укаси эмасми, олий ўқув юртининг охириги курсида ўқиётган кунларидан бири опаши ва жиянларидан хабар олиш учун келганди. Ўринбой ака у билан илиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўради. Ўқишлари қандай бораётгани, моддий аҳволи, онаси Сарви бувининг саломатлигини суриштирди.

– Ҳаммаси жойида, аҳволлар яхши, онам ҳам, тоғам ҳам яхшилар. Бу йили институтни тамомлайман. Ўтган кун институтнинг илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари мени чақириб, аспирантурада ўқишни давом эттиришни таклиф қилди. Уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўришимни айтдим. Ўйлаб қарасам, сира иложим йўқ экан. Онам қариб қолди. Унга дастёр, хизматини қиладиган келин керак.

– Абдусаттор, бу ёғидан ташвиш тортманг, онани ёлғизлатиб қўймаймиз. Жиянларингиз, Насиба бор. Бирга туриб хизматини қилади. Озиқ-овқати бизнинг бўйнимизга. Опангиз ҳам, мен ҳам хабар олиб турамыз. Сиз ўқинг, уйланиш қочиб кетмайди. Қандай ёрдам керак бўлса, биз тайёр, – деди Ўринбой ака.

– Раҳмат, ака, бу яхшилигингизни эсимдан чиқармайман, – хурсанд бўлиб деди Абдусаттор.

– Сиз олим бўлинг, бутун қишлоқ аҳли биздан ҳам олим чиқди деб суюнади, – кулди почча.

Шу-шу бўлди-ю, Абдусаттор Қўзиев дипломни олиб, аспирантурада ўқиди, илмий иш ёзди. Ниҳоят, 1965 йили қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ёқлаб, Зоҳидон қишлоғидан чиққан биринчи олим бўлди. Ўша куни Ўринбой ака жуда севинди. Қайноғаси Абдусаттор акани бағрига босиб, акаларча уни чин кўнглидан муборакбод этди. Ҳатто кўзларидан севинч ёши оқди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, эл-юрт учун, айниқса, она қишлоғи Зоҳидон учун фидойи бўлган Ўринбой Собиров ана шундай ажойиб инсон эди.

ВИДО

Ўринбой ака 1995 йили вафот этди. У кишининг таъзиясида, кексалар айтмоқчи, «музофотга одам сизмай кетди». Тошкентдан – вазирликдан, Фарғонадан – ҳокимиятдан, юқори лавозимли раҳбарлардан тортиб оддий ишчи, деҳқон кўзда ёш ила у киши билан видолашдилар. Уни бу фоний дунёнинг сўнгги чиқиш эшиги, боқий дунёнинг кириш эшигига кузатиб қўювчилар сафи шу қадар узун эдики, катта йўл чорраҳаларида ўтувчи машиналар тўхтаб қолди. Шунда автобусдаги киши ёнидаги шеригидан сўради:

– Шунчалик кўп одам сўнгги йўлга кузатиб қўяётган киши ким экан?

– Ўринбой Собиров – Зоҳидоннинг аркон (устун)ларидан бири, – деди шериги.

Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

Бори элга яхшилик қилгани, мундин яхши йўқ

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик, – деб ёзганидек, довруғи Фарғонага ёйилган, бор умрини юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун сарф этган Ўринбой ака элим деб, юртим деб ёниб яшади, кишиларга яхшилик қилишдан чарчамасди (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

РУҲЛАРИ ШОД БЎЛСИН

Қиссамиз қаҳрамонининг қизи Насибахон ҳожи аянинг хотирлашича, Ўринбой ака ҳар байрам олдидаги кунларда уйлари-га жуда кеч қайтарканлар.

– Дада, намунча кеч қолдингиз ё мажлисамидингиз? – деб сўраса:

– Э мажлис қайда дейсан? Ҳозир қишлоқда янги уйлар қурыл-миз, байрам яқин қоляпти, шу уйларни қуриб битказсак, эгалари байрамни янги уйда нишонлайдилар. Улар учун байрам қўшалок бўлади. Одамларни хурсанд қилайлик деб қурувчилар ишласа, мен уйимга келиб дам олиб ётсам, бу инсофдан бўлмас! Одамларни хурсанд, шод кўришдан ҳам ортиқ бахт борми, қизим? – дердилар.

Ўринбой аканинг энг яқин дўсти халқ маорифи ташкилот-

чиларидан бири домла Тўхтасин ҳожи Зоҳидов эди. Улар бир-бирларини тез-тез йўқлаб туришар, оилавий саёҳатларга, дам олиш уйларига бирга боришарди. Хонадонларидаги ҳар қандай хурсандчилик онлари бир-бирларисиз ўтмасди. Қайси бирининг ҳаётида нохушлик рўй бериб қолса, дарҳол ҳол-аҳвол сўрашарди.

XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида Ўринбой аканинг дўсти бошида қора булутлар айлана бошлади. Тошкентга савол-жавоб учун домла Зоҳидовни чақиришганида, Ўринбой ака оромини йўқотди. Хайрият, ҳақиқат бор экан, дўсти соғ-саломат, барча қўйилган ноҳақ айблардан қутулиб, ёруғ юз билан Риштонга қайтди. Бу хабарни эшитган Ўринбой Собиров домланинг хонадонига биринчи бўлиб етиб келиб, дўстини маҳкам қучоқлаганда, хурсандчиликдан кўзига ёш келди. Ёзувчи Ҳамид Бурҳон Риштон туманининг азим чинорларидан бири, устоз муаллим, йирик жамоат арбоби Тўхтасин ҳожи Зоҳидовнинг ҳаёт йўли ҳақидаги «Ҳаёт зарварақлари» номли ҳужжатли қиссасида таъкидланишича, Ўринбой ака ўша куни ошнасининг уйидаги дўстлар даврасида шундай деган эканлар:

– Ҳали кўрасизлар, вақти келиб бунақа ишлар учун раббатлантириладиган бўлади. Агар мева-чеваларимизни, сабзавот-полизларимизни ташқарига олиб чиқиб сотмасак, у ёқлардан керакли нарсаларни олиб келиб халқимизни таъминламасак, ўсиш, ривожланишда орқада қоламиз. Кўрасизлар, яқинда ажойиб давр бошланади. Тадбиркорликнинг, савдо-сотиқнинг нимаси ёмон?

Ҳа бу сўзлар айтилганига 50 йилдан зиёд вақт ўтди. Ўзбекистон ўзининг мустақиллик кунини 21 йилдан бери байрам қилмоқда. Ўринбой ака Собиров (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин) башорат қилиб айтган кунлар келди. Тадбиркорлик давлат ҳимоясида. Зеро, юртбошимиз тадбиркорликка кенг йўл очган эканлар, мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий ҳаёти гуллаб-яшнайверади. Бу кунларни орзу қилиб, интиқиб кутиб яшаган одамлар хурсандчилигини ўз бахти деб билган Ўринбой ака Собировга ўхшаган ватандошларимизнинг руҳлари шод бўлсин.

ҚИШЛОҚДА КАСАБА УЮШМАСИ

Аминжон Ҳожибоев ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Фашларни чуқур ўрганар, билмаган нарсасини ўқитувчилардан қайта-қайта сўрар, қониқарли жавоб олмагунча тинчimasди. Унда ҳақиқат учун дадил курашиш хислати борлиги учун баъзан ўқитувчилар билан мунозарага бориб қолиш ҳоллари кўп бўлган. Ўрта мактабни битиргач Қўқон педагогика институтига ўқишга кириш нияти бор эди. Аммо бу орзулигича қолди. Оилавий шароит унга имкон бермади. Уч йил умри армия хизматида ўтди. Сўнг колхозда котиб бўлиб ишлаш, қишлоқ радиосида фаолият юритиш, кекса энани сўнгги йўлга кузатиш, сингисини турмушга чиқариш, уйланиш... Бунча турмуш ташвишлари осонликча битмади. Ниҳоят, 60-йиллар ўрталарида имконият туғилди. У аввал Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумини, сўнг Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Фарғона шаҳридаги филиалини тугатиб олий маълумот олди. Колхоз раиси Мамадали Топиболдиевнинг таклифи билан Чўлигулистондаги пахта бригадасини бошқарди. Бир неча йилдан бери пахта планини бажармаган мазкур хўжалик режани ортиғи билан бажариб бригада аъзоларини даромадли қилди. Ҳожибоевнинг бундан кейинги ташкилотчилик фаолияти янада гуллаб-яшнади.

XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида қишлоқ деҳқонларининг илк касаба уюшмаси иш бошлади. Зоҳидон қишлоғида унинг ташаббускори ва ташкилотчиси фидойи инсон – қишлоқ фаолларидан бири Аминжон Ҳожибоев бўлди. Дастлаб касаба уюшма қишлоқдаги колхоз шофёрлари, тракторчилари, электр монтёрлари, иморат қурувчилари каби турли хил касб эгаларини бирлаштирди. Сўнгра бутун меҳнат жамоаси касаба уюшмага жалб қилинди. Натижада деҳқонлар ҳам ишчилар сингари дам олиш, саломатлигини тиклаш каби ҳуқуқларга эришди. Қишлоқ заҳматкашлари ҳам дам олиш уйларига, сайру саёҳатларга чиқдилар, шифохоналарда даволанган кунларига касаллик варақаси асосида ҳақ оладиган бўлдилар.

Аминжон қишлоқда меҳнаткаш деҳқоннинг ғамхўри, дўсти сифатида обрў қозонди. У касаба уюшмаси раиси вазифасида 1997 йилгача, яъни нафақага чиққунга қадар ишлади. Сидқидилдан қилган меҳнатлари унга кўплаб мукофотлар келтирди. Аминжон Ҳожибоев Зоҳидон қишлоқ жамоаси тарихида биринчи ка-

саба уюшмасининг раиси сифатида алоҳида ҳурматга сазовордир.

У мактабда ўқиб юрган кезларидан бошлаб вилоят, туман вақтли матбуотининг фаол мухбири сифатида ижод қилиб келади. Мақола ва очеркларининг қаҳрамонлари ҳамқишлоқлари – меҳнаткаш кишилар: оддий почтальон, пахта далаларининг заҳматкашлари, миришкор боғбон, шофёр... Қишлоғининг тарихий жойлари ҳам (Фулом буванинг ҳовузи) унинг эътиборидан четда қолмайди. Аминжон Ҳожибоев бахтли оила бошлиғи: 4 ўғил, 5 қизнинг отаси, 20 га яқин набира ва чеваранинг бобоси, қишлоқ ва маҳалланинг баобрў ва ҳурматли оқсоқолларидан бири саналади. Унинг исми Амин арабча сўз бўлиб, ишонч, раис маъноларини англатади. Аминжон Ҳожибоев – она-юртининг фидойи фарзанди, шу боис ўз қишлоғи ила фахр этиб ушбу байтларни битмиш:

*Қадам ранжида қил, эй дўст, Зоҳидон кўчасига,
Бошдан-оёқ либосингга тупроғу губор кўнимас.
Қилиб сайру томошолар, кезиб рўйи жаҳонни
Тополмассан, Амин бўл, бу янглиг бир диёр бўлмас.*

ЗОҲИДОННИНГ БИРИНЧИ ОЛИМЛАРИ

Абдусаттор Қўзиев Зоҳидондаги 2-ўрта таълим мактабининг ўнинчи синфини 1953 йили битириб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. 1958 йили институтни тамомлаб, аспирантурада ўқишни давом эттирди. Маълумки, Зоҳидон қишлоғи деҳқонлари узоқ йиллардан бери сабзавот ва полиз экинлари миришкоридир. Аммо сабзавот ва полиз экинларида сўлиш (вилт) касаллиги кўпайди. Деҳқон мазкур касалликка сабзавот ва полиз экинларининг қайси тури чидамлилигини билмай энсаси қотмоқда эди. Абдусаттор ҳамқишлоқлари ва деҳқонларнинг машаққатини енгиллаштириш мақсадида «Баъзи сабзавот экинларининг сўлиш (вилт) касали ва унга қарши кураш чоралари» мавзуда 1961 – 1964 йилларда Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг вилт бўлимида, Ўзбекистон сабзавотчилик ва полизчилик илмий текшириш институтида биология фанлари номзоди Наима Саъдуллаевна Мирпўлатова раҳбарли-

гида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Москва, Ленинград ва Тошкентда чиқадиган бир қанча газета ва журналларда илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди. Ниҳоят, 1965 йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг бирлашган илмий кенгашида диссертациясини ёқлади ва биология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Унинг илмий ишига биология фанлари доктори Я.Мирзаев, илмий оппонентлари биология фанлари доктори М.А.Каримов, профессор С.С.Рамазонова юксак баҳо берди. Абдусаттор Қўзиёв ўз илмий иши ва тажрибаларидан келиб чиқиб помидорнинг «Талалихин», «Майков» ва «Волгоград» навлари вилтга чидамлилиги ва серҳосиллиги билан шу пайтгача экиб келинган «Юсупов» навидан афзаллигини исботлаб берди. «Зар кокил», «Суюнчи» каби қовун навлари вилтга чидамли эканлиги ва ширинлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Диссертация материаллари бўйича бир нечта илмий мақолалар эълон қилинган (Сидоров К.П., Ходосевич Н.И., Шапова А.П., Кузиёв С. Система мероприятий по борьбе с вредителями и болезнями овоще – бахчевых культур и картофеля // Материалы планоно-методического совещания по защите растений и карантину. – Ташкент, 1963; Кузиёв С. Поражаемость вертициллезным увяданием сортов томата // Хлопководство. 1964. – №1; Кузиёв С. Внутривидовые формы возбудителя вертициллезного вилта хлопчатника и баклажан // Материалы всесоюзного симпозиума по борьбе с вилтом хлопчатника. – Ташкент, 1964; Кузиёв С. Карбатион против вертисиллезного увядания томатов // Защита растений от вредителей и болезней. 1964. – №10; Кузиёв С. Карбатион в борьбе с вертисиллезом томатов в открытом грунте // Химия в сельском хозяйстве. 1964. – №1; Кузиёв С., Филатова И.К. Карбатион в борьбе с увяданием томатов и баклажан // Материалы научного симпозиума по токсикологии и гигиене ядохимикатов, применяемых в сельском хозяйстве. – Ташкент, 1964).

Жўравойнинг отаси Ҳайдар бобо XX асрнинг 50-йилларида ёши етмишга яқинлашиб қолса ҳам даладан қолмас, гўза суғорар, чопиқ қилар, даладан қайтишда кетмон сопига бир боғ ўрни елкалаб қайтарди. Ўғли Тўхтасин Ҳайдаров ўқитувчи. У отасини тергаб: «Нима қиласиз далага бориб? Сизни боқа олмаймизми? Кўрганлар нима дейди? Бизни уятга қўйяпсиз, ота!» – деса, «Ишинг бўлмасин. Домлачилигингни қил. Мен

деҳқонман. Деҳқон эса жим ўтира олмайди. Серрайиб турайчи, кимга ёқаман экан. Ана, жўравойни қара. Ҳар куни мен билан далага боради. Сўлиган ғўзаларни кўриб томирларини (илдизларини) текширади. Кўрасан, шу бола олим бўлади», – дерди.

Ҳақиқатан ҳам, Жўравой 1954 йили етуклик аттестатини олиб Тошкентга жўнади. Сўраб-суриштириб Тошкент қишлоқ хўжалик институтини топиб борди. Кириш имтиҳонларидан ўтиб, ўқишни бошлади. 1959 йили институтни аъло баҳолар билан тамомлаб, аспирантурага ўқишга кирди. 1962 – 1965 йилларда Ўрта Осие илмий текшириш институтининг тавсияси билан Ленинград шаҳридаги Бутуниттифоқ ўсимликлар ҳимояси институти аспирантурасида ўқиб, шу ерда «Пахта вилт касалини қўзғатувчи замбуруғнинг ғўзапоядаги ички формаси (шакли)ни ўрганиш» мавзuidaги диссертациясини 1966 йили ёқлади ва биология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Унинг илмий иши пахта етиштирувчи Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон деҳқонларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Зоҳидонлик олим вилтга чидамли ғўза (пахта) нави устида ҳам астойдил ишлади. Бағдод туманига қарашли Улгарма қишлоғидаги илмий тажриба лабораторияларида узоқ вақт чидам билан ишлади. Натижада 1959 йилдан 1969 йилгача Зоҳидон колхозидан агроном, 1969 йилдан 1979 йилгача колхоз раиси бўлиб ишлаган. Ҳозир меҳнат фахрийси бўлган Мирзааҳмад Раҳимов шундай ҳикоя қилади: «Агар 1953 йили колхознинг 1523 гектар еридан 14,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1966 йили ҳосилдорлик 52 центнерга етди. Лекин кейинги йилларда вилт касаллиги тарқалиши туфайли, ҳосилдорлик камайиб кетди. Олимларимиз, биринчи навбатда, ўзимизнинг қишлоқдан етишиб чиққан Жўравой Ҳайдаровнинг илмий тажрибаларини қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва «149-ф» навини «150-ф» навига алмаштириш натижасида юқори ҳосил олдик. Пахтанинг «150-ф» нави Зоҳидон ерларига бир қадар мос келиб қолди. Натижада пахта ҳосилдорлиги ортди».

Шундай қилиб, Ҳайдар бобонинг кенжа ўғли Жўравой ҳақида айтган башорати ҳақиқатга айланди. Жўравой Ҳайдаров ва Абдусаттор Қўзиевлар Зоҳидон қишлоғининг биринчи олимлари бўлди.

ЗОҲИДОНДА ТАБОБАТ

Зоҳидонликларга қадимдан халқ табобати маълум бўлган. Болалардаги чечак касаллиги кенг тарқалган пайтларда зоҳидонлик «Чечак хўжалар» деб ном олган хўжалар қишлоқ маҳаллаларида уйма-уй юриб, болаларни чечак касаллигига қарши эмлаганлар. XX аср ўрталаригача шу хўжалар авлоди, айниқса, Камолхўжа исмли ўғиллари халқ ўртасида жуда катта ҳурмат қозонганди. 1956 йили Зоҳидон қишлоғидаги акушерлик пункти негизда қишлоқ касалхонаси ташкил этилди. Бу ерга малакали ҳарбий врач Холдоров биринчи бош врач этиб тайинланди. Кейинчалик риштонлик машҳур шифокор Тўхтасин Солиев (ҳозир тиббиёт фанлари доктори) бош врачликка келди. 1957 йилдан 1994 йилгача Зоҳидон касалхонасига Раҳматбой Қўчқоров бошчилик қилди. У беморларнинг энг яхши табиби, моҳир ташкилотчи, ҳақиқий одамшаванда, ширинсўз инсон сифатида қишлоқ аҳли ўртасида зўр обрў-эътибор қозонди.

90-йиллар бошларида Зоҳидон қишлоқ касалхонасининг даволаш бўлимини 1-тоифали врач Абдукарим Ниёзов бошқарди. У 1933 йил 8 июлда Зоҳидон колхози ўрамидаги Амиробод қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. 1951 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди, 1955 йили Россия Федерациясининг Куйбишев тиббиёт институтининг ҳарбий тиббиёт факультетига ўқишни давом эттирди. 1957 йили Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ҳарбий врач сифатида иш бошлади.

Абдукарим Ниёзов моҳир врач бўлиш билан бирга фаол ташкилотчилик қобилиятига эга эди. Шу боис Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида, Риштон, Бағдод туман марказий касалхоналарида бош врач лавозимларида ишлади. У ўзининг кўп йиллик самарали меҳнатлари учун бир қатор нишон ва медаллар билан мукофотланганди. 1995 йили муборак ҳаж сафарига бориб, мўминлик фарзларидан бирини адо этди. 1996 йили 63 ёшида вафот этди (Аллоҳ ундан рози бўлсин).

Зоҳидон касалхонаси бугунги кунда Риштон тумани юқумли касалликлар шифохонаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Зоҳидон қишлоқ марказида врачлик амбулаторияси ҳам мавжуд. Бу амбулатория (мудири Зокиржон Қундузов) қишлоқ аҳолисига турли соҳаларда хизмат қилиб келмоқда. Зоҳидоннинг Бўстон маҳалласида М.Толиболдиев номли шифо маскани мавжуд, маз-

кур шифохонанинг биринчи навбати 1978 йили қуриб битказилган. Унинг биринчи бош шифокори Булоқбоши қишлоғилик таниқли врач А.Охунжонов бўлган. 1995 йилдан Зоҳидон қишлоғилик Муҳаммадсодиқ Муҳаммадсидиқович Махсумов шифохонани бошқаради. Шифохонада шифо топган тери касаллигига ва турли яра-чақаларга мубтало бўлган беморлар хурсанд ҳолда оилалари бағрига қайтганлар. Улар мамлакатимизнинг барча вилоятларидан эдилар.

ДОРИХОНА

Қадимда халқимиз турли дори-дармонларни тайёрлаш, ундан фойдаланиш сир-асрорларини яхши билган. «Ким табиб – бошидан дард ўтказган табиб» деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Бундан ташқари, илмли табиблар Ибн Сино дориларидан фойдаланиш йўл-йўриқларидан хабардор бўлиб, беморлар учун доимий дори-дармонлар тайёрлаб борганлар.

Риштон тумани тарихига бағишланган «Фирдавс боғи» китобида ёзилишича, туманда 1918 – 1926 йиллар давомида баъзи қишлоқлардаги табибларнинг кичик хусусий дорихоналари мавжуд бўлган. 1926 – 1929 йиллар оралиғида ушбу кичик дорихоналар беморларга хизмат кўрсатган. 1929 йилга келиб алоҳида дорихона ташкил этилган. Унинг биринчи доришуноси андижонлик К.Содиқов бўлиб, у туман марказида биринчи дорихона бошқарувчиси бўлган. Зоҳидон қишлоғида дастлабки дорихона XX асрнинг 50-йиллари охири – 60-йиллар бошларида иш бошлаган. Унинг биринчи иш юритувчиси бухоролик Неъматжон деган йигит эди. Ўша пайтда Зоҳидон дорихонаси қишлоқ марказини жанубдаги маҳалла ва қишлоқлар билан боғловчи Катта Фарғона канали устига қурилган кўприк рўпарасидаги пастқам бинода эди. Неъматжон кетгач, риштонлик Орипов деган татар йигит дорихонани бошқарди. 1962 – 1963 йиллардан авазбойлик Анваржон Мадаминов дорихона мудири вазифасини 1965 йилларгача бошқарди. У аптекани қишлоқ гузари марказига кўчирди. Соли ҳожининг ҳозирги дўкони – магазиннинг шарқий қисмидаги биноси ўрнидаги хоналарда иш юритди. 1965 йили доришунослик ихтисоси бўйича олий маълумот олиш мақсадида ўқишга кетгач, унинг ўрнига Холдорали Долимов (зоҳидонлик) иш юритди. Холдоралидан сўнг каллахўрлик Неъматжон Абдуолимов

Зоҳидон дорихонасини бошқарди. 80-йиллар ўрталарида қишлоқнинг Узункўча маҳалласида Катта Фарғона канали устидаги кўприкдан 100 метрча узоқликда, ғарбий қисмидаги салобатли муҳташам бинода Зоҳидоннинг янги дорихонаси иш бошлади. Унинг бошқарувчилари ака-ука Анваржон ва Мухторжон Мадаминовлардир. Бугунги кунда мазкур дорихона Мадаминовларнинг хусусий дорихонаси ҳисобланади. Зоҳидон гузари маркази – гузарда клуб ва врачлик амбулаторияси ўртасида бошқа бир дорихона ҳам мавжуд. Унинг соҳиби Аъзамжон Абдуллажон ўғли ҳам халқ саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

ЗОҲИДОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ОИЛАСИ

Қишлоқда жамоатчи мухбирлар XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йиллар бошидан республика, вилоят, туман газеталарида Зоҳидондаги янгилик, муаммолар тўғрисидаги мақола ва хабарлари билан қатнаша бошлагандилар. Аммо касби мухбирлик бўлган биринчи журналист 60-йиллардан иш бошлади. У Кўтарма маҳалласида туғилиб ўсган, қишлоқдаги 2-ўрта мактабни 1954 йили аъло баҳоларга битириб, Тошкент давлат университети журналистика факультетини 1963 йили тугутган Азимжон Ғофуров (Нормухаммад қўшбегининг Аҳрор махзум исми бувасининг набираси) эди. Ўша йилдан у турмуш ўртоғи Гавҳар Жалилова билан Фарғона вилоят газетаси «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») таҳририятида иш бошлади. Файратли, жўшқин ёш журналист ўзининг илк мақола ва лавҳалари билан газетхонлар эътиборини тортди. Унинг республика марказий газеталаридаги танқидий мақола ва очерклари ҳам анча овоза бўлди.

Турмуш ўртоғи Гавҳар Жалилова 1974 йили «Зоҳидоннома» – «Коммунизм» колхоз тарихи»ни яратди. Бу китобда Зоҳидон қишлоғининг XX аср бошларидан то 70-йилларгача бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги лавҳалар анча кенг ва ишонarli ёритилган.

Азимжон Ғофуров бир неча йил вилоят радиостанциясида ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлади. XX асрнинг 90-йилларида муборак ҳаж зиёратини ҳам бажарди. Ҳозир Фарғона шаҳрида яшасалар ҳам, Зоҳидонга тез-тез келиб турадилар.

БИРИНЧИ МУҲАРРИР

«Асл зурриёт қолур асл отадан», – дея қўшиқда куйланганидек, зоҳидонлик мулла Бурҳон бободан муаллим – устод Сайфиддин домла дунёга келди. Ҳамиджон Бурҳонов Зоҳидондан чиққан биринчи муҳаррирдир.

Унинг ҳаёт йўли Зоҳидон қишлоғининг қайта яшараётган даврига тўғри келди. 1950 йили таваллуд топган Ҳамиджон Бурҳонов 1950 – 1966 йилларда қишлоқ мактабини, 1967 – 1973 йилларда Тошкент давлат университети журналистика факультетини тамомлаб, туман, вилоят газеталари таҳририятларида катта адабий ходим бўлиб ишлади. Ўзбекистон журналистикаси тарихида биринчи олим, ҳажвчи шоир, ёзувчи, профессор Мухтор Худойқуловнинг шогирди Ҳамиджон Бурҳон 1977 йил 5 октябрдан 1985 йил 2 сентябргача «Риштон ҳақиқати» газетасига бош муҳаррирлик қилди. Ана шу йилларда ўзининг туман, қишлоқ ҳаёти, Риштон кулолчилиги, унинг қўли гул усталари ҳаётини тараннум этувчи лавҳа, очеркларини жамлаб, «Риштон мўъжизаси» китобини чоп этди.

Алишер Навоий: «Сўз дурришинг тафовути мундин доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдир. Андоқки, шарифидин ўлган баданга руҳи пок этар», – деб сўз маъносига юксак баҳо берган. Истеъдодли ёш публицист илк китобида тилимизнинг жозибадор таъсир кучи – бадий воситалари орқали кулолчилик санъатининг ўзига хос нафосатини моҳирона очиб берди. Ҳамиджон ҳар доим халқ ичида, у билан бирга нафас олади, шодлигига шерик бўлади, қайғусига ҳамдард. Шунинг учун унинг иккинчи китоби «Сирот кўприги» (Ҳ.Исақов билан ҳаммуаллифликда) ҳам китобхонларга маъқул келди. 2011 йили нашр этилган навбатдаги китоби «Умр зарварақлари» деб номланган.

Ҳамиджон Бурҳонов севган касби журналистликни вилоят ва туман ҳокимликларида бош мутахассис, ҳоким ўринбосари лавозимларида хизмат қилган чоғларида ҳам тўхтатгани йўқ. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, 2003 йилдан то шу кунгача «Риштон ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Ҳамиджон Бурҳонов – Зоҳидон қишлоғининг фахрли фуқароларидан бири.

Ҳамид Бурҳон (Ҳамиджон Бурҳонов) ушбу ҳужжатли қисса орқали ёшларни қийинчиликдан қўрқмасликка, ҳалол, тўғрисўз бўлишга, ўқиш, идрок қилиш орқали дунёни англашга, она Ватани жон-дилдан севиш ва берилган неъматларга шуқр қилишга чақиради.

ЗОҲИДОНЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР

Зоҳидоннинг ўтмишида мулла Тошпўлат охунд қози, Мадмин қози сингари фиқҳ илмини тўла эгаллаган ва олган илмларини адолат тарозисига қўйиб, етти ўлчаб бир кесадиган уламо-лар яшаб ўтган. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб замонавий ҳуқуқий билимларнинг мукамал соҳиблари етишиб чиқди. Биринчи ҳуқуқшунос Абдурайим Тўхтасинов эди. Сўнг Мухторжон Собиров, Набижон Ёқубжонов, Мўминжон Воҳидов, Шўхратжон Собиров ва Музаффаржон Мамасиддиқов сингари ўндан ортиқ адолат ҳомийлари фиқҳшунос боболарининг муносиб ворислари бўлдилар.

Набижон Ёқубжонов Мухторжон Собировнинг мактабдаги синфдоши. Ҳар иккаласи Бўтқа қишлоғида улғайишди, Амирободдаги Фурқат номидаги мактабда 6-синфгача бирга ўқишди. Сўнг Мухторжон Бағдод туманидаги болалар уйи мактабида таҳсил олди. Набижон эса Зоҳидондаги 3-ўрта мактабда ўқиб етуклик аттестатини олди. Уларнинг ёшлик йиллари ана шундай кечди. Иккаласи бирга Тошкент давлат университетига ҳужжат топширишди. Мухторжон Собиров ўша йили университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишни бошлади. Набижон эса бироз кейинроқ (1973 – 1979) шу факультетда ўқишга муваффақ бўлди.

Унгача ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларини босиб ўтди. 1967 – 1968 йилларда Зоҳидон колхозида ишлади. 1968 йили Риштон туманидаги 5-хунар билим юртида ўқиди, 1969 – 1971 йилларда собиқ шўролар армияси хизматида бўлди. 1972 – 1974 йиллар Тошкент шаҳар Собир Раҳимов (ҳозирги Олмазор) тумани милициясида ишлади. 1975 йили ўзи орзу қилган даргоҳ – Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишга кириб, 1979 йили муваффақиятли тамомлади. 1976 – 1982 йилларда Бағдод ва Риштон ички ишлар бўлимининг махсус бўлин-

маларида фаолият юритди. 1982 – 1985 йилларда Риштон туман нотариал идорасини бошқарди.

1985 – 1986 йилларда Риштон туман прокурори ёрдамчиси, айна пайтда, терговчи вазифаларини бажарди. 2001 йилдан 2005 йилгача жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси, 2005 йил 28 октябридан жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг судьяси бўлиб ишлади (2010 йилгача). Бунга қадар Н.Ёқубжонов 1995 – 1997 йилларда Қўқон шаҳар суди, 2004 йилдан Учкўприк туман суди раиси бўлиб ишлаганди. Хуллас, инсон Аллоҳга таваккал қилиб яхши ният билан ўз олдига қўйган мақсад сари дадил интилса, албатта, ўз бахтига эришади.

АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Набижон жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди раиси вазифасида ишлаган пайтда бўлган бир ишни сира хаёлидан чиқаролмайди. Суд ишини яқунлаб, қарорни ўқиб берди. Жажжигина қизалоқнинг жавдираб қараб туриши уйига келиб ухлаш учун ётган пайтда ҳам унинг кўз олдидан кетмади. Ўрнидан турди-да, бўш хонага кирди. Бир варақ оқ қоғозга «Поччанинг бошига етишди...» деб сарлавҳа қўйди, тез-тез ёза бошлади. У судда бўлган бор ҳақиқатни қоғозга туширди. Маънавий тубанлик, ваҳшийлик, ичкилик инсонни не қўйга солганини тасвирлаб, ўтай қиз ҳақидаги сатрларни битаркан, беихтиёр ўзининг етимлик онлари ёдига келди. Кўнгли мунг тортиб, ўша қизчанинг ҳолатини эслаб: «Судья эмас, бир инсон, бир ота сифатида қизча тақдирига ачинаман. Ахир, унда нима гуноҳ?» – деб ёзди.

Адолатнинг мезон тарозисини тутганча ҳукм чиқара бошлади: «Аввало, онаси айбдор. Ўзига ўхшаган бетайин инсон билан омонат оила қурди. Фожиали томони, бирга ароқ ичадиган бўлишди. Ўртада ҳурмат бўлмади, аксинча, адоват улғайди. Укасига ўйламай айтган бир оғиз ёмон гапи эрининг ёстиғини қурипти».

Қиссадан ҳисса шуки, Набижон узоқ йиллар вилоят, туман, шаҳар судьяси вазифаларида ана шундай одилонга ҳукм чиқариб, тарозини тўғри тутди. Виждонан поклик унга шу кунгача ҳамроҳ бўлгани учун ҳануз эл ардоғида, иззат ва ҳурматга лойиқ.

ОТА ИЗЛАРИН ИЗЛАБ

*Уруш. Номини ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота намти буюк шодлик кам.*

Зулфия

Юқоридаги сатрларни ёзганда шоира Зулфия минг карра ҳақ эди. Ота... Фарзанд учун буюк тоғ, азим чинор! Ота бор – фарзанднинг кўнгли чоғ. Ота бор – суянгудек буюк тоғ. Халқимизда шундай гап юради: «Онаси бор бола оч қолишдан кўрқмайди. Отаси бор бола ўлимдан ҳам кўрқмайди». Ҳа, она болани оч қолдирмайди. Ўзи емай едиради. Ота фарзанд томон келаётган бало – ажалга кўксини қалқон қилади. «Ота юзини кўрмаган бола ҳамма вақт мунғайиб, елкасини қисиб, бошини қуйи солиб юради. Бировга дадил бир гап айтолмайди, сўрашга ҳам ботинолмайди... Наҳотки, шу мурғак гўдак егим қолса, 11 фарзанддан шу Эрмуҳаммадим билан Замзам қизим қолди, шунисига ҳам шукур десам, яна фарзанд ўтини соласанми, эй фалак!?!» Нишон кампир пишиллаб ухлаётган набираси Шермуҳаммадга қаради-ю, юраги эзилиб кетди. Йўқ, йўқ! Шайтон, васваса қилма, ўғлим тирик, у, албатта, келади. Ўғлимга тўйлар қиламиз. Биз чолу кампирни шу кунларга етказгин, Худойим!

Буюк зот амри билан битилган қисматни ўзгартиришга инсон ожиз. Фарзанди Эрмуҳаммадни кута-кута Нишон эна 1957 йили оламдан ўтди. «Ўғлим, отангнинг тиригини ё қабрини, албатта, топ! Сенга васиятим шу», – деб Мирзаолим бобо ҳам кампиридан тўрт йилдан сўнг, 1961 йили, оламдан ўтди. Шермуҳаммад ёлғиз қолди. Ёлғизлик Яратганга хос. Инсон боласи асло бунга чидолмайди. Онаси кейинги рўзғори ва болалари билан кўчиб чиқди. Хонадон гавжум. Укалари оталари бағрида, Шералининг бахтига онаси ҳаёт. У Нишон энанинг ҳар замонда айтиб қўядиган маталини эслади: «Тол маданг бўлмас, бегона данданг бўлмас».

Йиллар ўтди. Шерали улғайди. 1962 йили мактабни битириб, икки йил далада ишлади. Бир куни кечаси уйқуси қочди. Ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Ҳамма уйқуда. Қўлига дафтар-қалам олди. У дадаси ҳақида, унинг ҳаёт йўли ҳақида ёза бошлади. Ни-

шон эна дадасининг болалиги, ўқиш йиллари, ўқитувчилик қилиши, урушга кетиши, ярадор бўлиб қайтиши, яна урушга кетиши, бу пайтда Шермуҳаммад онасининг қорнида 6 ойлик гумона бўлганини кўп сўзларди. Энасининг ҳамма гапи ёд бўлиб кетганди, қийналмади.

«Эрмуҳаммад Мирзаолимов 1912 йили Зоҳидон қишлоғи Ўзбек маҳалласида дунёга келган. 12 ёшида – 1924 йили Мадамин қозининг уйида очилган янги мактабда ўқий бошлади. 3 йил ўқиб бошланғич синфни битиради. 1928 йили Қувадаги муаллимлар тайёрлаш 3 ойлик курсида ўқиб, қишлоққа қайтади. Сўнг шу ерда ўқитувчилик қилади. 1941 йили уруш бошланади. Дадам фронтга чақирилади. 1943 йили олти жойидан яраланиб, госпиталда даволанади. У армия хизматидан озод қилинади. Дадам қишлоққа қайтгач ўзининг сеvimли касби – ўқитувчиликни бошлайди. Максим Горький номидаги мактабда тарих фанидан дарс беради. Худди шу йилларда Амиробод қишлоғидаги Чкалов номидаги мактабга директор этиб тайинланади. 1943 йил охирларида онам Буҳожар (Биби Ҳожар)га уйланади. 1944 йилнинг июнь ойида дадам иккинчи марта (кимларнингдир пинҳоний ғаламислиги билан) фронтга жўнатилади. Мен онамнинг қорнида 6 ойлик гумона эканман. Дунёга келдим. Бобом ва энамнинг қўлида отасиз ўсдим. Отам қаерда экан? Мен, албатта, уни топишим керак. Бобомнинг васиятини бажаришим шарт». Шерали қаламни қўйди...

1964 йил. Шермуҳаммад Тошкентда. У Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кечки бўлимига ўқишга киради. Кундуз кунлари 139-мактабда ишлайди. Шермуҳаммад ҳаёлини отасининг сиймоси бир дақиқа ҳам тарк этмасди. У ўқувчилар билан бедарак кетган кишиларни топиш амалиётини йўлга қўяди. Биринчи навбатда, ўз отаси ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилади. Россиянинг турли шаҳарларига хат йўлланади. Бироқ ота ҳақида бирорта тайинли гап йўқ. 1969 йили Шермуҳаммад институтни тамомлаб, қишлоғи Зоҳидонга қайтади. У қишлоқнинг ҳақиқий биринчи жисмоний тарбия ўқитувчиси. Чунки Шермуҳаммад жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб келгунча, Зоҳидон мактабларида армияни тамомлаб келган турли кишилар ёки бошқа шаҳарлардан вақтинча келиб ишлаган ўқитувчилар дарс беришган. 1972 йили Риштон туманида 1-мартга ташкил этилган Риштон туман физкультура ва спорт

қўмитасига 1976 йилгача раислик қилди. Сўнг туман марказидаги I-мактабда ўқитувчилик қилди. 1986 йили Риштон туман ҳарбий комиссариатига мурожаат қилиб, отаси ҳақида бирор маълумот сақланиб қолган-қолмаганини суриштиради. Архивларни титкилаш мобайнида онаси Бухожар номига «қора хат» келганини билиб олади. Унда шундай сўзлар битилганди: «Уруш фронтларида жанг қилган Эрмуҳаммад Мирзолимов ярадор бўлиб, 1945 йилнинг 17 апрелида ҳалок бўлди. У Чехословакиянинг Ново-Подворни шаҳрига дафн қилинган». Шу йили Шермуҳаммад рафиқаси Ўлмасхон билан Чехословакияга саёҳатга боради. Аммо отаси дафн қилинган Ново-Подворни шаҳрига қадами етмайди. Чунки бу шаҳар Шермуҳаммадлар турган Марямской Лазеядан 700 км узоқда эди. Саёҳатдан қайтгач қизил ярим ой жамиятига хат ёзади. Уруш йилларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган кишиларни излаш билан шуғулланувчи М.Самадов номидан Гулбаҳорга (Шермуҳаммаднинг қизи) ва ўзига хат келди. Шермуҳаммад ишдан қайтаркан, кўча эшигидан Гулбаҳор қўлида конверт билан отаси томон талпинади. «Дада, дадажон, бобомни топдик. Бобомни топдим». Қизининг икки юзи севинчдан қип-қизариб кетган, кўзларида ўт чақнардди, дадасига ташланди. Қизидаги бундай ҳолатдан кўзига ёш келди. Уни бағрига босди. «Дадажон, сизни топар кун бор экан-а?! Изингизни кўзимга тўтиё қилай, дадажон! Қани бобом, қани энам бу хабарни эшитсалар!»

Қизил ярим ой жамияти Марказий Кенгашидан келган хатда отасининг қабри Чехословакиянинг қайси шаҳридаги қабристонда эканлиги аниқ ёзилганди. Бу орада у 1992 йили Риштон шаҳар ҳокими этиб тайинланди. Иш кўп, лекин хаёли отасида. Қачон отам билан кўришар эканман? Қабрини бағримга боссам деган хаёл ундан сира нари кетмасди. Ниҳоят, ўша кун келди. 1992 йилнинг 10 сентябрь куни Чехословакиянинг Бруно шаҳрига, у ердан автобусда 50 км наридаги Годолин шаҳрига бордилар. Ёнида ҳаётидаги қайгуларига ҳам, шодликларига ҳам шерик бўлувчи кадрдони, вафодори – турмуш ўртоғи Ўлмасхон! Уларни Чехословакия дўстлик қўмитасининг секретари Минаш Буда кутиб олди. У билан дўстлик мазорига кириб борадилар. У ерда шаҳидлар хотирасига ўрнатилган мармар лавҳадаги кишилар номларини ўқийдилар: Н.Аҳмедов, Н.Алимов, Р.Равшанов, А.Алиев, Э.Мирзолимов, А.Соҳибов, А.Нуров, С.Болтаев, И.Т.-

Илёсов, Г.Қораев, М.А.Раҳимов, Р.Ғаниев, К.Мадиёров, М.Содиқбеков.

Мана, улар қабр оралаб боряптилар. Юрак, содиқ юрак! Учрашув лаҳзасини сезиб ҳаяжондан тез-тез уради. Иложи бўлса-ю, кўкракни ёриб чиқса, отасининг пойига думаласа. Ниҳоят, ота қабрига етдилар. Қабр тепасидаги «Эрмуҳаммад Мирзаолимов. 1912 – 1945 йил» ёзувини ўқиб, эр-хотин қабрга ташландилар. Кўзларидан ёшлар тоғ жилғасидек оқа бошлади. Чех Минаш Дуда ҳам тоқат қилолмади. Рўмолчаси билан кўз ёшларини арта бошлади. 45 дақиқа Шермуҳаммад қуръон тиловат қилди. Қўлини дуога очганда, Минаш Дуда ҳам қўшилди.

Ота юзини кўрмаган, аммо унинг яшагани, узоқ-узоқларда эканига болалигидан инонган, 20 йил тинимсиз уни излаб, хатлар ёзиб толмаган ўғил – Шермуҳаммад Зоҳидонда туғилиб ўсган ҳовлисидан олиб келган бир қисм тупроқни, Ўлмасхон эса Риштон тупроғини қабр узра сецдилар. Ота ўзи туғилиб ўсган юрт тупроғига қўшилди. Ниҳоят, видолашиб ортига 2-3 қадам ташлади. Шу он ота нидосини эшитди.

– Шермуҳаммад!

– Ё, Раб! Отам-ку! Шермуҳаммад беихтиёр ортига қаради. Ота қабри, ҳеч ким йўқ. Демак, отасининг руҳи тирик, у ҳаёт, ўғлининг дийдорига тўймабди. Шермуҳаммад ортига тез қайтди. «Ота, отажон! Мен ўғлингизман, Шермуҳаммадман!» Бу сафар бўлмади: ўкириб-ўкириб йиғлади. Ўлмасхон ҳам йиғлади, айтиб-айтиб йиғлади. Шермуҳаммад қабр тупроғидан бир сиқим олиб рўмолчасига тугди. Мана, шунга ҳам 19 йил бўлибди. Унинг рўмолчасидаги тупроқ сандиқда. Хотинига, ўғил-қизига тайинлаган:

– Менинг жисмимни тупроққа қўйишда отам мазоридан олинган шу тупроқни қўшиб кўминлар.

Отага садоқат шунчалик бўлар! Бу садоқатни бизда – Зоҳидонда «зодиёнчилик» дейдилар.

Шермуҳаммад Мирзаолимов 1997 йил 14 декабрдан бошлаб бир неча йил давомида жаҳонга машҳур олим Бурҳониддин ар-Рошидоний меросини ўрганиш ва таваллуд кунини нишонлаш Риштон тумани нодавлат қўмитасининг раиси вазифасида ишлаб, Самарқанд, Ташкент, Урганч, Марғилон каби шаҳарларда бўлди. Зоҳидонга қарашли «Соҳиби Ҳидоя» мозо-

рининг жануби-шарқий қисмида бўлган Бурҳониддин ар-Рошидонийники деб кўплар томонидан эътироф этилган (бундай қабрлар Марғилон ва Самарқандда ҳам бор) қабрини таъмирлаб, устига айвон қуриш ишларига бош-қош бўлди. Қабристоннинг Риштон қисмида буюк олим хотирасига бағишланган музейнинг ташкилотчиларидан бирига айланди. 1993 йили аллома таваллуди Риштонда ҳам зўр тантана билан нишонланди.

Шермуҳаммад ҳозир нафақада, Риштонда рафиқаси Ўлмасхон билан осойишта умргузаронлик қилмоқда. Бола-чақалик, невараларига бош. Тез-тез Зоҳидонга, отасининг, ўзининг ёшлик, болалик йиллари кечган Ўзбек маҳалладаги ҳовлисига келиб турди. Ахир, у зоҳидонлик-да!

**XX асрнинг 20-йилларидан 2011 йил
1 сентябргача Зоҳидон қишлоқ совети раиси ва
бошқа лавозимда фаолият кўрсатган шахслар**

1. 1926 – 1937 йиллар Мамажон Ҳамидов.
2. 1937 – 1938 йиллар Тожибой Назаров.
3. 1939 – 1942 йиллар Ражаббу Абдуллаева.
4. 1943 – 1945 йиллар Тожали Мажидов.
5. 1946 – 1948 йиллар Жабборқул Ҳожиев.
6. 1949 – 1951 йиллар Фахриддин Фахриддинов.
7. 1952 – 1954 йиллар Ҳомиджон Тожибоев.
8. 1955 – 1957 йиллар Тўйчибой Тожибоев.
9. 1958 – 1963 йиллар Баҳодиров.
10. 1964 – 1974 йиллар Омина Йўлчиева.
11. 1975 – 1977 йиллар Насиба Абдурахмонова.
12. 1978 – 1979 йиллар Муҳаммаджон ҳожи Исроилов.
13. 1979 – 1981 йиллар Мирзааҳмад Раҳимов.
14. 1981 – 1985 йиллар Акбарали Маматов.
15. 1986 – 1991 йиллар Абдумалик Бобораҳимов.
16. 1992 – 1999 йиллар Маъмуржон Қундузов.
17. 1999 – 2002 йиллар Солижон Акбаров.
18. 2002 – 2010 йиллар Абдусалом Ниёзов.
19. 2011 йилдан Зоҳидон шаҳарчаси ҳокими Эркинжон Абдуллаев.

Қишлоқнинг фаол кишилари, узоқ ўтмишда бўлганидек, яқин йилларда ҳам мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, маърифий-маданий ҳаётида олдинги сафда бўлганлар. Чунончи, Жабборкул Тожиев 1927 – 1928 йилларда Риштон туман ижроия қўмитаси раиси, Самижон Эркипов 30-йилларда туман молия бўлими мудирини, Райимжон Ҳасанов 1940 – 1943 йилларда туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосарини, Мусожон Қосимов 1992 – 1996 йилларда Риштон тумани ҳокимини, Набижон Ғаниев 70 йилларда Қува тумани прокурорини вазибаларида хизмат қилдилар.

ИСТИҚЛОЛ ШАҲАРЧАСИ

1991 йил 31 август кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини деб эълон қилинди.

1991 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон халқининг умрбод хотирасидан ўчмайдиган кун – Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Шу кунини бутун ўзбек халқи каби Зоҳидон қишлоғи ва унинг заҳматкаш фуқаролари эркинлик шабадасидан яйраб нафас олди. Хонадонларда, кўчаларда – бутун қишлоқда ўзгача бир ҳаёт, ўзгача бир замон бошланганди. Шу кундан қишлоқда кундан-кун янгиликлар кўпайди. Эл-юрт – ўз сарбониға, ўз ҳукуматиға, ўз пулиға, аввало, ўз тилиға эға бўлди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимиға ўтилди.

Зоҳидон қишлоқ фуқаролар йиғинини барпо бўлди. Унинг биринчи раиси Абдумалик Бобораҳимов. Қишлоқ фуқаролар йиғинини ҳудудида 6 та маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этилиб, уларнинг раислари сайланди. Қишлоқда колхоз бошқаруви битирилиб, ширкат хўжалиғи тузилди. Ширкат хўжалиғи раиси бўлиб Раҳимжон Акбаров, Нўъмон Назаров, Шавкат Собиров ишладилар. Сўнг ширкат хўжалиғи фермер хўжаликларига айлантирилди. Қишлоқ ҳудудидаги ерлар фермерларға бўлиб берилди. Дастлаб 100 дан ортиқ фермер хўжалиғи бўлса, кейинчалик 25 та йирик фермер хўжалиғи ташкил топди. Қишлоқда янги ҳаёт бошланди.

Халқ маорифи соҳасида уч босқичли таълим тизими йўлга қўйилди. Қишлоқда 5 та 9 йиллик мактаб фаолият бошлади. Қишлоқ гузаридаги Зоҳидон пахта тайёрлов пункти тугатилди. Унинг кенг ҳудудий чегарасида 2008 йили Педагогика ва Молия-иқтисод коллежи иш бошлади. Унинг 3 қаватли кўркам биноси қишлоқ ҳуснини очиб юборди. 90-йиллар бошларида собиқ Кўтарма маҳалласи Умар Эминов ва Навоий кўчалари чорраҳасида Зоҳидон қишлоқ намозхонларининг жоме масжиди собиқ колхоз омборхонаси ўрнида фаолият бошлаган бўлса, 2000 йиллардан янги савлатли бинога эга бўлди.

МАСЖИДИ БОР ҚИШЛОҚ – НУРУ РАҲМАТГА БУЛОҚ

Бир вақтлар кўрқиб-писиб Яратганнинг олдидаги мўминлик бурчини адо этган халқимиз, Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, юртимиз мустақиллиги ва юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли виждон эркинлиги – диний эркинликка эришди. Истиқлол насими эсан биринчи кунданок Зоҳидон қишлоғи намозхонлари ўз масжидига эга бўлишди. Ҳолбуки, яқин ўтмишда атеист деб номланган кофирлар зўравонлиги туфайли қишлоқда битта ҳам масжид қолмаган, бари бузиб ташланганди. Қишлоқдаги колхоздан қолган эски омборхонани ҳашар йўли билан масжидга айлантирган намозхон аҳли бугунги кунда салобатли, муҳташам янги масжид биносида Яратганга шукроналар айтиб ибодат қилмоқда. Зоҳидон қишлоғининг ислом дини уламолари пешвоси, минглаб шогирдларнинг устози Мўминжон ҳожи қори (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин) Зоҳидон жоме масжидининг янги биносини қуриш ташаббускори сифатида жуда катта саъй-ҳаракат қилди. Ўзининг ёқимли, мулойим овози билан ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборувчи бу улуғ зот хотираси қишлоқдошларимиз ёдида умрбод сақланиб қолади.

Зоҳидон жоме масжидини бугунги кунда Мўминжон ҳожи қори отанинг фарзанди Исломжон қори бошқармоқда. Қишлоқ жоме масжидида иккита хонақоҳ бўлиб, жума намозида ҳар иккаласи ҳам ибодат қилувчилар билан тўлади. Иккала хонақоҳ ҳам кўркам ва ораста. Масжид ҳовлисида кенг миқёсли обо-

донлаштириш, қайта қуриш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҷумладан, масжиднинг жанубий қисмида ёзлик намозгоҳ учун қурилиш ниҳоясига етмоқда. Ҳозирда қурилиш ишлари давом этапти. Масжид таҳоратхонасида намозхонларнинг таҳорат олишлари учун барча шароитлар етарли. Ҳар жума намози олдидан имом хатиб турли мавзуларда маърузалар қилади.

Ҷума кунлари бўладиган қишлоқ бозори Гагарин кўчасини тўлдириб, одамлар билан гавжум энг файзли савдо марказига айланди. Қишлоқнинг «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2009 – 2010 йилларда замонавий архитектура асосида янги тураржой бинолари қад ростлади. Улар оила аъзолари учун барча қулайликларга эга бўлиши билан бирга ташқи кўриниши ҳам кишилар дидига мос қилиб қурилган. Айни пайтда кварталнинг ғарбий қисмида янги мактаб биноси қурилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Аҳолининг иқтисодий аҳволи яхшиланиши туфайли, қишлоқ кундан-кун чирой очмоқда. Одамларда, асосан, ёшларда ишбилармонлик, тадбиркорлик кучайиб боргани сари, маиший турмуш маданийлашиб, шаҳар ижтимоий ҳаёти таркиб топа бошлади.

Қишлоқда кўкат етиштириш, боғдорчилик, деҳқончилик каби касб-корлар шу қадар кучайдики, маҳсулотлар республиканинг турли вилоят, шаҳарларига, ҳатто чет элларга экспорт қилинадиган бўлди. Бундай ишларнинг самараси ўлароқ қишлоқда кишиларни иш билан таъминлаш ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш чоралари ўз-ўзидан ҳал бўлди. Қишлоқда моддий ҳаёт, маданий турмуш тарзи юксалди.

Ана шулар ҳисобга олиниб юқори маъмурий идораларнинг қарори билан 2011 йилнинг июль ойида қишлоқ фуқаролари маркази Зоҳидонга шаҳарча мақоми берилди. Шаҳарчанинг биринчи ҳокими этиб Эркинжон Абдуллаев сайланди. Ҳозир у ерда жўшқин ҳаёт бошланган. Шаҳар мақомини олиш учун янги бош лойиҳа асосида қайта қурилмоқда. Маҳаллий аҳоли шаҳарчага саноат турларининг кириб келишини сабрсизлик билан кутмоқда. Ўшанда кишиларни иш билан банд қилиш муаммоси ҳам узил-кесил ҳал бўлади. Ана шундай кун келади. Чунки Зоҳидон халқи жуда ишчан, ғайратли. Улар, албатта, Аллоҳ иродаси ила ўз гўшаларининг янада обод ва гўзал бўлиши учун

астойдил тер тўқадилар. Зодиён аҳолиси бугунги кунда 20 минг-ни ташкил этган экан, эртага унинг авлоди 40 – 50 мингга етади. Чунки Аллоҳ меҳр назари билан боққан ер ҳамиша обод ва чароғон бўлгуси. Эртанги кунинг янада файзли ва фаровон бўлсин, Зоҳидон!

ЗОҲИДОН ШАҲАРЧА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ

Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини 6 маҳалла фуқаролар йиғинига бўлинган. Шаҳарча фуқаролар йиғинига қарашли Зоҳидон маҳалла фуқаролар йиғини ўтмишдаги Андижон, Кал маҳалла, Кўтарма маҳаллалари ва янгидан ташкил топган Сўхмозор маҳалласини ўз ичига олган; 13 та кўчадан иборат.

1. Бинокор маҳалласи.
2. Гул маҳалласи.
3. Андижон маҳалла.
4. Б.Умурзоқов маҳалласи.
5. Тинчлик маҳалласи.
6. Баҳор маҳалласи.
7. Сўхмозор маҳалласи.

Бу маҳалла фуқаролар йиғини 1997 йили ташкил топган.

Аҳоли сони 3155 нафар.

Маркази: Зоҳидон шаҳарчаси.

Чегараланиши: ғарбдан Бўстон МФЙ.

Жанубдан Узункўча МФЙ.

Шимолдан Чеки Насриддин, Чеки Жалойир МФЙ.

Шарқдан Ёшлик ва Мевазор МФЙ.

Зоҳидон шаҳарчасида

1. Ўзбеклар 3144 нафар.
2. Тожиклар 9 нафар.
3. Қорақалпоқлар 1 нафар.
4. Қирғизлар 1 нафар.

Шаҳарчада 17 киши тadbиркорлик билан шуғулланади.

Зоҳидон шаҳарча Узун кўча маҳалла фуқаролар йиғини:

1. Узун кўча маҳалла.
2. Капа маҳалла.
3. Наврўз маҳалла.
4. Ўзбек маҳалла.

5. Янги маҳалла.

6. Янги (Капа) маҳалла.

Бу маҳалла фуқаролар йиғини 1997 йили ташкил топган.

Аҳоли сони 2963 нафар.

Маркази: Узункўча МФЙ.

Чегараланиши: Ғарбдан Пандигон МФЙ.

Жанубдан Оқер ҚФЙ, Авазбой МФЙ.

Шимолдан Бўстон МФЙ.

Шарқдан Зоҳидон МФЙ.

Зоҳидон шаҳарчасида

1. Ўзбеклар 2952 нафар.

2. Тоҷиклар 11 нафар.

Узун кўча МФЙда 19 киши тadbиркорлик билан шуғулланади.

Зоҳидон шаҳарча «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини:

1. Иттифоқ 1-маҳалла.

2. Иттифоқ 2-маҳалла.

3. Хонақоҳ 1-маҳалла.

4. Хонақоҳ 2-маҳалла.

5. Ёшлик 1-маҳалла.

6. Ёшлик 2-маҳалла.

7. Ёшлик 3-маҳалла.

Бу маҳалла фуқаролар йиғини 1997 йили ташкил топган.

«Ёшлик» маҳалласида 3080 киши яшайди.

Шундан эркаклар 1562 нафар, аёллар 1518 нафар.

19 киши тadbиркорлик билан шуғулланади. «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чўлпонова Манзурахон Назировна, ўрта махсус маълумотга эга, мутахассислиги тарбиячи.

4. Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини. Ташкил топган йили: 1997 йил.

Худуди: Шимолда Амиробод маҳалла фуқаролар йиғини.

Жанубда Ёшлик маҳалла фуқаролар йиғини.

Ғарбда Мевазор маҳалла фуқаролар йиғини.

Шарқда Сўхобод маҳалла фуқаролар йиғини.

Маркази: Бўтқа қишлоғи.

Аҳолиси: 3074 нафар.

Шундан эркаклар 1526 нафар, аёллар 1548 нафар.

Бу маҳаллада мактаб – 1 та, саргарошхона – 1 та, новвойхона – 1 та, гўшт дўкони – 1 та.

5. Мевазор маҳалла фуқаролар йиғини.

Мевазор маҳалла фуқаролар йиғини 1997 йили тузилган. Бу маҳалла ғарбда Зоҳидон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди билан, шарқда Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини билан, жанубда Ёшлик, шимолда Амиробод (қишлоқ) маҳалла фуқаролар йиғини билан чегарадош.

Мевазор маҳалласида 2898 киши яшайди.

Шундан 1458 таси эркак, 1443 таси аёл.

Маҳалла ҳудудида 2009 – 2010 йилларда замонавий лойиҳа асосида ёш оилалар учун янги квартал топширилди. Янги квартал уй бекалари учун барча қулайликларга эга. Мевазор маҳалла ҳудудида янги мактаб қурилиши давом этмоқда. 2 та саргарошхона, 1 та гўшт дўкони, пойабзал тикиш, таъмирлаш устахоналари маҳалла аҳли хизматида. Юк ташувчи транспорт хизмати билан Маҳмуджон Абдазов қишлоқда тadbиркорлик қилади.

ЗОҲИДОН ШАҲАРЧА АМИРОБОД МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ:

1. Амиробод маҳалла.
2. Амиробод 1-маҳалла.
3. Амиробод 2-маҳалла.
4. Дўстлик маҳалла.
5. Ёшлар маҳалласи.
6. Наврўз маҳалла.
7. Полвонобод маҳалла.

Бу маҳалла фуқаролар йиғини 1997 йили ташкил топган.

Аҳоли сони 4325 нафар.

Маркази: Амиробод МФЙ.

Чегараланиши: Ғарбда Мевазор МФЙ.

Жанубда Гулистон МФЙ.

Шимолда Меҳнатобод МФЙ.

Шарқда Сўхобод МФЙ.

Амиробод маҳалласида:

1. Ўзбеклар 4272 нафар.
2. Тожиқлар 19 нафар.
3. Қирғизлар 32 нафар.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йигиталиев Умарали.

Амиробод МФЙда 10 киши тadbиркорлик билан шуғуллана-

ди. Хусусан, қишлоқда чакана савдо, қандолатчилик, қассобчилик, компьютер хизмати, тегирмон, сартарошхона, дорихона каби тадбиркорлик ишлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Тўлқин ҳожи Полвоновнинг ғишт заводи мавжуд.

Амиробод қишлоғининг ўтмиши ҳақида қисқача маълумот:

Амиробод қишлоғи ҳақида дастлабки маълумот ҳозирги замон тарихшунослиги тан олмаган «Олтин бешик» ривоятда келтирилади. «Афзал ат-таворих»да мазкур ариқ Хўқанд шаҳридан шарқ томонда, Рошидон шаҳрининг шимол томонида деб ёзилади. Агар 1648 йил санаси тарихий ҳақиқат бўлса, Хўқанд шаҳрига 1709 йили асос солинган, бу биринчидан, Рошидон билан Амиробод ариғи ўртасида Зоҳидон қишлоғи – Минг уйли Зодиён бор. У қаламга олинмаган – бу иккинчидан. Маълум бўладики, «Афзал ат-таворих» муаллифи ўзидан олдинги тарихчининг «Олтин бешик» ҳақидаги маълумотини айнан кўчириб ёзган, ўзи бу ҳудудларни яхши билмайди.

Худоёрхонзода қаламига мансуб «Анжум ат-таворих»да эса анча ҳақиқатга яқинлашиш кўзга ташланади. Тўғри, унда ҳам Амиробод ариғининг қазилиши ва қишлоқ амир Тангриёр номи билан боғланиши (ривоят асосида) бор. Аммо, иккинчи томондан, Амиробод ариғининг географик ўрни аниқ кўрсатилмаган. Унда шундай ёзилган: «Амир Тангриёр султон теварак-атрофдан деҳқон ва ҳунармандларни чорлаб, ўзи қаздирган катта ариқ атрофини – Қуйи Зоҳидон мавзеини обод қилди, деҳқончилик, касб-ҳунарни ривожлантирди ҳамда ариқнинг ҳар икки тарафидан ерсиз ва кўчманчилик қилиб юрувчи кишиларга ер тақсим қилиб берди. Шу аср одамлари бу наҳрни «Амир Тангриёр Султон ариғи» деб атадилар, янги пайдо бўлган мавзени «Амиробод» деб номладилар». Чунки Амиробод Рошидондан қарийб 6 – 7 километр узоқ, Зоҳидон билан эса туташ ҳудудда жойлашган.

Тарих фанлари доктори А.Абдуҳамидов «Ўзбекистоннинг тоғ-олди ерларида суғориш ишлари» китобида ёзилишича, «Қадимдан мавжуд бўлган Риштон анҳори XIX аср ўрталарига келиб йирик сув иншоотига айланди. Риштоннинг қуйи қисмида экин майдонларининг вужудга келиши билан, Риштон ариғини кенгайтириш масаласи кўзгалди. Айни пайтда, Жаҳонобод, Хурамобод, Амиробод каби қишлоқ экин майдонлари учун янги сув ариқлари очилиши муносабати билан, Риштон сой сув сиғи-

мини кучайтириш зарурияти туғилди» (Абдухамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. – С.48 – 49).

Юқорида келтирилган тарихий маълумот ривоят («Олтин бешик»)га қараганда анча ишонарли далилдир. Чунки XIX асрда Қўқон хонлари: Олимхон, Умархон, Муҳаммадалихон, Худоёрхон даврларида Фарғона водийсида янги экин майдонлари, сув иншоотлари барпо бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир. Қолаверса, Зоҳидонда Норбўтабий, Олимхон, Умархон, Худоёрхоннинг амирлари яшаб ўтган. Зоҳидон, Амиробод ариқлари уларнинг ташаббуси билан қазилган бўлиши мумкин. Қўқон хонлиги тарихнавислигининг тўнғич асари Шермуҳаммад Акмал Хўқандий «Амирнома»сидир. Қўқон хонлари тарихи ва уларнинг шажараси Умархон даврида (шахсан Умархоннинг хоҳиши ва истаги билан) ёзилгани ҳам, юқоридаги ривоятнинг тарихга далил қилиб олинishi ҳам Амиробод ариғи XVII аср ўрталарида эмас, XIX аср ўрталарида барпо бўлганини тасдиқлагандек. Ана шу далиллар Амиробод ариғи ва Амиробод қишлоғи XIX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган дейишга асос бўла олади.

Фарғона вилоят Қўқон уезди Бачқир участкасидаги Зоҳидон волости таркибига кирган Амирободи Қизилтупроқ қишлоғида 1909 йили бор-йўғи 76 та хўжалик бўлгани ва 388 киши истиқомат қилганини ҳисобга олсак, ўтмишда у унча катта манзилгоҳ бўлмагани ойдинлашади.

Ҳурматли олим Шодмон Воҳидов «Қўқон хонлигида тарихнавислик» китобида шундай ёзган: «Манбаларда таъкидланишича, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ ва қозоқ-қипчоқлар Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийси худудига кўчиб келишга мажбур бўлишган». Агар шу манбага асосланадиган бўлсак, Амиробод қишлоғидаги Қирғиз маҳалласи XIX аср бошларида ташкил топган бўлиши мумкин.

Қарийб 100 йил давомида қишлоқда 76 хўжаликнинг ташкил топиши қишлоқ номининг Амирободи Қизилтупроқ деб аталишидан ҳам маълум бўлса керак. Чунки оқ тупроқ қора тупроқ, қизил тупроқ, шўрхоқ тупроқли ерларга нисбатан унумли бўлади. Амиробод қишлоғининг вужудга келиши, албатта, қишлоқ номи билан аталган ариқнинг шарофати билан бўлган.

Амирободдаги 76 хўжаликнинг 71 тасида ер томорқа, ҳатто катта ерлар ҳам бўлган. Жумладан, Марайимбой Мамасоли қори ўғли,

Бекназар мерган, Бўронбой, Худдикул ўғли, Фозилжон ўғли сингари бой-бадавлат кишилар ихтиёрида катта ер-мулк мавжуд эди. Ерсиз хўжалиқдаги кишилар бойлар қўлида чорикор бўлиб ишлаган.

Амиробод қишлоғининг ўз аминлари бўлган.

Аминжон Исоқжон ҳожи ўғли 1888 йили туғилган. У киши Аминжон амин номи билан машҳур бўлган.

Аҳмад амин Тўракул ўғли 1874 йили Амиробод қишлоғида туғилган. Қишлоқда деҳқончилик, чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган.

Янги Амиробод қишлоғи аҳли китобхон халқ. Қишлоқ марказидаги кутубхона ҳар доим китобсеварлар билан гавжум. Шу қишлоқда яшовчи Сайфиддин Марасулов ўз шахсий кутубхонасига эга, унинг бисотида 3 мингта яқин турли мавзуга доир китоблар бор.

«ЯНГИ АСР БОҒБОНЛАРИ»

«Қуш уясида кўрганини қилади», – деган боболаримиз ҳикмати чин ҳақиқат эканлигини ҳар бир ақли расо инсон яхши билади. Чунки полапон онасининг барча қилиқларини такрорлаб улғаяди. Онасидай ўз ризқини топиб ейди. Инсон боласи оиласи, ота-онасининг феъл-атвори, меҳнатини кўриб, унинг самарасидан баҳраманд бўлиб улғаяди. Шунинг учун қўлидан бир ишни бажариш келган кундан бошлаб отаси ёки онасининг юмушларини қилишга киришади.

XX асрда бутун умри далада ўтган деҳқонлар Янгибой ака, Йигитали ота, Раҳмонали ҳожи ака, Ҳакимжон ака ҳамон қўлидан кетмонни ташламаган. Умрининг чорак асри даштда боғ яратиш билан ўтган. Тўланбой ака, Зоҳидонда ҳамма ҳурмат қиладиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бутун умри пахта даласида ўтган Ҳасанбой ака Ҳусанов, механизатор Ибодилла Юсупов, Ҳожимамаат Акбаров, Ҳамдам ҳожи Мирзаҳмедов каби миришкор деҳқонлардан Аллоҳ рози бўлсин.

Янги аср боғбонлари бўлган Абдуқаҳҳор Янгибоев, Хидирали Йигиталиев, Холматжон Мамасиддиқов, Бегали Ўўраев, Усмонали Ҳакимов, Холжўра Йўлдашев, Нурмуҳаммад Ҳусанов, Сулаймон Исмоилов, Қаҳрамонжон Мирзаҳмедовлар Зоҳидоннинг дашт мавзесида ота-боболари ишини давом эттиришмоқда.

МАЛИКЖОН БОБОРАҲИМОВ (филология фанлари номзоди)

ҚУТЛУҒ КУНЛАР ЁДИ

«Умидамиз борки, иқболимиз қуёши чиқажак...»

Ўзбек адабиёти узининг бой тарихи, ноёб истеъдодларига эга. Салмоқли лирик мероси билан ўзига ҳайкал ўрнатиб кетган шоирлардан бири Моҳларойим – Нодирадир.

Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Умрининг кўп қисмини Қўқонда ўтказган. У адабий меросимизни кўп билан ўрганди ва ўз ижодида бундан фойдаланди.

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулишан ичра гул топишмас хорсиз.
Ҳар кишини бир муносиб ёри бор,
Мен ўшал оворадурман ёрсиз.
Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз, –

деб ёзади шоира. Нодира ўттиз ёшларида умр йўлдоши Умархон вафот этади. Мамлакат иқтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиши билан бирга бадший ижодни ҳам тўхтатмади. У ёр фироқи ва васли ишқида ўртаниб ёзади:

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамидин бу иморат бўлди вайрон оқибат.
Аҳду паймонлар қилиб эрди вафо қилгум дебон.
Айлади тарки вафо ул аҳду ёлгон оқибат.

Бу ҳажр мотивлари, фирок, ўртанишлар ғазалдан-ғазалга такомил топиб боради:

Ул парипайкар ҳажридин жаҳоним бўлди талх,
Шарбати лаълидин айру коми жоним бўлди талх.

Нодира шеърлари ҳаётини кузатувлар асосига қурилган. Унда лаҳзалик кечинмалар, инсоний ғурур, қадр-қийматнинг баҳоси алоҳида таъкидланади. Айниқса, шоира шеърларидаги аёл образи алоҳида диққатни тортади. У ўзбек аёлларининг кечмиши, оғир қисмати, азобу уқубатлари, бу азоб-уқубатларга қарши мунгли нидоси, орзу-уйларини ифода этган мисралар битади:

*Нотавон кўнглими ҳам даштида дерлар хорпушт,
Чунки беҳад санчиғубдур хори мижгон ҳар тараф.*

Шоира лирик қаҳрамони эрка ташна, у ҳар бир шахс ўзида бўлишини истайди. Ҳамма шоирларда бўлганидек, Нодира ижодида ҳам муҳаббат мавзуси алоҳида севиб тараннум этилган. У инсондаги номус ва ҳаёни жуда муқаддас туйғу деб билади. Муҳаббатсиз киши одам эмасдур дейди у. Лирик қаҳрамон ўз севишлисини тушида бир кўришни истайди:

*Низори гулбаданганими тушимда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканими тушимда кўрсам эдим.
Кўз очмайин гамида рўзгорим ўтегучидир
Ки, ёри сиймтаними тушимда кўрсам эдим.
Юзи гулу қоши шамшод, кўзлари нарғис,
Баҳору ёсуманими тушимда кўрсам эдим.*

Шоира ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзди. Ўзбекча шеърларига Комила, Нодира, форс-тожик тилидаги шеърларига Макнуна ва Нодира тахаллусларини қўйган. Шоиранинг тахаллуслар билан ёзилган 10 минг мисрага яқин лирик мероси бизга маълум. Улар газал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржибанд каби жанрлардан ташкил топган.

ШАҲАРЧАМИЗ КЎРКИ

Зоҳидон шаҳарчасига жойлашган Ришгон педагогика ва иқтисодиёт коллежи бугун таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг намунаси сифатида 2009 йили Фарғона вилояти Олтиариқ тумани «Файз бинокор» хусусий фирмаси томонидан бунёд этилди.

Ушбу гўзал бино 795 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг олдидан ўтган ҳар бир инсон ҳавас билан қарайди.

Аллоҳнинг назари тушган юртимизнинг мўъжаз масканида 123 нафар педагог ходим таълим-тарбия бермоқда. Шу билан бирга, ободонлаштириш ишлари намунали амалга оширилмоқда. Мазкур илм даргоҳига биринчи раҳбар бўлиш Зоҳидон фарзанди Муқаддасхон Бекмирзаевага насиб этди. Маънавий, маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Юсупов Ўктамжон,

ўқув ишлари бўйича ўринбосар Омонов Қўлдошбойдир. Касбий таълим бўйича директор ўринбосари Ҳақимов Илҳомжон. Коллежда бешта йўналиш бўйича мутахассислар таёрланади.

МУСТАҚИЛЛИК ФИДОЙИСИ

Умриниса Абдувоҳидовани нафақат туманда, балки бутун вилоятда ҳам яхши танишади. У йигирма беш йилдирки туманимиздаги 33-умумий ўрта таълим мактабида миллий ғоя туркумига кирувчи фанлардан сабоқ бериб келмоқда. Умриниса фидойи инсон бўлибгина қолмасдан, ижодкор ўқитувчи, меҳрибон устоз, намунали она, ўз оиласининг чироғидир. Унинг бир қатор шеър, ҳикоя ва мақолалари туман, вилоят, республика газеталарида эълон қилинган.

1999 йили ижодкор ўқитувчиларнинг VIII республика анжуманида қатнашди. Бир неча бор «Энг фаол маънавият тарғиботчи» вилоят кўрик танловида қатнашган. Унинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-қарорини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келаётганлиги ҳам диққатга сазовор. «Одобнома – ҳаёт дарси», «Эзгуликка элгувчи фан», «Комилликнинг калити» деб номланган услубий қўлланмалари туман, вилоят ва республика миқёсида омалаштирилган.

Меҳнат қилган элда азиз дейишади. Умринсанинг олиб бораётган самарали ишлари муносиб тақдирланмоқда. У 2004 йили мамлакатимизнинг «Шухрат» медалига сазовор бўлди. Моҳир педагог Президент Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ёшлар қалбига сингдиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг мазкур соҳадаги тажрибасидан туманимиздаги кўпгина ўқитувчилар ижодий фойдаланаётгани диққатга сазовордир.

Яқинда Умринса ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан вилоят бўйича ўтказилган «Энг яхши дарс ишланма» кўрик танловида унга фахрли 2-ўрин берилди. Фарғона вилояти ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят

қўмитаси раиси С.Саидхўжаевлар томонидан «Фахрий ёрлик» ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умринса мактабда ҳам тиниб-тинчимайдиган фидойи инсонлардан. У ёшларга ўз тажрибасини эринмай ўргатади, ўтказилаётган тадбирларда истиқлолнинг беқиёс ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида суҳбатлар уюштиради. Ўқувчиларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб қайтаради. Бир сўз билан айтганда, уни мустақиллик фидойиси, маънавият тарғиботчиси, эзгулик улашувчи инсон деб аташ тўғри бўлади. Шундай инсонлар бор экан, Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверади. У 2011 йил сентябрь ойидан бошлаб Зоҳидондаги Риштон педагогика ва иқтисодиёт коллежида янги авлодга маънавият сабоқларини бермоқда. Қуйида шоира ижодидан намуналар келтирамыз.

ТУГИЛГАНИМГА ШУКУР ЎЗБЕКИСТОНДА

*Томиримда боболар қони жўш урар,
Иқболим-чун юртбошим ўзи қайгулар,
Ишончини оқтай деб ёшлар шай турар,
Туғилганимга шукур Ўзбекистонда,
Фарзандлари бахтиёр гўзал бўстонда.*

*Кексалари дуоғўй, суради даврон,
Бу ўлкада ҳеч кимса бўлмайдди сарсон,
Энг муҳими, юртимда тинчлик ҳукмрон,
Туғилганимга шукур Ўзбекистонда,
Кексалари дуоғўй азиз маконда.*

*Маънавият қуёши порлаб туради,
Илм-зиё маскани чорлаб туради,
Энтикади юрагим завқ-ла уради,
Туғилганимга шукур Ўзбекистонда,
Фарзандлари бахтиёр гўзал бўстонда.*

ЎЛКАМГА ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗИМ

Еру замин очар кўзини,
 Ясантирар олам ўзини.
 Ҳофиз жўшиб куйлайди бу кун,
 Шоир ашъор қилар сўзини.
 Сенинг билан бутун ризқ-рўзим,
 Ўлкамга хуш келдинг, Наврўзим,
 Аллоҳимга минг шукур қилдим,

Бош кўтарди бодраб майсалар.
 Гўё менинг бахтимни тилаб
 Майин сабо бошимни силар,
 Сенинг билан бутун ризқ-рўзим,
 Ўлкамга хуш келдинг, Наврўзим.

Бунда тонглар ўзгача отар,
 Муаттар ҳид дилни уйғотар,
 Япроғида гуллар сув тутар,
 Ошиқ булбул висолни кутар,
 Сенинг билан бутун ризқ-рўзим,
 Ўлкамга хуш келдинг, Наврўзим.

ОБОД МАҲАЛЛАМ

Ота-бобомнинг излари қолган,
 Аллоҳим бугун бир назар солган,
 Азиз юртбошим бағрига олган
 Обод маҳаллам, гўзал маҳаллам.

Иштиқлолимнинг имконидир у,
 Иштиқболимнинг имконидир у,
 Қишлоғимнинг гул бўстонидир у,
 Обод маҳаллам, гўзал маҳаллам.

Меҳримни кўшиб ундирай гуллар,
 Чиройли бўлиб кетсин бу йўллар,
 Кўрғанда қувнаб ўтсин кўнглилар,
 Обод маҳаллам, гўзал маҳаллам.

Гуллаб-яшнасин Ўзбекистоним,
Халқимга фидо бўлсин бу жоним,
Озод юртимда хур гулистоним
Обод маҳаллам, гўзал маҳаллам.

АЙИРМАСИН ИЛДИЗИМДАН

Аллоҳ берган буюк неъмат,
Униб-ўсдим тупроғимда.
Онам бағри бўлди Ватан,
Балам қувнар қучоғимда.
Тарихда бобочинор,
Бақувватдир илдиэларим.
Улуэбекни эслатади
Гуллаб турган юлдуэларим.
Бор экан-ку она тилим,
Сўзлашолмай куйган дилим.
Иштиқлолга шукур қилгум,
Ўз тилимда олдим илм.
Энди қўлда ноним бутун,
Юрагимга иймон устун.
Қайтиб келди қадриятлар
Қадрин билган инсон учун.

ОНАМНИНГ ДУОСИ БЎЛАК

Сабрига бас келмас дунёнинг гами,
Она билан бутун рўзгорнинг ками.
Жойнамоэда ўтар тунларнинг ярми,
То тонггача порлар кулбада шами,
Бахтим тилаб азиз жонлари ҳалак,
Дунёда онамнинг дуоси бўлак.

Кеча-кундуз тинмай иштижо қилар,
Барчамизга бахту омадлар тилар.
Ўзи бемор бўлиб қолган чоғда ҳам
Фарзандини ўйлар, дуони билар,
Бахтим тилаб азиз жонлари ҳалак,
Дунёда онамнинг дуоси бўлак.

Аввал дуоларин бошлар Ватандан,
 Айирмасин дея бу жонни тандан.
 Ватанга хизмат қил, элдан олиқиш ол
 Дея иқболимни кутади мандан,
 Бахтим тилаб азиз жонлари ҳалак,
 Дунёда онамнинг дуоси бўлак.

ВАТАН ИШҚИ

Ватан недур, бу она диёр,
 Уни севмоқ келтирғай иймон.
 Ватан буюк деган туйёулар
 Хаёлимдан кетмайди ҳамон.

Чаманига булбул ярашар,
 Жаннатмакон макон, боғу бўстони.
 Севинчимдан кўзлар қамашар,
 Мунча гўзал Ўзбекистоним.

Қалбим ташна она еримга,
 Ватан ишқи бор тилагимда.
 Дилда борин ёзеум шеъримда,
 Асли, Ватан бу юрагимда.

МЕН СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Туйёуларим жўшар юракда бугун,
 Айтсам адо бўлмас дилда достоним.
 Тинчлик деган шиор қалбимга устун,
 Мен сени куйлайман, Ўзбекистоним.

Кулиб турса қуёшим, порласа ойим,
 Кун сайин яшнаса гўзал Риштоним,
 Бахтинг қулгани рост бўлсин, шлойим.
 Мен сени куйлайман, Ўзбекистоним.

Фарзанд билан гўзал уйим, рўзгорим,
 Кўзни қамаштирар нурли бўстоним,
 Ватаним – гурурим, номусим, орим,
 Мен сени куйлайман, Ўзбекистоним.

ЁРИМ

Меҳр-ла кўзимга термишсанг, ёрим,
Муҳаббат учкунни ажанга олар.
Бир бора тингласанг дилдаги зорим,
Билгилки, бир умр қалбимда қолар.

Бахт остонасига қўйсанг гар қадам,
Қулбам шамчироғи равшанроқ ёнар.
Хаёлим шубҳалар қуришар олса ҳам,
Барибир, юрагим сенга ишонар.

Мен талаб қилмасман молу дунёни,
Кибру ҳавога ҳам қилмасман ҳавас.
Ниятим фақат шу – омон бўлсанг бас,
Бир умр ёнимда бўлиб ҳамнафас.

МУҲАББАТ

Дунёда ишқи йўқ юрак қолмасин,
Висолим ўрнини ҳижрон олмасин,
Муҳаббатни куйлаб ҳофиз толмасин,
Қалбларга ҳамроҳ бўл ўзинг, муҳаббат.

Эзгулик замини, асли, муҳаббат,
Икки дилни боғлар уғина фақат,
Юрак меҳробидан жой олгин қат-қат,
Қалбларга ҳамроҳ бўл ўзинг, муҳаббат.

Инсонлар севгида топсинлар камол,
Ишқнинг азобидан кўрмасин завол,
Муҳаббатсиз юрак бўлмасин увол,
Қалбларга ҳамроҳ бўл ўзинг, муҳаббат.

ТҶЁНА

Қалбим қўридан айтарман тилак,
Йиғирма ёшинг бўлсин муборак.
Тинчлик тулпори халқимда бугун,
Ватан дея тепар ҳар бишта юрак.

Жамоатинг кўриб, юртим, қувондим,
Ватан ишқида кўйдиму ёндим.
Кун сайин дадил босган қадаминг,
Истиқболингга дилдан ишондим.

Куйланг, ўғил-қиз, тўйхона бўлсин,
Тинчлик, бирдамлик ҳамхона бўлсин.
Юрак-юракдан ёзган шеърларим
Қутлуғ бу тўйга тўёна бўлсин.

МАЪНОСИ НИМА?

Оналик меҳрини беролмас эрсам,
Мен учун фарзанднинг аълоси нима?
Навоий сатридан бир байт билмасам,
Мен учун алифнинг имлоси нима?

Ишқнинг оташида куйиб-ёнмаса,
Ошиққа Мажнуннинг Лайлоси нима?
Юракнинг қаърида бўлса муҳаббат,
Ғанимнинг севгимга балоси нима?

Гулни гулдек қилиб эъзоз этмасам,
Богимга гулларнинг раъноси нима?
Бир ғариб кўнглини ололмас эрсам,
Дунёда яшашнинг маъноси нима?

ХАЗИНА ТОПДИМ

Ўқибон ҳазрат Навоий сатридан
Шикаста қалбима даволар топдим.
Баҳр олиб гулшану анбар атридан,
Ўртанган бағрима наволар топдим.

Китоблар варақлаб чиқдим бирма-бир,
Умид чирогошо зиёни топдим.
Кўп йиллар излабон, кезиб қирма-қир,
Ягона шифобахш гиёҳни топдим.

Йўлларда саботим чоки сўкишди,
Дил чокин тикарга ил, игна топдим.
«Хамса»ни очдим-у, дурлар тўкишди,
Бир умр адо бўлмас хазина топдим.

ТОШКЕНТДАГИ ЗОҲИДОНЛИКЛАР

Инсон тақдири мисоли тилсим. Одам боласи дунёга келгач бошидан неча-неча аломат кунларни кечиради. Эртага нима бўлишини билмайди. Зоҳидон қишлоғига тақдир тақозоси билан турли ёқдан келиб қолган кишилар бир умр зоҳидонлик бўлиб қолган.

Зоҳидондан кетиб бошқа юртларда умргузаронлик қилаётганлар йўқ дейсизми? Бир вақтлар Зоҳидондан Қўқонга бориб, хонлар хизматини қилиб, қолган умрини Тошкентда лашкарбошлик, ҳокимлик қилиб ўтказган Нормухаммад қўшбегидек пойтахтимизда яшаётган зоҳидонликлар ҳам бир талай.

ТОШКЕНТ, МЕНИНГ ТАҚДИРИМДАСАН!

Азизжон Дадаев 1958 йили Зоҳидон қишлоғидаги 2-ўрта таълим мактабини тамомлаб, Фарғона шаҳридаги мусиқа билим юртига ҳужжатларини топширади. Орадан 2 кун ўтгач, у йўл-йўлакай тоғаси билан учрашиб қолади. Тоғаси ундан ҳол-аҳвол сўраган киши бўлиб:

– Азизвой, ўқишни битирдингми? – дейди.

– Ҳа.

– Энди нима қилмоқчисан?

– Фарғона мусиқа билим юртига ҳужжат топширдим.

– Неча йил ўқийсан?

– 3 йил.

– 3 йил ўқиб дутор кўтарасанми? Бошқа ўқиш қуриб кетибдими? Ўйлаб кўр.

Азизжон ўйланиб қолади. Ўзи санъатни яхши кўради. Қўнғироқдек овози бор. Тўй-тўйчиқда айтиб қолса, халқ олқишлайди. Лекин 3 йил ўқиб дутор кўтарадими? Тоғаси шундай деб турса, бошқалар нима дейди?

Азизжон билим юртидан ҳужжатларини қайтариб олди. Бу орада армия хизматига чақирув қоғози келди. Хизматга жўнади. Боқуда бўлди. Хизмат пайтида Боқу академик драма театрида «Гамлет» спектаклини томоша қилди. Томоша унга ёқди. Санъатта бўлган муҳаббати яна қайталанди. У қатъий қарор қилди: «Актёр бўламан!»

1962 йили армия хизматидан бўшаб, тўғри Тошкентга келди. Аскар кийимида Театр-рассомчилик институтига ҳужжат топширди. Ниҳоят, ўқиш! Йиллар кетидан йиллар ўтди. Азизжон

Ўқишни ҳам тамомлади. Театр директори уни хузурига чорлаб, ҳол-аҳвол сўради. Сўнг деди:

– Бир маслаҳатим бор, агар хўп десангиз, Тошкентда қолсангиз, Маданий-оқартув техникумида ўқитувчилик қилсангиз, нима дейсиз?

Азизжон ўйланиб қолди. У ерда ишлаб кета оламанмикан? Унда ишонч туйғуси ғолиб келди:

– Майли, мен рози.

Директор Азизжонга қўлини узатди.

– Гап деган бундай бўлибди. Муваффақият тилайман. Эртага диплом топшириш маросими.

Азизжон Маданий-оқартув техникумида фалсафа, саҳна нутқидан дарс берди. Ўзининг хулқ-атвори, тўғрисўзлиги, сипо-вазминлиги, ишга сидқидилдан ёндашуви, билим даргоҳида ташкилий масалаларни бажаришдаги фаоллиги билан талабалар орасида ҳам, билим юрти жамоаси орасида ҳам таҳсинга сазовор бўлди. Маҳалла фуқаролари ўртасида танилди. Азизжон Тошкент шаҳар кенгашига депутат этиб сайланди. Бу орада у (мутахассислиги театр ва кино актёри эмасми) «Талваса», «Сен ёлғиз эмассан» каби бадий фильмларда асосий роллардан бирини, бошқа фильмларда эпизодик ролларни ўйнади.

Азизжон Дадаев меҳнат фахрийси, халқ маорифи аълочиси. У Тошкентдек шаҳарда ҳурмат ва эътибор қозонган юзлаб зоҳидонликлардан бири. Чунки бу ерда Мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат бошқарувида масъул вазифаларда ишлаётган юридик фанлар доктори Музаффар Мамасиддиқов, фалсафа фанлари номзодлари Алломжон Юсупов, Ҳасанбой Зухуров, бир неча йиллар Тошкент шаҳар адлия идораларида масъул вазифаларда ишлаган Мухторжон Собиров, узоқ йиллар Тошкент шаҳридаги ҳазрати Зайнобиддин ота жоме масжидида мутавалли бўлиб ишлаган, Ёқуббийнинг авлодидан бўлган Шарофиддин ҳожи ака каби юзлаб зоҳидонликлар ҳам Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилишмоқда.

ШАВКАТЖОН МИРЗАМЎМИНОВ

Шавкатжон хизмат юзасидан келган собиқ устози билан ҳамқишлоғининг уйида кўришиб, суҳбатлашиб, кеч қайтди, анча вақт ётиб уйқуси келмади. Сўнги 30 йилда босиб ўтган ҳаёт йўли хаёлини банд этганди...

1982 йил. Шавкатжон Мирзамўминов ўрта мактабни битиргани ҳақидаги аттестатни қўлга киритди-ю, отаси Турсунали акадан оқ фотиҳа олиб Тошкентга жўнади. Ўша йили у ўқишга киролмади. Тошкент авиация заводида чилангарлик қилди, 1983 – 1985 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. Сўнг яна Тошкентда Мирзо Улугбек маданият ва истироҳат боғида техник, хусусий фирма раҳбари, 1991 – 1996 йилларда Тошкент давлат университети кечки бўлимида ўқиш – буларнинг бари осон эмасди. У ўзининг Ватанга, одамларга керак эканлигини чуқурроқ ҳис қила бошлади. Она юртнинг қалби бўлган Тошкент янада обод, янада кўркем бўла борди. Ўз тақдирини шу буюк шаҳар билан боғлаган Шавкатжон оиласини Тошкентга кўчириб келди. Бу ерда турмуш ўртоғи Одинахон билан бахтли турмуш қурдилар. Икки ўғил: Шоҳрух ва Шаҳбозжонларни улғайтирдилар. Миробод саноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчи, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири бўлиб ишлаган йиллари уни Тошкент автомобиль ва йўллар институтига таклиф қилишди.

2009 – 2011 йилларда шу институтда маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, сўнг касбий таълим факультети декани ўринбосари вазифаларида фаолият юритди, 2011 йилдан шу кунгача ректор ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Хизмат жойида ҳам, маҳалласида ҳам, ўртоқлари ўртасида ҳам ҳурмати баланд. Оиласи тинч, фаровон. Ахир, кишига бундан ортиқ яна нима керак? «Бахт дегани шу-да! Аллоҳга минг-минг шукур! Тошкент, сен менинг бахтли тақдиримсан!» – дейди у.

ЗОҲИДОННИНГ БИРИНЧИ ФАН ДОКТОРИ

Ўзбек халқи ўтмишда не-не оғир кунларни бошидан кечирмасин, жаҳон маданиятига ўзининг муносиб улушини қўшишдан тўхтамади. Муҳаммад ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Ар-Рошидоний, Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур сингари алломалар номини эшитган жаҳон аҳли ўзбек элини кўз олдига келтиради ёки ўзбек деганда юқорида исмлари айтилган алломалар ва уларнинг ўлмас асарларини ёдга олади.

XX асрда ҳам Ўзбекистон бир қанча улуғ алломаларни етиштириб берди. Ҳабиб Абдуллаев, Ёрқин Тўрақулов, Обид Содиқов, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби инсонларнинг номлари хорижий мамлакатларда ҳам машҳур-

дир. Бу улуг сиймолар туғилиб ўсган ўлка, вилоят, шаҳар ва қишлоқ аҳли улар билан чексиз фахрланадилар. Фалон олим ёки шоир бизнинг қишлоқда туғилган дейишади, кўнглида фахрифтихор туйғуси барқ уради. Шундай бахтга Бурҳониддин ар-Рошидоний юрти Риштон туманидаги Зоҳидон қишлоғи аҳли ҳам муяссар бўлди. Истиқлол шарофати билан 20 йилда 4 та олимни етиштирган Зоҳидон уларнинг биттаси фан доктори бўлганлиги билан қувонади. Фан доктори бўлганда ҳам бобоси Бурҳониддин ар-Рошидонийнинг қонуний вориси бўлди. Бундай шарафга эришган иқболи баланд ким дейсизми? У Музаффаржон Мамасиддиқовдир. Бундай таърифга лойиқ йигитнинг ота-онаси қандай бахтли кишилар экан-а дерсиз? Ҳа, улар чинакам саодатман инсонлардир. Чунки бунга эришгунча ҳаётнинг баланд-паст йўллари босиб ўтган Мусожон ҳожи ҳар лаҳзада Яратганга шукроналар айтишдан чарчамайди. Ахир, нечун беадад шукроналар айтмасин? Умрининг тенг ярмидан кўпи оғир машаққатли меҳнат билан ўтди. Қўқонлик ишбилармон Турдалининг ошхонасида шогирд, Риштон нефть-газ ташкилотига қарашли ишчилар таъминоти бўлимида юк ташувчи ишчи, савдо ходими, омбор мудир лавозимларида ишлаб, турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрди. Тожилахон билан турмуш кўрди. Кексалар айтмоқчи, Тожилахон Мусожонлар оиласига қутлуғ қадам билан кириб келди. Улар оиласида ўзгача файз, ўзгача турмуш бошланди. Аҳиллик билан 2 қиз, 2 ўғилни тарбияладилар. Уларнинг ҳар бири олий маълумотли бўлиши учун ғамхўрлик қилдилар. Катта қизи Мавлудахон Қўқон давлат педагогика институтини тамомлаган, олий маълумотли, ҳозирда Зоҳидон шаҳарчасида жойлашган 3-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Кенжа қизлари Мавжудахон ҳам онасининг йўлидан бориб муаллимлик касбини танлади. Ҳозирда 3-ўрта мактабда инглиз тили фанидан дарс беради. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Оилада учинчи фарзанд бўлмиш Муҳсинжон ҳам олий маълумотли: у 1997 йили Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаган бўлса, акасига ҳавас қилиб 2010 йили Тошкент давлат юридик институтини биттирди. Муҳсинжон ўқишни давом эттириб, 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини муваффақиятли тугатди. Кўп йиллар Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компаниясида турли

лавозимларда ишлаб келди. Ҳозирда Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компанияси ҳузуридаги «Сўғдиёна транс» шўъба корхонасининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бугун яхши тарбия самарасидан баҳраманд бўлган Мусожон ҳожи ва Тожилахон ҳожи оналарнинг Аллоҳга беадад шукроналар айтишининг боиси ҳам ана шунда.

Оилада катта ўғил бўлмиш Музаффаржон 1990 йили битирган мактабини, устозларини, синфдош дўстларини сира унутмайди. Ўзини шундай бахтга – юридик фанлар доктори илмий даражасини олишига мактаб партасида ўтирган пайтларида замин яратган устозларини чексиз ҳурмат билан эслайди. Музаффаржонга ҳам уйда, ҳам мактабда бирдек таълим-тарбия берган онаси –Тожилахоннинг қўлида бошланғич мактабни тамомлади. Сўнгра Тожали Бойбобоев, Хидирали Мажидов, Ўктам Раҳимжонов ва бошқа бир қатор устозлардан сабоқ олди.

Музаффаржоннинг босиб ўтган илмий фаолияти алоҳида диққатга сазовор.

Музаффаржон Мамасиддиқов 1974 йил 26 январда Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида (ҳозирда шаҳарча) туғилган.

1980 йили Риштон туманидаги Ю.А.Гагарин номидаги 3-ўрта мактабга ўқишга кириб, уни 1990 йили «аъло» баҳоларга тамомлаган.

1991 йили Тошкент давлат юридик институтига ўқишга қабул қилинган ва 1996 йили мазкур институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Давлат имтиҳон комиссиясининг тавсиясига кўра, 1991 йили Тошкент давлат юридик институтининг «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган. 2006 йилгача мазкур кафедрада ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи, доцент, кафедра мудири ўринбосари лавозимларида ишлаб келган.

2004 – 2006 йиллар мобайнида институтнинг илмий кенгаши котиби лавозимида фаолият олиб борган. 2002 йил 28 декабрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор Ш.Ш.Шораҳмедов илмий раҳбарлигида «Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришининг процессуал хусусиятлари» мавзусидаги диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2003 йил 22 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори билан

юримдик фанлар номзоди илмий даражасини олган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2006 йил 25 майдаги қарорига кўра доцент илмий лавозимига эга бўлган.

2006 йил март ойидан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг «Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар» кафедраси мудирини лавозимида ҳам фаолият юритмоқда.

2009 йилнинг март ойида «Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришни назарий ва амалий муаммолари» мавзусида юримдик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2009 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарорига кўра унга юримдик фанлар доктори илмий даражаси берилган.

М.М.Мамасиддиқов томонидан 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув, ўқув-услугий қўлланмалар, монография ва рисоалар чоп эттирилган. Хусусан, «Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришни процессуал хусусиятлари», «Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари» ва «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» мавзусидаги монографиялар, «Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш», «Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари», «Буйруқ тартибида иш юритиш», «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг «Буйруқ тартибида иш юритиш» номли 20-бобига шарҳ», «Фуқаролик процессида прокурор иштироки», «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши» номли ўқув-амалий ва ўқув-илмий қўлланмалари, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи (схема ва жадваллар)», «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи» номли ўқув-услугий қўлланмалари шулар жумласидандир. Шунингдек, 2010 йили мамлакатимиз фуқаро-

ролик процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда давлат таълим стандарти, фан дастурида белгиланган талаблар асосида «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи» номили дарслиги чоп этилди.

Ҳозирги кунда унинг илмий раҳбарлигида 10 дан ортиқ тадқиқотчилар юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун изланиш олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишга қаратилган бир қатор мақола ва рисоалар муаллифи ҳисобланади.

Оилали, бир нафар ўғли ва уч қизи бор.

Музаффаржоннинг таржимаи ҳолини ўқиб чиққан устоз-муаллим қуйидаги сатрларни битди.

*Бир замон эдинг устоз-муаллим,
Ушбу шоғирда берганда таълим.
Илм бўстонида мисоли ниҳол,
У бугун улғайиб, топибди камол.
Мўл ҳосил берибди сенинг меҳнатинг,
Шукр қил ўзига, унут заҳматинг.*

АЛЛОМ ЗОҲИДОНИЙ

Алломжон ишдан келиб, ювиниб-артинди-да, ташқарига – болаларининг олдига чиқмоқчи бўлиб турганди, қўл телефони жиринглаб қолди:

– Эшитаман.

– Ака, бу мен Ақром. Қалай, яхшимисиз? Келинойимлар, жиянлар яхшими?

– Яхши, ҳаммаси жойида. Ўзинг, болаларинг қалай?

– Бизникилар ҳам ўзингиз кўргандек. Ака, Фарғонадан, Зоҳидондан телефон қилишганди.

– Ким? Кимлар?

– Бизникидан қайнотам – Муслиманинг дадаси.

– Ҳа, яхши юришипти эканми? Тинчликми?

– Мактабда ўқитган домлангиз – тил-адабиёт ўқитувчиси...

Домланинг исм-фамилиясини эшитгач деди:

– Ҳа, ҳа... эсимга тушди. 7 – 8-синфларда она тили ва адабиёт-

дан дарс берганди. Домла соғ-саломат эканми? Қандай хизмат бор экан менга?

– Домла сизни эслаб, ижтимоий фаолиятингизга қизиқиб, Алломжон шу кунгача босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида қисқача ёзиб юбора олмасмикан дебди.

– Ҳа, тушундим, бажонидил ёзиб юбораман. Хўп, уйдагиларга мендан салом айт.

Алломжон ҳар бир ишни тез ва пухта бажаришга ўрганган. Жавобни пайсалга солиш яхши эмас. У компьютер олдига ўтирди-ю, ёзишни бошлади.

Юсупов Алломжон Низомович 1963 йил 9 декабрда Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида оддий чорвадор оиласида туғилган.

У охири жумлани ёзиб бўлгач пултни босиб ўчирди. Кўз олдига отаси келди. «Ўғлим, бутун умрим колхоз подасининг кетида ўтди. Сен мендақа бўлма, ўқи. Сенга исм қўйдиргани мулланинг олдига олиб кирганимда, «Низомжон, сенинг зурриётингдан ҳам зўр олим чиқсин. Ўғлингнинг исмини Аллом қўйгин. Аллом, аллома зўр олим дегани», – деганди». «Аллоҳ раҳмат қилсин сизни, отажон. Менинг камолимни кўролмай кетдингиз. Ёруғ дунёда нима хузур кўрдингиз? Қани ҳозир ёнимда бўлсангиз!» Алломжон кўз ёшини арти-да, яна ёзишни бошлади.

1971 – 1979 йилларда Зоҳидон қишлоғидаги 3-сонли ўрта мактабни тугатиб, тўлиқсиз ўрта маълумот олган. 1979 – 1983 йилларда Наманган қишлоқ хўжалик техникумини имтиёзли диплом билан тугатган. 1983 – 1985 йилларда армия хизматида бўлган, хизмати Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Набережные Челны шаҳрида ўтаган. Армияда хизмат қилиш давомида «фуқаро мудофааси» курсини битириб, фуқаролар инструктори гувоҳномасини олган. 1985 – 1990 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг фалсафа ва иқтисод факультети фалсафа бўлимини битирган. Алломжон босиб ўтган йўлига разм соларкан, самарасиз бўлмаганини кўриб ичида қувониб қўйди. Университетда ҳам ўқиди, ҳам ишлади, жўшқин ҳаёт қўйнида ижтимоий вазифаларни бажарди. Унинг илмий иқтисодчи ёзган курс ишларида яққол кўриниб турарди. Шунинг учун факультет илмий кенгаши университетни битираётган Алломжонни ассистент ўқитувчи вазифасида олиб қолишга қарор қилди. 1990 – 1993 йилларда бир вақтнинг ўзида

кундузги аспирантурага таклиф этилди, университетнинг «Социология» кафедраси ихтиёрида ўқиди.

Ижтимоий жамият шахс фаолиятига ҳеч қачон бефарқ бўлмайдди. Агар ишчанлик, ғайрат, ташаббус, билим бўлса, уни юксакликка кўтаради. Алломжон ҳам шундай ижобий фазилатларга эга бўлганлиги учун, 1993 йили ички ишлар идорасига ишга таклиф этдилар. 1993 – 2006 йилларда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг турли масъул лавозимларида хизмат қилди. У ўқиш, ўрганишни меҳнат фаолиятидан ажратмади. Ички ишлар идораларидаги хизмати давомида аспирантуранинг сиртқи бўлимида ўқиб, илмий ишни ҳам давом эттирди. 2000 йили «Жамият бошқарувини демократлаштириш ва Ўзбекистон давлатчилигини шакллантириш муаммолари» мавзуида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган.

«Халол меҳнат келтирар ҳурмат», – деганларидек, Алломжоннинг хизматлари бесамар кетмади. 2006 йили унга подполковник унвони берилди. Ҳозирги кунда Алломжон Юсупов илмий, ижодий ишини давом эттирган ҳолда фалсафа ва политология кафедраси доценти лавозимида хизмат қилмоқда. Жонажон юртининг гуллаб-яшнаши, ижтимоий тараққиётнинг бош омили бўлган маънавиятни юксалтириш йўлида ижод қилмоқда. У ўз олдига аниқ вазифалар қўяди. Уларни бажаргач янги режасини белгилаб олади. Унинг навбатдаги вазифаси – илмий ишини давом эттириб, жонажон халқи ва ватани равнақи йўлида хизмат қилиш. Буюк ҳақим Абу Али ибн Сино: «Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир», – деб ёзганди ўзининг фалсафий бир қиссасида. Ҳа, Алломжон Юсупов тўсиқларни мардонавор енгиб ўтган ботир инсон. У камолот сари дадил интилган юртимизнинг алломаси Алломжон Зоҳидонийдир.

АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ЗОҲИДОНЛИК ВОРИСИ

Иброҳимжон, танаффусга қўнғироқ чалиниши билан, мактаб кутубхонасига чоқди. У китоблар териб қўйилган тахта токчалар олди борди. Иккинчи токчадан юпқа жилди китобчани олди. Унда «Миркарим Осим. «Алжабрнинг туғилиши» деб ёзил-

ганди. Бошида салла, эғнида узун қизил либос, елкаси оша кўкраги устидан эшилиб пастга инган жигарранг бўйинбоғли бола ўйчан қиёфада ўтириб алланарса ёзмоқда.

Алжабр нима экан? Яхшиси, китобни ўқиш учун олай. У кутубхоначининг олдига бориб, бу китобни ўқимоқчи эканлигини айтди. Китобни олди-ю, ташқарига чиқди. Мактаб ҳовлисидаги скамейкага ўтирди ва китобни очди. Дарсга киришга қўнғироқ чалинганини зўрға пайқаб қолди. Китоб уни ўзига ром қилганди.

Навбатдаги дарс математика экан. Ўқитувчи ўқувчилар билан саломлашиб ўтириши билан, Иброҳимжон қўл кўтарди.

– Тожибоев, қандай саволинг бор? – деди ўқитувчи унга қараб.

– Манави китобдаги «алжабр» сўзини тушунмадим, – деди бола.

Ўқитувчи унинг ёнига келиб, китобни қўлига олди.

– Миркарим Осим Ўзбекистоннинг таниқли ёзувчиларидан бири. У ўтмишда яшаб ўтган машҳур аждодларимиз ҳақида кўп ёзади. Бу китоб «Алжабрнинг туғилиши» деб номланибди, алжабр арабча сўз бўлиб, қийин, мураккаб, мушкул деган маъноларни билдиради. Математика – ҳисоб. Ҳисобнинг қийин, мураккаб масала, мисолларини ечиш усулини бундан 1200 йил илгари ватандошимиз хоразмлик Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий кашф этган. У мушкул ҳисоб масалаларини ҳал қилиш учун номаълум бир сонни тенгламалар орқали топиш йўлини кашф этди. Унинг «Ал-жабр вал-муқобала» деган китоби Европа тилларига таржима қилинганда, «алжабр» сўзидаги «ж» «г» товуш ҳарфи билан алмаштирилиб, «алгебра» айтилган.

– Демак, алгебра фанини бизнинг бобомиз кашф қилган эканда, – деди ҳаяжондан юзлари қип-қизариб кетган Иброҳимжон.

– Худди шундай, ажаб эмас бизнинг қишлоқдан ҳам Ал-Хоразмий ворислари чиқса, – деб қўйди домла.

Дарс давом этди. Иброҳимжон бутун вужуди билан дарсни тинглади. Мустақил иш берилганда, у бирпасда вазифани бажарди ва қўл кўтарди. Устоз уни синф доскаси олдига чорлади. Қўлига бўр олиб мисолларни тез ёзди.

Ўқитувчи ўқувчисининг бурро жавобларидан мамнун ҳолда унинг елкасини силаб:

– Сен, албатта, олим бўласан, Ал-Хоразмий вориси бўласан, мен бунга ишонаман, – деб қўйди домла.

Дарс тугаб, танаффусга кўнғироқ чалинган, ўқитувчи Иброҳимжонни ёнига чорлаб тайинлади:

– Сен отанга айтгин, Риштонда 1-иқтидорли ўғил болалар лицейи очилган, ўша ерга олиб борсин. Сенинг ўрнинг ўша ерда.

Иброҳим домласининг гапини оқизмай-томизмай отасига айтди. Эртаси куни отаси Тожали ака мактаб раҳбарлари билан маслаҳатлашди. Улар ҳам рози.

Шундай қилиб, 1995 йилдан Иброҳимжон лицейда ўқишни давом эттирди. 1999 йили лицейни тамомлаб, Фарғона давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирди. 2003 йили «Дифференциал тенгламалар» кафедрасида «Оддий дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни ҳайдаш усули билан ечиш» мавзuida битирув малакавий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2003/2004 ўқув йилида Фарғона шаҳридаги 16-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. 2004 йилдан бошлаб Фарғона давлат университети математика факультетига магистратурага ўқишга кириб, 2006 йили «Аралаш тилдаги тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларнинг хос сон ва хос функциялари» мавзuida магистрлик диссертациясини ҳимоя қилди. Худди шу йили Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали «Умумқасбий фанлар» кафедрасида ассистент лавозимида иш бошлади.

2007 йил январь ойида ЎзР ФА Математика институти аспирантурасига ўқишга кирди ва физика-математика фанлари доктори А.К.Ўринов раҳбарлигида «Спектрал параметрли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар» мавзuidaги номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бориб, 2009 йил декабрь ойида уни муваффақиятли ҳимоя қилди. Улуф ажлодимиз Ал-Хоразмий, Мавлавий Чўбиннинг муносиб вори си, Зоҳидон қишлоғидан чиққан биринчи математик олим Тожибоев Иброҳимжон Тожалиевич қишлоқ халқининг фахридир. Шу кунга қадар республика илмий нашрларида 13 та, хорижда 10 та илмий мақола ва тезислари чоп этилган.

2010 йилдан Иброҳимжон Фарғона давлат университети физика-математика факультети «Амалий математика ва информатика» кафедрасида ўқитувчи, айни кунларда факультет декани вазифасида янги ёш Ал-Хоразмийларни тайёрлаш учун хизмат қилмоқда.

ЭЛ-ЮРТ ТИНГЧЛИГИ ЙЎЛИДА

Ёқуббий авлодидан Ҳасанбой Зухуров

Эл-юрт хизматида юрганлардан бири Ёқуббий авлодидан бўлмиш Зухуров Ҳасанбой Маҳмудовичдир. У 1966 йил 1 январь куни Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида туғилган.

1973 йили Зоҳидон қишлоғидаги Ю.А.Гагарин номидаги 3-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинган. 1983 йили шу мактабни тамомлаган ва 1984 – 1986 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

Маълумоти олий, 1991 йили Республика рус тили ва адабиёти институтини, 2005 йили Ички ишлар вазирлиги академиясини сиртдан тугатган.

1991 йили Республика рус тили ва адабиёти институтини тугатиб, Зоҳидон қишлоғидаги Ю.А.Гагарин номидаги 3-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида 1992 йилнинг август ойигача ишлаган.

1993 йилнинг январь ойидан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида хизмат қилиб келмоқда. 2005 йили унга подполковник унвони берилган, 2008 йили Ички ишлар вазирлигининг «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Отаси Зухуров Маҳмуджон, онаси Зухурова Қумриниса Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида яшаган.

2 нафар фарзанди бор. Қизи Маҳмудова Гулрух 1991 йили туғилган. Жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида таҳсил олади. Ўғли Маҳмудов Сардорбек 1994 йили туғилган, Тошкент 1-юрдик коллежида таҳсил олмоқда.

Ҳарбий врач

Тиббий хизмат подполковниги Абдуқодиров Ҳабибулло Жўраевич 1965 йил 5 июнь куни Зоҳидон қишлоғида туғилган. 1972 – 1982 йилларда қишлоқдаги 3-сонли ўрта мактабни битирган. 1983 – 1985 йилларда ҳарбий хизмат қилган. 1986 – 1992 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетини тамомлаган. 1992 – 1993 йилларда институтнинг микро-

биология, иммунология ва вирусология кафедрасида ўқитувчилик қилган. 1993 йил 25 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари сафида хизмат қилиб келмоқда.

Оилали, 3 нафар ўғли бор.

Йўл ҳаракати назоратчиси

Ходжаев Икромжон Холдарович 1962 йил 17 сентябрь куни Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида туғилган. Дадаси Ходжаев Холдор ҳожи 1938 йили таваллуд топган, Риштон газлаштириш идорасида оддий ишчи бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада. Онаси Ҳожиева (Аҳмедова) Бувинса ҳожи она 1942 йили туғилган, Риштон тумани Зоҳидон қишлоғидаги собиқ М.Топболдиев номидаги колхозда ишлаган, ҳозир нафақада.

Ходжаев Икромжон 1969 йили Риштон тумани Зоҳидон қишлоғидаги Ю.А.Гагарин номи 3-сонли ўрта мактабга ўқишга кириб, 1979 йили мактабни битирган.

1979 йили Фарғона вилояти Фарғона тумани Аввал қишлоғида жойлашган Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш техникумининг енгил автомобилларни таъмирлаш факультетига ўқишга кирган. 1980 – 1982 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган, сўнг яна ўқишни давом эттирган. 1984 йили техникумни тугаллаб, ўз ихтисослиги бўйича Риштон шаҳридаги 8-сонли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасига тунука-соз устаси бўлиб лавозимига ишга кирди. 1987 йили Тошкент автомобиль ва йллар институтининг автомобиль хўжалиги факультетига сиртдан ўқишга кирди. 1990 йили Фарғона вилояти ИИБ ЙҚХБ алоҳида ротасига йўл патрул инспектори лавозимига ишга ўтди. 1993 йили институтни тамомлаган. 1994 йили ИИБ ЙҚХБ алоҳида ротасига ЙПХ катта инспектори лавозимига тайинланди ва унга «лейтенант» унвони берилди. 1997 йили Риштон тумани ИИБ ДАН бўлинмасига қидирув-суриштирув инспектори лавозимига тайинланди. 2001 йили Фарғона вилояти ИИБ ЙҚХБ ҳузуридаги 2-туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимига «давлат автомобиль катта инспектори» лавозимига ўтган.

2007 йили вилоят ИИБ ЙҚХБ ахборот-диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. 2007 йили подполковник унвонини олди. 2011 йил бошидан буён вилоят ИИБ

ЙҲХБ хузуридаги 2-туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимида бошлиқ лавозимида ишлаб келмоқда.

Ходжаев Икромжон оилали, беш нафар фарзанди бор.

ЗОҲИДОН – ПАҲЛАВОНЛАР, ЧАВАНДОЗЛАР ЮРТИ

Қишлоқ аҳли олис-олис замонлардан турли томошалар мухлиси бўлиб келган. Айниқса, улоқ, кураш каби мусобақаларсиз тўй-томошалар камдан-кам бўлган. Зоҳидон ўзининг Хайрулла улоқчи, Бойбува улоқчи каби чавандозлари, Аҳмад полвон, Саттор полвон, амирободлик «Дакан полвон» номини олган Холиқ полвон, кураги ерга тегмаган Тўрақул полвон (амирободлик ўлкашунос Умриниса Абдувоҳидовадан олинди), зўр полвонлигидан кўз йиқитган Жўра полвонлар билан донг таратган. XX асрнинг 60-йилларигача бу халқ мусобақалари давом этиб келган. 1970 йиллардан профессионал курашчилар Зоҳидонда ҳам фаолият юрита бошлади. 70-йиллардан белбоғли кураш кенг ёйилди. Шу муносабат билан курашнинг мазкур турига қизиқиш тобора ортди. Зоҳидонда бу кураш туридан дастлабки чемпионлар Собиржон Астанов, амирободлик Камолиддин Розиков, Исажон Мирзақуловлар етишиб чиқди.

Собиржон Астанов Зоҳидон қишлоғидаги ўрта мактабда ўқиркан, ота-боболарининг анъанавий спорт турларидан бири – белбоғли курашга қизиқиб қолди. Болалиқдан тенг-тўшлари билан курашга тушиб чиниқиб борди. 1972 йилларнинг баҳори эди. Бир гуруҳ туристлар Зоҳидонга келишганди. Улар Гагарин номидаги мактабга ташриф буюрадилар. Мактаб ёнидаги майдончада жисмоний тарбия дарси ўтиляётганди. Иккита ўспирин (9-синф ўқувчилари) белбоғли кураш тушишаётганди. Туристлар уларни қизиқиб кузатади. Курашчилардан бири йиқитади. Қарсақлар янграйди. Туристлардан бири – ёшгина йигит Япониядан экан. У инглизчалаб ёлиб ўқувчини ўзи билан курашга таклиф этади. Собиржон (ёлиб ўспириннинг исми) рози бўлади. Япон йигитига ҳам чорси белбоғ боғлайдилар. Улар кураш тушади. Кўп ўтмасдан Собиржон япон йигитини даст кўтариб майса устига йиқитади. Олқишлар бошланади. Япониялик турист Собиржоннинг елкасига қоқиб, бу йигитчадан машхур полвон чиқади деб

таржимонга юзланади. Таржимон унинг гапини ўзбекчага ўтиради. Собиржон мақтовдан қизариб кетди, аммо ичида ғурурланиб, албатта, полвон бўламан деб қўйди.

Собиржон Астанов 1973 йили Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига кириб, белбоғли кураш бўлимида курашнинг бу тури бўйича илмий-амалий маълумотга эга бўлди. Олий даргоҳда ўқиш давомида Ўзбекистонда ўтказилган мусобақаларда бир неча маротаба республика чемпиони бўлди. 1975 йили Ўрта Осиё чемпиони деган номни қўлга киритди. Япониялик туристнинг 4 йил илгари биддирган башорати тўғри чиқди. Собиржон Астанов машҳур полвон сифатида элга танилди. Олий ўқув юртини тамомлаб келган Собиржон жонажон қишлоғида жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Қишлоқ клуби қошидаги спорт залида белбоғли кураш тўғрагини оचाди. Кўплаб шогирдлар тайёрлашди. Жумладан, Собиржоннинг укаси Комилжон Астанов 1978 йили туман чемпиони, 1979 йили вилоят чемпиони деган номга сазовор бўлади.

Собиржон, Комилжонлардан сўнг Исожон Мирзақулов 1980 – 1981 йилларда Риштон тумани, вилоят чемпиони, 1992 йили Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1983 йили Тошкент давлат жисмоний тарбия институтига кирди, 1987 йили олийгоҳни тамомлаб, спорт устаси даражасига эришган. Исажон Тошкент давлат тиббиёт институти жисмоний тарбия кафедрасида ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўллар институтида кафедра мудири. Зоҳидонда белбоғли курашни ривожлантириш ва ота-боболарнинг шонли анъаналарини давом эттириш мақсадида Комилжон Астанов белбоғли кураш бўйича тўғарак очиб, навбатдаги чемпионларни тайёрлади. Ҳошимжонов Шаҳбоз 2011 йил август ойида Халқ таълими вазирлиги соврини учун бўлган мусобақада 2-ўринни олган бўлса, ўша йилнинг 16 – 17 декабрида Қўқон шаҳрида Ўзбекистон Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган кураш мусобақасида 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, 1993 – 1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Наманган шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида 2-ўринни қўлга киритди. Яқинда Астановлар сулоласидан яна бири Шохрухбек Ҳошимжонов белбоғли кураш бўйича республика чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

Зоҳидоннинг Барчинойдек Манзураси бор. Сўнгги йилларда спортнинг янги тури – кикбоксинг оммалашиб бормоқда. Спорт-

нинг мазкур тури бўйича Зоҳидонда нафақат йигитлар, балки қизлар ҳам шуғулланмоқда. Ана шундай қизлардан бири Манзура Олимовадир. Болалиқдан спортчи бўлишни орзу қилган бу қиз телевизорда қиз болаларнинг ҳам кураш, кикбоксинг билан шуғулланишини кўриб онаси Матлубахонга: «Мен ҳам кикбоксинг тўғарагига қатнашаман, майлими?» – деди тортинибгина.

– Мен-ку рози бўлавераман, бироқ дадангни билмайман-да. Кўнадими-йўқми!

Манзура индамади. Дадасидан сўраш! Йўқ-йўқ, сира рухсат бермайди. Нима қилиш керак?

Кунлардан бир кун:

– Манзураҳон, қизим, ўқишларинг қалай? – деб дабдурустдан сўраб қолди дадаси.

– Яхши, – деди секингина у.

Шу пайтда телевизорда ўғил болалар, қиз болалар спорт залида кикбоксинг машғулоти ўтказаетгани намойиш қилинаётганди. Дадаси чойдан бир хўплади-да:

– Сизнинг мактабингизда ҳам шунақа ўйинлар бўладими? – деб сўраб қолди.

– Ҳа, – деди у астагина.

– Сен-чи, сен қайси тур бўйича қатнашмоқдасан?

Манзура индамади. Унинг ўрнига онаси жавоб қилди:

– Қизингиз кикбоксингга ҳавасманд экан-у, сиздан истиҳола қилиб сўролмаяпти.

– Э, шундайми? Бунинг нимаси ёмон? Ана, телевизорда қизлар шуғулланмоқда. Қиз бола жисмонан кучли бўлади, ўзини ҳимоя қилишни ўрганadi. Яхши, мен рози, лекин бир шартим бор... Шартим шуки, кикбоксинг бўйича чемпион бўлиши, олтин медал олиши керак. Шунга кўзи етса, марҳамат, қатнашин.

«Интилганга толе ёр», – деганларидек, Манзуранинг ҳаракатлари бесамар кетмади. 8-синф ўқувчиси, 14 ёшли Манзура Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Риштон туман спорт мусобақасида таэквондо II даражали диплом билан тақдирланди. 2007 йили Андижон туман «Норин обиҳаёт» кикбоксинг спорт клуби биринчилиги очиқ мусобақасида 60 кг вази бўйича I даражали диплом олишга эришди. Ниҳоят, 2008 йили ёшлар ўртасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионатида

60 кг вазн тоифасида Манзура Олимова 1-ўринни олиб чемпион бўлди. Қизининг мусобақадан ғалаба билан қайтганини эшитган дадаси:

– Мана бу бошқа гап. Ўртага чиқма, ўртага чиққандан сўнг ғолиб бўлмагунча қўйма деган кексаларнинг гапи бор. Барақалла, қизим, ота-бобонг шаънини балад кўтарибсан, – деб уни мақтади.

Дадасининг мақтови унга куч-райрат бағишлади. Ўша йили Марғилон шаҳар педагогика коллежининг жисмоний тарбия бўлимига ўқишга кирди. Бу ерда унинг истеъдоди янада сайқал топди. У Андижон вилоят «Норин обиҳаёт» спорт клуби ва Фарғона спорт клуби ўртасида ўтказилган кикбоксинг мусобақасида 60 кг вазн тоифасида 1-ўринни олгани учун мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Худди шундай мукофотни Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган мусобақада ҳам олди. Наманган шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган очиқ биринчиликда 70 кг вазн тоифасида олтин медал, I даражали дипломни қўлга киритди. Хуллас, Манзура Олимова коллежни битиргунча кикбоксинг бўйича барча мусобақаларнинг ғолиби бўлиб олди.

У бугунги кунда Зоҳидон шаҳарчасининг қоқ марказидаги 13-ўрта таълим мактабида ўқитувчилик қилиб, келажакда ўзига ўхшаган чемпионларни камолга етказиш учун интилмоқда.

Манзуранинг Зоҳидон шухратини ёйганидан илҳомланган ҳаваскор шоир унинг шаънига шундай шеър битмиш:

*Зоҳидоннинг ўтмишида паҳлавонлар кўп эди,
Аҳмаду Турсун, яна Саттор, Даканлар кўп эди.
Ушбу кунда Зоҳидон номин дoston айлаган,
Собир, Исо, Шаҳбозу қизи Манзур бўлди.*

ШЕЪРЛАРИ ГЎЗАЛ БИР ДУНЁ...

Ойдин Темирова Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида туғилган. «Қалбимга яқинсан» (1998), «Соғинч мамлакати» (2011) шеърий мажмуалари чоп этилган. Шеърлари «Гўзал бир дунё», «Фарғона оҳанглари» тўпламларига киритилган.

Ҳозирда ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими нашри бўлган «Қалб садоси» газетасида фаолият олиб бормоқда.

«СОҒИНЧ МАМЛАКАТИ»

(шеърий тўпламдан)

ЗОҲИДОН

«Бу кўчалар жингилзор эди, –
 Ажиб эртак сўйлайди отам.
 – Аравалар сизмас, тор эди,
 Кечалари кўрққудай одам...»
 Сўйлайверар барини бошдан,
 Тикланади кесилган тоғлар,
 Кўз йиқитган Жўра полвону
 Ёғоч кавуш кийишган чоллар.
 Йиртиқ бўйраларда тиз букиб
 Алтомиллар айтилган онлар.
 Бу қишлоққа келмаган қайтиб
 Биз билмаган аҳли иймонлар.
 Тошландилар энди тупроқлар,
 Кўчаларни бўшатмас улов.
 Югуролмас яланг оёқлар,
 Боласини кўймайди биров.
 Том ошмайди энди кўшинлар,
 Фурсати йўқ, ҳадди сизмайди.
 Бўшаб ётаверар сўрилар,
 Ҳеч ким чиқмайди...
 Ич-этини тирнайверади
 Кўчага кўз тиккан чолларнинг.
 Шаҳарликман демаса эди
 Эрта Зоҳидоннинг боллари.

УЗУМ ГУЛЛАГАНДА

Узумлар гуллади уйинг олдида,
Инжа гужумлардан сачради ифор.
Тулпорлар гижинглаб тушовин узди,
Шунчалар ҳам ширин бўларми баҳор?!

Шитирлаб тизимга урди майсалар,
Нафасин юзимга урди майсалар.
Жаннат хурларининг мушқидан ширин,
Жийда гулларининг ишқидан ширин –
Узумлар гуллади уйинг олдида.

Шу кеча тилладай товланади ой,
Шу кеча бошимга тегар юлдуззор.
Шу ишқ тунларнинг ҳавоси ширин,
Кумуш жилғаларининг навоси ширин,
Узумлар гуллади уйинг олдида.

Жужуқ бедаларнинг титроқларида,
Лойқа ариқларнинг қирғоқларида,
Қалдирғоч чуғури, сайроқларида,
Асалариларнинг дудоқларида –
Узумлар гуллади уйинг олдида.
О! Хурдай ҳавога учмоғим учун,
Исларин симириб ичмоғим учун,
«Дод!» дея жонимдан кечмоғим учун –
Узумлар гуллади уйинг олдида.

ОЙДИН ТУН

Оппоқ тун!
Ў! Тоғлар бағрида ястаниб ётган
Харсангтошлар узра қуйилди ёғду,
Илдизини ювиб ёмғирлар оққан
Қари арчазорга ёғилди дув-дув.

Кумуш тангалардай жиринглаб чопган
Жилғалар сувида тилга сиргалар.

Ойнинг танасидан қўйлиб зангор,
Барелар ҳовучидан жилдирар алар.

Шамоллар тўшига урилиб
Гиёҳлар юзига сачради нурлар,
Қиёқлар юзига сачради нурлар.
О! Нурга чайлиб тебранаётган
Жийдалар гулидан сархуш жингуллар.

Янтоқлар танига чирмашиб
Сутга тўйиб ётар тиллақўнғизлар.
Ям-яшил ислари гуркирар,
Ялпизлар, ёвшанлар, андизлар.

Сумалак сувларга айландим,
Силкинган сувларга жон улаб.
Симириб-симириб тўймайман,
Сут оқар челақлаб-челақлаб.
Челақлаб-челақлаб...

ДАЛАДА

Ҳавога ёзилган сўзларни уққан
Отамнинг қўлида сўйлайди тупроқ.
Гуё болаликдай кўнглимга яқин
Кунининг кулгичида ўсган ҳар гиёҳ.
Тонггача бу ердан силъимамайди ой.
Аямай сочади меҳрини кўёш.
Бунда кўшиқ куйлаб ётар қиёқлар,
Бунда янтоқлар ҳам менга қариндош.
Онамдай мунислик, отамдай ростлик,
Бобамдай ҳотамтой, бағрикенгликни
Серҳашам шаҳардан қайтгум соғиниб,
Фақат далаларда бўлган тенгликни.
Шаддод қиз-жувонлар кулгуларига
Қаҳқаҳа кўшади лойсувоқ шийпон.
Сўзсиз кутиб турар эгаларини
Кекса тол шохида бир шода кетмон.
Бугун тупроқ тўзган йўллари юмшоқ,
Кўнглим ҳам дехқоннинг кўнглидай ҳалим.

Сутпечак исидан сархуш ва масрур
 Яшариб-яшариб кулмоқ истадим.
 Тиллақўнғиз териб яйрайди дилим,
 Ниначизор бўлар гўё кенг олам.
 Узатишган қиздай қўмсаб келаман,
 Отамнинг уйига ўхшайсан, далам.

БАҲОР

Қаро тун кўксини чатнатди чақин,
 Тупроққа Масихдек дам урди найсон.
 Гўё сочаладай сочилиб кетди
 Қирлар этагига қил-қизил маржон.
 Саҳаррез бодомлар бўлди пурханда,
 Абрлар заминни этди чирманда.
 Тоғларнинг оқ-оғпоқ либосин судраб,
 Қишқираб чопдилар ирмоқлар тонгда.
 Қулоқларга майин найин чалди ел,
 Аршқлар лабида илжайди чечак.
 Ҳалимдай юмишаган қари қирларга
 Баҳорни опичлаб кетди бойчечак.

ЁРИМА ЁРДИМ КЎНГЛИМИ

Ёрима ёрдим дилимни, мақсудим шулмасмиди?
 Бўлса оишқ ёр ўзи аҳволима кулмасмиди?

Ул табибмас, ҳоли бемор бошидин ўтмас эса,
 Йўқса, бул озорлар тиб аҳлига зидмасмиди?

Ғамиким тортар димиға ёндирурға басма-бас,
 Шамнинг қилғон иши парвоналарға қасдмиди?

Олсанг ол, дердим, бу жонни, қил неки кўрсанг раво
 Ёки биз бечораларнинг жонин арзитмасмиди?

Ойдино, зор ўлди умринг бир дилюзор кўйида,
 Ишқ – олов, э воҳ, танинг ўтлар қаланган хасмиди?

ОНАМ МЕНИ...

Онам мени тутинди узатмоққа,
Игаларин улашдилар ҳар ёққа.
Холаларим учиб-қўниб келдилар,
Ангишвона тақилди кўп бармоққа.

Отам бирдан бозорчига айланди,
Сеплар чинор сандиқларга жойланди.
Юрагимни бир дард эзиб қийналдим,
Тунда кўзлар юлдузларга айланди.

Бозор бўлдим, арзон бўлдим, келмадинг,
Буреут эдинг, буреут бўлиб елмадинг.
Қийин бўлди, ўйин бўлди ўйларим,
Бу қишлоқда бир тўй бўлди, билмадинг.

Сочларимнинг чилвиридан бойландим,
Сирларим ҳам сепларимдай жойландим.
Янгаларим юлиб кетди ўйимни,
Йиғлай-йиғлай келинчакка айландим.

АЁЛЛАРДАН БОШЛАНАР МИЛЛАТ

(Қизимга)

Аълочи бўлмасанг майлига, ўғлим...

С.Капутикян

Аълога ўқимай кўяқол, майли,
Сенга кўп машҳурлик ярашмас, қизим.
Ўзим насихатни ўсдим суймайин,
Қарзим бор, бори йўқ айтарим – сўзим,

Менинг топганим – сен, келажагим – сен,
Мен илдиз бўларман, сен эсанг элат.
Ўзим деб яшашга йўқдир ҳаққимиз,
Ахир, аёллардан бошланар миллат.

Олима бўлма, кўй, бўлма шоира
Ё раҳбар бўлурни қилмагил ният.
Лек боланг онасин билмоғи учун,
Олиму шоирдан ўзмоқлигинг шарт.

Мурғак вужудингга ярашсин қувват,
Томирингда соғлом қон оқсин бутун.
Ўғлине Алпомиш-у, қизини Тўмарис,
Набиранг Алптегин туғилсин учун.

Суйган йиғитлару куйган йиғитлар
Юсуф бўлмасинлар, бўлмасин Маҷнун.
Бишиб куйгил, сенинг зурриётингга
Асл ота бўлолсин бир кун.

СОҒИНЧ МАМЛАКАТИ

Салқин чинорларнинг мамлакатада
Соғинчдан куйлашар озод шамоллар.
Шу ўктам, виқорли чинорларгина
Ўтпуг соғинчларнинг тафтини олар.
Ў, у дамлар!..

Ойнабанд кўш эшик, оловбанд кўнгул,
Толиба, китобга тўла тўрвалар,
Баҳорий орзулар обод этган дил,
Ўйлар гўзал эди, орзулар дилбар.
Тўкис қизлар эдик, текис, тенгқурам,
Шамолдай югурук эртадан то кеч.
Бир йиғит бўларди ҳаммадан ўктам,
Сенга ўхшар эди, эслисанми ҳеч?
Фарғона?!

Бир йиғит бўларди ҳаммадан ўктам,
Сочлари тим сиёҳ, кўллари тароқ.
Кибри бўлса ҳам, мағрур бўлса ҳам,
Суйган бўлар эди хурларинг бироқ.
...Балки, унут бўлган ёдидан ёдим.
Фарғона...

Чинорлар тебранар беармон, бесас,
Шамолдай адашдим йўллар қатида.
Мени ҳеч ким билмас, ҳеч кетгим келмас
Зангор соғинчларим мамлакатидан.

ФАЗОЛАРДА ЭДИ УНИНГ НИГОҶИ

Китобни битиб бўлгач нашриётга топшириш тараддудида эдим. Шаҳарча фуқаролар йиғини котиби Расулжон Раззоқов менга бир расмни кўрсатиб қолди!

– Домла, бу йигитни танийсизми?

Расмни қўлга олдим. Учувчи либосидаги йигит, чеҳраси таниш кўринди. Унинг кўзлари чақнаб олис-олисларга, уфқлар оша дадил боқиб турарди. Бу лочин кўз ким экан? Ҳа, ёдимга тушди...

Ўтган асрнинг 80 – 90-йиллари ўрталарида мен мактаб томон велосипедда ошиқиб кетаётганимда, қишлоқ гузари йўлининг ўнг томонида эғнида тўқ яшил рангли плаш, оёғида қора туфли, шапкасида учувчилик нишони бўлган бир йигит кичик жомадончасини кўтариб менга қарши жадал юриб келарди. Мен уни танидим. У Зоҳидоннинг Чўлигулистон мавзеидаги Муҳаммад Вали (қишлоқда уни Мадвали дейишарди) аканинг иккинчи ўғли Ғанижон эди.

– Мадвали аканинг ўғли-ку! – дедим. Расулжон ҳам буни тасдиқлаб:

– Ҳа, худди ўша. У қишлоғимиздан, нафақат қишлоғимиздан, балки Риштон туманидан чиққан биринчи учувчи экан, – деди ифтихор билан.

Котиб йигитнинг фахрланишидан тушундимки, уни унутиб бўлмайди. Зоҳидон қишлоғидан чиққан бу йигит ҳамманинг фахри. Афсуски, у орамизда йўқ. Ўтган йили (2011 йил) Ғанижон Мадвалиевич Йўлдашев бу фоний дунёдан боқий дунёга кўчган экан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин).

Бор-йўғи 56 йилгина яшаган Ғанижоннинг отаси бир умр далада кетмон чопиб, қўш ҳайдаб, тезак тутатиб, заҳоб сув ичиб, етмиш йил ҳам умр кўрмай ўтиб кетган, аммо ўғилларининг тўғри йўл танлашига раҳнамолик қилгани менга маълум эди. Фарзандлари Муҳаммад Вали отанинг армонларини рўёбга чиқарди.

Ота катта ўғли Алижонга ҳам, Ғанижонга ҳам ҳар доим шундай насиҳат қиларди:

– Тақдир экан, менинг ҳаётим, бошим оғир меҳнатдан чиқмади. Ўғилларим, ўқинглар, саботли, довбюрак, лочин йигит бўлинглар, эл-юртнинг хизматини қилиб обрў орттиринглар.

Бу панд-насиҳатлар Алижоннинг ҳам, Ғанижоннинг ҳам хотирасида бир умр муҳрланиб қолди.

Алижон инженер бўлди. Ғанижон қишлоқда бошланғич синфини, сўнгра Сўхободда ва Риштон шаҳарчасидаги мактабда ўқиди. Кейин Ригада Фуқаро авиацияси мактабида билим олиб, синовчи-учувчи мутахассислигини эгаллади. Узоқ йиллар Россия шаҳарларида фуқаро авиациясида ишлади. 1985 – 1990 йилларда эса Фарғона шаҳрига келиб, Ўзбекистон ҳаво йўлларида ўз ватандошларининг оғирини енгил қилди. Ғанижон довюрак, ҳақиқий лочин йитит эди. Ҳаётининг сўнгги дамларида ҳам унинг нигоҳи фазоларда бўлди.

Рус ёзувчиси М.Горький ёзганидек: «Ботирларнинг довюраклиги ҳаёт ҳикматидир!».

Улар жисмонан орамизда йўқ бўлсалар-да, руҳан ҳаётлар. Тириклар уларнинг руҳларига мадҳиялар ўқийди. Ботирларнинг ҳаёт йўллари янги авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб порлаб тура-жак.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Қалам йўниб кўп ёздим узоқ,
Тарашиланиб у бўлди тўмтоқ.
Қораланди қанча саҳифа,
Кўнгиш таскин топмади бироқ,
Нечун?
Жавобига ақл ноқис!
Жўяли сўз топмай бир оғиз,
Таваккулни қилиб ўзига,
Сўнги сўзни битдим мен ожиз.
Лою қилдан ясалган тузоқ,
Қуш бўйинини қисганда узоқ,
Дейди: «Эй зотим, менга раҳм қил!»
Дам дейди: «Зулмкор ўзингсан бу чоқ!»

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абдувоҳидова У. Амиробод тарихи (қўлёзма). – 36 б.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб (XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача). – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – Б.292 – 335.
3. Абулғозий Б. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 146 б.
4. Авазмуҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамой. – Тошкент, 2012. – 326 б.
5. Адабий мерос. Илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1989. – №49 – 50.
6. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 132 б.
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
8. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.
9. Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.
10. Бурҳонов Х. Умр зарварақлари. – Андижон: Андижон, 2011. – 140 б.
11. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 332 б.
12. Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг тарихи. – Фарғона, 2007. – 189 б.
13. Ёқубжонов Н. Поччанинг бошига етишди // Адолат йўли. 1995 йил сентябрь.
14. Жалилова Г. Зоҳидоннома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – 297 б.
15. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966. – 308 б.
16. Қаюмий П. Тазкирайи Қаюмий. 1-китоб. – Тошкент, 2009. – 230 б.
17. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити // Асарлар. 7 жилд. 1-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.4, 11, 12 – 14, 112 – 113.
18. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 397 б.
19. Мамадалиев Х. Ўқитувчиларнинг маҳаллий шева хатола-рини тузатиш тажрибасидан // Она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидан. Тўплам. – Тошкент, 1965. – Б.106 – 112.

20. Махмур. Шеърлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1959. – 55 б.
21. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Ташканди. Ансоб ус-салотин ва таварих ал-хавакин / Перевод, примечания и указатели С. Ёулдашева. – Ташкент, 2006. – 252 с.
22. Мирза Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
23. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 121 – 123.
24. Мирзаолимов Ш. Ота изларини излаб // Риштон ҳақиқати. 1995. – №10.
25. Муҳаммад Ҳақимхон тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 716 б.
26. Носиров Т., Мамадалиев Х ва б. Риштонлик давлат арбоби ва шоир Вазирни биласизми? // Фарғона ҳақиқати. 2010 йил 16 июнь.
27. Папаров Ю. Белое солнце пустыни // Юность. 1990. – №1.
28. Саримсоқов Ж. Ибратли умр // Авангард. 1965 йил июнь.
29. Сино Абу Али. Фалсафий қиссалар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – Б. 48.
30. Темирова О. Соғинч мамлақати. Шеърлар. – Тошкент: Akademnashr, 2011.
31. Троицкая Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968.
32. Фазлий А. Маҷмуаи шоирон. Тошбосма. – Тошкент, 1325 (ҳижрий).
33. Фарғона вилояти Риштон тумани «Коммунизм» колхозии тарихи. – Тошкент, 1974. – 90 б.
34. Фирдавс боғи. – Тошкент: Шарқ, 1996.
35. Худаярханзаде (Ибн Яминбек). Анджум ат-таварих. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011 – 420 с.

МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

1. Исмоил бобо Раҳмон ўғли, тахминан 1971 йили вафот этган.
2. Мирзоаминов Мухторжон, 1951 йил туғилган, Зоҳидон шаҳарчаси.
3. Ниёзов Иброҳимжон, 1927 йил туғилган, Зоҳидон шаҳарчаси Сизза маҳалласи.
4. Нуриддин Шарофиддин ҳожи, 80 ёшда. Тошкент шаҳри.
5. Мастура отинбиби Мулла Холиқ қизи (1904 – 1981). Зоҳидон шаҳарчаси.
6. Олимова Манзура, 1992 йил туғилган, Зоҳидон шаҳарчаси.
7. Олгиниса биби Мулла Холиқ қизи (1910 – 1992). Душанбеда вафот этган.
8. Охунов Илҳомжон, 1945 йил туғилган, Зоҳидон шаҳарчаси.
9. Файзиев Абдулла, 82 ёшда.
10. Қўзибоев Шарофиддин, 1928 йил туғилган, Зоҳидон шаҳарчаси Ўзбек маҳалласи.
11. Ғофуров Азимжон, 79 ёшда. Зоҳидон шаҳарчаси, Кўтарма маҳалласидан. Фарғона шаҳрида яшамокда.
12. Юнусов Ғофуржон (1927 – 1998), Тоҷик маҳалладан.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРДАН

2011 йил май ойлари эди. Йўлдош телефонимга бир нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлди. Эшитсам, бир ёши улуғ одам ҳазин ва чарчаган овозда гапирди: «Домла бормилар? Икки кундан бери сизни қидираман, тополмайман. Фарғонанинг Зодиёнидан келдик. Мана ҳозир Навоий номидаги Адабиёт музейидан рақамларини топиб телефон қилишман». Мен бу нотаниш инсонга қандай оғирлигим тушибди дедим ва нима хизмат бор деб сўрадим. Сизни кўришим керак дедилар. Тез бориб шаҳар марказидаги Навоий ҳайкали олдида учрашдик.

Отахон Тоҷали ака ўғиллари Ҳабибуллоҳхон билан Тошкентга келибдилар. Мени излаб. Бошим осмонга етди. Домлани уйга таклиф қилдим, унамадилар. Шу боғда бир соатча суҳбат қилдик. Маълум бўлдики, улар Зоҳидон-Зодиён тарихи ва зодиёнликлар ҳақида бир китоб ёзибдилар. Қўқон хонлиги тарихига оид асарларим ва мен таржима қилган манбалар билан танишибдилар. Асар қани деб сўрадим. Асар ҳали қўлёзма шаклида экан. Мен уни компьютерда териш кераклигини айтиб, ўлкашунослик жуда қизиқ фан эканини таъкидладим. Нафақада бўлган Тоҷали Бойбобоев жуда шавқ-завқ ва қатъият билан ишга киришганларига амин бўлиб, уларга бошлаган ишни охиргача етказишлари учун омад тиладим. Қўлимдан келадиган барча ишда ёрдам беришимни ҳам айтдим.

Орадан бир йил ўтиб-ўтмас домла ёзган асарларини нусхасини зодиёнлик ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори, профессор Музаффар Мамасиддиқов орқали бериб юбордилар. Жуда хурсанд бўлдим. Ҳар ҳолда, ишда бир яхши асарнинг маълумотлари мавжуд эди. Зоҳидон тарихи ва зоҳидонликлар тақдири баҳона бўлиб мен ҳам Зоҳидон билан қизиқиб кетдим. Асар тайёр бўлганда, Зоҳидонга боришим зарур бўлиб қолди. Зоҳидон ҳақидаги китобга муҳаррирлик қилсам-у, у ерда бўлмаган бўлсам? Бу нима деган гап? Эшитганлар нима дейди? Қолаверса, китобни фотосуратлар билан ҳам тўлдириш керак эди.

Сафарга чиқдик. Сафарга Музаффаржон, уларнинг ўғиллари ва дўстлари Абдунаби билан бирга бордик. Бутун Зоҳидонни айландик. Ўзим учун ажойиб ва меҳмондўст халқни кашф этдим. Бир кун давомида Зоҳидон шаҳарчасининг раиси Эркин Абдуллаев, уларнинг муовини, фотограф Омонбой, Музаффар-

жон, домланинг ўзлари билан бутун шаҳарчани айланиб чиқдик. Хунармандлар, боғбонлар, касана билан машғул бўлганлар билан танишдик. Фермерларнинг далаларида бўлдик. Ҳар жабҳада ҳаёт қизғин. Эркин Абдуллаев Зоҳидонни мақташдан чарчамасди. «Ўтган йилнинг ўзида зоҳидонликлардан 59 нафари машина сотиб олган», – дегани-деган эди. Буни мен ҳам кўриб тасдиқлагим келади. Шаҳарча аҳолиси бой, осойишта ва тинчликда яшаб, республиканинг бошқа гўшалари каби юрт ривожига ҳисса қўшиб келаётганини кўрдим. Қаерга борсак, танишгандан сўнг дарров дастурхонга таклиф қилиндик. Бироқ ишларимизнинг кўпчилиги ва изланишларимизнинг доирасидан чиқолмай кечгача туз татимасдан ишладик. Зоҳидонни кўпроқ мустақиллик даврига оид фотосуратлар орқали ёритадиган бўлдик. Менимча, ҳар бир сурат жуда кўп маълумотларни бериши аниқ (таъкидлашим лозимки, кўп хонадон эгалари меҳмонлар дастурхонимиздан нон татимади деб ошлик маҳсулотини уйимизга бериб юбордилар).

Домланинг уйларида ҳам бўлдик. Барча оила аъзолари домланинг ишларига хайрихоҳ бўлганларини кўрдим. Асосийси, улар бу ёзишмалар домланинг бир инжиқликлари ё эрмаги эмаслигига ишонардилар. Тожали ака ўз она юрти ҳақида тарихда қоладиган бир асар ёзаётганини улар ҳам тушуниб етганлари хатти-ҳаракатларидан маълум бўлди.

Кечқурун тун ярмида бир олам таассурот билан Тошкентга қайтиб келдик.

Тошкентда бўлган зодиёнликлар ҳам ҳар қадамда домлани қўллаб-қувватлашаётганини эшитардим. Улар билан ўзим ҳам суҳбатлар қилганман. Ажойиб инсонлар.

Мана, асар ҳам ёзилди. Домла мазкур асар юзасидан бир неча бор Тошканди азимга келиб-кетдилар. Улар билан билан ёнмаёن ўтириб асар таркибини кўриб чиқдик. Баҳслашдик, тезлашдик. Мен қўшмаган жойларни домла қайта киритдилар. Илова-ларимизга эса баъзан қўшилмадилар. Ҳар сафар бориб келганларида асарга янги-янги саҳифалар қўшиб қайтардилар. Мен уларга: «Ёзишмани тўхтатмасангиз, бу асар яна икки-уч йилга чўзилиб кетади-ку», – десам ҳам, барибир, тадқиқот давом этаверди. Хуллас, мана шу қўлингиздаги китоб Тожали домла ижодларининг ёрқин намунаси сифатида оламга келди.

Албатта, асар том маънода илмий тадқиқотликка даъво қилмайди. Муаллиф ўз олдига бундай вазифани қўймаган ҳам.

Академик Азиз Ҷаюмов билан бўлган суҳбатда улар қу-йидагиларни таъкидлаган эдилар: «Муаллиф ўзи билган, кўрган ва эшитганларни қоғозга туширишга интиланган. Асарнинг ҳар бир варағида домланинг ўз она юрти ва ватандошларига бўлган му-ҳаббат ва садоқат ҳисси сезилади. Бироқ, айтиш керакки, мазкур ишнинг баъзи бўлимларида ўлкашуносликдан ташқари манба-шгунослик, тилшунослик, шевашунослик, адабиёт ва тарих, бош-қа турли соҳалар бўйича муҳим фактлар, қайдлар мавжуд. Муал-лиф кўпгина фикр ва мулоҳазаларни аниқлаш ва мукаммаллаш-тириш учун чуқур изланиш олиб борган».

Яна бир нарсани эслани хоҳлардим. Домла Тоҷали Бойбо-боев китоб нашри учун маблағ топамак дея бош эгиб кўп хона-донлар, кишилар олдига борганини ҳам биламак. Бу ташрифлар-дан домла ҳамиша ҳам хурсанд бўлмаганлар. Баъзи пулдор ва давлатдорлар, амалдорлар очикдан-очик уларнинг устидан кул-гани, муомаласи билан таҳқирлаганини ҳам сездим. Охири ўзла-ри у-бу нарсаларини сотиб бўлса ҳам китобни чоп этишга жазм қилдилар. Домлага: «Хафа бўлманг, китобингиз чиқади. Улар ҳали уялиб қолишади», – деб таскин бермоқчи бўлганман. Бироқ нима дейсизки, ҳозир муаллиф ҳам асар ёзади, ҳам ўзи пул топиб уни нашр эттиради, сарфланган маблағни қайтаролмай хуноб ҳам бўлади. Домла эса саховатманд ва хайр амални қиладиган, са-дақай жорияси учун ҳаракат қилган кишиларни қидириб юрди-лар. Лекин, афсуски, маънавийят ва маърифатга ҳамма ҳам пул сарфлагиси келмас экан...

Аллоҳнинг инояти, дўстларнинг маънавий мададлари ва Ха-бибуллоҳонинг шахсий ҳиммати билан асар нашрдан чиқмоқда.

Айтиш керакки, мазкур асарга кирмаган кўп маълумотлар, тарихий шахслар ҳақида ёзилмаган саҳифалар бор. Домлани кей-инги ишларга даъват этган ҳолда асарнинг биринчи китобини тақдим этмоқдамиз. Аллоҳ умр берса ва муваффақият ёр бўлса, асар яна тўлдирилиши мумкин. Китобхонлар ёрдамида бошқа тарихий сиймоларнинг ҳаёти ёритилажак, бошқа саҳифалар ёзи-лажак. Китобда бўлган хато-камчиликлар тузатилажак. Беайб фақат Тангри таолодир. Меҳнатимизга шафқат кўзи билан қарай-сизлар деган умиддамиз.

*Шодмон Воҳидов,
тарих фанлари доктори, профессор*

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддас битишлар (Эркинжон Абдуллаев)</i>	3
Муаллифдан	5
Ўзбекистон – муқаддас ватан	7
Мозий ёғдулари	7
Суронли асрлар садоси	9
Зоҳидонда суғориш ишлари тарихидан	13
Зоҳидонда боғдорчилик	14
Зоҳидон, минг уйли Зодиён атамалари тарихи	15
Зоҳидон қишлоғи ҳақида ривоят	17
Зоҳидондаги қадамжолар	17
Зоҳидонлик уламолар	18
Зоҳидондаги ашгликлар тарихи	19
Келин олиб қочган от-арава	20
Зоҳидон ҳудуди ва аҳолиси	22
Мустафоқул амин Сотиболди додхоҳ ўғли	24
Абдумансур (мингбоши) амин	24
Муҳаммаджон амин Ҳомидбой ўғли	25
Номлари қизиқ маҳаллалар	27
Зоҳидонда яшаб ўтган машҳур шахслар ва уларнинг бугунги кундаги авлодлари	40
Абдулқосим Вазир	40
Доно вазир	48
Академик Азиз Қаюмов Абдулқосим Вазир ҳақида	51
Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида Абдулқосим Вазир (қиефаси) тавсифи	52
Беайб парвардигор	56
Ҳарбий ҳийла	57

Пўлатхон Қаюмий Абдулқосим Вазир ҳақида	60
Абдулқосим Вазир ва унинг авлоди шажараси	63
Ҳадя онанинг хотиралари	64
Сотиболдибек – фитна қурбони	65
Вазирнинг Зоҳидондаги авлодлари	67
Хум	67
Замзамхон ая зурриётлари	69
Мулла Ёқуббий (1777 – 1879)	69
Замон бекларининг ҳушёрроғи	73
Аҳмад Донишга баробар олим... ..	76
Тошпўлат охунд қози ва унинг авлодлари	79
Зоҳидон XX аср тарихий-сиёсий жараёнлари оғушида	80
Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши ва биринчи сув	85
Иккинчи жаҳон уруши даври	86
Қишлоқ жамоаси котиби	87
Икки дўст	94
Афғон уруши, «Пахта иши» ва Чернобил фожиаси қурбонлари	94
Зоҳидонда пахтачилик ва пиллачилик	95
Зоҳидоннинг асил деҳқонлари	96
Зоҳидонда ҳунармандчилик	97
XX аср: маориф ва маданият	99
Зоҳидонда илк шўро мактаби	100
Жўшқин ҳаёт	102
Зоҳидон шеваси ҳақида	104
Халқ санъаткорлари	110
Қизиқчилар	112
Мулла Иброҳим латифаларидан	112
Қайта ёшарган Зоҳидон	114
«Олтин юлдуз» соҳиби	114

Раиснинг таклифи	115
Режачилар	116
Дуойи хайр	117
Бошланиши	118
Бинокорлик бригадаси	119
Меҳрибонлик	120
Зодиёндан гапирамиз!	120
Электрчилар гуруҳи	122
Дўстликнинг қадри	122
Туманда биринчи	125
Ғишт заводи	126
Фаол фуқаро ва обод қишлоқ	126
Сўнги хайрли иш	128
Зоҳидон арконларидан бири	129
Ҳаёт сўқмоқлари	129
Ғамхўрлик	130
Пуштипаноҳ	131
Депутат – халқ хизматчиси	134
Юрт ободончилиги йўлида	134
Талабчан ва меҳрибон ота	135
Видо	137
Руҳлари шод бўлсин	137
Қишлоқда касаба уюшмаси	139
Зоҳидоннинг биринчи олимлари	140
Зоҳидонда табобат	143
Дорихона	144
Зоҳидонлик журналистлар оиласи	145
Биринчи муҳаррир	146
Зоҳидонлик ҳуқуқшунослар	147
Адолатли ҳукм	148
Ота изларин излаб	149

Истиқлол шаҳарчаси	154
Масжиди бор қишлоқ – нуру раҳматга булоқ	155
Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини	157
Зоҳидон шаҳарча Амиробод маҳалла фуқаролар йиғини	159
«Янги аср боғбонлари»	162
Маликжон Бобораҳимов	163
Қутлуғ кунлар ёди	163
Шаҳарчамиз кўрки	164
Мустақиллик фидойиси	165
Тошкентдаги зоҳидонликлар	173
Тошкент, менинг тақдиримдасан!	173
Шавкатжон Мирзамўминов	174
Зоҳидоннинг биринчи фан доктори	175
Аллоҳ Зоҳидоний	179
Ал-Хоразмийнинг зоҳидонлик вориси	181
Эл-юрт тингчилиги йўлида	184
Ёқуббий авлодидан Ҳасанбой Зухуров	184
Ҳарбий врач	184
Йўл ҳаракати назоратчиси	185
Зоҳидон – паҳлавонлар, чавандозлар юрти	186
Шеърлари гўзал бир дунё...	190
«Соғинч мамлакати» (шеърый тўшламдан)	190
Фазоларда эди унинг нигоҳи	196
Сўнги сўз ўрнида	197
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	198
Маълумот берувчилар рўйхати	200
<i>Масъул муҳаррирдан</i>	201

Адабий-бадший нашр

Тожали БОЙБОБОВ

**ЗОДИЁН - ЗОҲИДОН:
ТАРИХ ВА ТАҚДИР**

1-китоб

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Мусахҳих: Марҳабо ЖЎРАЕВА

Бадний муҳаррир: Феруза НАЗАРОВА

Техник муҳаррир: Хуришд ИБРОҲИМОВ

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 06.09.2012 й.

Босишга рухсат этилди: 26.11.2012 й.

Газета қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₃₂.

Harmony гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 9,15 + 1,76 суратли илова.

Шартли б.т.: 12,6. Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 80

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди
ва чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

20^А-мавзе, 42-уй.

Тел.: (+998 71) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru